

63.9

АРЗ

Н. Абдурахимова  
Ф. Эргашев

ТУРКИСТОНДА  
ЧОР  
МУСТАМАКА  
ТИЗИМИ

3.9(5-1)  
4-13

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият курилиши Академияси

Н.А.АБДУРАХИМОВА, Ф.Р.ЭРГАШЕВ

**ТУРКИСТОНДА ЧОР  
МУСТАМЛАКА ТИЗИМИ**



“Академия” нашриёти

Тошкент

2002



**Н.А.Абдурахимова, Ф.Р.Эргашев**  
**ТУРКИСТОНДА ЧОР МУСТАМЛАКА ТИЗИМИ**  
Тошкент, “Академия” 2002 й. 240 бет.

Ҳар қандай жамият ҳаётида оламшумул ўзгаришлар буладики, улар босқичма - босқич бир неча ўн йилликлар, ҳатто асрлар давомида амалга ошиши мумкин. Шу боис тарихий ўтмиш сабоқларини ҳисобга олмасдан, минтақамиизда яшаган халқларнинг тарихий тажрибасидаги ижобий ва салбий жиҳатларини чуқур илмий таҳлил қилмасдан, бугунги кунда юртимизда кечәётган ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тұлғы тушуниш ҳамда баҳолашнинг имкони бүлмайды.

Мазкур рисола ушбу ишда Сизга күмак ва дастак бүлса ажаб әмас.

## КИРИШ

Ўзбекистон замонавий мустақил давлат сифатида 1991 йилда тарих саҳнасида пайдо бўлди. У Россия империяси мустамлакачилигини давом эттирган, шуролар ҳукмронлигини таъминлаган 1924 йилги сиёсий ва ижтимоий шартномадан бутунлай воз кечди. Россия империяси очик-ойдин мустамлакачилик сиёсатини юритган, туб халқлар турмушининг камситилишини қонунлаштирган давлат бўлган бўлса, совет даврига келиб вазият янада мураккаб тус олди. Шуролар давлати мафкураси байналмилалчиликка асосланган булиб, бу назарий жиҳатдан барча миллат ва элатларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар берарди, бироқ амалда эса Совет Иттифоқи аввалги империянинг вориси сифатида тоталитар давлат тизимини юзага келтирди, бунда у давлат тузилмаларининг аввалги ҳукмронлигини ривожлантириди ва мустаҳкамлади, минтақа иқтисодини хом ашё етиширишга йуналтириди, миллий маданият ва қадриятларни оёқ ости қилди, рус тилининг расмий тил сифатидаги етакчи мавқеини мустаҳкамлаб, маҳаллий халқларга нисбатан руслаштириш сиёсатини ва шафқатсиз жазо тадбирларини амалга оширди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон учун миллий давлатчиликни тиклаш, жамиятни демократия асосида қайта қуриш ва ҳокимият функцияларини тақсимлаш тамойилларини ишлаб чиқиши, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор муносабатларини ривожлантириш учун асос бўлувчи пойдеворни қуриш бўйича машаккатли меҳнат қилиш даври бўлди.

Ҳар қандай жамият ҳаётида бундай туб, оламшумул ўзгаришлар босқичма-босқич, баъзан бир

нече ўн йилликлар ва ҳатто асрлар давомида амалга ошади. Шу боис тарихий утмиш сабоқларини ҳисобга олмасдан, минтақамиздаги халқларнинг тарихий тажрибасидаги ижобий ва салбий жиҳатларни чуқур илмий таҳлил қиласдан, шу жумладан, Урта Осиё давлатчилиги тажрибаларини ўрганмасдан, бугунги кунда буюк деб таърифлаш мумкин бўлган ҳозирги ислоҳотларнинг можияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниш ва баҳолаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қайд этганидек: «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади»<sup>1</sup>. И.А.Каримовнинг тарих фани вакиллари билан учрашувидаги сұхбатларида ушбу фаннинг долзарб муаммолари муҳокама қилиниб, ижтимоий тараққиётнинг қонуниятларини чуқур ўрганиш, Ўзбекистонда давлатчиликнинг қарор топишими таъминлаган тарихий шароитларга аниқлик киритиш,chorizm ва совет тузумларининг бу жараёнларга салбий таъсири омилларини аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди<sup>2</sup>.

Тарих фани олдига қўйилган бу вазифалар ўзбек халқи тарихини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, давлатчилик тарихининг турли босқичларидағи сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маънавий ҳаётни ўрганиш, «ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги та-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон». 1997, 140-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Ўзбекистон», 1998.

рихини тадқик қилишда бир ёқлама ёндашув, ўтмишни сохталаштириш, мустамлакачилик маф-курасини тарғиб қилиш»дан қочиш<sup>1</sup>; аввалги ту-зумлар мустақиллик ҳақидаги миллий гоянинг то-мир ёйишида қандай роль ўйнагани; бу гоя қандай сиёсий ва иқтисодий шароитларда қарор топгани; ҳалқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва давлат суверенитетини тиклаш йўлларини излаш зарур-лигини тушуниб етишига қайси омиллар туртки берганини чуқур англаб етиш зарурлигини белги-лаб беради. Бу саволларга топилган жавоблар, шубҳасиз ватандошларимизнинг бир қанча авлод-лари меҳнати, пешона тери, ақл-заковати, сабр-тоқати, ўз тарихи, маданияти, маънавий қадрият-ларини асраб-авайлаши, дўстона қўшничилик ва чин инсонпарварлик гояларига содиқлиги замираша бугунги кунда амалга оширилаётган ўзгаришлар-нинг моҳияти ва аҳамиятига чуқур кириб боришга кўмаклашади.

Юқорида курсатиб ўтилган омилларнинг етарли даражада тадқик қилинмаганлиги ва улар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, биз Ўрта Осиё давлатчилигининг табиий равишда, ўз мил-лий асосига таянган ҳолда ривожланишига тўсқин-лик қилган мустамлака даври ва совет даврининг дастлабки босқичи тарихини ва маъмурий бошқа-рув амалиётини таҳлилий жиҳатдан куриб чиқи-ва умумлаштиришга ҳаракат қилдик. Бу масъ-улиятли вазифа замираша XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошларида Туркистанда чо-ризм ва шўро мустамлакачилик тизимининг моҳи-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Та-рих институти фаолиятини таомиллаштириш тўғрисида»ги Ка-рори. «Халқ сўзи». 1998, 27 июль.

яти, хусусиятлари, ўзига хосликлари ва умумий жиҳатларини системали тарзда ўрганиб чиқиш ва концептуал тарзда қайта баҳолаш ҳозирги кунда ҳам илмий, ҳам сиёсий аҳамият касб этади. Тарихий жараённинг реал манзарасини тиклаш зарурити, тарихшунослигимизда ва умуман ўзбек халқи тарихида мавжуд бўлган ушбу муаммога доир «оқ доф»лар ўрнини тўлдириш эҳтиёжи ҳам шуни тақозо қиласди.

Тадқиқ қилинаётган тарихий даврни ўзига хос бўлган учта босқичга бўлиш мумкин. 1865-1885 йилларни ўз ичига олган биринчи босқич, чоризмнинг Ўрта Осиё хонликларига қилинган ҳарбий хуружлари, Қўқон, Хива ва Бухоро хонликларидан режали равишда тортиб олинган ҳудудларда оккупацион тартиб ва мустамлака ҳокимияти тизимининг ўрнатилиши, маъмурий қурилиш сиёсати ва амалиётида аксилиллий ва буюк давлатчилик ғояларининг устуворлигига ҳамда руслаштириш ниятларининг кучайиши билан характерланади.

1886-1917 йилларни ўз ичига олган иккинчи босқич учун, бир томондан, ҳарбий-маъмурий тизимни «модернлаштириш»га уриниш, уни умумроссия тартибларига яқинлаштириш, бошқа томондан эса, Туркистон жамиятининг барча мухим ҳаётий соҳаларини самодержавие тузуми манфатларига бўйсундириш, Туркистон халқларига қарши репрессиялар (қатағонлар)ни кучайтириш, уларнинг озодлик ва мустақилликка бўлган ҳуқуқларини камситишга қаратилган стратегик йўналишни консервация қилиш хосдир.

1917-1920 йилларни ўз ичига олувчи учинчи босқич, мустамлакачилик зулмини тугатиш ва ўз миллий давлатчилигини барпо этиш учун қуаш

даври сифатида белгиланади. Бу кураш қайд этилган йиллар давомида қатор босқичлардан ўтган бўлиб, унда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан фарқ қилган, ҳаракатланиш усуслари ва шакллари турлича бўлган кучлар қатнашди.

1917 йилнинг февралидан то октябригача бўлган давр Туркистон халқларининг сиёсий уйгониши, ўлкада кўп асрлик ривожланиш тарихига эга бўлган миллий давлатчиликнинг анъанавий асосларини ҳисобга олган ҳолда республика, парламент бошқаруви шаклини ўрнатишга уриниш борасида якдил бўлган миллий сиёсий кучларнинг ташкилий жиҳатдан расмийлашувида муҳим босқич сифатида ҳарактерланади.

1917 йил октябридан 1920 йил охиригача бўлган давр шу билан ҳарактерланадики, унда Туркистоннинг миллий-ватанпарвар зиёлилари ва кучлари совет ҳукумати томонидан декрет тарзида эълон қилинган халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини амалга оширишга киришади. Мазкур сиёсий ҳаракатлар «Туркистон Мухторияти»ни эълон қилиниши, мустақиллик ва озодлик учун қуролли курашни бошланиши билан намоён бўлди.

Айнан шу йилларда чоризмнинг марказлаштириш ва руслаштириш ҳамда агрессив-шовинистик мақсадларини ўзига мақсад қилиб олган совет мустамлакачилиги ўлкада мустаҳкам ўрнашиб олди.

**Мавзуга доир тарихшунослик.** XIX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб чоризмнинг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсати Россия жамоатчилигининг фикр-эътиборини ўзига жалб қила бошлади. Мазкур муаммонинг турли жиҳатлари Туркистонда ва Россияда чиқадиган газета ва журналларда эълон қилинган ижтимоий-иктисодий таҳлилий

материалларда, мақола ва тақризларда фаол мұхомама қилина бошланди. Мақолаларнинг мавзу қамрови анча кенг бұлиб, уларда ҳукумат доира-ларининг Үрта Осиё хонликларини босиб олиш, уларни мустамлакага айлантириш борасидаги чора-тадбирлари, у ёки бу сиёсий қийинчилик-ларни ҳал қилишининг ҳарбий усуллари, Туркистон маъмуриятининг ҳалқ оммаси норозиликлари-ни зуравонлик билан бостириш сиёсати мұхомама қилинар, Россия давлатчилиги асосларини Туркестон жамиятига фаол жорий этишнинг түғрили-ги ва мақсадга мувофиқлиги юзасидан мунозаралар олиб бориларди. Туркестонда чоризм маъмурияти-нинг ишчанлиги ҳақида турли таҳминлар айти-либ, амалдор-бюрократик аппарат томонидан амалга оширилаётган «культуртрегерлик» ва маъ-рифий тадбирларнинг муваффақияти хусусида жиғдий шубҳа билдирилған, бу аппаратнинг пора-хўрликка, зуравонликка асосланганлиги ва «янги колонияни рационал» эксплуатация қилишга ноқобиллиги ҳақидаги фактлар кўплаб келтирил-ған. Чоризм Туркестонни «капиталистик усуллар» билан ўзлаштиришга имкон беришни истамаслик-да очиқдан-очиқ айбланған<sup>1</sup>. Туркестон маъмурла-рини танқид қилиш компанияси Туркестонни бош-қаришга доир 1871 ва 1873 йиллардаги низом лойиҳалари ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим этилганидан кейин, ҳамда америкалик дипломат Е.Скайлернинг Үрта Осиёга ташрифи (1873 йил мартдан ноябрғача) тұғрисидаги ҳисоботи эълон қилинганидан сұнг айниқса қызғин тус олди.

Дипломатнинг ҳисоботида Туркестондаги аҳ-

<sup>1</sup> «Петербургские ведомости», «Дело», «Русский мир», «Биржевые ведомости», «Новое время», «Голос», «Отечественные записки», «Московские ведомости» ва бошқа кўплаб нашрларда

вол, рус маъмурларининг Ўрта Осиёдаги хонликлар ва қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги масалалар шарҳи билан биргаликда, Туркистон маъмуриятининг «ишчан» сифатларини характерловчи материаллар ҳам берилган эди. Е.Скайлер рус маъмурияти сафларида катта ойликка эга бўлиш ва мўмай бойлик орттириш ниятида бўлган кишилар кўплигини алоҳида қайд этиб ўтади; Перовск, Авлиёота ва Қурама уездларида қайд этилган порахурлик ва газна пулини ўғирлаш ҳолатлари ҳамда Хўжанд, Верний, Копал ва Перовскдаги маъмурларнинг бошбошдоқликларидан мисоллар келтиради. Скайлернинг фикрича, амалдорларнинг ноқонуний йифимлари, бошбошдоқлиги, солиқ тизимининг тартибга солинмаганлиги маҳаллий аҳолининг кенг норозилигини келтириб чиқариши ва бу билан чоризмнинг минтақадаги ҳукмронлигига хавф туғдириши мумкин эди<sup>1</sup>.

Туркистоннинг табиий ресурсларига ва уни бошқаришга қизиқиш кучайиши билан расмий йўналишларга бағишлиб эълон қилинган ишлар ҳам пайдо бўлди<sup>2</sup>. Бу ишларнинг бир қисми Ўрта Осиёни босиб олиш, бир қисми эса маъмурий ва

<sup>1</sup> Қаранг: Г.Л.Дмитриев. Депеша Е.Скайлера и проблемы среднеазиатской политики царизма 70-х гг. XIX в. Материалы по истории, историографии и археологии. Сб. науч. тр. №517. Т., 1976.

<sup>2</sup> Романовский Д.И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. Спб., 1868; Костенко А.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. Спб, 1871; Григорьев В.В. Русская политика в отношении Средней Азии. Спб., 1874; Иванов А. Русская колонизация в Туркестанском крае. Спб., 1890; Абаза К.К. Завоевание Туркестана. Спб., 1902; Кологривов Ю.В. Русские владения в Средней Азии. Спб., 1898. Свет и тени колонизации. Спб., 1914; Гессен В. О судебной власти. Сб. Судебная реформа. Т.1. М., 1915 ва бошк.

мустамлака қурилиши масалаларига, Россиянинг минтақадаги мафкуравий, иқтисодий ва савдо-сотик имкониятларини кенгайтириш йўлларига, Россиянинг бу соҳалардаги гегемонлигини таъминлаш усуулларига, мустамлакачиликнинг Россия моделини «такомиллаштириш» борасида муаллифларнинг тавсияларига бағишлиланган. Бироқ, бу ишларнинг барчасида чоризмнинг минтақада юритган босқинчилик сиёсатининг принципиал асосларига шубҳа билдирилмайди, аксинча, у чоризмнинг ташқи сиёсатдаги ютуқлари сифатида мадҳ этилади. Ушбу фикр-мулоҳазаларга асос бўлган тарихий материаллар муаллифлар томонидан бир ёқлама ва бузиб кўрсатилгани сабабли, уларнинг ишларига нисбатан танқидий ёндашувни талаб қиласиди. Манбаларга мурожаат этган ҳолда ушбу масалага ойдинлик киритайлик.

Масалан, муаллифларнинг фикрича гўёки, рус маъмурлари Туркистонда маъмурий, молиявий, судлов ва бошқа хил «ислоҳотлар»ни амалга оширишда, энг аввало, хайрли мақсадларни: Туркистон халқларини «Европа тараққиёти» даражасига эриштириш, янги «фуқаролик жамияти»ни қуришни кўзлаган. Ўзаро урушлар, Ўрта Осиёдаги ҳокимларнинг зуравонлиги ва талон-торожларидан чарчаган Туркистон халқлари гўёки ўзлари Россия тасарруфига ўтишга интилган, чоризм тузумига фақат маҳаллий хон, бек ва руҳонийларнинг айrim вакилларигина қаршилик кўрсатган, деган ғоялар тарғиб қилинади.

Н.И.Крафт, В.Н.Каплун, С.Н.Трегубов, Н.Фиолетов, Н.Вошинин, В.Гессен<sup>1</sup> ва бошқаларнинг асарларида Туркистонни бошқариш бўйича қонунчилик актларини ишлаб чиқиши жараёни, судлов тизими асослари, янги давлат муассасалари, молия тизимларини жорий қилиш тўғрисидаги аник маълумотлар билан бир қаторда, муаллифлар минтақада анъанавий бўлган, чоризм томонидан сақлаб қолинган ижтимоий-ҳукуқий институтларни ҳар томонлама таҳлил қилишга уринмайдилар. Асосан бу тузилмалар алмисоқдан қолган ва қолоқ деб таърифланиб, уларнинг үлкада вақтинчалик сақлаб қолиниши маҳаллий аҳоли «чоризм афзалликлари»ни қабул қилиш даражасига ҳали ўсиб етмагани билан изоҳланган. Юқорида қайд этилган ишларнинг мазмунидан улар, шунчаки, мавзуулар тавсифидан иборат эканлиги, уларда келтирилган фактлар жиддий таҳлил қилинмаганлиги кўзга ташланади. Муаллифлар ўзларининг мақола ва бошқа ишларида ушбу даврдаги ислоҳотлар ижтимоий эмас, балки, улар соҳа маъмурий тадбирлар сифатида чоризмнинг буюк давлатчилик ва гегемонлик мақсадлари йулида хизмат қилган, деган холоса чиқарадилар.

М.А.Терентьевнинг мустамлакачилик даврига оид расмий-монархик йўналишда бўлган «Ўрта Осиёни истило қилиш тарихи»<sup>2</sup> номли асарида

<sup>1</sup> Крафт Н.И. Судебная система в Туркестанском крае и степных областях. Оренбург, 1896; Каплун В.Н. Положение об управлении Туркестанского края. Т., 1903; Трегубов С.Н. Прокурорский надзор в народном суде Туркестанского края. Журнал Министерства юстиции. №11-12. Спб., 1903; Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах Средней Азии. Судьи казиев. Т., 1910; Вошинин В. Очерки нового Туркестана.

<sup>2</sup> Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т. I-III. Спб., 1906.

муаллифнинг Туркистон амалдорлари ва уларнинг ўлкани бошқариш соҳасидаги фаолиятига муносабати ўз аксини топган. «Рус ер сотиб олувчилари», «Ер билан чайқовчилик қилишга қарши чоратадбирлар», «Хукумат обрусиининг тушиб кетиши» каби айрим бобларида<sup>1</sup> генерал-губернатор Кауфмандан то уезд бошлиқларигача бўлган Россия бюрократияси вакилларининг қилмишларини таҳлил қилишга уринилади. Муаллиф судлов идораларининг маҳаллий амалдорлар содир этган мансаб жиноятларига доир архив маълумотларидан фойдаланиб, маъмурларнинг порахурлиги ва бошбошдоқлиги, маҳаллий аҳолидан ерларни куч билан тортиб олиши, ер ва кўчмас мулк билан чайқовчилик қилиши, газна маблағи ҳисобига турли сохта фирма ва компаниялар тузиши ҳақидаги кўплаб фактларни келтиради. Бу материаллар мустамлакачи маъмурларнинг асл ниятини фош қилиб, уларнинг «ҳалоллиги» ҳақидаги даъволарни чиппакка чиқаради. К.П.Кауфман ва унга яқин бўлган амалдорлар — Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Головачев, Тошкент шаҳри бошлиғи Мединский, канцелярия бошлиғи Савенков, уезд бошлиқлари Гуюс, Колзаков ва бошқалар ҳақидаги танқидий материаллар ушбу асарга илк бор киритилган.

А.И.Добросмысловнинг «Тошкент ўтмишда ва бугунги кунда» номли тарихий очеркида<sup>2</sup> 1877 йилги шаҳар ислоҳоти ва уни амалга ошириш жараёни куздан кечирилади. Муаллиф бу жараённинг ташкилий томонига кўпроқ эътибор бериб, унинг аҳамиятини ошириб курсатадио, лекин унинг асл моҳиятини жиддий таҳлил қилмайди.

<sup>1</sup> Курсатилган асар, III ж., 277-287, 375-379 бетлар

<sup>2</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. - Т., 1912.

Ушбу ислоҳот натижасида амалда Туркистон генерал-губернаторлиги марказида қўшимча мувофиқлаштирувчи орган — Дума ва Управа ташкил қилиниб, улардаги аксар ўринлар маҳаллий аҳолига эмас, балки худди ўша Россия бюрокра-тияси ҳамда маҳаллий савдогарлар, бойлар ва тадбиркорларга берилган. Маҳаллий аҳолининг шаҳар бошқарув органларига сайлаш хуқуқи эса чекланди. Маълумки, маҳаллий аҳолига Дума ва Управанинг умумий таркибидан, атиги 1/3 жойни ажратилган эди. Бу эса, мустамлака маъмурларнинг Тошкентнинг туб аҳолисини камситувчи сиёsat олиб борганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шундай қилиб, мустамлакачилик давридаги расмий адабиётлар самодержавиенинг Ўрта Осиё минтақасидаги манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ўлкани босиб олиш, мустамлакага айлантириш ва ўлкани бошқариш тизимини яратиш борасидаги барча тадбирларини оқлашдан иборат бўлган умумий мақсадли кўрсатма остида яратилди. Уларда биз тадқиқ қилаётган мавзунинг фақат айрим қирраларигина ўз аксини топган. Шунга қарамай тарихий нуқтаи назардан, кўплаб қимматли манбаларни умумлаштирган бу ишлар, шубҳасиз, эътиборга лойикдир.

XX асрнинг 20—30-йиллари бошларида тарихчилар янги - совет тузуми шароитида Туркистон тарихидаги реал фактлар ва мураккаб воқеа-ҳодисаларни илмий англаб етиш борасида дастлабки уринишларни амалга оширган. Самодержавие ва унинг миллий минтақалардаги сиёsatига танқидий муносабат ўта долзарб бўлган бир даврда яратилган бу ишлар мунозарали бўлиб, эҳтирос билан ёзилганлиги яққол кўзга ташланади. «Халқлар турмаси»ни бузиб, ўринида «энг инсон-

парвар, энг адолатли жамият» қуришга чин дилдан ишонган муаллифлар самодержавие давридаги «ёвойиларча эксплуатация», «қонли жазолар», талон-торож ва қирғинларнинг аянчли манзарасини чизадилар. Бунга мисол қилиб Г.Сафаров, Т.Рисқулов, А.Силонов, С.Муравейский, П.Г.Галузо ва бошқаларнинг 1917 йил февраль ва октябрь тарихига, октябрь воқеаларидан кейинги миллий-озодлик ҳаракати мавзусига бағишилаб ёзилган ишларини келтириш мумкин. Бу тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарига бу даврда мағкуравий тазийклар нисбатан кам даражада бўлганлиги эътиборга лойиқдир.

Худди шу даврда тадқиқ қилинаётган муаммога доир дастлабки концепция илгари сурилган бўлиб, у рус бўлмаган халқларнинг чор Россиясига қўшиб олиниши «мутлақ жаҳолатдир» деган мазмунга эга эди. Ушбу муаммо мазкур концепциянинг қатъий доирасида 30-йилларнинг ўрталарига қадар ёритиб келинди. Давлатчилик тарихи масалалари, мустамлакачилик тузумининг моҳияти ва асослари, уни совет тузуми билан алмаштириш шартшароитлари, Қўқондаги «Мухтор ҳукумат»нинг советларга қарши қўйилиши, Туркистонда мухториятнинг совет моделини жорий қилиш шартлари, унинг амалга оширилиши ва оқибатлари Г.Сафаров, П.Г.Галузо ва П.Алексеенковнинг асарларида ёритилади<sup>1</sup>.

Жумладан, Г.Сафаров, бу даврдаги тадқиқотчилар орасида биринчилардан бўлиб, Туркистонда мухторият фоясини тарғиб қилувчи ҳаракатнинг туғилиши ва ривожланиши сабаблари ҳам чор ҳукумати, ҳам шундай мустамлакачилик кайфи-

<sup>1</sup> Алексеенков П. Кокандская автономия. Кн.: Революция в Средней Азии. Т., 1928.

ятлари билан заҳарланган европалик ишчилар, дехқонлар, казаклар ва аскарларнинг туб аҳолига нисбатан анъанавий равишида камситувчи муносабатда булишлари натижасидир, дейди; Туркистондаги большевиклар партияси — бу «авантюрист, амалпаст ва жиноий унсурларнинг паноҳи», миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш foясини эса мусулмонлар орасида миллий тараққийпарвар кучлар, биринчи навбатда, жадидлар ҳаракати туфайли туғилиб ривож топган, деб қайд этади.

П.Г.Галузо чоризмнинг Туркистондаги маъмурӣ-бошқарув тизимининг амалиёт соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишларини ёритишга уринади. Ф.К.Гирс ва К.К.Паленниг тафтиш бўйича ҳисоботларидағи фактларга таянган ҳолда, у ҳарбий-маъмурий тизим, унинг фаолият усулларига тъериф бериб ўтади ва «юқоридаги рус ҳарбий-амалдорлар аппарати» ҳамда «пастдаги маҳаллий ҳокимият» уртасидаги муносабатларнинг уйғунлашуви рўй берди, деган хуносага келади<sup>1</sup>, мустамлакачилик аппарати «ўзининг тузилиши, рухи ва характеристига кўра» ривожланмаган, турғун булиб қолган ва шу сабабли «уни инқилоб кучи билан портлатиш зарурати кучайган» деб ҳисоблайди<sup>2</sup>.

Биз ҳарбий-маъмурий аппарат фаолиятининг тузилиши, функциялари ва асосий йўналишлари чоризмнинг минтақадаги вазифаларини мураккаблашувига мувофиқ ўзгаришга маҳкум эди, деб ҳисоблашга мойилмиз. Мустамлака маъмурияти ушбу минтақа учун анъанавий бўлган миллий

<sup>1</sup> Галузо П.Г. Туркестан — колония. М., 1929, 57-бет.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар, 98-бет.

бошқарув тузилмалари ривожланишга путур етказганлиги учун ҳам чоризм бу ерда Россия маҳкамалари ва давлат муассасаларини қадам-бақадам жорий эта бошлади. Бунга турли усуллар билан, асосан маҳаллий жамиятга нисбатан зўрлик ишлатиш йўллари билан эришилди. Ташқаридан олиб кирилган бу усуллар ўлкани эксплуатация қилиш, жамиятда ўсиб бораётган ижтимоий ихтилофларга қарши курашиш, метрополиянинг ички ва ташки сиёсатидаги ўзгаришларга зўр бериб мослаштирас эди. «Ҳокимият аппаратининг турғулиги» омилига келсак, у, бизнинг фикримизча, бошқарувнинг асосий усуллари сифатида зўрлик, ёлғон ишлатиш, қўрқитиши, коррупция ва бошқа иллатларни ўзлаштириб олган бошқарув аппаратининг амалдорлари қиёфасида кўпроқ кўзга ташланади.

30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўрганилаётган даврга доир тарихшуносликда, бу фаннинг ялпи сиёсатлаштирилиши, “фош қилиш” ва ёрлиқлар ёпиштириш, «Покровский мактаби»га мансублик, троцкизм, буржуа миллатчилигига айблаш тенденцияси етакчилик қилди. Марказ ва ВКП(б) Марказий Комитетининг талабларига мувофиқ, Ўрта Осиё бюросининг 1934 йил 23 майдаги қарори билан Ўрта Осиё тарихшунослигига «буржуа-мустамлакачилик концепциясига барҳам бериш» тавсия қилинадики, бу мазмунан ва сифат жиҳатидан очик-ойдин мунозарали бўлган ишларнинг пайдо бўлишига олиб келади<sup>1</sup>. Ўша даврдаги


---

<sup>1</sup> Галузо П.Г. Троцкистско-колонизаторская концепция истории Российского господства в Средней Азии. Революция в Средней Азии. Сб.3. Т., 1932; Гуревич А. О положении на историческом фронте Средней Азии. Революция и культура в Средней Азии. Сб.1. Т., 1934 ва бошк.

вазиятни таҳлил қилиб, М.Чұқаев ўзининг «Туркистон Советлар ҳукмронлиги остида. Пролетариат диктатурасининг хусусиятларига доир» китоби сұзбошисида шундай деб ёзади: «Сұнгги ийлларда большевиклар воқеликни бүяб күрсатишига зұр беріб киришдилар ва Туркистон «октябрь»га унга мутлақо хос бўлмаган хусусиятларни тиркай бошладилар. Ушбу йил (1935)га қадар ўтган даврда Туркистондаги октябрь инқилоби тарихига бағишлиб яратилган ва айрим ҳақиқат излари мавжуд бўлган барча совет адабиётлари аксилинқилобий..., «Туркистон октябри» башарасини «троцкичиллик» ёки ундан ҳам баттари «миллатчилик» нуқтаи назаридан «бузиб кўрсатган», деб эълон қилинди... Узининг келиб чиқишидан чучиш, «холис схема»га қарши кураш, қандай қилиб бўлмасин «Туркистон октябри»нинг бенуқсон негизга эга эканлигини исботлашга уриниш — большевистик тарихшуносликнинг ўзига хос хусусиятлари ана шулардир»<sup>1</sup>.

Тарихни сиёсалаштириш йўлининг танланиши, шунингдек, унинг мустабид тузумга қарамалигининг янада кучайиши муносабати билан «рус бўлмаган халқларнинг Россияга қўшиб олиниши» муаммосини ўрганишига кўрсатма берилди. Натижада, тарих фанида «қўшиб олиш - мутлақ жаҳолат» деган тушунчанинг ўрнига «қўшиб олиш - қисман жаҳолат» деган янгича ёндашув жорий қилинди. Бунинг оқибатида 30-йилларнинг охири—40-йилларда биз ўрганаётган муаммо юзасидан ай-

<sup>1</sup> Мустафа Чокаев. Туркестан под властью Советов. Оксфорд, 1986. 11-16-бетлар.



тарли даражада жиддий тадқиқотлар яратилмади<sup>1</sup>.

50-йилларнинг бошларида тарих муаммолари ни ўрганишга конъюнктуравий муносабат юқорида тилга олинган тушунчаларнинг янада кенгроқ талқин қилинишига ва мазмуни тахминан қуидагича бўлган, «коризмнинг мустамлакачи бўлишига қарамай, рус бўлмаган халқларнинг Россияга қўшиб олиниши прогрессив факт бўлган эди», деган навбатдаги сохта фикрнинг қарор топишига олиб келди.

Мустамлакачилик муаммолари билан шуғулланган тарихчи олимлар «босиб олиш» атамасини деярли рад этиб, «истило қилиш» иборасини жуда кам қўлладилар, уларнинг ўрнига «кириши», «киритилиши», «қўшиб олиниши», «ўз ихтиёрига қўра қўшиб олиниши» каби терминлар ишлатила бошланди<sup>2</sup>. Бунинг натижасида, мустамлакачилик тузумининг салбий оқибатларини хаспушлаш, туб аҳолининг тузумга қарши озодлик учун кураши-

---

<sup>1</sup> К изучению истории. Сб. статей. М., 1937; Якунин А.В. О применении понятия «наименьшее зло» в оценке присоединения к России нерусских народностей. «Вопросы истории». 1951, №11; М.В.Нечкина. К вопросу о формуле «наименьшее зло». «Вопросы истории». 1951, №4; Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрский период. Т., 1955.

<sup>2</sup> Материалы объединенной научной сессии, посвященной прогрессивному значению присоединения Средней Азии к России. Т., 1959; Раджабов С.Р. Роль великого русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии. Т., 1955; Гапуров М.Г., Росляков А.А., Аннанепесов М. Братство навеки. К 100-летию добровольного вхождения Туркменистана в состав России. - Ашхабад, 1983; Косбергенов Р. Прогрессивное значение присоединения Каракалпакии к России. Нукус, 1973; Навеки вместе. К 250-летию добровольного присоединения Казахстана к России. М., 1982.

нинг аҳамиятини пасайтириш, унинг миллий-озодлик йўналишини беркитишга уриниш ва бош-қа шу каби тадбирлар амалга оширила бошланди. Жумладан, Қўонда ташкил қилинган «Мухтор ҳукумат»ини аксилинқилобий, «буржуа-миллатчилиги», «панисломчилик» руҳидаги, Туркистонда февраль инқилобидан кейин юзага келган миллий ташкилотлар эса халқقا қарши ва мутлақ реакцион уюшмалар, деб баҳоланди.

Шунга қарамай, 60-80 йилларнинг биринчи ярмига келиб, тадқиқотларнинг муаммовий доираси кенгайиб борди, тўпланган тажриба ва муайян воқелик тарих фани олдига Туркистон халқлари ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг кўпгина масалаларини ўрганиш вазифасини кўйди ва улар бир қатор тадқиқотларда ҳал қилинди<sup>1</sup>.

Мустамлакачилик даврида Туркистон халқларини бошқариш усулининг айрим жиҳатлари 1905-1907 ва 1917 йилларда Туркистонда содир бўлган инқилобий ҳаракатларда, шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярми—XX асрнинг бошларида юз берган миллий-озодлик ҳаракатларига бағишлиланган ишларда кўзга ташланади.

<sup>1</sup> Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины XIX столетия до первой мировой войны). Т., 1959; Азадаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в. Очерки социально-экономической и политической истории. Т., 1965; Зияев Х.З. Средняя Азия и Поволжье (вторая половина XVI-XIX вв.). Т., 1965; Тухтаметов Т.Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX-нач. XX вв. Т., 1966; Садыков А.С. Экономические связи Хивы с Россией во второй половине XIX-нач. XX вв. Т., 1965; Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане (конец XIX-нач. XX вв.) Т., 1969; Хидоятов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. Т., 1969; Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии. М., 1974.

Чоризмнинг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсатининг айрим қирралари Н.С.Киняпина, М.М.Блиев, В.В.Дегоев тадқиқотларида ўз аксини топган<sup>1</sup>. Улар ўз тадқиқотларида асосан Ўрта Осиёдаги ҳукмрон тоифанинг ўтказган маъмурий сиёсатининг усул ва тамойиллари, олиб борган ишлари мазмуни, режалари, мустабид чоризм ҳукумати сиёсатининг умумий йўналишлари каби масалаларга кўпроқ эътиборни қаратдилар. Муаллифлар рус ҳукуматининг Кавказ ва Ўрта Осиёдаги ҳукмронлик қиёфасини чизар эканлар, ушбу ҳудудларда маъмурий ва сиёсий ислоҳотларни бошлаган ҳукмрон доиралар муаммонинг халқаро жиҳатларини (масалан, Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилиш учун инглиз-рус рақобати) ҳисобга олишга мажбур эдилар, зеро Ўрта Осиёда чоризмнинг маъмурий-худудий сиёсати шундай қурилган эдики, бу сиёсат “сихни ҳам, кабони ҳам куйдирмаслиги”, яъни ҳам Ўрта Осиёда ҳам Европада Россия обрусиининг ошишига хизмат қилиши керак эди, деган фикрни илгари сурадилар.

80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, “қайта қуриш” муносабати билан илмий тадқиқотларда «кўрсатма билан ишлаш» принципи чекина бошлади, унинг ўрнига тарихийлик принциплари тиклана бошлади. Натижада бир қатор республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар, симпозиумлар ва учрашувлар ўтказилиб<sup>2</sup>,

<sup>1</sup> Н.С. Киняпина, М.М.Блиев, В.В.Дегоев. Кавказ и Средняя Азия во внешней политике России (вторая половина XIX - 80-е годы XIX в.в.). М., 1984.

<sup>2</sup> Межрегиональное совещание по проблемам национально-освободительных движений в Средней Азии и Казахстане. - Т., 23 декабря 1987 г.; История и историография национально-освободительных движений второй половины XIX-нач. XX вв. в Средней Азии и Казахстане. Т., Фан, 1989; Военная экспансия и колониальная политика царизма в Средней Азии. Т., май 1990 г.

уларда тарих фанининг долзарб муаммолари мұхокама қилинди. Айниңса, ўзбек халқининг янги ва әнг янги давр тарихига доир күпгина масалаларга қайта назар ташланди, фикрланди, янгича таҳлил қилинди, етарли даражада ўрганилмаган масалалар, шу жумладан, чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши масаласи, давлатчилик тарихи, мустамлака ва совет ҳокимияти бошқарув тизимларининг можияти ва хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ўзига хос жиҳатларини аниклашга зътибор кучайди.

Сифат жиҳатидан янгича концептуал тусда, умум қабул қилинган илмий принциплар ва миллий истиқбол мағқурасига таянган ҳолда илмий ишларни яратишининг реал имкониятлари 90-йилларда пайдо бўлди. Натижада мустақиллик гояси руҳида ёзилган бир қатор илмий асарлар, рўзномалар, рисола ва мақолалар чоп этилди, илмий изланишлар олиб борилди. Бу ишларда бизни қизиқтирган муаммоларга тегишли бўлган чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати тарихи, жадидчилик, 1917 йил февраль инқилобидан сўнг юзага келган сиёсий партиялар тарихи, миллий-озодлик ҳаракати тарихининг янгича талқини кўзга ташланди<sup>1</sup>. Давлатчилик мавзуси қатор мақола, номзодлик ва докторлик диссертацияларида ўз аксини топди<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, муаммоларнинг анча кенг қатлами: мустамлака ҳокимият тизимининг тузилиши, функциялари, ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари, Туркистон үлкасида ҳарбий бошқарувнинг асосий тамойиллари; миллий-сиёсий ташкилотларнинг юзага келиши, фаолияти тарихи, мақсад ва вазифалари; Туркистон сиёсий тарихида миллий масаланинг асосий жиҳати ва хусусият-

лари; чоризм ағдарилганидан сұнг Туркистаннинг ижтимоий-иктисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги етакчи тенденциялар; үлкада ислохотчилик ҳаракатининг ривожланиши, унинг юзага келиши, босқычлари, стратегия ва тактикаси; илк миллий-демократик давлатчилик тажрибаси бұлган Туркистан.

---

<sup>1</sup> Октябрская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Т., Фан, 1991; Зияев Ҳ.З. Национально-освободительное движение 1916 г. «Общественные науки в Узбекистане». 1991, №7; Абдуллаев Р.М. Из истории национального движения в Туркестане после Февраля 1917 г. «Общественные науки в Узбекистане». 1993, №4; Садыков Х.Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за независимость в начале XX века. Автореф. дис... докт. ист. наук. - Т., 1994; Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии. (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане.) Т., 1995; Алимова Д.А. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана, Туркистан мустақиллiği ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Т., Фан, 1996, 6-20 бетлар; Туплам: Файзулла Ҳужаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Т., Фан, 1997; Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане. (1867-1917 гг.) Т., Фан, 1997; Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 гг. Автореф. дис... докт. ист. наук.. Т., 1998; Зиёев Ҳ.З. Туркистанда Россия таж-вузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX а.б.). Т., 1998; Ўзбекистаннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистан чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарқ», 2000; Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарқ», 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т., «Шарқ», 2000.

<sup>2</sup> Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX-нач. XX вв.) Автореф. дис... доктора ист. наук. Т., 1994; Тилавов А.Т. Становление и развитие советской политической системы (1917-1924 гг.). Автореф. дис... доктора ист. наук. Т., 1992; Шу муаллиф. Становление и развитие политической системы в советском Туркестане: опыт и уроки. Т., 1992; Ташкулов Д. Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX-нач. XX вв. Автореф. дис... доктора юрид. наук. Т., 1995; Агзамходжаев С.С. Туркистан Мухторияти. Т., Фан, 1996; Шу муаллиф. Туркистан Мухторияти: борьба за освобождение и независимость (1917-1918 гг). Автореф. дис... докт. ист

тон Мухториятининг ташкил топиши; мухториятчилик харакатининг мағлуб булиши, сабаблари ва совет мухторият моделининг ўрнатилиши; совет ҳокимиятининг миллий давлатчилик анъаналарига ҳужуми ва бопка масалалар ўрганиб чиқилди.

Умуман олганда, муаммога оид адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, чор Россиясининг Туркистонда жорий қилган мустамлака давлатчилиги ва унинг ривожланиш тенденциялари муаммосининг айрим жиҳатларини тадқиқ қилинишига, тўпланган билимлар ва эришилган натижаларинг салмоқли эканига қарамай, бутун Ўрта Осиё мустамлака давлатчилигининг ўзига хос тархий тажрибаси, бюрократик хусусиятлари, унинг турли тархий босқичларда такомиллашиб бориш динамикаси ва тенденциялари жиддий тарзда қайта фикрлашни ва кенг миқёсда ретроспектив таҳлилдан ўтказишни талаб қиласди.

**Талқикотнинг манбавий базасини** расмий иш юритиш ҳужжатлари, матбуот ва архив материаллари, хотиралар ташкил қиласди.

Маълумот кўлами ва аҳамиятига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг ҳужжатлар жамғармалари, жумладан, 1-жамғарма - Туркистон генерал-губернатори девони (Канцелярия Туркестанского генерал-губернатора); 15-жамғарма - Фарғона вилояти Чимён уезди бошлиғи бошқармаси (Управление начальника Чимионского уезда Ферганской области); 17-жамғарма - Сирдарё вилоят бошқаруви (Сырдарьинское областное правление); 18-жамғарма - Самарқанд вилоят бошқаруви (Самаркандское областное правление); 19-жамғарма - Фарғона вилоят бошқаруви (Ферганское областное управ-

ление) материаллари ва бошқа жамгармалардан олинган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларда ўлка, вилоят, уезд ва бўлис мустамлака ҳокимият тизимларининг Туркистонни бошқариш бўйича фаолияти; халқ оммасининг ахволи ва унинг чоризм тузумига қарши чиқишлари ҳақидаги маълумотлар; Туркистондаги амалдорларнинг сиёсий инқирозлар, «фавқулодда» ва ҳарбий ҳолат эълон қилинган давлардаги хатти-харакатларини таърифловчи воқеликлар, халқларнинг бу чоратадбирларга муносабати, маъмурларнинг мустамлакачилик ва руслаштириш чора-тадбирлари ҳақидаги ҳужжатлар ва шу кабилар жамланган.

Манбаларнинг кейинги гуруҳини 47-жамгарма - Туркистон ўлкаси ўқув муассасалари бошқармаси (Управление учебными заведениями Туркестанского края); 55-жамгарма - Самарқанд аёллар гимназияси (Самаркандинская женская гимназия); 182-жамгарма - Тошкент шаҳар черковлари бошлиғи (Благоченный церквей города Ташкента); 270-жамгарма - Сирдарё вилоят қамоқхоналари васийлиги (Сырдаринский областной попечительский о тюрьмах комитет); 287-жамгарма - Скобелев аёллар гимназияси (Скобелевская женская гимназия); 1009-жамгарма - Н.П.Остроумовнинг шахсий жамгармаси (Личный фонд Н.П.Остроумова) ва бошқа жамгармалардаги манбалар ташкил қилган бўлиб, улар Туркистоннинг алоҳида вилоятларида мустамлака сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг баъзи хусусиятларини объектив манзарасини яратиш имконини берди.

Муаммонинг совет даврини ўрганишда асосий манба қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг 17-жамгармаси — Туркистон Марказий ижроия қўмитаси (Туркестанский Цент-

ральный исполнительный комитет); 39-жамгармаси - Ички ишлар халқ комиссариати (Народный комиссариат внутренних дел); Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати архивининг 60-жамгармаси - Туркистон Компартияси Үлка қўмитаси; Россия Федерацияси Давлат архивининг 1318-жамгармаси - РСФСР Халқ комиссарлари Совети (Совнарком РСФСР); Россиянинг ижтимоий-сиёсий тарихи Давлат архивининг (РГАСПИ) 17-жамгармаси - РКП(б) Марказий қўмитаси жамгармаси (ЦК РКП(б)) ҳамда 79-жамгармаси - БМИҚ ва РСФСР ХҚКнинг Турккомиссияси (Турккомиссия ВЦИК и СНК РСФСР) ҳужжатлари қамраб олинди.

Ўзбекистон архивларидан олинган Туркистон Компартияси ва Советлар съездларининг баённомалари, стенографик ҳисботлари ва қарорлари Совет ҳокимияти қурилишининг дастлабки йилларида Туркистонда мустамлака давлатчилигини барпо этиш жараёни ва унда қатнашган сиёсий кучларнинг позицияларини; Туркистон большевикларининг совет ҳокимияти аппаратини Туркистон шароитида ташкил қилиш тамойиллари тўғрисидаги платформасининг моҳиятини; улар «совет муҳторияти»ни қандай тушунганини, уларнинг үлка миллий демократлари томонидан тузилган «Туркистон Муҳторияти»га муносабатини; миллий коммунистларнинг Туркистон давлатчилиги масалаларига доир қарапшлари ва амалий ишлари, бошқа шу каби масалаларни англаб етиш учун ёрдам берди.

Россия Федерацияси архивларидан олинган манбалар, тўпламларда эълон қилинган ҳужжатлар ва маълумотлар билан биргаликда Россия большевиклари эълон қилган “миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқини” қандай

тушуниш ва уни амалга ошириш сиёсатини изчили таҳлил қилиш; Россияни федерацияларга булиш дастурининг моҳиятини аниқлаш, Россия раҳбариятининг Туркистон ўлкасига доир муайян сиёсатни ишлаб чиқишидаги позициясини англаб етиш ҳамда ўлка миллий коммунистлари томонидан илгари сурилган Туркистонда миллий давлатчиликни жорий қилиш платформасининг мазмуни ва тамойилларини чуқур ўрганиш имконини берди.

Ушбу тадқиқотимиз доирасида ўрганилаётган даврга доир миллий ва русийзабон вақтли матбуот нашрларидан жуда қимматли материаллар олинди<sup>1</sup>. Асосан Туркистон демократлари томонидан чоп этилган миллий газеталарнинг саҳифаларида 1917 йилги умумтуркистон мусулмонлар қурутойлари, мусулмон депутатлар ўлка қўмитаси, «Шурий Ислом» ташкилоти йиғилишларининг, «Турк адами марказияти» партиясининг, «Иттифоқи муслимин» партиясининг дастурий ҳужжатлари, «Туркистон Мухторияти» ташкил топганини эълон қилган IV Умумтуркистон мусулмонларининг Фавқулодда қурутойи қарори, ўлка туб ахолисининг «Туркистон Мухторияти»ни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказган йиғилишларининг материаллари эълон қилинган. Бу ҳужжатлар мамлакат архивларига жамланмагани туфайли, ўша йиллардаги миллий матбуот нашрлари бугунги кунда мазкур бебаҳо маълумотларни<sup>1</sup> узида сакловчи, туб ахоли ўртасидаги сиёсий жараёнларни, мусулмон давлатчилиги анъаналари, ўз халқининг урф-одатлари ва маънавий маданиятига асосланган ҳолда, демократик давлат қурили-

---

<sup>1</sup> «Кенгаш» (1917), «Улуғ Туркистон» (1917); «Наша газета» (1917, 1918); «Туркестанский курьер» (1917); «Туркестанский вестник» (1917) нашрлари.

шининг халқаро тажрибасини ўзида мужассам қилган, мустақил миллий давлатчиликни қуриш foяси билан чиқсан миллий сиёсий кучларнинг юзага келишини урганиш имконини берувчи асосий манбалар ҳисобланади. Бу ҳужжатлар ўша йиллардаги муҳитни чуқурроқ ҳис қилиш, мамлакат миллий-ватанпарвар кучлари, қўзғолончилик ҳаракатининг мустамлакадан қутулиб, озодлик ва мустақилликка эришиш, ўз миллий давлатчилигини барпо қилиш борасидаги сиёсий мақсадларининг аҳамиятини англаш имконини беради.

Шунингдек, манбалар жумласига сунгги йилларда нашр этилган Туркистон миллий-демократик кучлари раҳбарлари Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Мунаввар Кори, Мустафо Чўқаевларнинг хотираларини<sup>2</sup> киритиш мумкин. Улар томонидан келтирилган фактлар, воқеа-ҳодисалар ва уларнинг иштирокчиларига берилган баҳолар, турили сиёсий кучлар, айниқса, Россия ва Туркистон раҳбарияти позициясига, уларнинг ўз фаолиятларига берилган таърифлар ўрганилаётган даврда Туркистонда мавжуд сиёсий вазият манзарасини аниқроқ ёритишга ёрдам беради.

Манбаларнинг охирги икки гуруҳидан совет манбаларига таққослаб фойдаланиш ўша йиллардаги сиёсий жараёнларни нисбатан тұлақонли тасвирлаш, үлка миллий-ватанпарвар кучларининг юқоридан, Россиядан туриб жорий қилинган совет давлатчилигига қарши, унга муқобил равища

<sup>1</sup> Бугунги кунда ушбу газеталар тахламларини тұлдириш, таъмирлаш, уларни халқнинг муҳим илмий ва маънавий бойлиги сифатида сақлаб қолиш масаласини күтариш муҳим аҳамияттағы деб үйлаймиз.

<sup>2</sup> Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Т., 1992; Мунаввар Кори. Хотираларим . «Турон тарихи». 1992-1994, №1-3; Аҳмад Закий Валидий Тўғон.

миллий давлатчилик дастурларини амалда татбиқ этиш учун мардана курашини очиб бериш ва совет тарихшунослиги томонидан яратилган совет ҳокимиётининг тинч, ғолибона ўрнатилиши, туб аҳоли томонидан гүёки ижобий қабул қилингани ҳақидаги афсонани чиппакка чиқариш имконини берди.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади Россиянинг Туркестонда жорий қилган ҳарбий-маъмурий бошқарув тизими фаолиятидаги асосий йўналишларни аниқлаш, совет тузуми шароитида миллий давлатчилик учун кураш ҳаракатининг асосий жиҳатлари ва ўзига хос томонларини англаб етиш, совет мустамлакачилигини 1918-1920 йилларда улкада ўрнатиш осон кечмаганлигини, у маҳаллий халқларнинг жиддий қаршилигига учраганлигини очиб бериш ҳамда иккала тузум учун умумий бўлган ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилишдан иборатdir.

## I БОБ

# XIX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИ- 80-ЙИЛЛАРНИНГ ЎРТАЛАРИДА ТУРКИСТОНДА РОССИЯ МУСТАМЛАКА ТУЗУМИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

## 1. Туркистон вилоятида ҳарбий-маъмурий ҳокимият тизимининг юзага келиши

XIX асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиё халқлари тақдирида кескин ва фожиали бурилиш ясаган давр бўлди. Чоризмнинг XIX аср 60-80-йиллари даги ҳарбий юришлари натижасида улар аввал бошдан «чет ўлка» йўналишида ва Россияга боғлик ҳолда юзага келган ва ривожланган янги ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий-иктисодий муносабатлар тизимига киритилди. Зўрлик йўли билан жорий қилинган бу муносабатлар мінтақада анъанавий қарор топган муносабатларни ва уларнинг миллӣй асосда ривожланиш имкониятларини қўпориб ташлади. Янги муносабатларни ҳуқуқий расмийлаштириш тегишли ҳокимият институтлари ва «метрополия - колония» ёки «марказ - чет ўлка» принципига кўра иш олиб борган бошқарув тизимини яратиш йўли билан амалга оширилди.

Туркистонда бошқарувни ташкил қилишга чоризм уни босиб олган дамдан бошлаб киришди. 1865 йил 2 марта Россия Сенатининг Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида Орол денгизидан Иссиққўлгача бўлган Ўрта Осиё хонликлари билан чегарадош ҳудудларда Туркистон вилояти-

ни ташкил қилиш тұғрисидаги фармони эълон қилинди<sup>1</sup>. Ушбу ҳудудда, дастлабки ҳисоб-китобларга күра, 453 минг киши истиқомат қиласы әди.

Туркистан вилоятининг ички маъмурий-ҳудудий булиниш тизими соғ ҳарбий вазифаларни җал қилишга қаратилған булиб, унинг асосини ҳарбий-ҳудудий бирликлар ташкил қиласы.

Вилоят уч бўлимга: ўнг қанот, марказ ва чап қанотга бўлинган әди. Кейинчалик Сирдарё райони номини олган ўнг қанотга Аральск, 1-форт (кейинчалик Казалинск деб номланди) ва Перовск; марказга Туркистан ва Чимкент районлари; чап қанотга Авлиёта, Марке ва Пишпак шаҳарлари киради.

Вилоятнинг маъмурий маркази қилиб дастлаб Чимкент шаҳри белгиланди. Чор қўшинлари Тошкентни эгаллаганидан сўнг, то у Россия таркибига расман киритилгунига қадар, бу шаҳар Туркистоннинг маъмурий маркази булиб турди. Империяга расман қўшиб олинган дамдан эътиборан Тошкент ва унинг тевараги Тошкент райони деб аталган алоҳида маъмурий бирликни ташкил қилди. 1866 иили Туркистан вилояти таркибида Ержар ва Зомин бўлимлари, Ўратепа ва Жиззах районлари ташкил қилинди.

Ҳудудни ички ташкиллаштириш империяга хос маъмурий анъаналар руҳида, мутлак ҳарбий қўмандонлик ва чор газнаси манфаатларидан келиб чиқиб ўтказилди. Давлат ўз таркибига, ижтимоий-иктисодий ривожланиш суръатларига кўра, «буюк рус» марказидан орқада бўлган жалқлар яшовчи ҳудудларни киритар экан, чоризм, энг аввало, арzon ва самарали бошқарув ҳамда мус-

<sup>1</sup> Собрание узаконений и распоряжений, издаваемое при Правительствующем Сенате. Спб. Пг., 1863-1917, 1 бўлим, 20-хужжат, 5Ш 1865 й.

тамлака эксплуатация тизимини яратиш ҳақида қайғурди.

Мустамлака үлкаларни бошқариш асослари абсолютизм даврида ёк юзага келган бўлиб, улар самодержавиенинг Волгабўйи, Сибирь, Козогистон, Кавказ ва бошқа қатор ҳудудлардаги манфатларини озми-кўпми таъминлаб келарди. Улар замирида ҳарбий ва ҳарбий бўлмаган ҳокимият бирлашар ҳамда маъмурий, судлов, хўжалик ва бошқа функциялар битта муассаса қулида жамланарди. Худди шундай бошқарув усуллари, деярли ўзгармаган шаклда, янги тарихий шароитда Туркистонда ҳам жорий қилина бошлади.

Чоризм Туркистонда кенг истилочилик ҳаркатларини бошлар экан, ҳудудий эгалик кўламига доир тайёр пухта режага эга эмасди. Бинобарин, босиб олинган ерларда бошқарувни ташкил қилиш билан боғлиқ тайёр лойиҳалар ҳам йўқ эди. Ҳатто XIX асрнинг 60-йиллари бошларида ҳам маркази Тошкентда бўлган «Алоҳида Қирғиз чўли генерал-губернаторлиги»ни ташкил қилиш ҳақидаги хом таклифлар ҳукумат доираларида номақбул деб ҳисоблаб келинарди. Шундай бир шароитда Туркистон вилоятиning маъмурий қурилишини тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ташаббуси чор ҳарбий қўмондонлиги кўлига ўтди. Шу мазмундаги биринчи ҳужжат Янги Қўқон линияси қўмондони М.Г.Черняевнинг штабида ишлаб чиқилиб, Петербургга «Ўрта Осиё чегара вилояти ҳақидаги низом лойиҳаси» кўринишида тақдим этилди. Бу лойиҳа Ҳарбий вазирликда қайта ишланди ва 1865 йилнинг 6 августида Александр II «Туркистон вилоятини

бошқариш ҳақидағи мұваққат низом»га имзо чекди<sup>1</sup>.

Ушбу қонунчилик хужжатида ҳокимиятни ташкиллаштириш тизими Кавказорти ҳудудидаги сингари «haarbiy-xalq boşqaruvii» деб юритилди.

Ушбу хужжатта мұвоғиқ, маҳаллий маъмурият бошлиғи ҳарбий губернатор ҳисобланиб, унинг құлиға ҳарбий ва ҳарбий бүлмаган ҳокимият берилганды. Бу лавозимга рус амалдорлари тайинланиб, маҳаллий аҳоли устидан умумий назорат юритувчи маҳаллий бошқарувчилар бүйсундирилғанды. Уларнинг вазифаси - карвон тиҷорати хавфсизлигини таъминлаш, туб аҳолидан солиқ йиғимларини тұплаш, аҳолининг мажбуриятларни ва маъмурият күрсатмаларини бажашишини назорат қилишдан иборатты.

Маҳаллий бошқарувчилар зыммасига судлов функциялари ҳам юқлатылған бўлиб, улар маҳаллий ва рус вакиллари аралашған қотиллик, ўғирлик ва талончилик билан боғлиқ жиноий ишлар билан шуғулланар эдилар.

Бундан ташқари, улар анъанавий мусулмон судлов муассасаларининг фаолиятини ҳам назорат қиласадилар. Маҳаллий бошқарувчиларнинг хұжалик функциялари ўрмонларнинг бутлиги, сугориш тармоқларидаги сув тақсимоти ва бу тармоқларни яроқли ҳолда сақлашни кузатиб бориш билан чегараланған эди<sup>2</sup>.

Худди шундай мажбуриятлар «1865 йилги мұваққат Низом»да шаҳар ҳокимлари зыммасига

<sup>1</sup> Собрание узаконений и распоряжений, издаваемое при Правительствующем Сенате. Спб. Пг., 1863-1917, 1 бўлим, 7-хужжат, 1865 й.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. И-450 жамғарма (Управляющий местным населением центра области), 1-рўйхат, 16-иш, 30, 31-вараклар: 11-иш, 1, 8, 13, 20-25-вараклар.

хам юқлатилған бұлиб, бу лавозимга йирик ша-  
харларда рус офицерлари тайинланарди.

Ушбу бошқарув аппаратида «маҳаллий» деб аталувчи маъмурият күмакчи роль үйнар эди. Хонлик даврида бұлгани каби, шаҳарларнинг туб ахолиси яшайдиган маҳаллаларни оқсоқоллар бошқаради. Бош оқсоқолга маҳалла томонидан сайланувчи шаҳар туманлари оқсоқоллари бүйсундардилар. Полиция функциясини раислар бажа-  
рдилар. Улар бозордаги савдо ва жамоат тарти-  
бини назорат қиласылар. Солик йифимлари билан закотчи шуғулланарди.

Туркистан вилоятининг кўчманчи ахолиси уруғлар, бўлимлар ва гуруҳларга бўлинарди. Уруғларни уруғбошилар - манаплар, султонлар ва катта бийлар; бўлимларни - бийлар; гуруҳ-  
ларни — тўғочлар бошқарадилар. Султон, манап ва бий унвонлари асосан отадан болага мерос бўлиб ўтарди. Шунга қарамай, султон, манап ва бийлар-  
нинг ўрнига сайланган янги шахслар маҳаллий ахоли бошқарувчиси, яъни чор ҳарбий амалдори-  
нинг тасдифидан ўтишлари<sup>1</sup> лозим эди.

«1865 йил 6 август низоми»га кўра, ўтрок ахоли учун қозилик судлари, кўчманчи ахоли учун эса бийлик судлари хизмат қиласынан бўлди. Бу судларнинг тузилишидаги ўзгаришлар натижаси-  
да қозикалон лавозимини бекор қилинди, барча қозиларнинг ҳуқуқлари тенгглаштирилди, қози-  
ларни уч йилда бир марта сайлаш тартиби жорий қилиниб, даъвогарга аризасини кўриб чиқишлиари учун ўзи кўпроқ ишонган қозига мурожаат қилиш ҳукуки берилди.

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-336 жамғарма (Военный губернатор и  
командующий войсками Туркестанской области), 1-рўйхат, 26-  
иц, 1-6-варажлар.

## VI. Шариат қозиси ("халқ суди")



Қозилар ҳокимиятининг чекланиши натижасида маҳаллий ахолининг рус фуқаролари ёки чор ҳукумати манфаатларига у ёки бу даражада дахл этувчи ишлари чор судларига ўтказиладиган бўлди; шариат қонунларига кўра, ўлим жазоси буюриладиган ёки тан жароҳатлари етказилиши мумкин бўлган барча жиноий ва фуқаровий ишлар бўйича чиқарилган ҳукмлар Туркистон вилояти ҳарбий губернатори томонидан тасдиқланадиган; савдосотик билан боғлиқ айрим баҳсли ишларни кўриб чиқиши учун рус ва маҳаллий савдогарлардан иборат тижорат судларига (улар чиқарган қарорларни сўнг вилоят ҳарбий губернаторига тасдиқлаш учун тақдим этиш шарти билан) берадиган бўлди. Вилоят ҳарбий губернаторига, шунингдек, қозилик суди ҳукмларини рус ҳарбий-жиноий қонунларига мувофиқ тегишли жазолар билан алмаштириш хуқуки ҳам берилган эди<sup>1</sup>.

«Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги мувакқат Низом»ни жорий этиш натижаси ўла-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 5-6-вараклар.

рок, чор қүшинларининг таъминотини ва аҳолидан солик йифимларининг ундирилишини назорат қилувчи зўравон оккупацион тузум юзага келди.

Шундай қилиб, Туркистон халқлари аввалбошданоқ икки томонлама зулм остида қолдилар. Улар учун сақлаб қолинган хонлик маъмурий-солик тизими Россия полиция-бюрократик давлатининг бутун қудрати ва қўшимча равишда миллий-мустамлака зулм усуллари билан янада зўрайтирилди.

Ўрта Осиёдаги мустамлака ҳудудларни «1865 йилги муваққат Низом»да кўрсатилган асосларда бошқариш амалиёти ошкора босқинчи тузумнинг етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатди. У чоризм нуқтаи назаридаги солик тизимини тўлақонли таъминлай олмади, муҳими, чор ҳукуматига очиқ қарши чиққан маҳаллий аҳолининг ижтимоий табақалари — йирик ер эгалари, хон амалдорлари, мусулмон руҳонийлар, кўчманчиларнинг уруг зодагонлари ва бошқаларнинг сиёсий таъсирини йўқота олмади.

М.Г.Черняев ўрнига тайинланган ҳарбий губернатор Д.И.Романовский биринчилардан бўлиб, ана шундай хулосага келди. У 1866 йилдаёқ ҳукуматга, Туркистонга колония сифатида қарамасликни, улкани империянинг таркибий қисмига айлантириш ва Россиянинг ўзида буржуа ислоҳотлари жараёнида юзага келаётган давлат муассасалари тизимини бу ерда секин-аста яратиб боришни таклиф қилди<sup>1</sup>.

Романовский Тошкент мусулмон руҳонийларининг шаҳарнинг қуи маъмуриятига таъсирини чеклашга уриниб кўрди. Ушбу мақсадда унинг ташаббуси билан Тошкентда маҳкама номини олган

<sup>1</sup> Романовский Д.И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. Спб., 1868, 66-бет.

ўзига хос муассаса ташкил қилинди. Расман у қозилик суди ўрнига келган коллегиал судлов органи ҳисобланарди. Бироқ, дастлабки дамданоқ, маҳкама судлов функциялари билан бир қаторда соф муниципал функцияларни ҳам бажара бошлади.

Айрим хужжатларда маҳкама «шахар иштироки» ёки «шаҳар бошқаруви» деб юритилади. Романовскийнинг ўзи «маҳкама фаолияти соф судлов хусусиятига эга, бу айнан ҳалқ суди», деб ёзади, бироқ унинг ўзи ҳам «...бошқарув номукаммал бўлганида маҳкама... баъзан муниципал муасасаса вазифасини ҳам бажаради», деб тан олади<sup>1</sup>.

Маҳкама 1866 йилнинг июлида очилди. Унинг таркиби Тошкентнинг туб аҳолисидан сайланган қози ва етти маслаҳатчи - аъламлар киритилди. Мазкур сайловлар, Романовскийнинг айтишича, қўйидагича ўтказилган: «...маҳаллий аҳоли мудири ва ишончли шахслар орқали шаҳарнинг 200 нафар энг бой ва нуфузли кишилари таклиф қилинди ва улар маҳкама аъзоларини сайладилар»<sup>2</sup>.

«Ҳалқ сайлаган» кишилар маҳаллий аҳолининг энг бой қатлами вакиллари бўлиб, катта маслаҳатчи лавозимини аввал Сайдазим Муҳаммадбеков, сунгра Исҳоқбой згаллади. Маҳкама аъзоларига маош: катта маслаҳатчига - йилига 2400 рубль, ўзбек аҳолисидан бўлган уч нафар кичик маслаҳатчиларга йилига 900 рублдан, қирғиз аҳолисидан бўлган маслаҳатчиларга йилига 500 дан 250 рублгача қилиб белгиланди<sup>3</sup>.

Маҳкаманинг кичик маслаҳатчиларига маош тайинлашдаги бу каби tengsizlik уларнинг доимий норозиликларига сабаб бўлиб, баъзан у катта

<sup>1</sup> Кўрсатилган, 260-бет.

<sup>2</sup> Кўрсатилган, 260-бет.

<sup>3</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Т., 1912, 60-бет.

маслаҳатчи Саидазим Мұхаммадбеков ва маҳкама фаолиятини назорат қылган чор амалдори Б.Серов устидан «чакув ва турли-туман найранглар» күри-нишида акс этар әди.

Эскича судлов тартибини тиклашни Тошкент-нинг мусулмон руҳонийлари ҳам зўр бериб талаб қила бошладилар. Улар, янги муассаса турли ишларни чўзиб ҳал қилишини, аҳоли учун ноқулай бўлган иш тартибига эгалигини қайд этдилар, рус амалдорининг мусулмон суд муассасаси ишига аралашувини қораладилар<sup>1</sup>. Тошкентда хонлик даврида судлов ишини юритган қозикалон ва тўрт нафар қозилик лавозимларининг тугатилишини улар хато иш, деб баҳоладилар.

Айни вақтда ҳукумат доирасидагилар ҳам Туркистанда сиёсий бошқарувнинг янада самарали усулини топиш устида бош қотирарадилар. Олий амалдорлар ва саройга мансуб зодагонлар доирасида Ўрта Осиё сиёсатининг соддалашган янги дастури юзага келди. Унга кўра, мустамлака ҳокимиётга туб аҳолининг ички турмушига мутлақо аралашмаган ҳолда, унинг устидан фақат олий назоратни амалга ошириш функциясини қолдириш мўлжалланди. Феодал-хонлик тартибининг сўзсиз консервация қилинишини англатувчи бу ёндашув Россия помешчиклари томонидан деярли яқдилик билан маъқулланиб, матбуот саҳифаларида зўр бериб тарғиб қилинди. Айниқса, бу ёндашув славянпарастлар томонидан «Москва» газетасида аниқ ифодаланган бўлиб, ушбу газета таҳририяти мустамлака сиёсатининг «минимум дастури»ни қуидагича таърифлайди: «...мамлакатда ички осойишталикини қўриқлаш учун зарур бўлган қўшинларни саклаб туриш ва ушбу маблағларни йиғиш учун

<sup>1</sup> Добросмыслов А.И. Кўрсатилган асар, 499-бет.

зарур маъмурий таркибни сақлаш мақсадида пул маблағларини ундириш»<sup>1</sup>.

Бошқа томондан, Ўрта Осиё сиёсати, асосан унинг ижтимоий-иктисодий жиҳати, Россия савдо-саноат доираларида кескин норозиликни келтириб чиқарди. Бу доиралар Туркистонни ҳукуматнинг ҳарбий, сиёсий ва молиявий қумагисиз эксплуатация қила олмасдилар. Шу боис, унинг мафкурачилари Ўрта Осиёдаги мулкларнинг ижтимоий-иктисодий тузилишида озми-кўпми қатъий ўзгаришларни амалга ошириш, уларни бу жиҳатдан Россиянинг туб вилоятларига яқинлаштириш зарурлиги ҳақида фикр билдирадилар. Шу билан бир вақтда ерли хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш, маҳаллий ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга бирмунча эҳтиёткорлик билан мослашиш ва уларни Россиядаги умумий тартибларга мувофик секин-аста қайта қуриш зарурлиги ҳақидаги тоялар ҳам илгари сурилди.

Петербургдаги савдо-саноат доираларининг манфаатларини акс эттирувчи «Биржевые ведомости» газетаси, ҳарбийларнинг Тошкентдаги судлов муассасаларини модерн(замонавий)лаштириш бўйича дангал ва қўпол ҳаракатларини қоралаб, «рус ҳукумат доиралари маҳаллий руҳонийларни ўзларига қарши қилдилар ва туб аҳолида уларнинг удумлари ва қонунларига аралашганимиз учун жиддий норозилик уйғотдилар», деб ёзади<sup>2</sup>, маҳаллий ҳокимият институтларини империяга хизмат қилишга ўтказиш, маҳаллий шароит ва Россия намунасидаги мустамлака-бюрократик органларини тезлик билан жорий қилиш талабла-

---

<sup>1</sup> «Москва», №53, 1867, 8 март.

<sup>2</sup> «Биржевые ведомости», 188, 1867, 28 июль.

ри йұртасида мутаносибликка зеришиш йұлларини излаш ва топиш зарурлыгини қайд этади.

1866 йили ҳарбий вазир Д.А.Милютиннинг ташаббусига күра жойлардаги ақвөл билан танишиш учун, Туркистан вилоятига махсус комиссия жұнатылды. Унинг аъзолари вазиятни үрганиб чиқиб, вилоятни Оренбург генерал-губернаторлығидан ажратиши ва мустақил бошқарувни ташкил қилишнинг мақсадда мувофиқлиги тұғрисида хулоса чиқардилар. Ушбу масала Д.А.Милютин раислигіда, Оренбург губернатори Н.А.Крижановский, Бөш штаб бошлиғи, Осиё департаменти директори ва бошқа амалдорлар иштирокида үтган Үрта Осиё вилоятлари тузилишига бағишенган Махсус комитет мажлисида күриб чиқылди.

Оренбург генерал-губернаторидан ташқары барча мажлис қатнашчилари битта фикрга келдилар. Н.А.Крижановскийнинг әзтиrozлари қўйидагича бўлди: Туркистан ва Россия ўртасида «кўчманчи аҳоли яшайди ва шу туфайли вилоятлар ҳамда империянинг ички қисми ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа ўрнатишига имкон бўлмайди»; бундай шароитда Туркистондаги бошлиқлар «ўз фаолиятини факат Үрта Осиёдаги турмушга қараб амалга оширадилар ва натижада, бир куни келиб, мазкур фаолият билан империя манфаатлари ўртасида тафовут юзага келади». Оренбург генерал-губернатори «аввал Россия томонидан янги қўлга киритилган улкада мустаҳкам ўрнашиш, алоқа йұлларини қишилаш, Туркистан вилоятидан руслаштиришни амалга ошириш ва шундан сўнг алоҳида бошқарувни жорий қилиш лозим»<sup>1</sup>, деб ҳисоблайди.

<sup>1</sup> Киняпина Н.С. Административная политика царизма в Средней Азии в XIX веке. «Вопросы истории», 1983. №4, 42-бет.



Туркистанни забт этиш ташаббускорларидан  
бири - Оренбург генерал-губернатори

Н.А.Крижановский

1867 йил 11 апрелда Александр II күпчилик комитет аъзолари фикрини тасдиқлади. 1867 йил июлда Россия империяси таркибидаги Туркистан генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тұғрисидеги қонун әзілдік мөртебесінде.

Шундай қилиб, ҳукмрон доиралар «табиий бойликларни эксплуатация қилиш ва бирон-бир ташқи сиёсий манфаатларни күзлаб мамлакатни забт этиш» тарзидаги соғ талончилік сиёсатини рад этиб, «улканинг Россияга табиий құшилиши»ни танладилар. Бу Үрта Осиё ҳудудига умумрессия қонунлари ва империя тартибларининг секин-аста жорий этилишини англатар әди.

## **2. Туркистан генерал-губернаторлигидегі хокимият тузилиши ва уннинг функциялари**

Туркистан генерал-губернаторлиги таркибига Фарбий Сибирь генерал-губернаторлиги тасарруфыда бұлган Семипалатинск вилояты ҳудудининг бир қисми киритилди. Чегара чизиги Семипалатинск вилояты чегарасидан Балхаш күлиниң үртасигача, ундан әса дарёси бүйлаб өзүлиб Сарисув дарёсига қадар давом этарди. Оренбург генерал-губернаторлиги билан чегара чизиги Перовск курғазы үртасигача, Термембес тоғига, ундан Теркен, Қалмас, Музбил, Оқкум, Чубартепа тоғлари бүйлаб Мүйинқұмнинг жанубий әтаклари ва Сарисув дарёси Чу дарёси билан құшилған жойға қадар борарди<sup>1</sup>.

Туркистан генерал-губернаторлиги 1867-1886 ийларда вилоят ва уездларга бүлинген әди. Үрта Осиё хонликлари билан чегарадош жойларда уездлар үрнига уларға мос равищдеги ҳарбий-худудий

<sup>1</sup> ҰЗР МДА, И-1 жамгарма, 20-рүйхат, 117-иш, 11-варалқ

бирликлар - округлар, бўлимлар ва районлар ташкил қилинганди.

Дастлаб, Туркистон генерал-губернаторлиги икки вилоят: маркази Тошкентда бўлган Сирдарё ҳамда маркази Верний шаҳрида бўлган Еттисув вилоятига бўлинарди. Кейинчалик босиб олинган ҳудудлар ҳисобига қўшимча тарзда қўйидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар ташкил қилинди: 1868 йилда - маркази Самарқандда бўлган Зарафшон округи; 1874 йилда - маркази Петроалександровск (Тўртқўл)да бўлган Амударё бўлими; 1876 йилда Қўқон хонлигининг тугатилиши ҳисобига - маркази Янги Марғилон (Фарғона) шаҳрида бўлган Фарғона вилояти.

Еттисув вилояти Сергиопольск, Кўпал, Верний, Иссиққўл ва Тўкмоқ уездларига бўлинар эди. 1882 йили у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидан чиқарилди.

Сирдарё вилояти таркибida 1868 йили Авлиёта, Қазала, Қурама (маркази - Қўйлиқ қишлоғи), Перовск, Туркистон, Хўжанд ва Чимкент уездлари ташкил қилинди. Тошкент шаҳри мустақил маъмурий бирликни ташкил этди.

Зарафшон округи ҳудуди дастлаб Самарқанд ва Каттақўргон бўлимларига бўлинар эди. 1871 йилда уларга янги маъмурий-ҳудудий бирлик - Тоғли туманлар қўшилди. У Зарафшон дарёсининг юқорисида жойлашган майда бекликлардан тузилди. Самарқанд бўлими учта, Каттақўргон бўлими эса битта тумандан иборат эди.

Хива хонлигидан ажратиб олинган ҳудуднинг бир қисмида ташкил қилинган Амударё бўлими Чимбой ва Шурахон участкаларига бўлинарди.

Фарғона вилояти ҳудудида Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш ва Чуст уездлари бўлиб,

улар билан бир вактда Чимён (1879 йилдан бошлаб - Исфара) уезди тузилган эди, унинг ҳудуди 1881 йилда Кўқон ва Марғилон уездларига бўлиб юборилди.

Худудни ташкиллаштириш тизимидағи энг куи бўгин - бўлис (волость) ҳисобланарди. Бирок, бўлис бошқаруви изчил равишда фақат Фаргона вилояти ҳамда Зарафшон округида жорий қилинди.

Бошқа жойларда эса, кўчманчи аҳоли сонининг кўплиги туфайли, бўлислар билан бир қаторда, аҳоли үтроқ яшовчи районларда оқсоқолликлар ҳам ташкил қилинди. Хўжанд уезди ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг ҳудуди учта - Хўжанд, Уратепа ва Жиззах районларига бўлинарди.

Умуман олганда, чоризм томонидан Туркистонда амалга оширилган маъмурий-худудий бўлинишда ўлканинг табиий, тарихий, иқтисодий ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинмади. У ҳақли равишда бюрократик-ғазна аҳамиятига молик деб аталган ҳудудларни ташкиллаштириш бўйича умумимперия тадбирининг қонуний давоми бўлди.

«1863-1867 йиллардаги муваффақиятлар, - деб ёzáди Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфман ўзининг подшога йўллаган ҳисоботида, - ...бу турғун ва ўз турғунлигига ўралган мамлакатнинг бутун сиёсий тизимини барбод қилгани ҳолда, яксон бўлган кучларни қўлга олиш, уларни ўлкага рус давлати манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда олиб келинган янги ижобий сиёсий ва фуқаровий дастурларни бажаришга йўналтиришни уddyалай олмади»<sup>1</sup>.

Реал турмуш чоризмнинг «тараққиёт олиб ки-

<sup>1</sup> Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П.Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867-25 марта 1881 гг. Спб., 1885, 5-бет.

риш» борасидаги режаларидан анча мураккаб булиб чиқди. Ўн минглаб кишилар чор агрессия-сига қарши курашга қўзғалдилар. Кауфман рус давлатининг манфаатларини босқинчиларга қарши ялпи қаттиқ кураш шароитида жорий қилишга мажбур бўлди. Бирон-бир аҳамиятга молик шаҳар жангиз таслим бўлмади. «Осиёликлар, албатта, Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатларимиз қонли солномасининг даҳшатли тафсилотларини жуда яхши биладилар, - деб ёзди ўша воқеалар даврида яшаган М.Зиновьев, - бироқ шундай бўлса-да, йўлимизда учраган барча шаҳар ва қалъалар-ни куч билан олишимизга тұғри келди»<sup>1</sup>.

Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш бўйича илк дастурий хужжатларнинг ишлаб чиқилишида «ҳарбий вазият» омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Улар янги ҳудудлар босиб олиниши билан юзага келган ва қоида тарзида «муваққат» хусусиятга эга эди. Чунончи, «Сирдарё ва Еттисув вилоятларидаги бошқарув тўғрисидаги низом» 1867 йили «тажриба тарзида уч йилга» жорий қилинди. Ундан ташқари, 1868 йилнинг июнида «Зарафшон округини бошқаришнинг муваққат қоидалари», «Фарғона вилоятини бошқариш бўйича 1873 йил муваққат низом», «Амударё бўлимини бошқариш бўйича 1874 йил 21 май низоми» ҳам ишлаб чиқилиб, қабул қилинган эди.

Уларнинг барчаси ўз фаолиятида «ҳарбий ва маъмурий ҳокимиятнинг бирдамлиги ва унинг битта кўлда бирлаштирилишини» тасдиқлади. Шу билан бирга, юқорида қайд этилган вазият омили ва маҳаллий жамиятнинг анъанавий ижтимоий-хуқу-

<sup>1</sup> «Русский вестник», 1868, №5.Х.Зиёевнинг «Завоевание Бухарского и Хивинского ханств царизмом» мақоласидан олинган. «Общественные науки в Узбекистане». 1990, №8, 39-бет.


кий ва маданий меъёрларини билмаслик чоризмни «халқ томонидан сайланган вакилларга сиёсий хусусиятга эга бўлмаган барча ишларни ички бошқариш» ҳуқуқини бериш ҳамда «империянинг бошқа қисмларида мавжуд бўлган, имкон қадар, шароитга тўғри келувчи олий муассасаларни жорий этиш»га рухсат беришга мажбур қилди. Ҳуқуқий муносабатлар соҳасида шариат ва маҳаллий удумларни... «улар рус қонуни билан белгиланадиган» даврга қадар қолдириш; «маҳаллий бошқарувда давлат манфаатлари учун заарли бўлган барча нарсаларни бекор қилиш; ҳокимият органдарини маҳаллий бошқарув талабларининг юзага келиши ва мураккаблашувига қараб секин-аста ривожлантириш»га қарор қилинди; «маҳаллий вазиятга кўра суднинг маъмуриятдан тўлиқ ажратилиши мумкинлиги»<sup>4</sup> курсатиб ўтилди.

Ушбу умумий тамойиллар мазкур даврда Туркистон халқларининг бутун турмушига тадбиқ этилиб, тартибга соглан кўп сонли фармон, йўриқнома ва директиваларда ривожлантирилди ва батафсил ифодаланди. Чоризм томонидан яратилган ҳарбий-бюрократик бошқарув тизими асосига маҳаллий турмушнинг барча бўғинлари бўйсундирилган эди.

Ушбу тизимнинг бошлиғи подшо томонидан тайинланиб, хизмат юзасидан Россия Ҳарбий вазирлигига бўйсунувчи генерал-губернатор ҳисобланарди. У ҳам фуқаровий маъмурият бошлиғи, ҳам Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони эди. Умумимперия қонунларига кўра, генерал-губернатор «самодержавие ҳуқуқлари, давлат манфаатлари дахлсизлиги, қонунлар аниқ бажарилишининг бош посбони»га айлантирилган эди.

<sup>1</sup> Проект всеподданнейшего отчета К.П.Кауфмана..., 163-бет.

## I. Марказий бошқарув



Подшо ёрлиғи К.П. Кауфманга «барча сиёсий, чегара ва савдо-сотиқ ишларини ҳал қилиш, қўшини мамлакатларда музокара олиб бориш ва трактатларни имзолаш, қарорлар учун шартларни келишиш» ваколатини берарди<sup>1</sup>. У ўлкадан айrim шахсларни сиёсий сабабларга кўра беш йилгача бўлган муддатга бадарга қилиш ва қаршилик кўрсатилган тақдирда, ишни ҳарбий судга ошириш ҳуқуқига эга эди. Губернатор ахолига солинувчи соликлар миқдорини белгилар, ажнабийларни рус фуқаролигига қабул қилар, кредитларни тақсим-

<sup>1</sup> ЎЗР МДА. И-1 жамгарма. Канцелярия Туркестанского генерал-губернатора, 34-руйхат, 78-иш, 21-варап.

лар, шу жумладан, туб аҳолига мансуб бўлган шахсларга ўлим жазоси бериш ҳақидаги ҳукмларни (агар улар қозилик ва бийлик судлари томонидан чиқарилган бўлса) бекор қилиш ҳуқуқига эга эди.

Шундай қилиб, генерал-губернатор ўзининг юридик жиҳатдан чегараланмаган ҳокимиятига кўра, Туркистоннинг беш миллионлик халқини бошқариш ҳуқуқига эга эди. Ушбу бошқарув Россия амалдорларининг бутун бошли иерархияси томонидан ҳаракатлантирилувчи хийла мураккаб бюрократик машина ёрдамида амалга ошириларди. Бошқарувнинг маъмурий органларини мустамлака ҳокимияти тизимидағи ўрнига кўра қуидаги гурӯҳларга булиш мумкин эди: ўлка, вилоят, уезд ва бўлис бошқаруви.

Ушбу бюрократик машинадаги бош бўғин- 1867 йили ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторининг Канцелярияси эди. У ижроия органи ҳисобланиб, штат ва инспекторлик, ер ва солик мажбуриятлари, йул қурилиши ва тоф-кон ишлари масалалари, Россиянинг Хива ва Бухоро устидан протекторати, қўшни Шарқ мамлакатлари билан алоқа қилишга доир масалаларни ҳал қилиш билан шугууланаарди. Ушбу муносабат билан Канцелярия қуий идораларга кўплаб курсатмалар ва суровлар юбориб, уларга жавобан кўплаб ҳисобот ва маълумотлар оларди; барча вакиллик ва маълум идорага қарашли муассаса, олий ҳукумат органлари билан алоқаларни амалга оширади, унинг бўлинмаларида гуллаб-яшнаган бюрократик қоғозбозлик асосида катта қўламда иш юритарди.

Ўлкани бошқариш борасидаги турли меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва жорий қилишда Туркистон генерал-губернатори Канцеляриясининг роли айниқса катта эди. Канцелярия махсус

тузилган ҳукумат комиссиялари билан ҳамкорликда кейинчалик Россия вазирликлари ва Давлат Кенгashi эътиборига ҳавола қилинувчи Туркистондаги барча қонунларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиша қатнашарди.

Канцелярия фаолиятида «вазифасини бажариш ҳуқуқи берилган лавозимларга тайинлаш; қўл остидаги жойлар ва шахсларни назорат қилиш; ишларни ҳал қилиш ва қонунларнинг бажарилиши юзасидан чоралар кўриш; юқори бошлиқларга тақдим қилиш»<sup>1</sup> билан шуғулланган фармойиш бўлинмаси муҳим ўрин тутарди. У кадрлар масалалари билан фаол шуғулланарди.

Умуман олганда, ўлка раҳбарига ҳарбий, сиёсий ва маъмурий соҳаларда чексиз ваколатлар берилган эди. Хуфия маслаҳатчи Ф.Гирс бошчилигидаги тафтиш комиссияси ҳам буни алоҳида қайд этган, яъни «...канцелярия ўзига хос бўлмаган ва қонунга хилоф ҳал қилувчи бош маҳкамалик чўққисини эгаллаган» эди<sup>2</sup>. Марказда унинг фаолияти фақат Россия ҳарбий вазири томонидан назорат қилинарди.

Вилоятлардаги маҳаллий маъмуриятни ҳарбий губернаторлар бошқаарди. Улар бир вақтнинг ўзида у ёки бу вилоятда жойлаштирилган қўшин сонидан келиб чиқиб, корпус ёки дивизия қўмондонлари мақомига ҳам эга эдилар. Масалан, Еттисув вилоятида ҳарбий губернатор бир вақтнинг ўзида Еттисув казаклар қўшинининг атамани ҳам эди.

Ходимлар Ҳарбий вазир, Ички ишлар вазири ва Туркистон генерал-губернатори билан олдиндан

<sup>1</sup> Свод законов Российской империи. Спб., 1892, 11-т., 19-бет.

<sup>2</sup> Гирс Ф.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Спб., 1888, 10-бет.

келишилган тақдимномага кўра, подшо томонидан лавозимга тайинланар ва бушатиларди<sup>1</sup>.

«1867 йил низоми»га кўра, уларнинг қўлига «маъмурий, полиция, судлов ва ҳарбий ҳокимият», ҳужжатда айтиб ўтилганидек, «вилоят ҳокимиятининг аҳамиятини маҳаллий аҳоли кўз ўнгига ошириш, аҳолининг осойишталигини таъминлаш ва ундаги ҳар қандай тартибсизликларни бостириш учун»<sup>2</sup> берилган эди.

Кўйи маъмурий органлар ва маҳаллий аҳолига нисбатан ҳарбий губернаторларга моҳиятан диктаторлик ваколатлари берилган эди. Булар: ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг бўлис қурултойларини чақириш жойларини белгилаш, бўлис бошқарувчиларини лавозимда тасдиқлаш ёки сайловлар бекор қилинган тақдирда, уларни ўз ихтиёрига кўра тайинлаш; ариқ оқсоқолларини тайинлаш ва жамоат пулидан уларга берилувчи маош микдорини белгилаш; халқ судьяларини ва судьяликка номзодларни тасдиқлаш ҳамда улар тасдиқланмаган тақдирда, янги сайловларни тайинлаш; ўз ихтиёрига кўра уезд маъмурияти аъзоларини тайинлаш ва ишдан олиш (уезд бошлиғи бундан мустасно бўлиб, улар тўғрисида фақат генерал-губернатор номига тақдимнома ёзиларди); уезд бошлиқлари туб аҳоли вакилларига белгилаган жарима тўлаш жазоси юзасидан келган шикоятларни кўриб чиқиш<sup>3</sup>.

Маъмурий вазифалар билан бир қаторда, ҳарбий губернаторларга полиция ва судлов вазифалари ҳам берилган эди. Улар туб аҳоли вакилларига

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 27-рўйхат, 659-иш, 18-варак.

<sup>2</sup> Уша жойда.

<sup>3</sup> Проект положения об управлении в Семиреченской и Сырдарьинской областях. Спб., 1867, 109-126-бетлар.

100 сүмгача жарима солиш ва уларни бир ойлик муддатга қамоқ жазоси билан жазолаш ҳуқуқига эга эдилар.

Уларнинг ваколатига суд маҳкамалари ва турмаларнинг фаолиятини назорат қилиш, жиноий ишлар бўйича чиқарилган ҳукмларни тасдиқлаш киради<sup>1</sup>.

Ҳарбий губернатор қошида ёрдамчиси ҳам бўлиб, у ҳарбий губернатор тоби қочган, йўқ бўлган ёки бўшатилган ҳолларда унинг хизмат вазифасини бажааради<sup>2</sup>.

Зарафшон округи ва Амударё бўлими бошлиқларига ҳам худди шундай кенг ваколатлар берилган эди. Шу билан бир қаторда, Зарафшон ва Амударё маъмуриятларига дипломатик вазифалар ҳам берилганди. Зарафшон округи бошлиғининг ваколатига қўшни Бухоро амирлигининг бекликлари билан «чегара муносабатларини олиб бориш» ҳам киради, Амударё бўлими бошлиғи эса Россиянинг Хива хонлигидаги дипломатик вакили ҳисобланарди.

Вилоят бошқарувлари мұжим маҳаллий давлат муассасалари ҳисобланар эди. Улар коллегиал орган бўлиб, маъмурий ва хўжалик бошқарувини амалга оширишда «1867 йилги низом лойиҳаси» ҳамда генерал-губернаторнинг маҳсус кўрсатмаларига амал қиласарди.

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 27-рўйхат, 659-иш, 24-варак.

## II. Вилоят бошқаруви



Вилоят бошқаруви раиси вазифасини ҳарбий губернатор ёрдамчиси бажааради. Вилоят бошқарувлари маъмурий, судлов, полиция, молия ва хўжалик юритиш функцияларини бажааради. Моҳияттан улар губерния бошқарувини такрорларди, бироқ уларга нисбатан ҳийла кенг ваколатларга эга эди, чунки Россиянинг ички районларида мавжуд бўлган барча губерния муассасалари визифаларини бир ўзи бажааради<sup>1</sup>.

Вилоят бошқарувлари тузилишига кўра, бў-

<sup>1</sup> Проект положения об управлении в Семиреченской и Сырдарыинской областях. Спб, 1867, 11-12-бетлар, 41-бет.

линнамалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг сони мустамлака тузуми қарор топиши ва кучайиши билан ортиб борди. Чунончи, агар 1867 йили Сирдарё ва Еттисув вилоят бошқарувларида атиги учта - тақсимот, хўжалик ва судлов бўлиннамалини фаолият кўрсатган бўлса, 80-йилларнинг ўрталарида келиб оралиқ чегара, қурилиш, қишлоқ-даволаш, ветеринария ва ҳисоб-китоб ишлари бўлиннамали очилди<sup>1</sup>. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят бошқаруви қошида босмахона ва статистика комитетлари ташкил қилинди.

Вилоят бошқаруви бўлиннамалини ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш билан ҳарбий губернатор шуғулланар эди.

Илмий, техник, тиббий ҳамда у ёки бу вилоят учун муҳим саналган бошқа масалаларни ҳал қилиш учун вилоят бошқарувлари қошида ҳозирлик кенгашлари ташкил қилинди. Ушбу кенгашларда маслаҳатчи ва эксперtlар сифатида иш олиб бориши учун мутахассислар таклиф этилар эди<sup>2</sup>.

Тақсимот бўлими ходимларининг мажбуриятларига қуйидагилар киради: вилоят ҳудудий бўлиниши ва қурилиши, генерал-губернатор, ҳарбий губернаторлар ва ҳукумат фармонлари, буйруқлари, фармойишларини танлаш, саралаш ва эълон қилиш; қонунчиликни юритиш ва маълумот хусусиятига эга ҳужжатларни бериш; вилоят амалдорлар аппаратининг хизмат ва таътил ишлари билан шуғулланиш ва ҳ.к.

Вилоят бошқарувида бош ролни ўйновчи хўжалик бўлиннамасига қуйидаги муҳим вазифалар юкланган эди: ўтрок ва кўчманчи аҳоли ўртасида ер тақсимоти, вақфлар билан боғлик ишларни юри-

<sup>1</sup> Курсатилган асар, 141-бет.

<sup>2</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1885 г. Т., 1886, 252-бет.

тиш, сувдан фойдаланиш ва туб аҳолига солиқ солиш ишларини бошқариш; маҳаллий пул мажбуриятлари сметасини тузиш ва маҳаллий сарф-харажатларни бошқариш, бож йифимларининг назорати ва низоли ишларни ҳал қилиш; турли шартномаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, якка шахсларнинг илтимосига кўра, вилоят хом ашё манбалари билан иш олиб бориш, саноат корхоналари ва фирмалар очишга лицензияларни расмийлаштириш; савдо битимлари ва пудратларини расмийлаштириш ва ҳ.к.<sup>1</sup>

Кўрсатилган масалаларни ҳал қилишда амалдорлар маъмурий фаолият меъёрлари, қонунийлик ва ҳуқуқий ҳимоя тамойилларига кам риоя қиласдилар. Уларнинг шахсий истаги кўп ҳолда ҳар қандай курсатма ва қонундан устун келарди.

Умуман олганда, ўлкадаги бирон-бир жамоат тузилмаси 1867 йил қонунларига кўра, маҳсус ташкил қилинган органлар ва уларда ишловчи амалдорларнинг бошқаруви, кузатуви ёки назоратисиз фаолият юрита олмасди. Мустамлакачилик ҳокимиятининг туб аҳолининг турмуш соҳаларига “тумшук суқиши”, уни тартибга солишга уриниши қуйи ҳокимият органлари тузилиши ва функцияларида янада аниқроқ кўзга ташланади.

---

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1 жамгарма, 27-рўйхат, 659-иш, 27-28-варақлар.

### III. Туман бошқаруви



Уезд маъмуриятини уезд бошлиғи бошқариб, унга уездда жойлашган қўшинлар ҳам бўйсунар эди. Уезд бошлиқлари вилоят ҳарбий губернаторларининг тақдимномасига кўра, генерал-губернатор томонидан тайинланиб, ишдан олинарди. Уезд бошлиғи бир вақтнинг ўзида исправник, полицмейстер, земство бошлиғи, шаҳар ҳокими, ерсолик хизмати раиси ҳам эди<sup>1</sup>. Уезд бошқаруви нинг шахсий таркибига уезд бошлиғидан ташқари, унинг ёрдамчилари ва канцелярия ходимлари ҳам киради. Уезд бошлиғи бетоб ёки йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини ёрдамчилари бажааради. Маъмурий ишлар бўйича ёрдамчи одатда, уезд канцеляриясини бошқааради.

Уезд маъмурияти жойлардаги барча ишларни

<sup>1</sup> Проект всеподданнейшего отчета К.П. Кауфмана..., 43-бет.

режалаштириб, мувофиқлаштирар эди. Тизимнинг бу бүгинига газна-оброк ишларини назорат қилиш, соликларни ҳисоблаш, ички тартиби кузатиш, ер-сув туфайли келиб чиқсан низоларни ҳал қилиш, уезднинг бўлис ва қишлоқ маъмуриятлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги кўп сонли ишларнинг асосий оғирлиги тушарди. Айтиш мумкинки, уезд бошлиғи жамият ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг деярли барча соҳаларида монополиячи ҳисобланиб, чоризм мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти ва руҳини уезд миқёсида ҳаётга татбиқ этар эди. Амалда у ўз гаразли мақсадларини кўзловчи, мутлақо малакасиз маъмуриятчилик бўгини эканлигини намойиш қилди, уни кучайтириш ва кенгайтириш борасида кўп уринишларни амалга оширишга тўғри келди.

Туркистоннинг Тошкентдан бошқа шаҳарларида, ўз-ўзини бошқариш органлари ташкил қилинмаган эди. «1867 йил Низоми»га кура, жамоатхўжалик ишлари шаҳарларда сайланувчи маҳаллий маъмурият томонидан амалга ошириларди. Шаҳарлар қисмлар (шаҳар районлари)га бўлиниб, уларни оқсоқоллар бошқарарди. Улар маҳаллаларда тайинланган сайловчилар қурултойи томонидан сайланарди.

Шаҳар оқсоқоллари солик йифиши ва мажбуриятларни тақсимлаш билан шуғулланарди. Улар ҳарбий губернатор томонидан тайинланувчи ва шаҳар доирасида полиция хизматини бошқарувчи катта оқсоқолга буйсунарди. Катта оқсоқолга барча қуий полиция амалдорлари - миршаблар, мироблар ва қозилар буйсунардилар. Уларнинг барчасига шаҳар аҳолисидан йигилувчи маблаг ҳисобидан маош тўланарди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> УзР МДА. И-17 жамгарма, 1-рўйхат, 20308-иш, 57-варак

## IV. Шаҳар бошқаруви

### а) туман шаҳарлари идораси



Туркистон ўлкасининг айрим шаҳар марказла-рида «1867 йил низом лойиҳаси»га мувофиқ, айрим муниципал функцияларга эга бўлган ҳамда турли солик ва савдо пошлиналарини тақсимлаш ва йифиши билан шуғулланган жамоат хўжалик муассасалари ташкил қилинди.

1876 йили К.П. Кауфман фармойиши билан шаҳар хўжалик бошқармалари бекор қилинди ва шаҳар хўжалиги рус уезд маъмурияти назоратига олинди. Фақат Самарқанд ва Янги Марғилон ша-

харларида бундай бошқармалар сақлаб қолинди. Улар ҳарбий губернаторлар томонидан тайинланган рус ҳарбий амалдорлари ва маҳаллий савдо-гарлар вакилларидан ташкил топган эди.<sup>1</sup>

Тошкент шаҳри Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий ва маъмурий маркази ҳисобланниб, ӯзига хос маъмурият тизимиға эга эди.

Бу ерда шаҳар маъмуриятини шаҳарнинг махсус бошлиғи бошқарарди. Шаҳарнинг «эски» ва «янги» қисмларида алоҳида жамоат-хўжалик бошқарувлари ташкил қилинган эди. «Эски» Тошкентда бошқарув аъзолари шаҳарнинг олий табақа вакиллари томонидан сайланарди, «Европа» қисмида эса раҳбарлар Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори томонидан тайинланарди.

Тошкентдаги жамоат-хўжалик бошқарувларининг фаолияти, бошқа шаҳарларда бўлгани сингари, шаҳар бошлигининг фармойишларини бажаришдан иборат эди.

1877 йили Тошкентда 1870 йил 16 июлда чиқарилган «Шаҳар низоми» жорий қилинди. Унга мувофиқ шаҳар хўжалиги бошқаруви шаҳар Думаси қулига ўтди.

Сайловларда қатнашиш ҳуқуқи 25 ёшга тўлган, рус фуқароси бўлган, кўчмас мулкка эга, соликларни тўловчи, иши суд ёки тергов остида бўлмаган тошкентликларга берилган эди<sup>2</sup>.

Мадрасалар, мачитлар ҳамда кўчмас мулк, шу жумладан, вакфларга эга бўлган бошқа муассасалар ҳам сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга эди. Шаҳарнинг меҳнаткаш аҳолиси сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганди.

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-17 жамгарма, 16-рўйхат, 55-иш, 101-варак; 3-рўйхат, 203-иш, 26-варак.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. И-1 жамгарма, 16-рўйхат, 1650-иш, 5-варак.

Шаҳарнинг «Осиё» қисми оқсоқоллари ҳам бу лавозимни эгаллаб турган пайтлари сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга эмасдилар.

Шаҳар Думасининг учдан бир аъзоси шаҳарнинг «Осиё» қисми аҳолиси, учдан икки аъзоси «янги» Тошкент аҳолиси томонидан сайланарди. «Осиё» қисмида яшовчи рус фуқаролари сайлов қоидаларига кура, Тошкентнинг туб аҳолисидан сайланувчилар таркибиға киради.

Сайловчилар мол-мулк цензига мувофиқ қурияларга бўлинарди, ҳар бир қурия, таркибидаги шахслар сонидан қатъи назар, Думага тенг - 24 тадан вакил сайлар эди. Бу Думада аҳолининг бой табақалари - уй эгалари, заводчилар, савдогарлар, ҳарбийлар, амалдорларнинг вакиллари устунлигини таъминларди<sup>1</sup>.

Масалан, биринчи чақириқ Тошкент шаҳар думаси таркибиға биринчи даражали сайловчилар томонидан 24 киши сайланган бўлиб, уларнинг атиги 6 нафари туб аҳоли вакиллари, иккинчи даражали сайловчилар вакилларидан фақат 8 киши, учинчи даражали сайловчилар вакилларидан эса 7 киши маҳаллий аҳолидан эди. Шаҳар Думасига аъзоликка номзод 44 нафар маҳаллий аҳоли вакилидан фақат 32 тасигина сайловдан ўтди.

Келтирилган рақамлар туб аҳолининг сайловларда ҳокимият доиралари томонидан очик-ойдин камситилганидан далолат беради. 1877 йили атиги 3921 кишини ташкил қилган рус фуқаролари Думага аъзоликка 48 нафар номзодни қўйган бир пайтда, 80 минг кишидан иборат туб аҳоли атиги 21 номзодни қўйиш имкониятига эга булгани ҳам

<sup>1</sup> ЎЗР МДА. И-36 жамғарма. Управление начальника г.Ташкента, 1328-иш, 18-19-варакълар.

бунинг ёрқин далилидир<sup>1</sup>.

Тошкент Думаси аъзолари ўртасидаги ушбу адолатсиз номутаносиблик Гирснинг тафтиш ҳисоботида ҳам қайд этиб ўтилади. У кўпгина масалалар шаҳарнинг «Осиё» қисми аҳолиси зарарига ҳал қилинаётгани ва «шаҳарнинг иккала қисми вакилларининг Думадаги озми-кўпми адолатли нисбати икки ҳалқнинг бирлашувида фойда берибина қолмай, шу билан бирга тўғри ва тенг ҳукуқли ўз-ўзини бошқаришни ҳам кафолатлаши мумкин» лигини уқтириб ўтади<sup>2</sup>.

### б) Тошкент шахри идораси



<sup>1</sup> Бродский Л. К 35-летию Ташкентского городского общественного самоуправления. Тошкент, 1912, 37-бет.

<sup>2</sup> Отчет... Гирса. Спб., 1888, 117-бет.

Бироқ «тeng ҳуқуқли ўз-ўзини бошқариш» мустамлака ҳокимиятининг режасида йўқ эди. Шаҳар ислоҳоти натижасида моҳиятан ҳам шаклий белгиларига кўра ўз-ўзини бошқаришни эслатмайдиган яна бир бюрократик бошқарув механизми юзага келарди. Солиқ йифиш ва шаҳардаги тартибни кузатиб бориш - Думага берилган ҳуқуқлар шу эди, холос.

Тошкент шаҳар Думасининг ижроия органи шаҳар управаси бўлиб, ундаги аъзоларнинг 2/3 қисмини шаҳарнинг рус аҳолиси вакиллари ташкил этарди.<sup>1</sup>

Тошкент шаҳрининг ҳокими маъмурият томонидан тайинланарди. Уни лавозимга генерал-губернаторнинг тақдимномасига кўра ҳарбий вазир тасдиқларди. XIX асрнинг 70-йиллари-80-йиллар бошларида бу лавозимни, қоида тарзида, Тошкент шаҳрининг бошлиғи эгаллар эди. Ушбу тартибни таклиф қилган биринчи генерал-губернатор К.П.Кауфман буни: «ушбу лавозимга талабга жавоб бермайдиган шахснинг тасодифан сайланиб қолишини истисно этиш мақсадида, энг асосийси - аксар аҳолиси яқинда бўйсундирилган мусулмонлардан иборат бўлган шаҳардаги сиёсий вазият туфайли»<sup>2</sup>, деб изоҳлайди. Амалда эса, бу шаҳар ўз-ўзини бошқариш тартибида бўлсада, лекин мустамлака маъмуриятига тўлиқ бўйсуниншини англашиб, аниқ белгиланган, изчил давлат сиёсатининг натижаси эди.

1867 йилдаги муваққат «Низомга» ва ҳукумат декретларига мувоғиқ, Туркистоннинг кўчманчи ва ўтроқ ҳалқлари устидан ягона бошқарув принципи эълон қилинган бўлиб, у турли шаклда амал-

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 12-рўйхат, 648-иш, 2-варак.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 1-рўйхат, 737-иш, 4-варак.

га оширилган эди. Күчманчи аҳоли ҳар бир уездда бўлисларга, бўлислар эса овулларга булинарди. Маъмурий ва полиция ҳокимияти бўлис бошқарувчилари ва овул оқсоқоллари қўлида бўлиб, улар уч йил муддатга сайланар, уларни лавозимга вилоят губернатори тасдиқларди.

Вилоятларнинг ўтроқ аҳолиси учун маъмурий ва полиция ҳокимияти аҳоли томонидан уч йилга сайланувчи оқсоқолларга топширилган эди.

Феодал ва бойлар ҳукмини сусайтириш мақсадида бўлис ва овуллар уруғдошлиқ эмас, балки ҳудудий белгиларга кўра ташкил қилинарди. Чунончи, қишлоқ ёки овул 200 та ҳовли ёки ўтовдан, бўлис эса 1 мингдан 2 мингтагача ҳовли ёки ўтовдан иборат бўлиши белгилаб қўйилган эди. Бундай бўлиш аксар йирик феодаллар ва уруғ сардорларининг норозилиги ва қаршилигига сабаб бўлди, улар ҳукумат жорий этган бу янги тартибни ҳақли равишда қирғизларнинг уруғдошлиқ аломати бўйича бўлинишининг юридик жиҳатдан бекор қилиниши сифатида қабул қилдилар. Мустамлака маъмурияти бўлис ва овулларни ҳудудий белгиларга кўра бўлишни «маъмурий бошқарув борасидаги нокулайликлар»ни бартараф этиш зарурати билан изоҳлади. К.К.Пален эса «кўп сонли уруғнинг бир уруғ оқсоқоли ҳокимияти остига бирлаштирилиши чўлда осойишталикни сақлаш ишини оғирлаштириши мумкин», деб очик-ойдин тан олади<sup>1</sup>.

«Осойишталикни сақлаш» мақсадида уруғ оқсоқоллари бошқаруви бекор қилиниб, бўлис ва қишлоқ бошлиқлари лавозимларига чор маъмурия-

<sup>1</sup> Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором графом К.К.Паленом. Сельское управление: русское и туземное. Спб., 1910, 9-бет.

тига хайриҳоқ бўлган янги кишиларни қўйиш имкониятини берувчи сайлов тизими жорий этилди. Одатда, бу кишилар феодал-бой табақаларнинг вакиллари эди.

Сайланган маъмуриятнинг асосий вазифаси солик ва йиғимларнинг муваффақиятли ва уз вақтида тўпланишини таъминлашдан иборат эди. Кауфманнинг ўлкадаги 14 йиллик бошқарув натижаларини сархисоб қилувчи ҳисботида бу янги органларнинг чоризм олдидаги муҳим роли қайд этилади: «маҳаллий-халқ бошқарувисиз, - деб ёзади Кауфман, - на йиғимларнинг келиб тушишига, на янги очилган муассасаларнинг тўғри фаолият юритишига умид қилиб бўларди»<sup>1</sup>.

Бўлisdаги бошқарув - бўлис бошқаруви ва сайланганларнинг бўлис қурултойидан иборат эди. Бўлис бошқарувчиси сайловлари икки даражали бўлиб, дастлаб қишлоқ йиғини тўпланарди ва унда 50 уй номидан битта вакил сайланарди. Сунг қишлоқ йиғинларидан сайланган вакиллар рус маъмурлари иштирокида ўтувчи бўлис қурултойига тўланардилар. Одатда булар уезд бошлиғи ёки унинг ёрдамчиси бўлиб, улар қурултой ишига аралашмай, тартибни назорат қилардилар. Қурултой иш бошлаши олдидан элликбошиларнинг борйўқлиги текшириларди. Қурултойда сайланган вакиллар сонининг 2/3 қисмидан ками тўпланган тақдирда, бўлис қурултойи бекор қилинарди.

---

<sup>1</sup> Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета... Спб., 1885, 165-бет.

## V. Қишлоқ бошқаруви



Бўлис қурултойига бўлис бошқарувчиси, халқ судьялари ва уларга номзодларни сайлаш; қуий маъмуриятларнинг мансабдор шахсларига маош белгилаш; кўпприклар, йўллар, хўжалик курилмаларининг ҳолатини назорат қилиш; сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти ишларини бошқариш хукуқи берилган эди.

Бўлис бошқарувчиси хўжалик ишларидан ташқари полиция функцияларини ҳам бажаарди: бўлиснинг ички осойишталигини назорат қилас, халқ судида куриладиган жиноятлар бўйича суриштирув ишларини олиб борар, аҳоли эътиборига мустамлака маъмуриятининг барча қонун ва фармийишларини етказарди.

Жамоат ишлари бўйича бўлис бошқарувчиси уезд бошлиғи билан келишган ҳолда бўлис қурул-

тойини чақириши ва тарқатиши, унда тартибни кўриқлаши, овул ва қишлоқ оқсоқолларининг ҳаракатларини кузатиб бориши мумкин эди.

Агар бўлис бошқарувчисининг шахси бирон-бир сабабга кўра рус маъмуриятини қаноатлантирумаса, вилоят ҳарбий губернатори янги сайлов тайинлаши ёки бошқарувини ўз ихтиёрига кўра бошқа одам билан алмаштириши мумкин эди.

Чор маъмурияти ўзининг бу ҳуқуқидан хийла кенг фойдаланаарди. Жумладан, Ф.К.Гирс ўзининг бўлис ва қишлоқ маъмурияти фаолияти устидан ўтказилган тафтиш бўйича ҳисботида қуйидаги маълумотларни келтиради: «Сирдарё вилоятидаги 109 бўлис бошқарувчисидан уч йил ичидаги 38 киши бўшатилган бўлиб, бу 35%ни ёки йилига 13 тага яқин ҳолатни ташкил қиласди»<sup>1</sup>. Бундай маълумотларни Туркистоннинг бошқа вилоятлари бўйича ҳам келтириш мумкин.

Қуи маъмуриятларда ишловчи амалдорлар кўпинча ўз хизмат мавқеларини суистеъмол қиласдилар. Уларнинг пораҳурлик, қонунга хилоф йигимлар олиш, аҳолидан йигилган соликларни ўзлаштириш, ўзига ёқмаган кишилардан уч олиш билан шуғулланганидан далолат берувчи жуда кўп фактлар маълум. Бўлис бошқарувчиси ва оқсоқоллик лавозимлари кўпда қўли эгри кишиларни ўзига тортарди. Бўлис ва қишлоқ маъмуриятига сайловлар кўпинча, уларга ўз номзодларини ўтказишга уринувчи турли гурухлар ўртасида кескин кураш билан утарди.

«Бўлис бошқарувчиси курсисини эгаллашга уриниш, - деб ёзади Ф.К.Гирс ўзининг ҳисботида, - бир томондан хийла йирик бўлган маош миқдори, иккинчи томондан эса унга бутун бўлисда

<sup>1</sup> Гирс Ф. Отчет по ревизии... Спб., 1888, 29-бет.

солиқ йифиш ҳуқуқи берилганлиги билан изоҳла-ниб, у ноқонуний йифимларни жуда осон йифиб олиши, тўпланган пулларни газнага кеч топшириши ва ҳатто баъзан уларни яшириб қолиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, бўлис бошқарувчиси ўзига берилган ҳуқуққа кўра (1867 йилги «Низом»-нинг 112§) З сўмгача миқдорда жарима солиши мумкин. Унинг бу борадаги фаолиятини, айниқса, кўчманчи аҳоли яшовчи жойларда назорат қилишнинг мутлақо иложи йўқ»<sup>1</sup>.

1867 йилги «Низом»га кўра, солиқ ундиришнинг янги тизими жорий қилинган бўлиб, у аҳолининг машфулот турлари, даромадлари ҳисоб-китобига асосланарди. Кўчманчи аҳоли учун умумий ўтов йигими жорий қилиниб, ҳар бир ўтов учун 2 рубль 75 тийин миқдорида белгиланди. Ўтрок аҳоли ҳосилнинг 1/10 қисмига тенг бўлган ер солиғи - хирож, савдо солиғи - закот ҳамда суғориш каналлари, йўллар, кўприклар, бозорлар ва бошқаларни сақлаб туриш учун солиқ тўларди. Қишлоқ жамоалари ўртасида соликларни бўлис қурултойи тақсимларди. Соликларнинг асосий миқдори йўқ-силлар зиммасига тушарди. Бўлис бошқарувчилари ва қишлоқлардаги солиқ йигувчилар моҳият эътибори билан солиқ тўлашдан озод этилган эди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг 60-йиллари - 80-йиллар урталарида бошқарув аппарати чоризм ва унинг мустамлакачилик сиёсати манфаатларида ҳаракат қилувчи маъмурий механизм ва уларга хос бўлган органларнинг бир-бири билан яқин бофланган асосий унсурлари тизимидан иборат эди. Ушбу аппаратнинг ўзига хос жиҳати унинг ҳаддан ортиқ бюрократик марказлаштирилгани бўлиб, бу

<sup>1</sup> Ўша жойда, 46-бет.

унинг қулида қонун яратиш, фармойиш бериш, ижро этиш ва назорат қилиш функциялари жамланганлигига ифодаланади. Шу билан бирга, бошқарув аппарати функцияларининг бир қисми рус маъмурлари назорати остида фаолият юритган маҳаллий ҳокимиият институтлари - оқсоқолликлар ва бўлис бошқарувларига берилган эди. Мустамлака ҳокимияти тизимидағи бундай «муроса-созлик»ка ҳарбий вазият, барқарорликка эришиш ва мустамлакачилик вазифаларини бажариш «юки»ни енгиллаштириш зарурати сабаб бўлди. Туркистонни бошқариш муаммосига бундай тактик ёндашувни империянинг бошқа минтақаларида тўпланган тажриба ҳамда минтақани ўз колониясига айлантириш борасидаги мақсадларига тезроқ ва муваффақиятлироқ эришишга бўлган уриниш ҳам тақозо этарди.

Бошқарувнинг маъмурий органлари билан бир қаторда молия органлари ҳам самодержавие учун доимо муҳим роль ўйнаб келди. Россия ҳукмрон доиралари мустамлака маъмуриятига молия соҳасида кенг ваколатлар бериш йўлидан бормади. Бу соҳани назорат қилиш функцияси аввалбошдан, Давлат Кенгашининг 1868 йил 4 майдаги қарори<sup>1</sup> билан, Давлат назорати маъкамасига қарашли Туркистон Назорат палатасига берилди. Унинг асосий функцияси давлат муассасалари ва мустамлака маъмуриятининг молия ҳисоботларини текширишдан иборат бўлди.

Назорат палатаси тафтиш қилиш, бюджет ва маъмурий вазифалар ижроси билан банд эди. Асосий функция тафтиш функцияси бўлиб, кредитлар бериш ва давлат йиғимларини тўплаш билан шуғулланган губерния, вилоят, уезд газна ва бош-

---

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 16-рўйхат, 2287-иш, 5-варақ.

қарувларининг ҳисоб-китоб дафтарлари ҳамда пул муомаласи ҳужжатларига кўра тафтиш ўтказиларди. Шунингдек, нарх-наво билан боғлиқ молия операцияларининг тўғрилиги ҳам текшириларди.<sup>1</sup> Барча давлат муассасалари назорат палата-сига ҳисобот тақдим этишлари шарт эди.

Палатанинг бюджет вазифалари молия сметаларини текшириш, уларни тузишда кўмаклашиш ҳамда бутун Туркистон ўлкаси буйича олинган даромад - буромадларнинг ҳисоботини тайёрлашдан иборат эди.

Айрим муассасаларда ҳисоб-китоблар жуда пухта: аввал «касса фаолияти жиҳатидан», яъни ижрочиларнинг ҳисоб-китоб операциялари тўғри ўтказилганми-йўқлиги, сунгра «ҳаракатлар мазмунига кўра», яъни кўрсатма берувчиларнинг ишлари қонуний ва мақсадга мувофиқми-йўқлиги текшириларди. Кредит берувчилар ижрочилар билан бирга палатага ўзлари амалга оширган молия операцияларини оқловчи барча ҳужжатларни тақдим этишлари шарт эди.<sup>2</sup> Бу ҳужжатларнинг бари ўзаро солиштириб кўриларди. Назорат палатаси ўтказган тафтиш жараёнида аниқланган уёки бу муассасалар ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида газнага зарар етказиш ҳолатлари, мансабдор шахсларнинг но-тўғри ҳаракатлари натижасида давлатга етказилган зарар, маъмурий ёки жиноий-судлов тартибida уларнинг бўйнига кўйиларди. Уларнинг ҳисобига ёзилган ундириладиган пул миқдори муассаса бошлиғига маълум қилинар, агар у тафтишчи-

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-88 жамғарма. Туркестанская контрольная палата, 1-рўйхат, 49-иш, 22, 51-54-ва рақлар.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. И-88 жамғарма. Туркестанская контрольная палата, 1-рўйхат, 99-иш, 17-18-ва рақлар.

ларнинг хулосаси билан келишмаса, у ҳолда иш қайта кўриб чиқилиши учун Давлат назорат кенгашига - Петербургга юбориларди.<sup>1</sup>

Мансабдор шахсларнинг «фаразли ҳаракатлари» натижасида давлатга етказилган зарар эса улардан жиноий-судлов тартибида ундириларди.<sup>2</sup>

Назорат палатаси материалларида ўрмонларнинг шафқатсиз кесиб юборилиши, фойдали қазилмаларни излаш ва қазиб олишга лицензияларни ноконуний бериш, ижара тұловларини вактида тұламаслик фактларига жуда күп дуч келиш мүмкін.<sup>3</sup>

А.И.Добросмыслов бу борада шундай деб ёзади: «Назорат палатаси, айниқса ўз фаолиятининг дастлабки ўн йиллигіда, Россиянинг барча бурчакларидан ёпирилиб келган йиртқичлар ғазна маблағига ўзбошимча муносабатда бўлишлари натижасида, доим ўта нозик ишлар билан машғул бўлди».<sup>4</sup>

1862-1868 йиллардаги ислоҳотдан сўнг Россияда давлат назорати буржуа хусусиятини олди. Унинг фаолиятида чекланган миқёсда бўлса-да, амал қилган ошкоралик, қонунга расман риоя қилиш, бюджет-смета ҳужжатларини текшириш моҳият эътибори билан саноатлаштириш даврида Россияда юзага келган тарихий шароитга мос келарди. Бирок, айнан шу ҳолат давлат назоратининг Туркистандаги аҳволини оғирлаштирадар, унинг мөхиятан бошқа, феодал-бюрократик негизга эга ўлка

<sup>1</sup> Уша жойда, 1-рўйхат, 1-иш, 1-2-вараклар.

<sup>2</sup> Уша жойда, 1-рўйхат, 1-иш, 24-варак; 1-рўйхат, 4-иш, 66-варак.

<sup>3</sup> Уша жойда, 1-рўйхат, 69-иш, 30-варак; 99-иш, 28-варак; 129-иш, 2-7-вараклар; 130-иш, 1-2-вараклар.

<sup>4</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Т., 1912.

маъмурияти билан муттасил низолашувига сабаб бўларди. Ўлка маъмурияти, айниқса, XIX асрнинг 70-йилларида ўзининг бюджет маблагини назоратсиз сарфлаш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Низолар одатда ўзининг ҳарбий вазир ёки императорга шикоят қилиш ҳуқуқидан кенг фойдаланган К.П.Кауфман фойдасига ҳал бўлар эди.

Бирмунча кейин, 1869 йил июнида Давлат Кенгашининг Қарори билан Тошкентда Молия вазирлигига қарашли Туркистон ғазна палатаси таъсис этилди. Унинг фаолият доирасига, энг аввало, бевосита келувчи ёки моянадан олинувчи соликларни бошқариш киради. Шу билан бир вақтда, Россиянинг ички губернияларидан фарқли равишда, ғазна палатасига билвосита соликлар (акциз йифимлари)ни бошқариш вазифаси ҳам юклатилган эди.

Шу билан бирга ғазна палатаси назорат функцияларини ҳам бажариши лозим эди. Палата таркиби унинг раиси, маслаҳатчилар, ғазначи, назоратчи ва бир нечта асессорлардан иборат эди.

Вилоят ва уезд ғазнахоналари ғазна палатасининг маҳаллий органлари ҳисобланарди. Маҳаллий ғазнахоналар Молия вазирлиги Давлат ғазнаси департаментининг кассалари эди. Улар тушумларни қабул қилиб, барча маҳкамаларнинг маҳаллий бошқарув органлари харажатлари буйича тўловларни амалга оширади. Ғазнахоналар ўтказган операцияларнинг тўғрилиги ғазна палатасининг назорат бўлими, сўнгра эса Назорат палатаси тафтишчиси томонидан текшириларди. Бу текширув ўта жиддий ўтказиларди.<sup>1</sup>

1874 йил 23 декабрда император Александр II фармони билан Давлат банки бўлими очилди. У ўз фаолият доирасига 1893 йилга қадар Туркистон

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-88 жамгарма, 1-рўйхат, 99-иш, 10-варақ

Ўлкасининг бутун ҳудудини ўз ичига олган эди. Давлат банкининг Тошкент бўлими фоизли қимматбаҳо қофозлар, қимматбаҳо металл ва товарларни гаровга олиш ҳисобига қисқа муддатли қарзлар берар, шунингдек, векселлар ва бошқа шошилинч ҳужжатлар ҳисоб-китоби бўйича тижорат айланмаларини амалга оширад, олтин, кумуш ва кредит билетларини сотиб олар ва сотар, кредит билетларини алмаштириб берарди.

Давлат банки бўлими билан бир қаторда, 1881 йили Тошкентда биринчи хусусий банк - операциялар ўтказиш, доираси чекланган, унча катта сармояга эга бўлмаган кредит муассаса - Ўрта Осиё тижорат банки иш бошлади. 1909 йилга қадар ушбу банкнинг асосий сармояси 500 минг рублни ташкил қилди.<sup>1</sup> Банк ҳеч қандай товар операцияларини ўтказмас эди. Ўрта Осиё тижорат банки асосан фоизли қофозлар ва векселлар ҳисоб-китоби билан боғлиқ операцияларни амалга оширади.

Банк муассасаларининг очилиши бу ерга Россия савдо ва саноат капитали кириб келишининг кучайиши, «Савва Морозов, сын и Ко»га тегишли Никольск мануфактураси ширкати, пайчилари 53 та йирик фирма ва алоҳида тадбиркорлар бўлган «Н.Кудрин и Ко» сингари машҳур ширкат филиалларининг ташкил қилинишига йўл очди. «Среднеазиатское торгово-промышленное товарищество Н.Кудрина и Ко» ширкати ўз операцияларини 1884 йили 400 минг рублдан иборат асосий сармоя билан бошлаб, икки йилдан сўнг уларни 2 млн. рублга етказди.<sup>2</sup> Ширкатнинг Тошкент, Қўқон, Бухоро,

<sup>1</sup> Вексельман М.И. Ўрта Осиёда Россия монополистик ва хориҷий сармояси. XIX аср охири—XX аср боши. Т., 1987, 11-бет.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар, 13-бет.

Чоржүй, Марв, Ашхабод, Оренбургдаги ширкатлари томонидан 1886 йили 2 млн. рубллик Россия товарлари сотилиб, худди шу пулга Үрта Осиё товарлари сотиб олинди.<sup>1</sup>

Кейинчалик Давлат банкининг бўлимлари ва хусусий тижорат банклари Туркистондаги барча иирик шаҳарларда очилди. Юқорида кўрсатилган, маҳаллий ҳокимият органларига фақат билвосита боғлиқ бўлган молия органлари ва банк муассасаларининг ташкил қилиниши чоризм эгаллаган колониянинг энг бой моддий ва инсоний манбаларидан самарали фойдаланилишини тартибга солди ва маблағларнинг Россия бюджетига келиб қуилишини жадаллаштирди. Чоризм учун муҳим саналган ушбу соҳада етакчи ролнинг Россия вазирликларига берилиши ҳукумат доираларида бу борада маълум прагматизм мавжудлигидан далолат бериб, Туркистон босиб олинган илк дамдаёқ унинг иқтисодини мустамлака қилиш режалари мавжуд бўлганини тасдиқлайди.

Мустамлака ҳокимият тизимининг умумий характеристикиси унинг қўриқлаш ва жазолаш маҳкамалари фаолиятида ҳам акс этади. Чоризм манфаатларини қўриқлашни судлов органлари амалга оширади. 1867 йилги «Низом лойиҳаси» Туркистонда ўзига хос суд қурилиши тизимини жорий қилди.

Ушбу тизимнинг асосий бўғинлари қўйидаги-лар эди: сайланувчи қозилик ва бийлик судлари ёки «халқ» судлари, уезд судлари, мувакқат ҳарбий-судлов комиссиялари, вилоят бошқарувларининг судлов бўлимлари ва Туркистон генерал-губернатори Канцеляриясининг судлов бўлими.

1867 йилги «Низом»га мувофиқ, биринчи суд-

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

лов идораси қилиб «халқ» суди номини олган қозилик ва бийлик судлари қолдирилди. Судьялар даъво миқдори 100 рублгача бўлган жиноий ва фуқаролик ишларини якка тартибда ҳал қилиш хуқуқига эга бўлдилар. Бундан ортиқ миқдордаги даъволар қозилик ва бийлик судлари ёки халқ судларида кўриларди. Иккинчи судлов идоралари ҳисобланган ушбу судлар даъво миқдори 1000 рублгача бўлган жиноий ва фуқаролик ишларини ҳал қиласади. Бир вақтнинг ўзида, улар биринчи судлов идораси судьялари у ёки бу ишлар бўйича ноҳақ қарор қабул қилган ҳолда, бу борадаги шикоятларни кўриб чиқувчи идора ҳисобланарди. Бундан ташқари, учинчи судлов идоралари – халқ судьяларининг Фавқулодда қурултойлари ҳам мавжуд эди. Улар турли бўлис ва уездларнинг аҳолиси ўртасида келиб чиққан низоли ишларни ҳал қиласади.

Туркистон вилоятида судлар фаолиятига 1865 йилги «Низом»га кўра жорий қилинган чекловлар янги тузилган вилоятларда ҳам қучга эга бўлди. Халқ судларида кўрилувчи ишлар доираси жуда кенг бўлиб, аҳолининг салкам 90%и қозилик ва бийлик судларига мурожаат қиласади.

Сайлов асоси ва халқ судьялари лавозимига номзодларнинг билим даражаси борасида маълум бир талабнинг мавжуд эмаслиги сайловлар атрофига олишув ва ихтилофларга кенг йўл очди. Агар хонлик даврлари қози лавозимига кўплаб номзодлар орасидан энг лойиқлари танланган, улардан шариат қонунлари ва одатлари бўйича имтиҳон олинган, номзоднинг қобиллиги фуқаролар томонидан тан олинган бўлса, янги давр сайлов тизими бу талабларни сусайтирди. Энди ҳаммаси номзоднинг мустамлака ҳокимиятига хайриҳоҳлигига боғ-

лик эди, чунки бу ҳокимият сайлов натижаларини тасдиқдан ўтказарди.


Ҳукумат доираларининг бундай сиёсати натижасида аксар ҳолларда ҳалқ судьялигига шариат қонунлари бу ёқда турсин, ҳатто оддий ҳуқуқни ҳам яхши билмайдиган одамлар сайланар, бунинг оқибатида мансабни суиистеъмол қилиш ва қонуни бузиш ҳоллари келиб чиқарди. Айниқса, жиноят турлари бўйича ҳам жазо чораларининг аниқ чегараси мавжуд эмаслиги судьяларга у ёки бу айбдор учун жазо чорасини танлашда кенг имконият берарди. Ҳалқ судьяларининг қурултойлари кўпинча бу касбдагиларнинг ноҳақ қарорларини тасдиқларди ва бу билан ўз ҳукмларининг қатъийлигини таъминлаб, хато қарорлар чиқарган судьяларнинг масъулиятсизлигини хаспушларди.

Судьяларнинг ўз мансабини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳалқнинг ҳақли норозилигига ва турли идораларга шикоят билан мурожаат қилишига сабаб бўларди. Бироқ ҳукумат доиралари ўзлари ўрнатган тартибни бекор қила олмасдилар. Шунингдек, улар ўзлари судьяликка номзодлар учун ўрнатган «хайриҳоҳлик мезони»ни ҳам бошқа, ушбу лавозимга мос мезон билан алмаштиришга шошилмасдилар. Улар вақти-вақти билан ҳалқ судьяларини ўзлари Туркистонда ўрнатган ижтимоий ва сиёсий тартибни ҳимоя қилиш учун ишончли давлат «қуроли»га айлантиришга умид қиласдилар.

Россиядаги 1864 йил суд ислоҳоти белгилаб берган суд қурилиши ва суд амалиёти қурилишининг умумий тенденциялари Туркистондаги худди шу жараёнларга деярли таъсир кўрсатмади. Факат уезд миқёсидагина суднинг маъмуриятдан чекланган тарзда ажратилиши жорий қилинди. Бироқ,

уларнинг юрисдикциясидан, К.П. Кауфман буйруғига кўра, ҳарбий губернаторлар, уларнинг ёрдамчилари, ҳарбий-округ бошқарувидаги бўлим бошлиқлари, генерал-губернатор канцелярияси бошлиғи ва уезд бошлиқлари чиқарилди. Бундан ташқари, ҳарбий губернаторларга уезд судьяларига танбеҳ ва ҳайфсан бериш ҳуқуқи берилди.<sup>1</sup>

## **VII. Александр II томонидан 1864 йилда суд низомларининг жорий этилишидан сўнгги умумсалтанат суди (XX аср бошлари)**



<sup>1</sup> Гирс Ф. Отчет по ревизии Туркестанского края. Спб., 1888, 206-бет.

Вилоят ва ўлка миқёсида генерал-губернатор канцелярияси ва вилоят бошқарувларининг судлов бўлимларига ҳам судлов функциялари берилган эди. Улар жиноий ва фуқаролик суди ҳамда уезд судьялари қурултойлари палаталари ҳуқуқи доирасида иш олиб бораарди. Канцелярияниң судлов бўлими шикоятларни кўриб чиқиш функциясини ҳам бажаарарди. Ушбу муносабат билан генерал-губернатор канцелярияси судга нисбатан, Гирснинг сўзларига кўра, «адлия вазирлиги ўз тасаруфидаги судларга нисбатан эга бўлмаган»<sup>1</sup> ҳуқуқлардан фойдаланарди.

Бундан ташқари, Туркистонда муваққат ҳарбий-судлов комиссиялари ҳам фаолият курсатиб, улар жиноий ишларни кўришда «ҳарбий қарорлар туплами»га амал қиласарди. Бу комиссиялар ҳуқуқни чегаралаш, мансабдор шахсларнинг ўлдирилиши, рус аҳолиси томонидан амалга оширилган талончилик, босқинчилик ва ўта оғир жиноятлар, руслар ва туб аҳоли вакиллари уртасидаги «ҳокимиятга қарши», «тартиб ва осойишталикка қарши қилмишлар бўйича» ишларни кўриб чиқарди. Иши ушбу судларда кўрилган шахснинг тақдирни тўлалигича ҳарбий амалдорлар истагига боғлиқ эди.

Маъмурий ва судлов функцияларининг деярли барча миқёсда бевосита ҳарбий-бюрократик аппарат қулида жамланиши суд қарорлари тўлиқ ҳолда ушбу аппаратнинг лаёқати, компетенцияси ва талабчанлиги даражасига боғлиқ бўлишига олиб келарди. Туркистон халқлари бундай чигал, юридик жиҳатдан тушунарсиз, ўзлари кўниккан анъанавий меъёр ва удумлардан йироқ судлар олдида ўзларини ҳимоясиз ҳис қиласарди. Мустамлака хо-


<sup>1</sup> Уша жойда.

кимияти билан ҳамкорлик қилувчи халқ судьяларининг амалпаратлиги, фаразгўйлиги ва порахўрлиги уларни дарфазаб қилиб, тузумга нисбатан нафратини оширади.

Туркистонни бошқариш мустамлака аппаратида полиция муҳим роль ўйнар эди. У, мунтазам армия сингари, самодержавие қуроли, унинг ўлкадаги манфаатларининг таянчи ва ҳимоячиси ҳисобланарди.

**6) Рус империяси ички ишлар вазирлиги  
полиция департаменти органи - Туркистон  
туман муҳофаза бўлими (маҳфий сиёсий  
полиция -охранка) - ТРМБ**

**1. Шахсий таркиб**



## 2. Туркистан ўлкаси ТРМБга бўйсунувчи полиция - жандарм бошқармаси бўлими



Маҳаллий маъмуриятнинг генерал-губернатордан тортиб бўлис бошқарувчисига қадар бўлган барча амалдорлари полиция ваколатларига эга эди. Генерал-губернатор «маҳаллий шароитга кўра зарур ва фойдали деб топган ҳар қандай чораларни куриш», «сиёсий жиҳатдан заарли» ҳисобланган шахсларни беш йилгача муддатга бадарга қилиш ва ҳокимият вакилларига қаршилик курсатган тақдирда уларни ҳарбий судга бериш» ҳуқуқига эга эди.

Вилоят ҳарбий губернаторлари туб аҳолини «уз ихтиёрига кўра» ҳибсга олиш ҳуқуқига ҳам эга булганларида, бу уларнинг полициячилик хатти-ҳаракатларига кенг йўл очди.

Уезд бошлиқларига метрополия исправниги ваколати, шу жумладан полицеистерлик функциялари ҳам берилди. Кўкон, Самарқанд, Янги Марғилон сингари йирик шаҳарларда ҳатто полицеистерлар ҳам уезд бошлиқлари каби жазога

тортиш ҳуқуқларини олдилар. Кичкина қилмиши ва гапга кирмаганлиги учун ҳам туб ахоли вакиллари жарима ёки бир ойлик ҳибсга тортиларди. Уезд бошлиқлари маҳаллий ахоли устидан полиция назоратини кучайтириш учун ҳарбийлардан ёрдам сурарди.

Уезд полициясига «жамоат ўз-ўзини бошқарувидан сайланган» шахслар тайинланиб, улар фақат полиция талабларини сўзсиз бажарибина қолмай, ўзлари ҳам тартибни қўриқлаш буйича мустакил равишда бирламчи чоралар куришлари лозим эди.

У ёки бу хил жазони белгилашда мустамлака маъмурияти амалдорлари жуда кўп ҳолларда ҳуқуқ доирасидан четга чиқардилар. Жазога тортиш имконияти жуда кенг талқин қилинарди: «гапга кирмаганлиги учун», «қўполлик қилгани учун», «ҳурматсизлик қилгани учун», «буйруқни бажармагани учун» ва ҳ.к.

Полиция амалдорлари ва полиция ваколатларига эга маъмурлар ўз ихтиёрларига кўра, ўз фойда ва манфаатларидан келиб чиқиб ҳар қандай жазолашни уюстира олардилар. Россия самодержавиесининг жиноий қонунчилигига кўра, улар дастлабки терговни амалга оширадилар. Назарияга мувофиқ, судланувчининг ўз иқори расмий далил ҳисобланиб, қолган барча далиллар кўмакчи хусусиятга эга эди. Полиция амалдорлари уларнинг иқорини «суфуриб олиш учун» ҳеч нарсадан тап тортмасди. Дастлабки тергов жараёнидаги қийноқ ва калтаклашларга чидаёлмай, ҳатто айбизилар ҳам қўйилган айбларга иқрор бўлардилар.

Маъмурият ва полиция органлари турмани мунтазам назоратда тутишарди. Ўлканинг барча йирик шаҳарлари ва ҳатто қишлоқларида ҳам

ҳарбий ва ҳарбий бўлмаган маҳкамалар тасаруфида турмалар қурилган эди. Туркистон үлкасида турма қуриш ва уларнинг ишлаб туриши учун ҳар йили чор газнасидан 70-80 минг рубль миқдорида маблағ ажратиларди.<sup>1</sup>

Сирдарё вилоятида бир нечта турмалар бўлиб, Тошкентда - үлка миқёсида, Петро-Александровск, Авлиёота ва Казалинскда - уезд миқёсидаги турма барпо этилганди. Тошкент турмаси энг йирик турмалардан ҳисобланиб, у 1872 йили қуриб тугалланди. Тошкент турмасида одатда судни кутаётган судланувчилар, қамоқ ёки сургунга ва Сибирга кўчиришга хукм қилинганлар, судъялар хукмига кўра терговга тортилганлар, қарзини тулай олмаганлар ва бошқа маҳбуслар сақланарди. Бундан ташқари, Россиянинг Европа қисми ва Сибирдаги турмаларига Туркистондан бадарга қилинганларнинг асосий оқими мазкур турмадан жўнатиларди.<sup>2</sup>

Тошкент турмаси фақат Сирдарё вилоятидан эмас, балки бошқа вилоятлардан бадарга қилинган маҳбусларни ҳам тўплаш маркази бўлиб хизмат қиласиди. Бу ерда бадарга қилинган маҳбуслардан гуруҳлар тузилиб, Чимкент ва Авлиёота орқали, сахро бўйлаб пиёда Сибирга жўнатиларди. Ёғин- сочин пайтлари «этап»лар маҳаллий ахолининг ўтовлари, карвонсаройлар ёки бўш кулбаларда тунарди. 1885 йилда этаплар тунаши учун маҳсус жойлар қурилиши бошланиб, иккитаси Қурама уезди, иккитаси Чимкент уезди ва биттаси Авлиёота уездига барпо этилди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Гирс Ф. Отчет..., 197-бет.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. И-270 жамғарма. Сырдаръинский областной попечительный комитет о тюрьмах. 1-рўйхат, 450-иш, 21-23-вараклар; И-1 жамғарма, 5-рўйхат, 347-иш, 7-варак.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. И-270 жамғарма, 1-рўйхат, 609-иш, 33-36-вараклар.

Самарқанд вилоятида 5 та турма мавжуд бўлиб, Самарқандда вилоят турмаси, 3 та турма эса уезд марказлари - Жиззах, Хўжанд, Каттақўргон шаҳарларида жойлашган эди. Ўрта Осиё темир йўли қуриб битказилиши билан Самарқанд турмаси Марказий жўнатиш турмаси мақомини олди. Агар аввал бадарға қилингандар Тошкент орқали Оренбург ва ундан нарига жўнатилган бўлса, энди уларни Каспийорти темир йўли орқали Красноводскка элтардилар.<sup>1</sup>

Фарғона вилоятида 4 та турма бўлиб, Янги Марғилонда, вилоят турмаси, Кўқон, Наманган ва Ўшда уезд миқёсидаги турмалар мавжуд эди.

Турмалардан ташқари Туркистон ўлкасида ҳибс уйлари, ҳарбий гауптвахта ва бошқа хил ҳибсхоналарнинг кенг тармоғи ташкил қилинган эди.

Чунончи, Сирдарё вилоятида ҳибсхоналар Тошкент полицмейстери бошқаруви, Тошкент уезди бошлиғи, Тошкент уездининг I ва II участкалари приставлари, Туркистон ва Мерке участка приставлари, Чимкент, Авлиёота участка ва уезд приставлари ҳузурида ҳамда Жўлек, Казалинск ва Перовска мавжуд эди. Одатда, ҳибсхоналарда ҳеч қандай шарт-шароитлар йўқ, улар каравот ҳам, сўри ҳам қўйилмаган ярим хароба, сомонли лойдан қурилган кулбалардан иборат бўлиб, маҳбуслар кўпинча ерда ухлашарди.<sup>2</sup>

Фарғона вилоятидаги ҳибс уйлари, айниқса, ёмон аҳволда эди. Чунончи, Андижон ҳибс уий ерда қазилган котлован қўринишида бўлиб, устида икки қават том ёпилган, ички деворлари фиштдан урилиб, устидан тахта қопланган, шифтига ёғоч

<sup>1</sup> Ўша жойда. И-80 жамгарма. Ташкентская тюрьма, 1-рўйхат, 30-иш, 2-варақ.

<sup>2</sup> ЎЗР МДА. И-1 жамгарма, 9-рўйхат, 68-иш, 2-варақ.

қокилиб, полига ғишит ётқизилган эди.<sup>1</sup> Щеңде томи қүёшда қизиб, вентиляция бўлмагани сабабли унда ўтириш маҳбуслар учун чинакам қийноқقا айланарди. Кузда ва қишида бу ер жуда нам ва совук бўларди. Бошқа вилоятлардагилари ҳам мазкур ҳибс уйидан фарқ қиласди.

Турмалар чоризмнинг «мавжуд тузумни йиқитиши» йўналишидаги турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга қарши асосий кураш воситаларидан бири бўлгани ва уларда сиёсий маҳбуслар сони тинимсиз ортиб боргани сабабли, маҳбусларни сақлаш шароитларини оғирлаштиришга муҳим эътибор бериларди.

Турмада сақлаш режимиининг асослари: энг аввало, ҳибса сақлаш тўғрисидаги низом, бадарга қилинганлар тўғрисидаги низом ва умумий турма йўриқномасидан иборат эди. Бундан ташқари, қатор йиллар давомида Туркистон турмаларидаги сиёсий маҳбусларнинг аҳволини белгиловчи бир қанча янги қоидалар ҳам эълон қилинди.

1880 йил 13 июлда чиқарилган дастлабки циркулярлардан бири (240-сон) «Сургун қилишга мўлжалланганларни сақлаш тўғрисидаги муваққат қоидалар» деб аталиб, уларда асосан сиёсий маҳбусларни сақлаш ва жўнатиш қоидалари белгилangan эди.

1886 йил 29 февралда «Губерния, уезд қамоқхоналари ва жўнатиш турмаларида сиёсий маҳбусларни сақлаш қоидалари»<sup>2</sup> эълон қилинди. Ушбу қоидаларга кўра сиёсий маҳбуслар бошқа маҳбуслардан ажратиб сақланарди; жандармерия ходимлари сиёсий маҳбусларнинг бўлинмаларига

<sup>1</sup> Ўша жойда, И-19 жамгарма, 1-рўйхат, 715-иш, 14-17-варақлар.

<sup>2</sup> Сборник циркуляров, изданный по Главному тюремному управлению в 1879-1910 гг. СПб., 1911, 22-бет.

истаган вақтида, кечаси-ю кундузи кириш ҳуқуқига эга эди. «Давлат жиноятлари»да айблантанлар бир кишилик бўлмаларда сақланиши лозим эди.

1886 йил январда эълон қилинган махсус қонунга биноан, турма маъмурияти ва ҳатто хусусий пудратчилар ҳам маҳбуслар меҳнатидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ушбу қонунга кўра, иш вақти ёзда 11 соат, қишида эса 10 соатдан ош маслиги лозим эди. Шу билан ишловчига «махсус сабоқ» бериларди.<sup>1</sup>

Россиянинг аксар ички губернияларидан фарқли ўлароқ, Туркистонда турма ва ҳибс уйлари қўшин томонидан қўриқланарди. Бу ҳолат биринчи жаҳон уруши бошлангунга қадар сақланиб қолди.<sup>2</sup>

Турма маъмуриятининг фаолияти ҳокимият органлари томонидан кам назорат қилинарди. Тергов остидагилар ва маҳбуслар устидан тазийик ўтказиш режими оддий-одатий ҳол ҳисобланарди. Чор турма назоратчиларининг талаблари ёки буйруқларини тушунмайдиган туб аҳоли вакилларининг аҳволи, айниқса, аянчли эди. Турмадаги оғир режим туфайли сил, безгак ва бошқа шу каби кўплаб касаллик келиб чиқарди.

Учта маҳаллий вилоятда турмаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи хайрия комитетларининг тузилиши билан ҳам аҳвол ўзгармади.<sup>3</sup> Уларнинг таркибига яна ўша амалдорлар, руҳонийларнинг вакиллари, ҳарбийлар кирган бўлиб,

<sup>1</sup> УзР МДА. И-19 жамғарма. Ферганское областное правление, 1-рўйхат, 12002-иш, 12, 16, 18-вараклар; И-270 жамғарма, 1-рўйхат, 259-иш, 15-27-вараклар.

<sup>2</sup> Сирдарё комитети 1879 й., Фарғона комитети 1882 й., Сармарқанд хайрия комитети 1888 й. ташкил қилинди.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

улар ҳибс жойларининг хужалик ва молия фаолиятини «кузатар», маҳбуслар манфаатини ҳимоя қилишга эса кам эътибор берар, уларнинг муаммолари билан қизиқмас, чоризмнинг Туркистондаги жазолаш сиёсатининг асосий ижрочиси ҳисобланган Турмалар бош бошқармасининг кўрсатмалариға қатъий риоя қиласидилар.

Кейинчалик, мустамлака тузумга нисбатан қаршилик кучайиши билан, турма қурилишини кенгайтириш эҳтиёжи туғилиб, «ўз каторга турмаси»га ҳам эга булиш масаласи муҳокама қилинди<sup>1</sup>, турма қоидаларини оғирлаштириш юзасидан жуда кескин чоралар кўрилди, ҳар қандай қоида ва қонунларни четлаб ўтиб ҳаракат қилиш имконини берувчи ҳокимиятнинг юқорида санаб ўтилган «фавқулодда» механизмлари кенгайтирилди ва кучайтирилди.

\* \* \*

Шундай қилиб, Туркистонда мустамлака ҳокимият тизимининг қарор топиши чоризмнинг XIX аср 60-йиллари - 80-йиллар ўрталаридағи босқинчилик юришлари жараёнида амалга оширилди. Бошқарувнинг ўзак принциплари чор Россиясининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига асосланди ҳамда бу вактгача империянинг бошқа миллий минтақаларида тұпланган мустамлакачилик тажрибасига таянилди. Ушбу тамойил ва тажрибаларга мувофиқ чоризмнинг асосий вазифалари белгилаб берилди; Туркистон халқарининг оккупацион тузумга қаршилигининг барча шаклларини ҳарбий йўл билан бостириш; хонлар, беклар, маҳаллий зодагонлар бошчилигидаги ав-

<sup>1</sup> ЦГИАЛ, 1343-жамғарма, 1-рўйхат, 157-иш, 12, 33-варақлар.

валги ҳокимият механизмларини қўпориб ташлаш, Россия давлатчилиги асосларини ўрнатиш, мамлакатнинг энг бой моддий ва инсоний манбаларини эксплуатация қилишнинг арzon ва самарали тизимини яратиш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш ишлари ҳарбийлаштирилган бюрократия зиммасига юклатилиб, у ўз қулида ҳарбий, фуқаровий ва судлов ҳокимиятини бирлаштириди ва шу тариқа Туркистонни бошқаришнинг барча асосий тармоқларини эгаллади. Фақат бўлис ва қишлоқлардагина ҳокимиятни ташкиллаштириш гўёки маҳаллий жамият измига берилди. Маҳаллий маъмурий ва судлов органларини шакллантиришнинг «сайланма тизими» эълон қилинди, улар бошқарувни мустақил равишда, бироқ чор амалдорлари назорати остида амалга оширишлари лозим эди. Амалда ушбу тактика чоризмнинг соф прагматик мақсади - анъанавий маҳаллий ижтимоий-сиёсий институтлар орқали ҳаракат қилган ҳолда ўз мақсадларига эришишга хизмат қиласади. Мувакқат низомлар, подшо фармонлари ва фармойишлари асосида ҳаракат қилган чор амалдорлари бутун Туркистон жамияти устидан мутлақ ҳукмронлик ўрнатдилар, уларнинг ҳукмронлиги деярли назорат қилинмасди. Фақат маҳаллий ахолининг чор тузумига хайриҳоҳ бўлган озчилик жамоатига нисбатангина, унинг янги қўлга киритилган колонияда хўжаликлар тикилаш ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ишидаги потенциал ролини яхши англаган ва жойларда мустамлака сиёсатини жорий қилиш учун ўз «кадрлар базаси»ни яратишга умид қилган ҳолда, мустамлака ҳокимияти ҳомийлик муносабатида бўлди.

Чоризм учун муҳим саналган икки вазифа -

Туркистонни Россия сиёсий тизимиға ўтказиш ва унинг иқтисодини метрополия манфаатлари асосида қайта қуриш зарурати Россия вазирлик ва маҳкамаларига бевосита қарам бўлган, бироқ бир вақтнинг ўзида диктаторлик ваколатларига эга генерал-губернатор К.П.Кауфманга ҳам бўйсунувчи давлат муассасаларининг тузилишига олиб келди. Бу ҳолат давлат муассасалари раҳбарларининг мустақиллигини чеклаб қўярди, бироқ 60-80-йиллар ўрталаридағи ҳарбий вазият ҳамда ўлкадаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни тартибга солиш зарурати унинг барча бошқарув органларини икки томонлама бўйсунган ва иерархия қонунларига қатъий риоя қилган ҳолда фаол ҳамкорлик қилишга мажбур этди.

Чоризмнинг мустамлакачилик режаларини ҳаётга татбиқ этиш учун етарли даражада ишончли ва кенг ижтимоий базанинг мавжуд эмаслиги ҳокимият механизмининг репрессив-қўриқлов мурватларининг яратилиши ва мустаҳкамланишига ҳамда бўлис амалдорларидан то ўлка амалдорларига қадар бўлган барча даражадаги чиновникларга деярли чекланмаган маъмурий-полиция ваколатларининг берилишига олиб келди. Амалдорлар армияга таянган ҳолда, Туркистоннинг Россия империяси таркибидаги мустамлака мавқеининг қонуний жиҳатдан расмийлаштирилишини тайёрладилар.

Янги бошқарув тизимининг Туркистон заминига жорий этилиши қийин ва оғриқли кечди. У маҳаллий жамият тараққиётининг ички тенденцияларини жиддий ўзгартира олмади. Инсонга зулм қилишга, қадр-қимматини топташга асосланган тузумга қаршилик кўрсатувчи қучлар кучли мустамлака тазиқи остида ҳам этилиб келмоқда эди.

## II БОБ

# ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА ТУЗУМИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

### 1. Мустамлака бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши. Чоризмнинг кўчириш сиёсати

XIX асрнинг 60-80-йиллари урталарида юзага келган Туркистонни мустамлака сифатида эксплуатация қилишнинг шакл ва усуллари тўғрисидаги қарама-қарши тасаввурлар үлка маъмуриятидининг сиёсатига, энг аввало, у тайёрлаган Туркистонни бошқариш тўғрисидаги янги қонун лойиҳасига таъсир қилди. Россия бюрократик аппаратининг таркибий қисми ҳисобланган К.П. Кауфман бошчилигидаги «ҳарбий-халқ» бошқаруви бу лойиҳадаги олий феодал-монархик табақаларнинг манфаатларини жон-дилдан қўллаб-қувватлар эди.

Бошқа томондан, қундалик амалиёт мустамлака ҳокимиятини эксплуатация қилишнинг ноиқтисодий усуллари Туркистоннинг чор фазнасига даромад бериши даражасининг жадал ўсишига олиб келмаслигига ишонтирди. Шу боис, улар ўз лойиҳаларида ислоҳотларни секин-аста ва эҳтиёткорлик билан амалга ошириш йўлидан боришни таклиф қилдилар. Бу ислоҳотлар ер-сув муносабатларини, аҳолига солик солиш тизимини қайта кўриш, саноат ва темир йўл қурилишига давлат маблагини жалб қилиш ва шу кабиларни назарда тутарди. Умуман олганда, маҳаллий маъмурлар

дастури чор ҳукуматининг XIX аср охиридаги Россиянинг марказий минтақаларини жадал суръатларда саноатлаштириш ва ихтисослаштиришга қаратилган умумий йўлидан четга чиқмасди.

Бирок, ижтимоий-иқтисодий ўзига хосликлар ва ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб тайёрланган бу дастур катта сарф-харажатларни талаб қиласди. Россиянинг иқтисодий аҳволи ва молиявий имкониятлари мустамлака маъмуриятининг бюджетини қатъий чегарага солдики, бунинг натижасида, олиб борилаётган сиёsat дарҳол ёки тез орада самара бериши мумкин эмасди. Шу боис Россиянинг олий бюрократик ҳокимияти К.П. Кауфман йўлига ишончсизлик билдири ва унинг 1871 ҳамда 1873 йилларда тақдим этган Туркистонни бошқариш тұғрисидаги низом лойиҳаларини рад қилди.

Лойиҳанинг етарли даражада пухта үйланмаганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар бунга баҳона бўлди. Вазирлар Кауфманни бюрократик радикализмда, яъни муҳим давлат вазифаларини бажаришга волюнтаристик муносабатда бўлишда айбладилар.

Россия вазирликлари томонидан Туркистонни бошқариш масалалари юзасидан жуда кўп таънали гаплар айтилди. Чунончи, Адлия вазирлиги «туб аҳолининг барча ҳуқуқларини рус фуқаролариники сингари батафсил санаб ўтириш»ни ортиқча деб ҳисоблади ва туб аҳолига «қонунларда белгиланган қишлоқ ва шаҳар обивателлари ҳуқуқлари»ни бериш билан чегараланишни тавсия қилди.<sup>1</sup> «Ўз турмуш шароитига кўра, империянинг паст табақасига яқинроқ бўлган қишлоқ аҳолиси» ҳуқуқларига келганда уларни кенгайтиришдан

<sup>1</sup> ЎзР МДА, И-1 жамғарма, 25-рўйхат, 15-иш, 40-варак

тийилиш тавсия қилиниб, улар «рус фуқароларига үхшаш бирон-бир маҳсус ҳуқуқларга эга бўлмаслиги лозимлиги» уқтирилди.<sup>1</sup>

Шу билан бирга, дастурда туб аҳолининг ички турмушига тегишли бўлимларни (85-модда) кучайтириш ва «эътиқод эркинлиги», «шахсий, уй ва жамоат ҳаёти ўзгармай қолдирилиши» нинг ижобий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш, уларни мавжуд урф-одатларга мувофиқ меросий, мулкий ва шартномавий ҳуқуқларини батафсил баён этиш йўли билан кенгайтириш таклиф қилинди.<sup>2</sup>

Ички ишлар вазирлиги ўз навбатида Туркистон шаҳарларининг барча фуқароларига «шаҳар обивателлари ҳуқуқи»ни бериш ниятини танқид қилди ва бундай ҳуқуқни фақат Шарқнинг тарихий юзага келган йирик савдо марказлари бўлган Тошкент, Кўқон, Андижон, Марғилон, Наманган ва Самарқанд шаҳарларининг фуқароларигина олишлари мумкинлигини уқтириди. «Уезд маҳкамалари, мансабдор шахслар ва қўшиннинг катта қисми жамланган» Хўжанд, Чимкент, Авлиёта, Каттакўргон ва Туркистон шаҳарларининг фуқароларига ҳам шундай ҳуқуқларни бериш мумкинлиги кўрсатилди. Шунингдек, «руслар кўчириб келтирилган» ва «руслар савдо қиласидиган» аҳоли пунктлари фуқароларига ҳам шундай ҳуқуқлар берилиши мумкинлиги айтилди.<sup>3</sup>

Туркистон үлкасида ер-сув иншоотлари қурилиши масалалари Адлия вазирлиги томонидан, айниқса, қаттиқ танқид қилинди. 1873 йил лойиҳасига мувофиқ амлок ерларини уларда амалда ишлаган дехқонларга бериш ва ушбу тартибни кейин-

<sup>1</sup> Уша жойда.

<sup>2</sup> Уша жойда, 41-варак.

<sup>3</sup> Уша жойда, 42-варак.

чалик вақф ва мулк ер эгалигига ҳам жорий қилиш режалаштирилган эди. Адлия вазирлиги «бундай қурилишнинг асосий негизлари Россияда амалга оширилган ва амалга оширилаётган бутун ер-сув ислохотининг умумий характерига тұғридан-тұғри хилоф» эканлитини; лойиҳанинг 204-моддаси<sup>1</sup> ер эгасига ўз ерида етиштирилган ҳамма нарсага ва унинг чегарасида жойлашган сувга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи мулк ҳуқуқи тұғрисидаги асосий қонунлардан бири (1, 4 Конунлар Мажмуаси, X т., 404-модда)га хилофлигини; лойиҳада күрсатилған «давлатнинг сугориш каналлари, сойлар ва дарёлардаги сувдан фойдаланишни мавжуд урф-одатларга күра амалга ошириш шарти билан эгалик қилиш ҳуқуқи мутлақо сохта»<sup>2</sup> эканлитини қайд этади. Вазирлик ахолига сувдан «генерал-губернатор томонидан тасдиқланган қоидаларга күра эмас, мавжуд урф-одатларга күра фойдаланиш ҳуқуқи»ни беришни таклиф қиласы да «акс ҳолда бу ҳуқуқ ҳеч қандай амалий аҳамиятта зәға бүлмаслиги»ни уқтириб үтади<sup>3</sup>. «Хозирги пайтда мулк ҳуқуқида бүлганса» ерларни режада күрсатилгани каби «фойдаланиш ҳуқуқи билан берилған давлат ерлары»га айлантириш, Ички ишлар вазирлигининг фикрича, ё лойиҳанинг ушбу бўлими Россиянинг ўзидаги ер-сув қурилиши асосларига мувофиқ ҳолатга келтирилиши, ёки умуман «империя туб

<sup>1</sup> 204-модда: «Үлка ариқлари, каналлари, сойлари, дарёлари ва кўлларида сув... давлат мулки хисобланади, бироқ... үлка ахолиси ундан мавжуд урф-одатларга күра фойдаланиш ҳуқуқини саклаб қолади, сувдан фойдаланиш тартиби, ариқлар ва бошқа иншоотларнинг қурилиши эса генерал-губернатор тасдиқлаган қоидалар билан белгиланади».

<sup>2</sup> Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане. Т., 1969, 45-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 46-бет.

қонунларининг ўзгартирилиши»га олиб келарди.<sup>1</sup>

Хукмрон доираларнинг жиддий танқид ва огоҳлантиришларига қарамай, Кауфман, ўзига берилиган «ўлка устидан бошқарувни маҳаллий шароитга мувофиқ ўзгартириш» ҳуқуқидан фойдаланиб, ерсув масаласи буйича қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, унинг фармойишларига мувофиқ мулк ерлари газна ҳисобига қисман тортиб олинди ва мулкдорларнинг имтиёзлари бекор қилинди; уларнинг ерлари амлок ерлари қатори соликқа тортилди; ер-сув билан боғлиқ низолар туғилган тақдирда низо чиққан пайтдаги «ерга эгалик ҳолати»ни ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатилди ҳамда мураккаб ишларни халқ судларида ҳал қилишда ушбу омил ҳал қилувчи роль ўйнаши уқтирилди<sup>2</sup> ва ҳ.к.

Вакф ер эгалиги тизими илдизига болта урилди, уларнинг энг йириклари ва нуфузлilари тугатилди, ўрта ва майдаларининг ҳуқуқлари қатъий чекланди. Мустамлака маъмуриятининг бундай радикал хатти-ҳаракатларига туртки берган сиёсий сабаблар аниқ кўриниб турарди. Булар: аҳоли зодагон қатламининг моддий негизи, уларнинг жамиятдаги аввалги ижтимоий-сиёсий ролига путур етказиш ва, Кауфман далолат беришича, «туб аҳолининг энг хавфли қисмини вакф ва мулк ерларини ўз қулида жамлаган рус маъмуриятига бевосита қарам қилиб қўйиш»дан<sup>3</sup> иборат эди.

Мулк ва вакф эгаларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқлари тафтишдан ўтказилди, аксар ҳужжатлар «ноқонуний» деб топилди, ерлар давлат ҳисо-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 47-бет.

<sup>2</sup> Отчет Гирса..., 4-бет.

<sup>3</sup> Проект отчета К.П.Кауфмана за 1867-1881 гг. Спб., 1885, 244-бет.

бига үтказилди, мачит, мадраса, мактабларнинг бинолари омбор, турма, касалхоналар ихтиёрига берилди.

Лойихаларнинг марказ томонидан расмий тандири «дӯстона» руҳда булиб, фақат «олий» доира-ларнинг Туркистон «курилиши»га нисбатан турли нуқтаи назарини ифодаларди. Амалда эса ҳамма Кауфман подшодан олган «чегарасиз ваколатлар» унга кўнглига келган ишини қилиш имконини беришини яхши биларди. У худди шундай иш тутади ва бу ҳақда ўз ҳисоботида маълум қиласи: «Зарафшон округи ва Амударё бўлимидаги вакъф ер эгалиги шу маънода тартибга солиндики... умумий солик тўлаш ҳолатига бўйсундирилди, аввалги эгаларига мутлақо алоқаси йўқ ва уларга ғазнадан пул берилади».<sup>1</sup> Фарғона вилоятида ҳам аҳвол шундай эди. 1880 йилда махсус «Жамоат, соликка тортиш ва ер-сув қурилиши тўғрисидаги мажмуа» эълон қилинди, у чегаралаш ишларини амалга ошириш, вакъф ерлари ҳисоби бўйича махсус ведомостлар тузиш, уларнинг ҳажмларини белгилаш, эгаларининг мачит, мадраса, мактабларга харажатларини тайинлаш, мусодара қилинган ерларни ижара савдосига қўйиш имконини берарди.

Кауфманинг бундай «ўзбошимчаликлари» тафтишчи Гирснинг ҳисоботида Кауфман «амал қилиши лозим бўлган асослардан жиддий чекинди» ва «Ўрта Осиё ўлкасини бошқариш учун 1867 йилда кўрсатилган энг асосий бошланмаларни кўп жиҳатдан ўзгартириди»,<sup>2</sup> деб қайд этишига сабаб бўлди.

Туркистонни бошқариш масалалари юзасидан раҳбарлар ўртасидаги бу ёзишмалар хийла узок давом этди. Маҳаллий маъмурият ўлкада зудлик

<sup>1</sup> Ўша жойда, 257-бет.

<sup>2</sup> Отчет... Гирса, 4-бет.

билан иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини талаб қилди, уларни кейинга суриш «давлат ғазнасига жиддий заарар етказибгина қолмай», Россиянинг Туркистондаги сиёсий мавқеига ҳам путур етказишини уқтирди. Кауфман ўз оппонентларига жавобан, жумладан, шундай деб ёзади: «Агар биз ўлкани бундан кейин ҳам шундай бошқарадиган бўлсак, унинг аҳолиси бизни ўз хукмдори деб хисобламай қўяди, балки ҳақли равишда ихтиёрига ҳар эҳтимолга қарши катта ҳарбий куч бериб қўйилган полиция агентлари деб ҳисоблай бошлиайди. Биз уларни тартибнинг ташқи шаклларига риоя қилишга ўргатиб қўямиз, аммо унинг ҳаётига жиддий таъсир кўрсата олмаймиз. Бундай ҳаракатлар хийла аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин».<sup>2</sup>

80-йиллар ўрталарига келиб маъмурий ўзбош имчаликка асосланган «ҳарбий-халқ» бошқарувитизими Россия савдо-саноат доиралари ва маҳаллий тадбиркорларнинг манфаатлари билан боғлик янгича муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётгани очиқ-ойдин кўзга ташланиб қолди. Бу ҳукмрон доираларнинг мустамлака маъмуриятий ўлига нисбатан билдирган, ҳатто бир қадар таҳдидли танқидий фикрлари чиндан ҳам «дустона» бўлганлигидан далолат берарди. Мазкур доиралар Кауфманга танқидга учраган лойиҳаларни энг катта ва аҳоли зич жойлашган, 1873 йил лойиҳасига мувофиқ бошқарилган Фаргона вилоятида «синовдан ўтказиш»га монелик қилмади.

Чор маъмурий тизимининг иккала — марказий ва минтақавий — тармоги ҳам ўзини худди Туркистон халқларининг манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳақида қайгураётгандек қилиб кўрсатар, амалда

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1 жамгарма, 27-рўйхат, 841-иш, 12-варак.



Жазо күшини қўмондони  
М.Д. Скобелев

эса чоризм учун ғоят мұхим бұлган битта вазифа - үлкани мустамлакага айлантиришни тезлатиши ва мустамлака тузумини мустаҳкамлаш вазифасини бажаарди.

80-йилларнинг бошларида ёқ Россия ҳукмрон доиралари мустамлака тузумини қонуний расмийлаштиришни тезлатишига қарор қилди. 1881 йил 13 июля «Низом»нинг якуний вариантини Петербургга тақдим этиши ва унда «үлкани бошқариш бүйіча давлат хараждатларининг имкон қадар камайтирилишини назарда тутиш»<sup>1</sup> тұғрисидаги олий фармойиш эълон қылғанды. Лойиха мұхокамаси М.Д.Скобелев раислигидеги комиссияга топширилди. Бироқ бу комиссия күп үтмай тарқатиб юборилди. Гап шундаки, вафот этган К.П.Кауфман үрніга тайинланған унинг эски ва муросасиз оппоненти М.Г.Черняев Туркистанда «үлкани бошқариш қурилишида амалга ошириш зарур бұлган үзгаришларни яхшироқ аниклаш учун»<sup>2</sup> пухта тафтиш үтказилишини талаб қилди.

Бундай тафтиш натижасида Ф.К.Гирс томонидан ҳисобот ва «Туркистан үлкаси устидан бошқарувни ташкил қилишнинг бош вазифалари тұғрисида» изоҳнома тузилди. Ушбу ҳужжатлар 1884 йили чор ҳукумати фармони билан тузилған Давлат Кенгаши аъзоси граф Н.П.Игнатьев раислигидеги навбатдаги маҳсус комиссияга күриб чиқиши учун топширилди.

Комиссия таркибиға үзининг асосий вазифасини «Туркистанда үтиш даврида мавжуд бұлган но мақбул бошқариш усулига бархам бериш» ва «ҳо кимиятта қаралат қилиш учун қонуний асослар

<sup>1</sup> ҮзР МДА. И-1 жамғарма, 25-рүйхат, 26-иш, 5-варап.

<sup>2</sup> Үша жойда, 26-вараС.

такдим этиш, бунда унинг ихтиёрида фавқулодда ҳолатлар учун етарли куч ва ваколатларни қолдириш»дан<sup>1</sup> иборат деб билган таникли чор амалдорлари ва турли маҳкамаларнинг вакиллари кири-тилди.

Игнатьев раислигидаги махсус комиссия ўша пайтгача тўпланган барча лойиҳалар, хатлар ва ҳисоботлар асосида «Низом»нинг бешинчи лойиҳасини тайёрлади. У туртта асосий бўлимдан иборат эди: ўлканинг маъмурий тузилиши, судлов тузилиши, ер-сув тузилиши, солиқ ва йифимлар. Бу «Низом» қуйидагиларни назарда тутарди: генерал-губернаторликнинг ҳудудий бирликлари номларини ўзгартириш ва уларни унификация қилиш, генерал-губернаторнинг ваколатларини чегаралаб қўйиш, зоро, Кауфманга берилган чексиз ваколатлар «улка тузилишининг дастлабки даврларида зарур эди»; ўлка, вилоят ва уезд ҳокимиятини унинг суд ва давлат муассасалари ишига аралашувини чегара-лаш томонига бир қадар ўзгартириш; Россиянинг 1864 йил суд низомларига мувофиқ янги суд ама-лиётини жорий қилиш. Шунингдек, унда ер-сув қурилиши борасидаги дастур ҳам баён этилган булиб, у ер-сувга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва бошқариш ҳукуқига бағишлиланган эди. Бу эса ўз навбатида ерга хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва уни товар-пул операциялари обьектига айлантириш имкониятига йўл очарди. Ушбу ҳол кундан-кунга кучайиб бораётган Россия ва миллий буржуазия манфаатлари талабига жавоб берарди. Кейинчалик Игнатьев раислигидаги комиссия лойиҳалаштирган ер-сув тўғрисидаги қоидалар элементлари 1886 йил қонунида ўз ифодасини топди. Россия зироатчилик ва ер-сув тузи-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 5-варак.

лиши бош бошқарувчиси А.В.Кривошеин шундай деб тан олади: «Туркистон низомида фақат мулк деган сўз йўқ. Улкада мавжуд зироатчилик шакллари етарли даражада аниқланмаганлиги ва зироатчилик билан боғлиқ маҳаллий сув ҳуқуқлари тўлиқ мавҳумлиги сабабли (қонунда шундай деб кўрсатилган), Давлат Кенгаши 1886 йилда бу сўзни айтишга чўчиди. Бироқ мулкка эгаликнинг барча элементлари: фойдаланиш, эгалик қилиш ва бошқаришдан то ерларни крепостнойлик тартибида бериш ҳуқуқига қадар қонунда кўрсатилган».<sup>17</sup>

Н.П.Игнатьев комиссияси Туркистонда жамоат бошқарувини ташкил қилиш юзасидан ҳам уз фикрини айтди. Унга мувофиқ ўтрок ва кўчманчи аҳоли яшайдиган районларда қишлоқ ва бўлис бошқарувларини бир хилда жорий қилиш, маъмурӣ қурилишнинг бу миқёсида сайлов тизимини сақлаб қолиш таклиф қилинди; уезд ва шаҳар полиция органларининг ваколатлари батафсил таърифланиб, участка бошликлари, приставлар ва уларнинг ёрдамчилари хизматини жорий қилиш орқали уларни жиддий кучайтириш кўзда тутилди; барча миқёсдаги ҳокимият маъмурӣ органларининг штат таркиби, улар маошининг смета харажатлари батафсил баён этилди, разнадан олинувчи ушбу харажатларни қисқартириш бўйича таклифлар киритилиб, харажатларнинг бир қисмини шаҳар маъмуриятлари маблағларига ўтказиш тавсия қилинди.

Игнатьев комиссияси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа подшо томонидан 1886 йил 12 июнда расман тасдиқланди ва қонуний акт тусини олиб, оз-моз

<sup>17</sup> Кривошеин А.В. Записки главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. Спб., 1912, 57-58-бетлар.

ўзгаришлар билан 1917 йилгача амалда бўлди.

1886 йилги «Низом»га мувофиқ Туркистон ўлкасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши ўзгаришлар билан 1917 йилгача амалда бўлди. Бунда мавжуд бирликларни унификациялаш принципига изчил риоя қилина бошланди. Чунончи, Зарафшон округи Самарқанд вилоятига айлантирилди. Унинг таркибига Сирдарё вилояти нинг Хўжанд уезди ўтказилди ва кейинчалик Самарқанд вилояти Жizzах, Каттақўргон, Самарқанд ва Хўжанд уездларидан ташкил топди.

Фаргона вилояти ҳудудининг ички тузилиши ўзгаришсиз қолдирилди. Сирдарё вилоятida муқаддам тузилган уездлар қаторига Амударё булими қўшиб олинди. Бир пайтнинг ўзида Қурара уезди Тошкент уезди деб ўзгаририлди.

Сирдарё, Фаргона ва Самарқанд вилоятлари «туб» вилоятлар деб аталди.

Муқаддам Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган Еттисув вилояти 1882 йили бу таркибдан чиқарилиб, Чўл генерал-губернаторлиги таркибига киритилган эди. 1899 йили Еттисув яна Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига қайтарилди.

Худди шу йили ўлка таркибига бешинчи — Каспийорти вилояти қўшилди. У 1881 йили ташкил қилинган бўлиб, 1899 йилгача Кавказ ноиблиги таркибида бўлди. Каспийорти вилояти таркибига Ашхабод, Красноводск, Мангишлок, Марв ва Тежен уездлари кираради.

Туркистон генерал-губернаторлигининг умумий майдони XIX аср охирида 1738918 квадрат километрни ташкил қиласарди. Аҳоли сони Биринчи Үмумrossия аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг тўлиқ бўлмаган маълумотларига кўра 5280983 кишига етди. Россия статистика бошқармаси тўпла-

ган маълумотларга кўра у 1911 йили 6492692 кишини ташкил қилди.

Аҳоли сонининг ўсиши, табиий ўсиш ҳамда Россиянинг Европа қисми, Волгабўйи, Сибирь, Кавказ ва бошқа минтақалардан мигрантларни кучириб келтириш ҳисобига рўй берди.

Туркистон аҳолисининг асосини ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тоҷиклар ва қорақалпоклар ташкил қиласади. Туркистондаги туб халқларнинг умумий сони юқорида кўрсатилган манбаларга кўра 1897 йили 4986324, 1911 йили эса 5941604 кишини ташкил қилди.

Украин ва белорусларни ҳам уз ичига олган рус аҳолисининг умумий сони 1897 йили 197240, 1911 йили эса 406607 кишини ташкил этди.

Бундан ташқари, Туркистон аҳолисининг этник таркиби империянинг миллий ҳудудларидағи вакиллар - татарлар, бошқирдлар, арманлар, гуржилар, литваликлар, латишлар, поляклар ҳамда қўшни Шарқ мамлакатлари вакиллари билан бойиди. Улар орасида қошгарлар, таранчилар, уйғурлар, форслар, озарбайжонлар, курдлар ва Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Муғилистондан келганларнинг гурухлари сон жиҳатидан салмоқли эди.

Туркистоннинг қишлоқ жойларида аҳолининг 86,17%и, шаҳарлarda эса 13,83%и яшарди. Шаҳар аҳолиси нисбати фақат Туркистон ўлкасининг ийрик савдо-саноат марказлари - Тошкент, Қўқон, Андижон, Самарқанд, Марғилон ва бошқа шаҳарлар жойлашган туб вилоятлар - Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида юқори эди.

1897 йилги рўйхатга олиш ҳужжатларида у фақат рус аҳолига нисбатан келтирилган бўлиб, қўйидаги кўринишга эга: дворянлар ва амалдор-

лар - 2,1%, шаҳар аҳли ва руҳонийлар - 6,5%, деҳқонлар - 20%, казаклар - 8,1%. Шундай қилиб, крестьянлар ва казакларнинг ўзига түқ қатламларини ҳам ҳисобга олганда, рус ахолисининг деярли ярми Россия самодержавиесининг Туркистондаги мустамлака аппаратининг асл ўзагини ташкил қиласарди. У чор армиясига таяниб, үлкадаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётни бошқарарди. XIX аср охири - XX аср бошларида мустамлака тузумининг ижтилоий негизи шундай эди.

1886 йилги янги меъёрий ҳужжатда «ҳарбий-халқ» бошқарувининг асосий принциплари сақланиб қолди. Шу билан бир вактда у маҳаллий маъмуриятнинг маҳкама йўналиши, суд амалиёти соҳасидаги ҳуқуқларини чегаралади ва бу чегаралашни ҳокимиятнинг полиция ва жазога тортиш функцияларини кенгайтириш йўли билан компенсация қилди.

1886 йилги «Низом»га кўра Туркистон бошқарув тузилмалари тармоғи янги орган — Туркистон генерал-губернатори Кенгashi билан тўлдирилди. Унга вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари, генерал-губернатор Канцеляриясининг бошқарувчиси, Туркистон ҳарбий округи штабининг бошлиғи, Фазна ва Назорат палаталарининг бошқарувчилари мажбурий тарзда аъзо эдилар. Кенгашга дастлаб генерал-губернатор, 1900 йилдан бошлаб эса унинг ёрдамчиси раислик қилди.

Кенгашга бошқарув амалиёти билан боғлиқ масалалар юзасидан қонунлар таклиф қилиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари у умумий маъмурий хусусиятга эга бўлган ва ер-солик қурилиши, фуқароларнинг мажбуриятлари билан боғлиқ масала-

ларни ҳам кўриб чиқарди.<sup>1</sup>

Бошқарувнинг муҳим муаммоларини мухокама қилишдаги расмий коллегиаллик ўлка бошлиқларининг «бюрократик радикализми»ни маълум даражада чегаралади ва кейинчалик Кенгаш генерал-губернаторлик ҳокимиятининг обрусига фақат путур етказяпти, деб ҳисоблаган реакцион руҳдаги маҳаллий арбобларнинг кўп сонли норозилигига сабаб бўлди.<sup>2</sup>

1886 йилги «Низом»нинг ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши билан боғлиқ ўзгаришлар Туркестон генерал-губернаторининг ташки сиёсат масалаларидаги ваколатларига ҳам дахлдор этди. Бу, энг аввало, Россия-Бухоро муносабатларида ўз аксини топди. 1886 йил январ ойида Бухорода Ташки ишлар вазирлигининг органи ҳисобланган Россия императорининг сиёсий агентлиги очилди. Уни бошқарган амалдор чор Россиясининг Бухоро амирлигидаги расмий вакили ҳисобланар эди.

Сиёсий агент Бухоро ҳокимиятининг фаолияти устидан умумий сиёсий назоратни амалга оширади ва Россия-Бухоро муносабатларининг барча масалаларини идора қиласади. Шунингдек, у Бухоро амирлигига бўлиб турган рус фуқароларининг шахсий, мулкий ва савдо манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ турли консуллик мажбуриятларини ҳам бажаар, христиан динига мансуб хорижий фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қиласади.

Бухоро ҳудудида рус манзилгоҳлари юзага

<sup>1</sup> Положение об управлении Туркестанским краем. Спб., 1886, 4-бет.

<sup>2</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Краевое управление. Спб., 1910, 13-бет.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. И-1 жамгарма, 34-рўйхат, 604-иш, 11-варак

келганлиги сабабли, сиёсий агентлик умумий маъмурий ва судлов функцияларини ҳам бажаарар эди.<sup>3</sup>

1899 йилдан бошлаб Туркистондаги барча ташқи сиёсий масалалар Ташқи ишлар вазирлигининг назорати остига олинди. Улар икки идорага бўйсунган ва қўшни давлатлар билан алоқалар масалалари билан бевосита шуғулланган дипломатик амалдор идорасига ўтказилди. Бироқ барча дипломатик ишларни ташқи сиёсий маҳкаманинг маҳсус амалдори идорасига жамлашга уриниш изчил амалга оширилмади. Каспийорти вилояти бошлиғида Эрон билан чегарадошлик муносабатлари масалаларини мустакил равишда ҳал қилиш ҳуқуқи қолдирилди, Амударё бўлими бошлиғи эса Хива хони ҳузуридаги дипломатик вакил мақомини сақлаб қолди.

1886 йилги «Низомнинг» жорий қилиниши билан мустамлака маъмуриятининг иқтисод соҳасидаги функцияларининг секин-аста чекланиш жараёни бошланди. Бу ҳарбий вазирликка эмас, бошқа маҳкамаларга, энг аввало, молия вазирлиги, дехқончилик ва давлат мулклари вазирлиги, ички ишлар вазирлигига бўйсунувчи кўплаб давлат муассасаларининг ташкил қилинишида ўз аксини топди. Уларнинг ташкил қилиниши моҳият эътибори билан ўлка маъмуриятини марказий давлат муассасалари билан уларнинг маҳаллий органлари ўртасидаги воситачи идорага айлантирарди. Маҳаллий органлар расман генерал-губернаторга бўйсунсада, хизматга доир кўрсатма ва йўриқномаларни бевосита Петербургдан оларди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, чоризм Туркистонда молия вазирлигининг маҳаллий муассасаларини тузиб, бундан, энг аввало, ўз мустамлака мулкларининг даромадларини оширишни кўзлаган

эди. 1886 йили Тошкентда акциз бошқарувининг очилиши ҳам айнан шу ишга қўмаклашиши лозим эди. Ушбу идора спиртли ичимликлар, тамаки, гугурт ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг савдосидан эгри солиқлар олиш, шунингдек, герб, суд, паспорт ва бошқа йифимларни тўплаш билан шуғулланарди.

1890 йили Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги молия вазирлигининг маҳсус топшириклиари амалдори лавозими ўрнига божхона округининг ташкил қилиниши ҳам айнан шу мақсадни кўзлар эди. У Туркистонга чегарадош барча мамлакатлар билан савдо-сотик алоқаларини назорат қиларди. 1894 йили умумимперия божхона ҳудудига Бухоро ва Хива хонликлари ҳам киритилди. 1901 ва 1902 йилларда тегишли равишда Қўқон ва Самарқанд божхоналари ташкил қилинди. 1912 йил ноябрьда Россиядаги барча божхона муассасалари қайта тузилиши муносабати билан Туркистон божхона округи ўрнида Тошкент божхона инспекторлик участкаси ташкил қилинди. Божхоналарнинг ташкил қилиниши Россиянинг бутун Ўрта Осиё минтақасидаги бозорларга мустаҳкам үрнашиши учун имкон яратди.

XIX аср охири — XX аср бошларида молия муассасалари, жумладан Россия давлат банки ва тижорат банклари филиаллари тармоғи янада кенгайди. 1890 йили Самарқандда, 1893 йили Қўқонда, 1894 йили Бухорода давлат банкининг филиаллари очилди. Тижорат банклари орасида Петербург ва Москва банклари етакчи ўринда турар эди. Волга-Камск, Рус-Осиё, Азов-Дон банклари, Москва халқаро савдо банки, Санкт-Петербург халқаро банки, Рус савдо-саноат банки ва бошқа

банклар Туркистоннинг деярли барча йирик шаҳрларида ўз бўлимларига эга эди.

Ушбу банкларнинг кўпчилиги пахта билан боғлиқ катта фойда келтирувчи операцияларни амалга ошириш ҳамда турли савдо-саноат фирмалари, бирлашмалари, ўртоқликлар, саноат ва темир йўл қурилишига сармоя жойлаштириш билан банд эди. 1915 йилга келиб Туркистонда Давлат банкининг 10 та, тижорат банкларининг эса 40 та бўлимлари фаолият курсатарди. Улар монополистик битимлар тузиш ва уларни таъминлаш билан шуғулланиб, тадбиркорлар доирасида етакчилик қиласар, секин-аста ўлка иқтисодий ҳаётидаги муҳим омилга айланиб борарди.

Шунингдек, генерал-губернатор курсатмасига кура ташкил қилинган Туркистон пахта арбитраж комитети (1891 й.) ва Қўқон биржа комитети (1906 й.) ҳам савдо ва саноат битимлари, банк операциялари ва фирмаларга кумаклашарди.

1889 йил 9 май қонунига кура молия вазирлиги тасарруфида солик инспекторлари институти таъсис этилиб, улар ғазна палатасининг ўлка, шаҳар ва уездларидағи агентлари ҳисобланарди. Уларнинг функциялари ўтроқ ва кўчманчи аҳолига солик солиш ва улардан солиқларни йифиб олиш, савдо, саноат, ер-сув мулкига солик солишни кузатиш ва назорат қилишдан иборат эди. Солик инспекторларига, шунингдек, вилоят ва уездлардаги амалдорларнинг фаолиятини назорат қилиш ҳукуқи ҳам берилган бўлиб, бу маъмурий аппаратнинг бошбошдоқлиги ва мансабни суиистеъмол қилиш имкониятини расман чекларди.

Бироқ аксар инспекторлар ўз ишига нохолис ёндашардилар, уларнинг иш усуллари кўпинча жамиятдаги кескинликни оширувчи омил бўлиб

хизмат қиласы. Инспекторларнинг фаолиятига тегишли ҳужжатлар орасыда солиқ ва йигимлар мейёрларини үзбошимчалик билан ошириш, товламачилик ва риёкорлик, ер-сув ҳужжатлари билан боғлиқ фирибгарликлар ҳақидаги күп сонли маълумотларга дуч келиш мумкин. Жумладан, Туркистанда 90-йилларда солиқ солиш тартибидаги үзгаришларни текширган ер-сув ва солиқ комиссияси аъзоларидан бирининг гувоҳлик беришича, мазкур амалдорларнинг кўпчилиги «солиқ маҳкамасида ўтириб қофозбозлик қилишдан нари ўтмаган» ва шу боис ўтказилаётган тадбирлар ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасдилар. «Улар маҳаллий тилни билмаганлари ҳолда, вакф ҳужжатларининг тұғрилигини текширишлари лозим эди, - деб гувоҳлик беради Мансирев, - уларнинг барчаси олдиндан белгиланған одат ва режага күра сохта деб топиларди... Бу диний ва хайрия ишлари билан боғлиқ урф-одатларни бузиб, ажнабий (яъни рус) таъсирига нисбатан ички нафрат ва қаршиликтин тобора кучайтиарди».<sup>1</sup>

Деҳқончилик ва давлат мулклари вазирлигига буйсунувчи муассасалар ҳам кўп жиҳатдан юқоридагига ўхшаш вазифаларни бажарар әди.

1895 йили тузилган Туркистан тоғли округи тоғ-кон саноатининг чор ғазнасига даромад беринини ошириш ҳақида қайгуардид. Унинг тасаррufigа барча геологик қидирувлар ва янги шахта, кон, нефть конларидан фойдаланишини ташкил қилиш ишлари киради.

Табиий манбалар устидан умумий назоратни 1897 йили тузилган Деҳқончилик ва давлат мулклари бошқаруви амалга ошиарди. У ирригация,

<sup>1</sup> Стенографический отчет Государственной Думы, созыв IV, сессия V, заседание 17, 15 декабря 1916 г.

урмон хужалиги, тажриба-қидирув ишлари билан шуғулланарди. Шунингдек, ушбу бошқарув қишлоқ хўжалиги ўқув юртлари - гидротехника ва гидрометрия мактаблари, боғдорчилик, узумчилик ва мевачилик мактаблари фаолиятини ҳам назорат қиласади.<sup>1</sup> Унинг пахтачиликка доир маълумотлари - пахта экилувчи умумий майдонлар ҳисоби, экин-тикинларнинг аҳволи, пахта тозалаш ва ёғ заводлари, пахта толаси нархлари тұғрисидаги маълумотларни тұплаш ва таҳлил қилиш борасидаги фаолияти жиғдий аҳамиятга эга әди. Бундай маълумотлар йил давомида уч марта тұпланиб, бутун Туркистан бүйіча солиширма маълумотларга құшиларди. Қишлоқ хўжалик ускуна ва машиналарини харид қилиш ва үлкага келтириб сотиш, элементар агрономик билимларни тарғиб қилиш ишлари ҳам, чекланган миқёсда бұлса-да, амалга ошириларди.<sup>2</sup> Бирок ушбу Бошқарув фаолиятининг эңг муҳим йұналиши - Туркистанни мустамлакага айлантириш жараённининг дастлабки дамларидан бошлаб ҳукumatнинг узок муддатли руслаштириш режаларининг таркибий қисми ҳисобланған чоризмнинг русийзабон аҳоли-ни күчириб келиш сиёсати амалга оширилди. 1847 йилдан эътиборан қозоқ ва қирғиз ҳудудларида, 1867 йилдан бошлаб эса Туркистан вилоятларида ушбу жараённинг боришини жадаллаштирди.

1886 йилги «Низом»га кўра ер улуши қўйидаги шартларда ажратиларди: ҳар бир ишловчига 10 десятинадан, дастлабки 10 йил давомида соликдан озод қилиш имтиёзи билан; бундан ташқари ҳар

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-7 жамғарма. Управление земледелия и государственных имуществ в Туркестанском крае, 1-рўйхат, 2428-иш, 7-вараж.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 8-вараж.

бир күчиб келувчига 100 рубл миқдорида нафака иккига бўлиб бериларди («Низом»нинг 280-284-моддалари). Кўриниб турибдикি, ҳокимият доира-лари узининг минтақадаги мавқеини мустаҳкамлаш учун ерни ҳам, пулни ҳам аямасди.

Кейинчалик, ўзбошимчалик билан күчиб келувчилар оқимининг кучайиши натижасида кўчиб келишни тақиқлаш бефойда бўлгани туфайли, генерал-губернатор Духовской 1898 йили «...Туркистон ўлкасига русларнинг имкон қадар кўпроқ кўчиб келишига йўл очиш» ҳақида кўрсатма берди. 1898 йили дастлабки «Туркистон ўлкасини мустамлака қилиш қоидалари» тузилиб, уларга асосан 1903 йил 10 июлда «Кишлоқ обивателлари ва мешчанларининг Сирдарё, Фаргона ва Самарқанд вилоятларидаги давлат ерларига кўнгилли равишида кўчирилиши тўғрисидаги қоидалар» деб номланган қонун тайёрланди ва қабул қилинди.

Ушбу қоидаларнинг 7-моддасига кўра давлат ер майдонлари эркаклар сонига қараб жон бошига: сугориладиган ерлар - 3 десятина гача, яйлов ва утлоқлар - зарурат ва имкониятга қараб бериларди. Алоҳида ҳолларда генерал-губернатор кўчиб келувчига берилувчи сугориладиган ер миқдорини эркак жон бошига 5 десятина гача ошириши мумкин эди.

8-моддага кўра ер майдонлари кўчиб келувчиларга доимий (муддатсиз) ажратилиб, уларга майдонларнинг чегаралари кўрсатилган маҳсус ҳужжатлар бериларди.

9-моддага кўра сугориладиган ерлар кўчиб келувчиларга ҳовли-участка тартибида фойдаланишга, қолган ерлар эса - жамоат тартибида фойдаланишга бериларди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Закон от 10 июня 1903 г., ст.7, 8, 9. Спб., 1903.

Кучиб келувчиларга қуийдаги имтиёзлар бериларди: дастлабки 5 йил давомида улар ҳар қандай солик тұлашдан тұлиқ озод қилинарди, сунгра 3 йил давомида уларнинг ярмини тұларди; кучиб келиш даврида 15 ёшдан катта булган шахслар ҳарбий мажбуриятдан озод қилинарди.<sup>1</sup>

Туркистонга Россиядан улкан крестьянлар армиясининг кучириб келиниши үлкада сугориладиган ерларга бұлган әхтиёжнинг ошишига олиб келди. Маълумки, Фарғона вилояти аҳоли зич жойлашганлиги ва зироатчилик маданиятининг ривожланганлиги билан фарқ қиласынан көрсөткіштің көбейешінде көрсетілген. Бу ерда, К.К.Паленning маълумотларига күра, туб аҳолининг жон бошига тұғри келувчи сугориладиган ерлар миқдори қуийдагича әди: Андижон уездіда - 0,7 десятина, Марғилон уездіда - 0,65 десятина, Наманган уездіда - 0,5 десятина, Қўқон уездіда - 0,5 десятина.

Худди шу маълумотларга кўра аҳоли жон бошига: Тошкент уездіда - 1,1 десятина, Хўжанд уездіда - 1,1 десятина, Самарқанд уездіда - 0,9 десятина, Каттакўрғон, Жиззах ва Ўш уездларида - 0,6 десятина ер тұғри келарди.<sup>2</sup>

Азалдан туб аҳолига тегишли бұлиб келган ерларнинг тортиб олиниши натижасыда норозилик йил сайин кучайиб борди. Чунончи, 1898 йилги Андижон қўзғолонининг асосий сабабларидан бири - маҳаллий аҳоли ерларининг зурлик билан тортиб олиниши әди. Маълумки, ушбу қўзғолон ваҳшиёна бостирилганидан сунг подшо ер юзидан супуриб ташланган Тожик, Мингтепа ва Қошғар қишлоқлари ўрнида Русское қишлоғини барпо этиш

<sup>1</sup> Ўша жойда, ст.1-3, т.6.

<sup>2</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии... Поземельно-податное дело. Спб., 1910, 80-бет.

ҳамда ундағи 2109 десятина майдонга 260 оилани жойлаштириш тұғрисида фармон чықарди.<sup>1</sup> «Вайронагарликка маҳкум қилинган қишлоқларнинг фуқаролари күчирилишлари муқаррарлигига тан бердилар, бироқ қаёққа күчишларини ҳали ҳам билмайдилар»,<sup>2</sup> деган сұзларнинг оғанғи үша пайтдаги кайфиятни англатиб турибди.

Ёки, масалан, худди үша 1898 йили Наманган уездіде 1422 десятина майдонда 76 ҳовли ва 436 жондан иборат Успенское қишлоғи; 1899 йили Андижон уездіде 2171 десятина майдонда 100 ҳовли ва 449 жондан иборат Благовещенск қишлоғи барпо этилди.<sup>3</sup>

Юқорида келтирілған маълумотлардан күринадики, туб аҳолига мансуб дәхқонлар тасарру-фидаги ер майдони сугориладиган ҳудудларда жон бошига 0,5-1,1 десятинани ташкил қылған. 1898 йил құзғолонидан сұнг чоризм үта сурбетлик билан мана шу зифирдай ер майдонларини ҳам тортиб олиб, дәхқонларни оиласлари билан бирга ботқоқ ва құмлоқларга күчириб юборди.

Ҳұкумат мустамлака ҳудудларини кенгайтириш ва «руслаштириш» борасидаги ҳаракатларини XX аср бошларида ҳам давом эттирди. Бунга, Столипиннинг 1906 ва 1910 йиллардаги машхур аграр қонунлари, жумладан, үлканинг туб аҳолисидан «ортиқча ерлар»ни тортиб олиш тұғрисидаги «Туркистан низомининг 270-моддасига құшимча киритиш ҳақида»ги қонуни асос бўлиб хизмат қилди. Уларга кўра туб аҳоли ерларини экспроприация қилиш амалиёти қонунийлашти-

<sup>1</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1914 г. Скобелев, 1917, 13-бет.

<sup>2</sup> Гинзбург А.И. Русские в Туркестане. М., 1991, 57-бет.

<sup>3</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1914 г. Скобелев, 1917, 13-бет.

рилди ва кучайтирилди, рус поселкалари, давлат ўрмон чорбоғлари ва чорвадорлик участкаларини ташкил қилиш мақсадида катта ер майдонлари маҳаллий аҳолидан тортиб олинди.

Маҳаллий аҳоли ерларининг оммавий равишда тортиб олинишини Сирдарё ва Еттисув вилоятла-ри мисолида кузатиш мумкин.

Чунончи, юқорида кўрсатилган «ортиқча ер-ларни тортиб олиш түғрисида»ги қонун жорий қилингандастлабки йилдаёқ Сирдарё вилоятининг Авлёята уездидаги 100 минг десятинадан ортиқ майдонда янги кўчиб келганларнинг 3 мингта хўжалигига мулжалланган 63 қишлоқ участкаси ташкил қилинди.

1912 йили вилоят кўчиб келувчилар фондига 73674 десятина, шу жумладан 65409 десятина дех-қончилик учун қулай ерлар тортиб олинди. Бу ерларга шу йили вилоятта Россиядан кўчириб келинган 4630 жондан иборат бўлган 1569 оила жойлаштирилди.<sup>2</sup>

Шунингдек, 1913 йили вилоятда 235377 десятина ер майдонидан иборат 103 участкани тортиб олиш режалаштирилди. Йил давомида эса, 4741 нафардан иборат бўлган 1668 оила кўчириб келинди.<sup>3</sup>

1914 йилда 1410 жондан иборат бўлган 380 оила Туркистонга кўчириб келиш учун ҳисобга олинди.

1915 йили кўчиб келувчиларнинг Тошкент уездига жойлаштирилишини бошқарувчи маъмур Колгансир овулидан тортиб олиш лойиҳалаштирилган 506500 десятина ер майдонига яна 9293

<sup>1</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1912 г. Т., 1914, 156-бет.

<sup>2</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1913 г. Т., 1916, 161-162-б.

<sup>3</sup> Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. М., 1991, 59-бет

десетина бүш давлат ерлари қўшилиб, уларда кўчиб келувчиларнинг поселкаларини барпо этиш мўлжалланаётганлигини маълум қиласди. Ҳар бир оиласга 40 десетинадан экинбоп ер ажратиш мўлжалланган эди. Бундан ташқари, дейилади маълумотда, тузга бой Шўрқай кўли маҳаллий аҳолидан тортиб олинди. Кўл давлат оброк моддасини ташкил қилиш учун бериларди.<sup>1</sup>

Кўчириб келиш фонди ва ўрмончилик маҳкамаси тасарруфидаги ерларнинг энг яхшилари, одатда, турлича унвондаги чор амалдорларига бўлиб бериларди. 1913-1915 йилларда Еттисув вилоятида «нуфузли шахслар»га 1800 десетина ер ажратилган эди. Жумладан, Верний шаҳрининг полицмейстерига 10 десетина ер ажратилди. Амалдор Оттендорф чорбоғ сифатида муқаддам учта - Ичкилик, Бўстон ва Найман бўлислари ахолиси мол боқиш учун яйлов сифатида фойдаланган Марғилон уездидаги ўрмон қўриқхонасини қўлга киритди.<sup>2</sup>

Хукуматнинг Туркистон келажаги борасидаги режаларида зоҳир буюкдавлатчилик, миллатчилик ва руслаштиришга мойиллик тенденциялари зироатчилик вазири Кривошеиннинг подшономига йўллаган «мактуби»да, айниқса яққол ўз ифодасини топган. Унда ўлкада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, сугориладиган пахта экин майдонларини ва «рус ерлари»ни мустаҳкамлаш масаласи бош мақсад қилиб қўйилган. «Факат шундагина рус халқининг сиёсий устунлиги унинг хўжалик кучи билан ҳам мустаҳкамланади», деб ҳисоблайди Кривошеин. Пахта экиладиган районларга лавлаги экиладиган Жануби-ғарбий, Ново-

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Кривошеин А.В. Курсатилган иш, 101-бет.

рессия губернияларидан аҳолини күчириб келтириш тавсия қилинади, «улардан яхши пахтакорлар чиқади», деб ҳисоблайди вазир. «Мактуб» давомида «300 мингта рус хўжалиги» ихтиёрига берилиши лозим бўлган тахминан уч миллион десятина ерни сугориш режалари ҳам баён қилинади. Вазир бу хўжаликларни «туб аҳоли яшовчи қишлоқлардан» бойроқ ва фаровонроқ қўринадиган қилиб ташкил этишни таклиф қиласди.<sup>1</sup>

Бундан кўринадики, сугориладиган районлардан «фойда соғиб олиш», Туркистоннинг табиий манбаларини эксплуатация қилишни кучайтириш, уни империянинг аграр-хомашё майдонига айлантиришнинг катта дастури ишлаб чиқилган.

Зироатчилик ва давлат мулклари бошқаруви маҳкамаларининг ҳаракатлари билан рус пахтачилари ва савдо фирмаларининг заминдor хўжаликлари ташкил этилди. Улар орасида «Беляковнинг плантацияси 620 минг десятина, Катта Ярослав мануфактураси 400 минг десятина, Тарсиннинг плантацияси эса 200 десятина ерга эга» эди.<sup>2</sup>

Самарқанд вилоятида 200 минг десятинага яқин ерга эга бўлган Мейеркорт ўртоқлиги энг иирик ҳисобланарди. Фарғона вилоятида 150 минг десятинага яқин ерга эга бўлган Томич, Кудрин фирмаси ва Ярослав мануфактурасининг плантациялари ташкил қилинган эди.<sup>3</sup>

Плантаторлар ўз хўжаликларини асрлар давомида пахта экиб келган маҳаллий аҳоли кучи билан юритарди. Ерни ижарага олиб ишловчи деҳ-

<sup>1</sup> Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства, хлопко-торговли и хлопковой промышленности Туркестана. М., 1929, 42-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 44-бет.

қонларнинг арzon меҳнати плантаторларга улкан ер рентасини олиш имконини берарди. Бироқ ушбу хўжаликларнинг кўпчилиги кейинчалик касодга учради, фақат Катта Ярослав мануфактураси ўзининг Андижон яқинидаги «Андреевский хутор» номли имениесини сақлаб қолиш ва кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Ушбу хўжаликларнинг касодга учраши сабабини А.П.Демидов шу билан изоҳлайдики, дехқончилик катта меҳнат ва техникани талаб қиласарди, майдонларга кўлда ишлов бериш усули эса сермашаққат эди, натижада тез ва катта фойда олишдан манфаатдор бўлган кўплаб фирмалар пахта етишириш билан шуғулланишдан кўра савдосотик фаолияти билан шуғулланишни маъқул кўрдилар. Бунда уларнинг маҳаллий хўжаликларни юритиш шароитлари, сугориш тартиби ва Туркистоннинг бошқа қатор ўзига хос жиҳатларини яхши билмасликлари ҳам жиддий роль уйнади.<sup>1</sup>

Туркистондаги капиталистик-савдо хўжалигига князь Н.К.Романовнинг хўжалиги мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Хўжалик майдони князнинг ирригация-сугорувчилик, ер алмаштириш ва босиб олиш фаолияти натижасида 2790 десятинани ташкил этардики, бу йирик ер эгаларининг хўжаликлари майдонидан бир неча баравар кўп эди.<sup>2</sup> Шунингдек, Н.К.Романов кўчириб келиш масалалари, жумладан, Мирзачўлдаги ерларни ўзлаштириш билан ҳам фаол шуғулланган булиб, «соф рус поселкалари»ни ташкил қилиш foясини қаттиқ туриб қўллаб-қувватлаганди. У шундай деб ёзади: «Ниятим - Ўрта Осиё чўлларини жонлантириш ва ҳукумат томонидан уларга барча табақада-

<sup>1</sup> Юнусходжаева М.Ю. Из истории землевладения в дореволюционном Туркестане. Т., 1970, 47-бет.

ги рус кишиларининг жойлаштирилиши имкониятими енгиллаштиришдан иборат».<sup>1</sup>

Зироатчилик ва давлат мулклари вазирлигининг илмий комитети ҳисоботида Н.К.Романов фаолиятининг қўйидаги натижалари қайд этилади: «Мирзачўлдаги 9 поселкадан фақат иккитаси: малоросслар яшовчи Романовский ва сектантлар яшовчи Конногвардейский поселкаларида яхши ривожланган хўжалик мавжуд. Қолган барча хўжаликлар эса, аксинча, батамом нохуш таассурот қолдиради. Никольский поселкасидағи 40 ховлидан фақат учтаси зироатчилик билан шуғулланади, қолган поселкаларда ҳам аҳвол шу. Ерларни қўшни қирғизларга ижарага бериш жуда авж олган.

Волинский поселкасида сугориладиган ерларнинг барчаси ижарага берилади, ...ерга жуда ёмон ишлов берилган... Крестьянлар ўз аҳволларидан нуқул нолиганлари-нолиган...

Крестьян хўжаликлари қаровсиз, рўзгорлари начор... Маҳаллий ҳаётни кузатувчилар кўчириб келтириш маҳкамаси томонидан жойлаштирилганларнинг хўжаликлари, айниқса, қаровсиз эканини қайд этадилар. Нафақа олганларига қарамай, улар хўжаликни юрита олмайдилар... Масалан, 1906 йил кузда ва 1907 йил баҳорда Мирзачўл тажриба даласи яқинига жойлаштирилган кўчманчилар шундай иш туттганлар. Уларга ҳар бир ҳовли учун 10 десятинадан ер ва 7421 рубль миқдорида нафақа берилган...

Муқаддам кўнгиллилар ва, асосан, турли сектантлар жойлаштирилган поселкалар яхши куринишга эга. Бироқ зироатчилик маданиятининг юксак шаклини Мирзачўлдаги ўтроқ зироатчилар-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 65-бет.

нинг хўжаликларида кўриш мумкин. Улар буюк князь Николай Константиновичнинг мулкини ташкил қилувчи участкадаги сугориладиган ерларни ижарага олувчилардир».<sup>1</sup>

Кўриб турганимиздек, янги «рус Туркистони ва бақувват рус хўжаликлари»ни ташкил қилиш foяси Зироатчилик ва давлат мулклари бошқаруви томонидан катта қийинчиликлар билан ҳаётга татбиқ этиларди. Рус крестьянлари ўзлари учун янги ҳисобланган суформа ерлардаги зироатчикликка мослаша олмасдилар.

Маҳаллий пахтакорлар учун оғир ижара шартларининг қўйилиши, пахтага белгиланган харид нархларининг пастлиги, озиқ-овқат нархларининг эса муттасил ошиб бориши дехқонлар ҳаётини оғирлаштириб, уларнинг ҳақли норозилигини келтириб чиқаарди.

Туркистонни мустамлака қилишнинг буюкдавлатчилик ва шовинистик усуллари, ҳукумат доираларининг маҳаллий аҳолига риёли муносабати, уларнинг ер-сув ва уй-жойга бўлган оддий ҳуқуқларига ҳам нописандликлари қучириб келтирилган крестьянлар учун ҳам намуна бўлиб хизмат қиласарди. Жумладан, Хўжанд уезди бошлиғи ўзининг Туркистон генерал-губернаторига йўлланган мактубида рус крестьянларининг маҳаллий аҳолига нисбатан муносабати яхши эмаслиги, кўп ҳолларда улар маҳаллий аҳолини менсимаслиги, унинг меҳнати ва мулкига нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиши, кўпинча уларни асоссиз хафа қилишини курсатади ва бунга, унинг фикрича, фақат рус крестьяни ва маҳаллий дехқон-

---

<sup>1</sup> Уша жойда, 70-72-бетлар.

нинг ҳуқуқларини тенглаштирибгина барҳам бериш мумкинлигини қайд этади.<sup>1</sup>

Бирок ҳокимият тепасидагилар одатда бундай огоҳлантиришларни эътиборсиз қолдирадилар. Уларнинг бутун дикқат-эътибори «улкан» лойиҳа - «янги рус Туркистони»ни барпо этишига қаратилган эди.

Кўчириб келиш сиёсати мавзуидаги кўплаб мақола ва монографияларда етарли даражада баён этилган бошқа деталларга тұхталмасдан, фақат шуни қайд этиб ўтмоқчимизки, туб аҳолининг кам-ситилиши чор тузумига қарши ялпи миллий-озодлик ҳаракатининг юзага келишини тезлаштириди, Туркистон халқлари миллий ўз-ўзини англашининг ўсиши ва ўз миллий давлатчилигини тиклаш учун кураш олиб бориш зарурлигини англаб этишига кўмаклашган омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, Туркистонни мустамлакага айлантириш жараёнида жорий қилинган бошқарув тузилмалари ва давлат муассасалари деярли метрополиянинг ички бозори учун ишлаб, мамлакатнинг Россияга нафакат сиёсий, балки иқтисодий ва молиявий жиҳатдан ҳам қарамлигини таъминлади. Уларнинг кўмагида юзага келган, асосан, пахтани қайта ишлаш билан шуғулланувчи соҳалар, плантация хўжаликлари - буларнинг барчаси миллий хўжалик организмининг интеграл қисми саналмаган капиталистик ишлаб чиқариш тузилмасини яратган эди. Улар савдогарлар, саноатчилар, фирмачилар ва бошқаларнинг эҳтиёжлари учун хизмат қилиб, уларнинг осмон баравар даромад олишлари ва бир вақтнинг ўзида оммавий май-

<sup>1</sup> Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. М., 1991, 88-бет.

да ва ўрта ишлаб чиқарувчининг истеъмол дара-  
жасини пасайишига қўмаклашарди.

Мустамлака тизимини «такомиллаштириш» бо-  
расидаги кейинги уринишлар япон урушидаги  
мағлубият, биринчи рус инқилоби, биринчи жаҳон  
уруши ва Марказий Осиёдаги ялпи миллий-озод-  
лик ҳаракатидан ларзага тушган самодержавие  
сиёсий тизимининг инқирози тобора кучайиб бор-  
ган шароитда амалга оширилди.

Бу уринишлар Туркистонда вақти-вақти би-  
лан, «ҳормай-толмай» иш олиб борган маҳаллий  
ва умумrossия миқёсидаги турли комиссиялар,  
кенгашлар ва тафтишларнинг кўп жилдли мате-  
риалларида ўз ифодасини топди. Т.С.Кобеко (1894  
й.), Н.И.Корольков (1896 й.), К.А.Нестеровский  
(1902-1903 йй.), К.К.Пален (1908-1909 йй.), П.А.Ха-  
ритонов (1911 й.) ва А.Н.Куропаткин (1916 й.) раис-  
лигидаги комиссиялар шулар жумласидандир.  
«Ягона ва бўлинмас Россияни сақлаб қолиш», чет  
ўлкаларнинг «сепаратизм режалари»га йўл қўй-  
маслик ҳақида қайfurган бу комиссиялар Туркис-  
тонни бошқариш механизмларини модернизация  
қилиш ва мустамлака тузумини мустаҳкамлаш  
чораларини ишлаб чиқдилар ва хукуматга таклиф  
қилдилар.

Жумладан, Нестеровский бошчилигидаги ко-  
миссия «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги  
лойиҳа»ни ишлаб чиқди. Унда бошқарув тизими-  
даги асосий хато қишлоқ ва бўлис маъмуриятла-  
рининг «сайланма негиз»га эга эканлиги, деб, таъ-  
кидланди. Комиссия туб аҳоли «самодержавиенинг  
ижобий жиҳатларини англаш»га ҳали тайёр эмас  
ва шу боис «сайланма негиз»ни дарҳол бекор қи-  
лиш лозим деган қарорга келди. У вақтинчалик,  
бир йил муддатга ва фақат солик йигувчилик

учунгина, сақлаб қолиниши мумкин, лекин шу шарт биланки, сайланган номзодларни сұнг уезд бошликтери тасдиқлашлари лозим, деб ҳисоблади комиссия.

Вилоят ва уезд маъмуриятларига ўз доирасида бўлган барча лавозимларни тайинлаш ҳуқуқини бериш таклиф қилинди.

Бутун ҳокимиятни рус маъмурияти қўлида марказлаштириш гояси ҳукуматга жуда маъқул келди, бироқ бу қарорни мамлакатда етилиб келаётган биринчи рус инқилоби арафасида бажаришга у журъат қилолмади.

Инқилобдан сұнг, П.А.Столипин ҳукуматининг сиёсий йұналиши миллатчиликни кучайтириш томонга ўзгариши муносабати билан, ўлкага К.К.Паленning тафтиш комиссияси жұнатылди. Комиссия рус ва «қуий» маъмурият органларининг фаолиятидаги салбий ҳолатларни аниқлаш ва уларни жиддий «тозалаш» билан бир қаторда, Туркистондаги халқ оммаси жиловини қўлида маҳкам тута оладиган ва 1905-1907 йиллардаги сингари ҳокимиятга қарши чиқишлиарга йўл қўймайдиган янада кучли ва айёрроқ маъмуриятни ташкил этишни таклиф қилди.

Комиссия Туркистонда «рус ва маҳаллий қишлоқ жамоаларидан иборат аралаш бўлислар»ни ташкил қилишни тавсия этди.

Тафтиш комиссияси ҳукуматнинг хўжалик ва жамоат функцияларини қисқартириш ҳисобига унинг қўриқлов-мутасаддилк функцияларини кенгайтириш, полиция миршаблари, шу жумладан отлиқ миршаблар сонини анча кўпайтириш, вилоят ва уездларда полиция ишлари бўйича ёрдамчилар лавозимлари, Тошкент шаҳрида эса обер-полицмейстер лавозимини таъсис этиш,

уларнинг моддий ва нафақа таъминотини яхшилаш ҳамда уларга турли имтиёзлар беришга алоҳида эътиборни қаратди.<sup>1</sup>

Давлат назоратчиси П.А.Харитонов ва ҳарбий вазир ёрдамчиси А.А.Поливанов бошчилигидаги комиссия ўз тавсияномаларида Туркистонда К.П.Кауфман давридаги сингари «ягона ва кучли ҳокимият»ни тиклаш зарурлигига ургу берди.<sup>2</sup>

Туркистон генерал-губернаторининг маҳкамаларга бўйсунувчи ташкилотлар устидан назорат қилиш ҳуқуқини берувчи ваколатларини тиклаш, унга маҳкамаларнинг бошлиқлари ва марказдаги вазирларники сингари ҳуқуқлар бериш таклиф қилинди.

Ушбу комиссия ишида фаол қатнашган генерал-губернатор А.В.Самсонов ўзига Кавказдаги чорноиби сингари ваколатлар берилишини талаб қилди.

Туркистондаги барча маҳкамаларга бўйсунувчи ташкилотларнинг бошлиқлари, Адлия вазирлиги ҳамда император саройи ва уделлари вазирлигига қарашли муассасаларнинг бошлиқларидан ташқари, ўз хатти-ҳаракатларини генерал-губернатор билан келишишлари шарт эди. Ушбу муассасаларда чиқарилган ҳужжатларнинг нусхалари «зудлик билан» унинг ихтиёрига келиб тушиши лозим эди.

Генерал-губернаторларнинг тафтиш қилиш ҳуқуқларини Давлат Кенгашининг тафтишчи сенатори ҳуқуқлари билан тенглаштириш тавсия қилинди.<sup>3</sup>

Аввалгидек принципиал жиҳатдан муҳим эъти-

<sup>1</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Полиция безопасности. Спб., 1910, 25, 27, 168, 170-бетлар.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. И-1 жамгарма, 25-рўйхат, 138-иш, 3-4-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 4-бет.

бор ҳукумат доираларининг маъмурий-полиция ваколатларини кучайтиришга қаратилдики, бундан А.В.Самсонов 1909-1914 йилларда, шунингдек, унинг ворислари генераллар Флуг, Мартсон, Ерофеев ва Куропаткин тўлиқ даражада фойдаландилар.

Россия дворянлари қарашларининг ифодачилири ва «буюк рус» марказининг типик вакиллари бўлган Туркистон «қурувчилари» уни бошқариш ишига бирон-бир жиддий ўзгариш киритиш, үлкадаги ҳаётий муҳим ижтимоий муаммоларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этилишини таъминлашни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Уларнинг тавсиялари анъанавий мустамлакачилик хусусиятига эга булиб, Туркистондаги рус ҳокимиятининг мавқеини янада оширишга қаратилган эди.

Шунга қарамай, Туркистонни маъмурий қайта қуриш борасидаги сунгги уринишлар 1916 или - мустамлака ҳокимияти учун экстремал вазиятда - биринчи жаҳон уруши ҳамда Ўрта Осиё ва Қозогистонда 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолони кетаётган бир пайтда амалга оширилди. Бу уринишлар IV Давлат Думаси сессияларида Ўрта Осиёдаги 1916 йил қўзғолони сабаблари тўғрисидаги масалани қизғин муҳокама қилган Россия буржуазияси томонидан ҳам қуллаб-қувватланди. Турли партияларнинг вакиллари ҳукуматни қаттиқ танқид қилдилар. Улар подшо томонидан эълон қилинган ҳамда «қонун ва ҳуқуқнинг барча элементар талабларини бузиш йули билан» амалга оширилган, туб аҳолини уруш ортидаги ишларга олиш тўғрисидаги фармонини қўзғолон келиб чиқишининг асосий сабаби деб билдилар.<sup>1</sup> Улар

<sup>1</sup> Восстание 1916 года в Средней Азии. Сб. документов. Госиздат УзССР. Т., 1932, 6-бет.

қўзголон нафақат «олий доираларнинг нодонлиги ва ўйламай иш тутиши» натижаси, балки «маҳаллий бошқарув тизимининг», улкада ҳукм сурган «крепостнойлик ҳуқуқига эга маъмурларнинг та-наззули» натижаси бўлди, деб айтдилар ва «1886 йилги архаик низомларни қисқа муддат ичидা» қайта кўришни талаб қилдилар.<sup>1</sup>

1916 йил августида қонун ижодкорлиги борасида тажрибага эга бўлган марказ мутахассислари ва маҳаллий арбоблар Туркистон үлкасини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини ишлаб чи-қишига ва уни Россиянинг қонун чиқарувчи муас-сасалари кўриб чиқишлиари учун тайёрлашга киришдилар. Мазкур сўнгги комиссия ишига 1916 йил июлида үлка генерал-губернатори этиб тайинланган А.Н.Куропаткин ўзига хос бўлган ғайрат билан раҳбарлик қилди.

Подшодан миллий-озодлик қўзголонини ҳарбий давр қонунларига кўра аёвсиз бостириш «вакола-тини олган» Куропаткин, маълумки, «галаба» қо-зонди. Бироқ у кураш ҳали тугамагани, тузумга жиддий таҳдид солувчи кўплаб омиллар сақланиб қолганини ҳам кўрди. Ушбу вазиятда Куропаткин «кескинликни юмшатиш» чораларини кўришга мажбур бўлди ва ўзидан аввалги генерал-губерна-тор Ерофеевнинг туб аҳолини очик-ойдин камси-тuvчи қарорларини бекор қилди, Туркистон маъ-мурияти туб аҳолини уруш ортидаги ишларга олиш жараёнида йўл қўйган очик-ойдин ноҳақлик-ларни тафтиш қилди, үлкани бошқариш бўйича «ислоҳотлар»га тайёрланди.

Маъмурий масалалар бўйича комиссиянинг эътиборида вилоят, уездлар ва, айниқса, қишлоқ

---

<sup>1</sup> Уша жойда, 124-125-бетлар.

районларида бошқарувни радикал ўзгартериш масаласи турди, зеро, айнан шу ерда маъмурият халқ қўзғалишларининг олдини олишга ожиз бўлиб, баъзан ўзининг хизмат бўйича ноҳақликлари билан уларнинг кўламини кенгайтирас эди.

Вилоятларда аввалгидек бошқарувни марказлаштириш режалаштирилди. Вилоят бошқарувлари янги тузилган соҳавий бўлимлар орқали барча маҳкамаларга бўйсунувчи муассасаларни ўз назорати остига олишлари лозим эди.

Уездларда Ички ишлар вазирлиги Россиянинг Астрахань губерниясида нисбатан қабул қилган низомлар асосида қайта қуришни амалга ошириш мүлжалланди. Деҳқонлар бошлиқлари институтини жорий қилиш назарда тутилди ва уезд маъмуриятининг шахсий таркибини кучайтиришга катта эътибор берилди. Уезд бошлиқларига маъмурий ва полиция масалалари бўйича иккита ёрдамчи ажратилди; уезд бошқарувлари қошида янги коллегиал орган - котиб, ёрдамчилар ва тилмочларга эга уезд қурултойи таъсис этилди. Уезд маъмуриятининг туб аҳолига нисбатан ҳомийлик функциялари отлиқ-полиция қисмларининг ташкил қилинишига кура кенгайтирилди.<sup>1</sup>

Эскидан жуда кўп баҳс ва ихтилофларга сабаб бўлиб келган бўлис ва қишлоқ бошқаруви масаласи Куропаткин комиссиясининг эътиборини тортди. Янги лойиха қишлоқ маъмуриятининг мустакиллиги доирасини жиддий ўзгартеришни кўзда тутарди. Унинг мажбуриятлари энди факат хўжалик масалалари билангина чекланарди. Бу маъмурият устидан назоратни деҳқон ёки участка бошлиқлари олиб боришлари лозим эди.

---

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 27-рўйхат, 659-иш, 49-варак.

Шу билан бир вақтда булис маъмуриятининг аҳамияти ва нуфузи кучайтирилди. Унга қишлоқларни маъмурий бошқариш ваколати билан қишлоқлардаги дәжқон ва «ғайритабаа» жамоаларидан ягона бўлисларни ташкил қилиш ҳуқуқи берилди. Бошқача айтганда, жойлардаги мустамлака маъмуриятлари тулиқ руслаштирилди.

Куропаткин комиссиясининг аъзолари «қуий» маъмуриятлар учун рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлган қатор чоралар - маошларни ошириш, хизмат учун махсус медалларни жорий қилиш ва бошқа бир қанча имтиёзларни белгилашни мақсадга мувофиқ деб топди.

Бош Штабнинг Осиё қисми вакили Вдзенковскийнинг бўлис ва қишлоқ маъмуриятлари учун сайлов тизимини бекор қилиш ҳақидаги таклифи комиссия аъзоларининг қатъий эътиrozига сабаб бўлди. Узоқ баҳслардан сўнг сайлов принципини сақлаб қолиш, бироқ «маҳаллий» маъмуриятнинг маъмурий ишларга таъсирини камайтиришга қарор қилинди.<sup>1</sup>

«Халқ суди» институти ҳам ўзгаришсиз қолдирildи. Унга вақти билан Россиянинг Европа қисмida амалда бўлган бўлис суди асосларини жорий қилиш мўлжалланди.<sup>2</sup>

Шундай қилиб, ҳатто ўзининг инқирози арафасида ҳам чоризм сийқаси чиққан «ҳарбий-халқ» бошқаруви тизимини яна бир неча ўн йилга сақлаб қолишни назарда тутган эди. Лекин, Туркистонда маъмурий бошқарувни қайта қуриш, уни XIX аср охири - XX аср бошларида мамлакатда юзага келган янги ижтимоий-сиёсий вазиятга мувофиқ мо-

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 37-рўйхат, 296-иш, 45-53-вараклар.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 60-62-вараклар.

дернизация қилишнинг аниқ ўйланган дастури мавжуд эмасди.

Лойиҳаларнинг умумий мазмуни мустамлакадан кўшимча маҳсулотнинг қатъий марказлаштирилган тартибда олинишини таъминлаш ва унинг ахолиси устидан полиция «ҳомийлиги»ни кучайтиришдан иборат бўлиб қолди. Маҳаллий аппарат эса аввалгидек Туркистонни мустамлака сифатида талон-торож қилишда ташкилотчилик ролини таъминлаши лозим эди.

Ўрта Осиё сиёсатининг марказдаги раҳбарлари ва унинг жойлардаги ижрочилари, ҳарбий-феодал доираларнинг вакиллари бўлганлари ҳолда, куни битган давлат институтларини консервация қилиш тарафдорлари эдилар. Фақат ўзлари учун кўнгилсиз бўлган у ёки бу вазиятдан чиқиши ва ута тор вазифаларни ҳал қилиш йўлларини белгилаб, улар том маънода давлат аҳамиятига молик вазифаларни ҳал қилишни улдалай олмадилар.

Буларнинг барчаси Туркистондаги мустамлака ҳокимият тизимиға яққол кўзга ташланувчи полиция тусини берарди. Ҳокимиятнинг ушбу мураккаб тузилиши, бўғинларининг бир-бирига бўйсундирилгани, фаолиятининг давлат-бюрократик усуллари фуқароларнинг кўп қиррали турмушини - уларнинг ҳудудларини чоризм тасдиқлаган намуна га мувофиқ чегаралашдан тортиб, уларнинг маънавий ҳаётини назорат қилишга қадар - тартибга солишга қаратилган эди.

## **2. Ҳокимият, полиция ва суд органлари: улар жазолаш функцияларини кенгайиши**

XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда маъмурий ва давлат муассасалари тизими-

даги үзгаришлар билан бир қаторда суд тизими хамда ҳокимиятнинг жазолаш органларида ҳам жиддий үзгаришлар юз берди. Улар 1886 йилги «Низом» ва чоризм томонидан «истисно тартибида», империя маркази ва миллий минтақаларида самодержавиега нисбатан қаршилик кучайиши муносабати билан қабул қилинган қонунларга мувофиқ «такомиллаштириб» борилди.

Улар орасида марказий ва маҳаллий органлар ҳокимияти чегараларини жиддий кенгайтирган 1881 йил 14 авгуустдаги «Давлат тартиби ва жамоат осойишталигини қўриқлаш чоралари тўғрисидаги низом» алоҳида ўрин тутади. Ушбу «Низом»га мувофиқ, чор ҳукумати ўз ихтиёрига кўра «кучайтирилган» ёки «фавқулодда» қўриқлов ҳолатини жорий қила оларди. «Кучайтирилган қўриқлов» ҳолати «бирон-бир жойда жамоат осойишталиги мавжуд давлат тузумига ёки хусусий шахслар ва уларнинг мол-мулки хавфсизлигига қарши жиной тажовузлар уюштириш ёки уларни тайёрлаш тарзида бузилса, тартибни сақлаш учун доимий амалда бўлган қонунларнинг қўлланиши етарли бўлмаган тақдирда»<sup>1</sup> жорий қилинарди.

«Фавқулодда қўриқлов» ҳолати эса «бундай тажовузлар туфайли маълум жой аҳолиси бузилган тартибни зудлик билан тиклаш учун фавқулодда чоралар кўриш заруратини талаб қилувчи қўзғолиши кайфиятига келтирилганида»<sup>2</sup> жорий қилинарди. Кўриб турганимиздек, у ёки бу жойда «фавқулодда ҳолат» эълон қилиш учун асослар

<sup>1</sup> Полный свод законов, З собрание, т.1, №350, ст.6, пункт «А».

<sup>2</sup> Ўша жойда, пункт «Б». П.А.Зайончковскийнинг «Кризис самодержавия на рубеже 1870-1880 годов» китобидан олинди. М., 1964, 402-бет.

жуда мавхум таърифланган бўлиб, уни турли шаклда талқин қилиш имконини берарди, бу эса «фавқулодда» чораларни үлкани бошқаришда кундалик чораларга айлантирган Туркистон генерал-губернаторларига кенг йўл очарди. 1892 йилдан бошлаб Туркистон доимий равишда ё «кучайтирилган қўриқлов», ё «фавқулодда қўриқлов» ҳолатида бўлиб келди. Чунончи, 1892 йили Тошкент шахри, Сирдарё вилоятининг Тошкент, Чимкент ва Авлиёота уездлари, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида «Кучайтирилган қўриқлов тўғрисидаги мажбурий низом» эълон қилинди. Бир йил муддатга чиқарилган қарор кейинчалик узайтирилди ва у доимий равишда, фақат қисқа танаффуслар билан амалда бўлди, зоро, Ҳарбий вазирлик қайд этганидек, «ушбу қарорни чиқаришга туртки бўлган ҳолатлар... заррача ўзгартмади».<sup>1</sup> 1896 йили Туркистон генерал-губернатори барон Вреский вазирликдан «кучайтирилган қўриқлов тўғрисидаги низомни бутун Туркистон үлкаси бўйича бир йилга эмас, балки доимий чора сифатида қўллаш»га рухсат беришни сўради. 1898 йил 30 майдаги буйруқ билан ушбу ҳолатга Фарғона ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Сирдарё вилоятининг Тошкент, Чимкент ва Авлиёота уездлари ўтказилди.

«Кучайтирилган қўриқлов» ҳолати Туркистонда бутун 1905 йил давомида амалда бўлди ва 1906 йил сентябрида «бутун Ўрта Осиё темир йули чизиги бўйлаб, унинг яқинидаги барча шаҳарларда» жорий қилинувчи «фавқулодда қўриқлов» ҳолати билан алмаштирилди.

Сунгра бу ҳолат қуидаги тарзда узайтирилди: 1907 йил 17 сентябргача, 1908 йил 18 октябргача,

<sup>1</sup> ЎЗР МДА. И-1 жамғарма, 30-рўйхат, 674-иш, 16-20-варақлар.

1909 йил 17 марта, 1909 йил 29 июня, 1910 йил 16 июля, 1911 йил 4 сентября.<sup>1</sup> Орадан иккى йил үтиб, 1914 йил 26 июля яна «кучайтирилган қуриқлов» ҳолати жорий қилинди ва у 1916 йил 17 июля Туркистандаги чоризмга қарши энг иирик миллий-озодлик ҳаракатини бостириш зарурати туғилгани муносабати билан жорий қилинган «ҳарбий ҳолат»<sup>2</sup> билан алмаштирилди.

«Фавқулодда» ҳолатлар амалда бўлган даврда бутун маҳаллий маъмуриятнинг полиция ва жазо-лаш функциялари чекланмаган тус олди. Генерал-губернаторларга «жамоат тартиби ва давлат хавф-сизлиги бузилишининг олдини олишга тегишли предметлар бўйича»<sup>3</sup> мажбурий қарорларни чиқариш ҳуқуқи берилди. Ушбу қарорларни бузиш ҳоллари генерал-губернатор томонидан маъмурий тартибда куриб чиқиларди ва у айборларни 500 рублча жаримага тортиш ёки 3 ойлик муддатга-ча қамоққа ҳукм қилиш ҳуқуқига эга эди.

Бундан ташқари, генерал-губернатор ҳар қандай халқ, жамоатчилик ва ҳатто хусусий йифинларни тақиқлаш, "...савдо ва саноат муассасаларини шошилинч ва вақтингча ёпиб қўйишга кўрсатма бериш", «фавқулодда» ҳолат эълон қилиш ва айrim шахсларга «кучайтирилган қуриқлов» ҳолати ҳақидаги низомда кўрсатилган жойларда бўлишни тақиқлаш ҳуқуқига эга эди.<sup>4</sup>

Генерал-губернаторлар шунингдек «умумий жиноий қонунларда назарда тутилган жиноятлар тұғрисидаги» айrim ишларни «жамоат тартиби ва

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-81 жамғарма, 1-рўйхат, 14890-иш, 3-8-варакълар.

<sup>2</sup> Ўша жойда, И-1 жамғарма, 31-рўйхат, 1143-иш, 4-варакъ

<sup>3</sup> ПСЗ, З собрание, т.1, №350, ст.15, пункт «В».

<sup>4</sup> Ўша жойда.

осойишталигини сақлаш мақсадларида зарур деб топган тақдирларида ҳарбий давр қонунларига күра судга» бериш ҳуқуқига эга эдилар.<sup>1</sup> Шу билан бирга, суд мустақиллиги принципларига хилоф равишида, уларга прокуратура органларидан «судга оширилмаган ҳар бир алоҳида тергов ёки суриштирув ишини икки ҳафтадан ошиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиш учун тақдим этиш»ни талаб қилиш ҳуқуқи берилганди.<sup>2</sup> Бу маъмурий органларга нафақат тергов жараёни, балки суд қарорига ҳам тазийк ўтказиш имкониятини берарди.

Ниҳоят, генерал-губернаторлар «шаҳар ва қишлоқлардаги жамоат бошқаруви ҳамда судлов органларидаги жамики лавозимларга тайинланганларни тасдиқлашлари», агар улар нолойик деб топилган тақдирда ишдан бўшатишни талаб қилишлари лозим эди.<sup>3</sup>

Полиция бошлиқлари ва жандарм бошқарувлари раҳбарларига «давлат жиноятларини содир этганлик ёки уларга дахлдорликда, шунингдек қонунга хилоф ташкилотларга дахлдорликда асосли шубҳа қилинган барча шахслар»ни икки ҳафтагача муддатга ҳибсга олиш ҳуқуқи берилган эди.<sup>4</sup> Шунингдек, уларга «барча жой, фабрика ва заводларда ҳар қандай вактда» тинтув ўтказиб, ҳар қандай мулкни ҳибсга олишга рухсат этилди. Маҳаллий маъмуриятлар кучайтирилган қўриқлов ҳолати эълон қилинган тақдирда ана шундай ҳуқуқларга эга эди.

Ушбу Низомнинг барча моддалари фавқулодда қўриқлов шароитида ҳам тўлиқ ўз кучини сақлаб

<sup>1</sup> ПСЗ, З собр., т.1, №350, 17-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 511-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 21-бет; Зайончковский П.А. Кўрсатилган асар, 404-бет.

қолди. Бундан ташқари генерал-губернаторга құшымча равища бир қатор кенг ваколатлар ҳам берилған эди. Жумладан, у 3000 рублгача жарима солиш, бир ойгача муддатта вақтли нашрлар ва үқув юртларини ёпиш, жиноий ишларни ёпик эшиклар ортида юритишни талаб қилиш ва шу каби ҳуқуқларға эга эди. Шундай қилиб, генерал-губернаторға берилған улкан ваколатлар унинг нафақат барча бошқарув, балки суд ва жамоат ҳаёти соҳаларига ҳам аралашувиға имкон яраттан эди.

Мустамлака<sup>1</sup> ҳокимият тизимиға хос бұлған тазиик ва қатағонлар усули юқорида күрсатилған ҳолатлар амал қылған даврда Туркестон халқларининг миллий үзлигини камситувчи ва ёвуз түзумдан халос булиш истагини янада оширувчи чинакам «тозалашлар» билан түлдирилди.

Юқорида күрсатилған низомларға мувофиқ жойлардаги аппаратнинг фаолиятини бевосита назорат қылған «ҳарбий-халқ» бошқаруви қуий бүғинининг маъмурий-полиция функциялари ҳам жиддий кенгайди. Чунончи, уезд бошлиқларига Россия ички губерниялари исправниклари ҳуқуқи берилдіки, бу уларни уезд полиция бошқарувлари раҳбарлари билан ҳам тенглаштируди. Улар у ёки бу шахсларни маъмурий тартибда 15 рублгача жаримага ёки етти кунгача ҳибсга тортишга ҳақли эдилар.<sup>1</sup>

Уезд бошлиқларига ёрдам тарикасида участка приставлари институти ташкил қилинди. Приставликка одатда чор армияси офицерлари тайинланиб, улар солиқ йиғиши, мажбуриятлар, уезд бошлиқлари чиқарған қарорлар ва күрсатмалар-

<sup>1</sup> Положение об управлении Туркестанского края, Спб., 1886, 62-64-бетлар.

нинг жойларда бажарилишини ҳамда уз участка-ларидағи аҳолини назорат қилиш билан шуғулланарди.<sup>1</sup> Улар үз назорати остидаги участка дои-расида рўй берган турли ишлар бўйича дастлабки терговни юритиш, маъмурий тартибда 5 рублгача жаримага ёки 3 кунгача ҳисбсга тортиш ҳуқуқига эга эди.<sup>1</sup>

Генерал-губернаторнинг кўп сонли фармойиш хатлари маҳаллий маъмурларни «тартиб ва осо-йишталикни сақлаш» мақсадида энг кескин чора-ларни қўллашга руҳлантирадар, зарур ҳолда «ку-ролли қучни қўллашдан ҳам чўчимасликни» тавсия қиласарди. Ҳарбий губернаторлар ва уезд бошлиқ-ларига «жамоат осоийшталиги»га хавф туғилган жойларга «ҳарбий юришлар» уюштириш ва қў-шиндан фойдаланиш, «қонунга хилоф тўдаларни тарқатиш, бебошлиқ ва итоатсизликларни бости-риш» ҳуқуқи берилди.

1905 йилдан бошлаб қўшинларни намойиш, иш ташлаш ва деҳқонларнинг исёнларини бостириш учун сафарбар қилиш ҳолатлари доимий тус олди. Генераллар Сахаров ва Прасолов қўмондон-лигидаги отрядларнинг ҳарбий кучи билан 1905 йили октябрь ва ноябрь-декабрь ойларида ялпи сиёсий иш ташлашлар, Тошкент қалъаси, Хў-жанд, Самарқанд, Чоржўй ва бошқа жойлардаги аскарларнинг исёнлари бостирилди. Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг буйруғи билан «лагерь даври»да шаҳарларда қолдирилувчи мах-сус қўшинларнинг бошлиқлари тайинланди. Ўрта Осиё темир йўлининг бутун чизиги ва теваракдаги шаҳар-қишлоқлар бўйича муваққат генерал-

<sup>1</sup> ҮзР МДА, И-1 жамғарма, 27-рўйхат, 659-иш, 22-49-варақлар.

<sup>2</sup> Үша жойда, И-13 жамғарма, 1156-иш, 65-варақ.

губернаторлар институти жорий қилинди. Красноводск станциясидан Фороб станциясигача бўлган биринчи йўл участкасини Каспийорти вилояти бошлиғи Карцов, Фороб станциясидан Жиззах станциясига қадар чўзилган иккинчи участкани Туркистон казаклар дивизияси командири Греков ва Жиззах станциясидан то Хўжанд ва Тошкент станцияларигача бўлган учинчи участкани Туркистон биринчи армия корпусининг командири Шпицберг бошқарган эди.

Уларга қуйидагича жуда катта ваколатлар берилди: тергов ва ҳарбий-судлов комиссияларини тузиш, суд қарорлари ва хукмларини тасдиқлаш; маҳаллий қўшинларга бошчилик қилиш; «жамоат осойишталиги»ни сақлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўриш, «хукуматга қарши кайфиятлар»га хайриҳоҳлиги аниқланган ҳар қандай муассасаларни ёпиш, «хукуматга қарши у ёки бу тарғиботни қўллаб-қувватлашга бўлган уринишлар кўзга ташланган» матбуот органлари фаолиятини тұхтатиши ва ёниб қўйиш.

Ушбу институтнинг жорий қилиниши нафақат Туркистондаги мустамлака ҳокимият тизимининг инқирозга учраганини, балки бутун сиёсий тизимнинг бекарорлигини ҳам кўрсатарди.

Қўшинлар фақат муҳим давлат объектлари, йўллар, почта, телеграфни эмас, турмаларни кўриқлаш учун ҳам ажратила бошланди. Вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари турма бошлиқларининг ўз тасарруфларидағи қамоқхоналарда қўриқловни кучайтириш зарурлиги ҳақидаги илтимосномаларига кўмилиб кетдилар. Бош штабга йўлланган ҳисоботда ушбу масала юзасидан шундай дейилади: «Давлат ҳаётида сўнгги икки йилда юзага келган фавқулодда шароит қўшинлар хиз-

матини жуда мушкул аҳволга солиб қўйди ва нормал дислокацияга жиддий путур етказди», қоровулларга тинч даврда қоровуллик хизматига ҳеч қачон жалб қилинмаган командалар, «ўкув ва овчилик командалари, ҳатто мусиқачи шогирдлар» ҳам тайинланана бошланди.<sup>1</sup> Чунончи, 1907 йил 1 январга келиб Туркистонда қоровуллик хизматига тайинланган йиллик наряд 1027 кишини ташкил қылган бўлса, 1908 йили 1225 кишига етди<sup>2</sup> ва ҳ.к.

Қўрилган чораларга қарамай, инқилоб тўлқини тинчимади. Эсерлар ва анархиячи гурухларнинг вакиллари томонидан энг манфур чор золимларига қарши турли террорчилик тадбирларини ўютириш ҳоллари кўпайди. Чунончи, 1905-1907 йилларда Тошкент станцияси бошлиғи подполковник Чернов, Фарғона ҳарбий губернатори ёрдамчиси Пашкевич, Тошкент судлов палатаси прокурори Шаригин, Ўрта Осиё темир йўли бошлиғи генерал Ульянин ўлдирилди, жуда кўп полициячи, жандарм, судья, уезд ва бўлис бошлиқларига қарши суикасдлар ўютирилди.<sup>3</sup>

Террорчилик актларининг кўпайганидан ташвишга тушган маҳаллий маъмурият махсус қидирав органи тузилишини қатъий туриб талаб қилди. 1901 ва 1905 йилларда ташкил қилинган Ўрта Осиё ва Тошкент темир йўлларидаги жандарм полиция бошқарувлари қидирав ишларининг йилдан-йилга ортиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмай қолди. Туркистон генерал-губернатори Гродеков ҳукуматга «Тошкент, Черніево, Самарқанд, Ашхабод, Марв, Қўқон, Чоржўй, Қизил Арвот ша-

<sup>1</sup> ЦГВИА, 400-жамғарма, 262/912 рўйхат, 101-иш, 2-4-варак.

<sup>2</sup> Уша жойда.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, И-133 жамғарма, 1-рўйхат, 499-иш, 1-5-вараклар.

ҳарларида полиция кузатув пунктларини кучайтириш»<sup>1</sup> зарурлиги тұғрисидаги масала билан мурожаат қилди ва үлкада полиция-қидируд ишларини зудлик билан такомиллаштириш чораларини куришни сұради.

1907 йил августдаёқ ҳукумат фармойиши билан Тошкентда Туркистан үлкасида полиция қидирувини уюштириш учун Махсус бұлым ташкил қилинди. Бұлымга 10 нафар «филёр» - сиртдан кузатиши агентлари ва кузатув бошлиғи юборилди. Маҳаллий полиция ва темир йўл жандарм бұлимларининг бошлиқлари Махсус бұлымга үлкадаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат билан боғлиқ барча маълумотларни маълум қилишлари шарт эди. Махсус бұлым шунингдек маҳаллий полиция ва жандармерияларни назорат қилиш ҳуқуқини ҳам қулга киритди.

ИИВ фармойиши хатида бундай деб күрсатилади: «Қидируд фаолиятида темир йўл жандарм-полиция бошқаруви бошлиқлари, жандарм-полиция бұлымлари бошлиқлари, Кушка қалъаси бошлиғи, уезд ва шаҳар полицияси ва маъмурияти амалдорлари Туркистан генерал-губернатори канцелярияси ҳузуридаги Махсус бұлимнинг күрсатмаларига амал қиласи, унинг қидируд бўйича барча талабларини бажаради. Тинтуб қилиш, почта жўнатмаларини кўздан кечириш ва ҳисбга олиш тұғрисидаги барча талаблар зудлик билан ва қатъий бажарилиши лозим».<sup>2</sup>

1907 йил октябрида Махсус бұлым ўрнида Туркистан район қуриқлов бұлыми ташкил қилинди. Қуриқлов бұлымлари тұғрисидаги махсус низом

<sup>1</sup> ЦГВИА, 400-жамғарма, 1909, 262-рўйхат, 142-иш, 1-4-варапқлар.

<sup>18</sup> ЎзР МДА, И-1 жамғарма, 31-рўйхат, 367-иш, 56-вараЕ

улар «давлат жиноятлари тұгрисидаги ишларни махфий текшириш билан шуғулланиши», текшириш натижалари «қар ойнинг 5 кунида Полиция департаментига тақдим этилиши лозим» лигини белгилар эди.<sup>1</sup>

Туркистан құриқлов бүлими таркиби топширик берувчи офицер, суриштирувни олиб борувчи офицер, котиб, сиртдан кузатувчи филёрлар бошқарувчиси ва 10 нафар филёрдан иборат эди. Бұлым таркиби йилдан йилга кенгайиб борди ва 1917 йилга келиб икки бараварга ортди. Унинг фаолияти доирасига бешала вилоят киритилди, бундан ташқари, Ашхабод ва Верний шаҳарларида ушбу бұлымга бевосита бүйсунувчи қидируд үшіннеләр ташкил қилинди.

Махфий агентлар - провокаторларга охранка, айниқса жиддий эътибор берарди. Улар қидируд тизимида асосий роль үйнар эди. Полиция департаментининг махфий йүриқномаси ҳокимият доираларининг «хабардорлигини таъминловчи ягона ишончли восита сифатида ички ва махфий агентураларни ёллаш ва сақлаш зарурлиги» ҳақида күрсатма берди.<sup>2</sup>

Турли сиёсий ташкилотлар таркибидә агентларга эга бўлиш айниқса муҳим ҳисобланар эди. Бу борада йүриқномада шундай дейилади: «Шуни доимо назарда тутиш лозимки, текширувдаги муҳитда бўлган энг заиф ходим ҳам давлат жиноятини аниқлаш учун жамоат орасида бемалол юра оладиган қидируд ишлари бошқарувчисидан кўпроқ материал беради. Шу боис инқилобий муҳит ёки бошқа текширувдаги жамоада бўлган махфий

<sup>1</sup> За кулисами охранного отделения. Берлин, 1910, 333-бет.

<sup>2</sup> Падение царского режима. З-ж., 1925, 189-бет.

ходимнинг ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нарса боса олмайди».<sup>1</sup>

Шундай қилиб, провокация қидирув ишининг асосини ташкил этган бўлиб, чоризм ўзини провокаторлар қўли билан ҳимоя қилмоқда эди. Қолган барча воситалар - аноним хатлар, тинтувда олинган материаллар, сўроқ материаллари иккинчи даражали ҳисобланарди. «Қолган восита ва қидирув кучлари» қаторига сиртдан кузатиш агентлари ёки филёрлар ҳам киради.

Провокаторлар охранкада берилган лақаблар билан ҳаракат қилгани сабабли, уларни фош қилиш жуда қийин эди. Агентлар гўёки рус ахолисига қарши йўналишдаги панисломистик ёки пантуркистик ҳаракат ҳақидаги миш-мишларни атайлаб тарқатар, бу ҳокимиятнинг туб ахолига қарши қатогон уюштириши учун қулай баҳона бўлиб хизмат қиласади.

Кейинчалик маҳаллий ташкилот полиция ва қидирув муассасалари суриштирув ишлари билан фавқулодда банд эканини баҳона қилиб, ўлка жандарм бошқарувини ташкил этиш талаби билан чиқди<sup>2</sup> Туркистон бошлиқларининг илтимосларига жавобан катта маблағ ажратилди ва марказдан қидирув ишлари буйича «мутахассислар» юборилди, бироқ ушбу масаланинг узил-кесил ҳал этилишига уруш ва у билан бирга маъмурият бошига ёғилган янги «ташвишлар» халакит берди.

Туркистонда судлов тизимини қайта тузишдан мақсад, чоризм уни Россиядаги шундай тизимга мослаштириш ва уни маъмуриятдан нисбатан мустақил қилишдан иборат эди. Бироқ, юқорида таъ-

<sup>1</sup> «Голос минувшего», 1917, №9-10, 281-бет.

<sup>2</sup> ЦГВИА, 400-жамғарма, 1909, 262-рўйхат, 142-ищ, 1-4-вараклар.

рифи келтирилган, моҳият эътибори билан мустамлака тизими ning сўнгги кунларига қадар амалда бўлган кучайтирилган ва фавқулодда қуриқлов тўгрисидаги «низомлар» туфайли суднинг маъмуритдан ажратилиши фақат расмий характерга эга бўлди. Шунга қарамай XIX аср охиридаги суд тузилиши олдингисидан фарқ қиласарди.

1886 йилги «Низом»га кўра уезд судлари тугатилиб, уларнинг ўрнига участка мировой (келиштирув) судлари таъсис этилди. 1864 йил судлов низомларининг дастлабки матнига кўра мировой судьялар шаҳар ва қишлоқ бошқарув органлари томонидан уч йил муддатга сайланиси лозим эди. Бироқ Туркистонда судлов низомлари қабул қилинган даврга келиб Александр III нинг аксилис-лоҳотлари амалга оширилиб, 1864 йил низомларининг у ёки бу даражада демократик институтлари тарқатиб юборилди. Петербург, Москва ва Одессадан ташқари барча ерда мировой судьялар институти бекор қилиниб, тайинланувчи шахслар: шаҳарларда — шаҳар судьялари, қишлоқларда — земство бошлиқлари билан алмаштирилди. Туркистонда ҳам мировой судьялар сайланмай, балки тайинланарди.

Вилоят бошқарувларининг судлов бўлимлари вилоят судлари билан алмаштирилди. Уларнинг қошида суд терговчилари, вилоят прокурорлари ва уларнинг ўртоқлари лавозимлари таъсис қилинди. Вилоят судьялари мировой судьялар қурултойлари функцияларини бажарар ва мировой судьялар ваколатига кирмайдиган фуқаровий ишларни, шунингдек, муқаддам вилоят бошқарувларининг судлов бўлимлари юритган ишларни кўради.

Кейинчалик 1898 йил ислоҳот ўтказилиб, у «Суд низомларини Туркистон ўлкаси вилоятла-

рида жорий қилиш қоидалари»га мувофиқ тугатилган вилоят судлари ўрнига округ судларини ва бутун Туркистон учун бош судлов идораси ҳуқуқларига эга бўлган Тошкент судлов палатасини жорий қилди. У фақат империянинг олий судлов идораси - Сенатга бўйсунарди.

Округ судлари Туркистоннинг бешта вилоятида жорий қилинди. Улар суд раиси, унинг ўртофи ва суд аъзоларидан иборат эди. Округ судларининг йиғилишларида судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслигини белгиловчи суд маслаҳатчилари иштирок этарди. Жазо чорасини судья ва суднинг икки аъзоси белгиларди. Суд маслаҳатчилари иштирокида қабул қилинган округ судлари қарорлари қатъий ҳисобланарди, улар иштирокисиз қабул қилинган қарорлар устидан эса Тошкент судлов палатасига шикоят бериш мумкин эди.

Округ судлари ва Тошкент судлов палатаси томонидан суд маслаҳатчилари иштирокида қабул қилинган қарорлар устидан шикоят фақат суд амалиётининг қонуний тартиби бузилган ҳолдагина берилиши мумкин эди. Шикоят Россиядаги олий кассация идораси ҳисобланган Сенат томонидан кўриларди.

Юқорида кўрсатилган судларнинг фаолияти, энг аввало, Туркистондаги инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракати иштирокчиларига қарши қаратилган эди. Чунончи, Тошкент округ судида «давлатга қарши жиноий қилмишлар тўғрисида»ги (мустамлака тузумига қарши чиқишлиар шундай квалификация қилинган эди): 1906 й. - 12 та, 1907 й. - 8 та, 1908 й. - 12 та иш кўрилди. Улардан 4 киши Жиноят Низомининг 102-моддаси («Россияда асосий қонунлар билан белгиланган ҳукмронлик тарзини зўравонлик тажковузи билан ўзгартириш

учун тузилган ташкилотда қатнашганлик»<sup>1</sup>)га күра ҳукм қилинди.

Самарқанд округ судида 1906 й. - 5 та, 1907 й. - 8 та, 1908 й. - 6 та шундай иш кўрилган эди.<sup>2</sup>

Янги Марғилон округ судида эса 1906-1908 йилларда 15 та иш кўрилди.<sup>3</sup>

Судлов статистикаси Туркистонда дехконлар ҳаракатларига қарши қатағонларнинг кучайганлигини қайд этди. Улар қуйидаги моддалар буйича номланар эдилар: «бошқарув тартибига қарши жиноятлар», «тартиб ва осойишталикни бузиш», «зўрлик ишлатиш йўли билан талончилик қилиш», «маъмурият мансабдор шахслари шаънини ҳақорат қилиш» ва ҳ.к.

Биргина Фарғона вилоятида 1904 йили фақат мировой судьялар томонидан: «бошқарув тартибига қарши қилмишлар» - 48та, тартиб ва осойишталикни бузиш ҳоллари - 113та, киши шаънини ҳақорат қилиш ҳоллари - 91та, бироннинг мулкини талон-тарож қилиш ва зарар етказиш ҳоллари - 206 та иш кўриб, ҳукм чиқарилди.<sup>4</sup> 1906 йили эса, шу вилоятда яна: «бошқарув тартибига қарши қилмишлар» - 130та, тартиб ва осойишталикни бузиш ҳоллари - 202та, шаънини ҳақорат қилиш ҳоллари - 242та, бироннинг мулкини талон-тарож қилиш ва зарар етказиш ҳоллари - 251 та иш қайд этилди ва жазо чораси белгиланди.<sup>5</sup>

Мазкур расмий рақамлар ҳокимият зулми ва

<sup>1</sup> Пален К.К. Отчет... Судебные учреждения. Спб, 1910, 20-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 26-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 34-бет.

<sup>4</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1904 г. Скобелев, 1905, Приложение 16, 22-бет.

<sup>5</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1906 г. Скобелев, 1908, 86-87-бетлар.

зўравонлигига қарши курашнинг ўсиб борганидан далолат беради.

Бундай турдаги ишлар бўйича суд терговлари одатда инсон қадр-қимматини ерга уриш, қийнокқа солиш, терговни атайлаб чўзиш, порахўрлик ва бошқа қонунсизликлар билан амалга ошириларди.

Суд амалиёти жараёнида суд ҳужжатларига нописандлик кўзга ташланарди, гувоҳларни четлаштириш, уларни «гунг» гувоҳлар, яъни давлат хизматида бўлиб, маъмуриятга бўйсунувчи маҳсус экспертларнинг маълумотлари билан алмаштиришга йўл қўйиларди. Буларнинг барчаси мустамлака ҳокимиятига судлов машинасини ўзи учун маъқул тарзда мослаштирганлигини, судларни жандармерия ва охранкага яқинлаштиришга ҳаракат қилганлигини кўрсатар эди.

Чор судлари томонидан ҳукм этилганлар сони ортиб борди ва 1905-1910 йилларда бу қуидаги манзарани акс эттириди:

Фаргона вилоятида:	1905 й. - 3447 киши	1908 й. - 4897 киши
	1906 й. - 2667 киши	1909 й. - 5341 киши
	1907 й. - 4837 киши	1910 й. - 6315 <sup>1</sup> киши
Самарқанд вилоятида:	1906 й. - 3761 киши	1908 й. - 3519 киши
	1907 й. - 3058 киши	1910 й. - 5196 <sup>2</sup> киши

<sup>1</sup> Фаргона вилояти бўйича 1905-1910 йилги статистик ҳисоботларга кўра тузилди.

<sup>2</sup> Самарқанд вилояти бўйича 1906, 1907, 1908, 1910 йилги статистик ҳисоботларга кўра тузилди.

Демак, биргина Фарқона ва Самарқанд вилоятларида 6 йил давомида 53038 киши судланиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Бу рақамлар жамиятда фақат ижтимоий кескинлик ўсиб борганилигидан далолат берибина қолмай, балки мустамлака тузумнинг илдиз отмаганлигини, сиёсий тузум омонат эканлигини ҳам кўрсатади.

Юқорида тилга олинган судлар билан бир қаторда Туркистонда ҳарбий судлар ҳам ўз фаолиятларини давом эттириди. Уларда фақат ҳарбий унвонга эга кишилар эмас, балки ишлари «истисно тариқасида» мазкур судларга оширилган фуқаролар шахслар ҳам суд қилинар эди. Туркистон генерал-губернатори бу борада улкан ваколатларга эга бўлганлиги ҳақида биз юқорида гапириб ўтган эдик.

1892 йили ҳукуматнинг «ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинган ҳудудлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу қарор мустамлака ҳокимият зўравонлигини таъминларди. Унга кўра ҳарбий бўлмаган фуқаролар «олий ҳокимиятга қарши исён қилгани», «телеграф, телефон ёки бошқа анжомни қасдан бузгани», полиция амалдорлари ёки ҳарбий қоровулга ҳужум қилгани ёки қуролли қаршилик кўрсатгани, мансабдор шахсларга улар хизмат бурчларини утаётган пайтда ҳужум қилганлиги учун ҳарбий судга тортилиши мумкин эди. Туркистонда мустамлака тузуми инқирозга учраган йилларда халқни жазолаш учун ҳарбий судлар, айниқса, кенг кўламда жалб қилинди.

1916 йил июлда Туркистонда мустамлакачиликка қарши энг йирик миллий-озодлик қўзғолони бошланди. Дехқонлар, косиблар, шаҳар ва қишлоқлардаги йўқсиллар маҳаллий маъмуриятга қарши, туб аҳоли вакилларининг уруш ортидаги

ишларга олинишига қарши фаол ҳаракатта қўшилдилар. Улар чақирилганларнинг рўйхатлари ни ёндиришар, ҳокимият вакилларини калтаклашар, баъзан эса ҳатто ўлдиришар, уезд ва бўлис бошқарувчиларининг канцеляриялари ва уйларига қуролли ҳужумлар қиласар, полиция ва ҳарбийлар билан қонли олишувлар уюштирган эдилар.

Юзага келган вазиятдан қаттиқ ташвишга тушган чор ҳукумати қўзғолонни бостириш учун шошилинч чоралар куришга киришди.

1916 йил 17 июлда Туркистонда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Оммавий ва тартибсиз ҳисбга олишлар ўтказилиб, қўзғолон қатнашчилари ҳарбий судга берилди. Ҳарбий-судлов низомининг 1308-моддасида кўрсатилган тартибда чор армияси офицерлари сирасидан «маҳсус ҳарбий судлар» ташкил қилинди.<sup>1</sup> Ҳарбий вазир Д.С.Шуваев маҳаллий маъмурларга йўллаган телеграммасида «қўзғолонга тааллукли ишларни зудлик билан кўриб чиқиш учун» ушбу судларга «ўлқанинг барча ҳудудларига» ҳеч қандай тўсқинликсиз чиқиш, «айрим шахслар» устидан етарли маълумотлар олинган заҳоти, бошқа қатнашчиларнинг тергови тугашини кутиб ўтирасдан, уларни судга тортиш ҳуқуқи берилди.<sup>2</sup>

Қўзғолон қатнашчилари жиноий жавобгарликка Жиноий Низомнинг 100-моддасига кўра қаттиқ жазоланадиган жиноятчилар сифатида тортилдилар. У қўзғолоннинг фаол иштирокчилари учун ягона жазо - ўлим жазосини назарда тутарди. Ушбу моддага кўра Жиззах уездидаги қўзғолоннинг кўпчилик иштирокчилари жазога тортилдилар.

<sup>1</sup> Ўрта Осиё ва Қозогистондаги 1916 йил қўзғолони. Ҳужжатлар тўплами (рус тилида). М., 1960, 640-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Суд органлари уларнинг ҳаракатларини «империядан унинг айрим қисмини ажратиб олишга уриниш» деб баҳолади.<sup>1</sup>

Қўзголон қатнашчиларининг асосий қисми «Қаттиқ ва енгил жазолар тўғрисидаги низом»нинг 262-269-моддаларига кўра жазога тортилдилар. Ушбу моддаларда қўзголон билан боялиқ ҳолатлардан келиб чиқиб, турли-туман жазолар кўзда тутиларди. Асосий жазо - каторга ишларига юбориш эди. Каторга ишларига «асосий айбдорлар ёки қўзғовчилар ва шериклар» ҳукм қилинди; қолган қатнашчилардан фақат энг айбдорларигина ахлоқ тузатиш маҳбуслик бўлимларига, қолганлар эса қилган жиноятларидан келиб чиқиб, тўрт ойдан саккиз ойгача қамоқ жазосига тортилди.

269-моддада маъмурлар чақириғига жавобан тавба қилиб келган қўзголон қатнашчиларини, ҳатто, жавобгарликдан ҳам озод қилиш кўзда тутилган эди. Қўзголон қатнашчиларини тинч давр қонунларига кўра жазога тортиш шарт-шароитлари ана шундай эди. Айбдорлар 262-269-моддаларга мувофиқ, ҳарбий давр қонунларига кўра жазога тортилган тақдирда ҳам худди шундай жазоларга ҳукм қилинарди, бироқ қўзголон қасддан қотиллик ёки жароҳат етказиш, полиция, қўшин амалдорлари ёки ҳокимият вакилларини ўлдириш, калтаклаш ва жароҳат етказиш йўли билан амалга оширилган тақдирда, бундай «жиноятлар»да айблангандар ўлим жазосига ҳукм қилинди.<sup>2</sup>

Бироқ ҳарбий судлар қонунда белгиланган мазкур ҳолатлардан мутлақо кўз юмиб, қўзголон-

<sup>1</sup> Уша жойда, 73-бет.

<sup>2</sup> Сапаргалиев Г.С. Карательная политика царизма в Казахстане. Алма-ата, 1966, 196-бет.

чиларнинг қилмишларидан қатъи назар, ўлимга ҳукм қиласкерди.

Суд жараёнлари ёпиқ эшиклар ортида ўтказилди. Чор адлияси айбланувчилар тақдирини кўп билан икки-уч кун ичида ҳал қиласер эди. Аксарият ишлар бир неча юз варакдан иборат булишига қарамай, улар юзасидан айблов хулосалари кўпинча, бош ҳарбий прокурор ёрдамчиси Игнатович Туркистон ҳарбий округи қўмондонига йўллаган маълумотида мақтанганидек, «яшин тезлигига» чиқариларди.

Чор адлиясининг Туркистон мустамлака тизими инқирозга учраган шароитдаги фаолияти ҳақида кўп ёзилган.<sup>1</sup> Биз фақат суд амалдорларининг ушбу йиллардаги фаолият усуллари билан боғлик айрим ҳолатларни эслатиб ўтамиш.

Улардан бири Тўйтепа воқеалари билан боғлик. Бу ерда машхур жаллод Афанасьев фаолият курсатган бўлиб, у «подшонинг олий амри»ни бажариш учун «аёвсиз» иш тутмоқ лозимдир, «зеро жазосизлик, ҳокимиятнинг ноҷорлиги ва заифлиги туб аҳолини қутуртиради», деб ҳисобларди. Унинг ташаббуси билан 20 ортиқ маҳаллий аҳоли вакили ўлдирилди ва ярадор қилинди, уларнинг уйлари ва мол-мулкига ўт қўйилди.

Одинцов исмли журналистнинг «Туркестанский голос» газетасида босилиб, ўлкада шов-шувга сабаб бўлган «Ўлимга маҳкумлар билан савдолашиш» номли мақоласи<sup>2</sup> ҳам айнан шу Тўйтепа жараёни

<sup>1</sup> Х.Т.Турсунов ва П.А.Ковалевнинг тилга олинган ишларидан ташқари: Абдурахимова Н.А., Садыков А.С., Шамамбетов Б.Ш. Политические процессы в Туркестане, 1905-1917 гг. Нукус, 1988; Зияев Х.З. Национально-освободительное движение 1916г. «Общественные науки в Узбекистане», 1991, №7.

<sup>2</sup> «Туркестанский голос», 1916, №70.

билан боғлиқ әди. Маколада чор адлияси, жумладан, адвокатлар Иванов, Арсенев, Костко, Вебер ва Шерманларнинг асл башаралари фош қилинганди. Номлари зикр этилган жаноблар ўлимга ҳукм қилинган түйтепаликлардан пора ундириш билан шуғулланган әдилар.

Газета шундай деб ёзади: «Ўлимга ҳукм қилинган түйтепаликлар, ўзларини ўлимдан фақат яқинда бошқа қўзғолончиларни «оқлашга эришган» жаноблар Арсенев ва Иванов қутқариб қолиши мумкин, деган фикрга берилиб, ушбу адвокатура вакилларидан ўзларининг учун нафар ҳимоячилари билан авф этиш тўғрисида арзнома тузишда қатнашишни сўрайдилар. Бироқ жаноблар Арсенев ва Иванов ўз меҳнатлари учун 8 минг рубль сўрадилар ва келишув амалга ошмади. Бир неча соатга чўзилган музокаралардан сўнг ҳимоячилар 5 минг рублга рози бўлдилар. Бироқ маҳкумларнинг қариндошларида фақат минг рубль пул ва 3500 рубллик қисқа муддатли мажбурият қофозлари бор бўлиб чиқди. Етмаган 500 рублни деб улар келишолмадилар ва ўлимга ҳукм этилган түйтепаликлар (жазони ижро этиш муддати охирлаб бораарди) ўз ҳаётларини сақлаб қолиш учун шутариқа сўнгги бор уриндилар».

«Бошқа ҳимоя қатнашчилари билан олиб борилган узок музокаралардан сўнг, тахминан яrim соат ўтиб жаноб Арсенев ниҳоят маҳкумлар олдига чиқди. Шу ерда тасвирлаб бўлмайдиган ҳодиса рўй берди... Савдолашиб бошланди. Боши титраётган бир мўйсафид юзини чопонининг этаги билан тушиб, йиглай бошлади. Бошқаси сал нарида турган укасига қараб етмаётган пулни топиб келтиришни ўтинарди. Қолганлар тўпланган адвокатларга ер остидан тикилиб, қовоқлари осилганча

жим ўтиардилар. Соат тўртларга яқин келишув амалга ошиди».<sup>1</sup>

«Маҳкумлар Арсеньев ва бу ерда бўлмаган Ивановни 5 минг рубль эвазига авф этиш тўғрисидаги арзномани ёзишда қатнашишга қўндирилар. Шартга кўра, пулнинг минг рублдан кам бўлмаган қисми адвокатларга шу куни кечқурун етказилиши, қолган сумма эса векселлар билан таъминланishi лозим эди».

Ўлимга ҳукм этилган тўйтепаликларнинг қариндошлари олдига барча пулларни бир-икки кун ичидаги, яъни ҳукм ижро этилгунга қадар етказиш талаби қўйилди.

Тўйтепаликлар устидан ўтказилган суд жараёни ўзларини одил суд ҳимоячилари деб ҳисобловчи суд амалдорларининг субутсизлиги ва пулни деб ҳеч нарсадан ҳазар қўймасликларини на майиш этди. Адвокатлар эса сувдан деярли куруқ чиқдилар - «б ой муддатга адвокатликда шуғулла нишдан маҳрум қилиндилар», холос.<sup>2</sup>

Қўзғолончиларга жазо бериш ишига барча тоифадаги амалдорлар ўз «лойиҳа» ва «таклифлари»ни киритган ҳолда муносиб «ҳисса» қўшишга уриндилар. Жумладан, Андижон уезди бошлиғи полковник Бржецицкийнинг «лойиҳаси»да шундай дейилади: «Агар шаҳар ёки бўлис белгиланган муддатгача ишчиларни (мардикорларни) қўнгилли равишда топиб бермаса, даржол бу манзилларга жазо отрядларини юбориб, ишчи бермаган аҳоли манзилларини ер билан яксон қилиш, исёнчи тўдаларни эса ўққа тутиш лозим».<sup>3</sup>

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 31-рўйхат, 1150-иш, 40-варак.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 41-варак.

<sup>3</sup> ЦГВИА, 400-жамғарма, Бош штаб, Осиё қисми, 1916, 4-рўйхат, 40-иш, 116-варак.

Уезд бошлиғи, шунингдек Андижон шаҳар гарнizonини кучайтириш, ҳарбий-дала судларини ташкил қилиш, «исёнкор» туб аҳолининг ерларини мусодара этишини ҳам таклиф қилди.

Участка пристави Мельников «қўзголонни бостириш буйича энг кескин ва аёвсиз чораларни кўриш, бунда ҳеч қандай қатағонлардан тап тортмаслик» ка чакирди.<sup>1</sup>

Фаргона вилоятининг ҳарбий губернатори - генерал-губернатор ва Бош штабнинг Осиё қисмидан ўзига бош қўмондон ҳуқуқларини бериш, Андижон, Марғилон, Наманган ва бошқа жойлардаги тартибсизликларни тугатиш учун ҳарбий-дала судларини жорий қилишни сўради.<sup>2</sup>

Маъмурларнинг ялпи «ташаббускорлиги» натижасида жазо отрядларининг ҳаракатлари кун саин фаоллашиб борди ва ўлкада ҳарбий ҳолат эълон қилинган 17 июлдан сўнг, айниқса беаёв тус олди. Чунончи, тўлиқ бўлмаган расмий маълумотларга кўра, биргина Фаргона вилоятида 1916 йил 13 сентябрдан 17 декабргача ҳарбий судларга: Наманган уездидан - 295, Андижон уездидан - 14, Скобелев уездидан - 42, Марғилон уездидан - 60 киши топширилди.<sup>3</sup> Бундан ташқари, вилоятда 8 - 19 июль кунлари давомида 56 киши ўлдирилиб, 108 киши ярадор қилинди, улардан 28 киши оғир жароҳатлардан вафот этди.

Ҳарбий судлар шафқатсиз ҳукм чиқарар эди. Чунончи, Наманган шаҳридаги ҳарбий суд Наманган уездининг Чодак бўлисидаги қўзголонда қатнашган 89 кишининг ишини кўриб чиқиб, 13

<sup>1</sup> Кўрсатилган ҳужжатлар тўплами, 210-бет.

<sup>2</sup> ЦГВИА, 400-жамғарма, 3-рўйхат, 34-иш, 8, 9, 13, 16, 19, 24, 29-30, 33, 34, 49-варақлар.

<sup>3</sup> Уша жойда.

кишини осиб үлдириш орқали ўлим жазосига ҳукм қилди.<sup>1</sup>

Марғилондаги қўзғолоннинг 15 иштирокчиси ҳам ўлим жазосига, 5 киши 15 йилдан каторга ишларига сургунга, 40 киши турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.<sup>2</sup>

Ҳарбий судлар қўзғолончиларнинг ёшига ҳам қарамай, улардан шафқатсиз ўч олди. Жумладан, 1916 йил 25 октябрда Скобелевдаги муваққат ҳарбий-округ суди Скобелев уездининг Шаҳриён қишлоғидаги қўзғолон қатнашчиларининг ишини кўриб чиқиб жазога тортган. Уларга доир ҳужжатларда кўрсатилишича, Муллатурди Охунхўжа ўғли - 82, мулла Абдумажид Шарипов - 79, Комилхўжа Розибеков — 65, Тошамин мулла Мадалиев — 52 ёшда бўлган.<sup>3</sup>

Ҳарбий судларнинг материаллари қўзғолон қатнашчиларининг ижтимоий таркибидан ҳам далолат беради. Масалан, Марғилон шаҳар ҳарбий суди томонидан жавобгарликка тортилган 83 кишидан 50 таси ҳукм этилган. Шулардан: тўкувчи-ишчилар - 17, этиқдўз, дурадгор, новвой, косиблар - 13, камбағал ва йўқсиллар - 7, савдогарлар - 8, мусулмон мактаблари талабалари - 2, мирзалар - 1 киши, икки кишининг касби кўрсатилмаган.<sup>4</sup> Ёки, масалан, Наманган уездининг Қуий Ашт шахрида судга 120 киши тортилиб, шулардан 45 киши турли муддатларга ҳукм қилинган. Ҳукм этилганлардан: оз ерли ва ерсиз деҳқонлар - 16 кишини, 3 танобдан 6 танобгача ерга эга деҳқонлар

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-725 жамғарма, 1-рўйхат, 367-иш, 2-варақ.

<sup>2</sup> Кўрсатилган ҳужжатлар тўплами, 224-225-бетлар.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. И-723 жамғарма, 1-рўйхат, 360-иш, 84-варақ.

<sup>4</sup> Турсунов Х.Т. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Т., 1962, 301-бет.

- 3, қора ишчилар - 7, темирчилар - 7, этикдүзлар - 1, савдогар ва йирик ер әгалари - 3, имомлар - 1 кишини ташкил қылган. Улар орасида иккинафар аёл ҳам булиб, Ўғилбиби Тошматова - 40 ёшда, Нуринисо Турсунова — 50 ёшда булган.<sup>1</sup>

Шундай ҳолат ҳарбий судларнинг маълумотларига кўра ўлканинг бошқа вилоятларида ҳам кузатилилади. Мазкур расмий маълумотлар тузумга қарши курашга Туркистон жамиятининг мустамлака зулмидан эзилган, маҳаллий ва келгинди эксплуататорларнинг зўравонлигига бошқа тоқат қилишни истамаган ижтимоий табақалари кутарилганидан далолат беради.

Расмий маълумотларга кўра, қузголон тўғрисидаги иш буйича жами 35 суд жараёни булиб ўтган. Ушбу жараёнларда судланганларнинг умумий сони 933 кишини ташкил қилди. Улардан 346 киши, яъни 30%и оқланди, турли муддатларга 587 киши хукм қилинди. Дастрраб судлар томонидан ўлим жазосига 201 киши хукм қилинган эди. Авфдан кейин 20 киши қатл этилди, қолган 567 киши каторга, турма ва сургунга хукм қилинди.

Шундай қилиб, XIX аср охирида Туркистонда судлов тизимининг қайта ташкил қилиниши ўлка, вилоят ва уездлар миқёсида Россияядагига ўхшаш судлов муассасаларининг пайдо булишига олиб келди. Судларни маъмуриятдан ажратиш ва «ҳарбий-халқ» бошқарувига нисбатан у ёки бу даражада мустақил қарама-қаршиликни юзага келтиришга мўлжалланган суд ислоҳоти Туркистон халқлари учун бирон-бир жиддий аҳамиятга эга бўлмади. 1864 йилги буржуа суд низомлари томонидан ўрнатилган ва орадан 35 йил ўтиб Туркис-

<sup>1</sup> Уша жойда, 302-бет.

тонда жорий қилинганды янги ҳуқуқни таниш, фақат рус аҳолисининг юқори ва ўрта табақаси вакилларигагина тегишли бўлди. У, ҳатто, рус аҳолисининг қўйи табақаси томонига ҳам интеграция қилмади, зеро у янги Низомларда белгиланган мулк дахлизлиги ҳуқуқидан фойдалана олмасди, чунки мулкнинг ўзига эга эмасди.

Туркистоннинг туб аҳолиси эса ҳамон, биринчи бобда кўриб ўтганимиздек, «сайлов» тизими таъсири остида ҳийла шаклини ўзгартирган «халқ судлари» хизматидан фойдаланар эди.

Чоризм томонидан қайта ташкил қилинганды судлар, ҳарбий, ҳарбий-дала судлари, маҳсус судлар ва бошқа судлар билан бирга самодержавие сиёсий тузуми манфаатларини ҳимоя қиласди, чор судьялари, адвокатлари ва прокурорлари мурожаат қилишга мажбур бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари устидан тўла ҳуқуқий зўравонликни амалга оширган эди.

### **3. 1917 – 1920 йилларда Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият**

Февраль инқилоби ғалаба қозониб, чоризм ағдариб ташланганидан сўнг Туркистонда чор генераллари ва офицерлари бошчилигидаги эски аппарат яна бир ой давомида фаолият кўрсатди.

Туркистон ўлкасининг олий маъмурияти инқилобнинг дастлабки кунларидан бошлаб унга нисбатан очик-ойдин душманона позицияни эгаллади, энг аввало, генерал-губернатор Куропаткин Давлат думаси 1917 йил 28 февраль куни кечқурун юборган Петроградда инқилоб ғалаба қилгани түғрисидаги телеграмманинг газеталарда эълон қилинишини уч кунгача ушлаб турди. Петрограддан

келган хабар «Туркестанские ведомости» ва «Туркестанский курьер»да фақат 3 март куни, «Ферганские областные ведомости» ва «Семиреченские областные ведомости»да 4 марта, Каспийорти вилояти газеталарида 5 марта эълон қилинди.

Петрографдик воқеаларининг яширилгани мустамлака маъмуриятининг саросимада қолганидан да-лолат берарди: у Николай II тахтдан воз кечгани (3 март) ҳақида хабар келгунга қадар чоризмнинг тикланишига умид қилган эди.

3 марта Куропаткин ҳузурига савдо-саноат доиралари ва зиёлиларнинг вакиллари ҳамда 3 нафар темирийул ишчисидан иборат делегация ташриф буюрди. Суҳбат бир ярим соат давом этди. Куропаткин делегация аъзоларига «эски ҳокимият вакиллари янги ҳокимииятни фақат унинг расман тасдиқланганлиги ҳақида хабар келган тақдирдагина тан олишлари мумкин» лигини маълум қилди.<sup>1</sup>

Чоризм ўзининг сўнгти кунларини яшаётганини яхши тушунган Куропаткин савдо-саноат буржуазияси вакиллари билан муроса қилди ва «ҳар куни делегация аъзолари М.Н.Сосновский ва Н.Г.Малицкий билан учрашиб туриш»га ваъда қилди.

4 марта генерал-губернатор Туркистон ҳарбий округи қўшинлари бўйича буйруқлар чиқарди. 145-сонли буйруқ орқали Николай II нинг тахтдан воз кечганлиги тўғрисидаги манифести, 146-сонли буйруқ орқали эса подшонинг укаси - Михаил Романовнинг тахтдан воз кечганлиги тўғрисидаги манифести эълон қилинди. Куропаткин Тошкент шаҳар Думаси вакилларига «энди янги тузум ва хукумат таркиби қонуний» эканлиги ва у ўзини «янги хукуматнинг бу ердаги вакили» деб ҳисоблашини маълум қилди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> «Туркестанский курьер», №151, 1917 й. 4 март.

<sup>2</sup> Ўша жойда, №52, 1917 й. 5 март.

Куропаткин ўзининг кундалигига февраль воқеаларига бўлган муносабатини акс эттириб, 1917 йил 6 марта у шундай деб ёзган эди: «Кўшин Россияни бошқаришнинг янги тартибига қасамёдни бузмаган ҳолда ўтди. Мен, эски хизматчи, Россия ҳаётидаги янги тузумга хайриҳоҳ бўлсан-да, қасамёдни бузолмаган бўлардим, бироқ, маълумки, бу қарор фақат ўзимга тегишли эди, кўшин ва аҳоли эса янги ҳокимиятни чор ҳукумати куч билан ағдарилган тақдирда ҳам тан олиши жоиз эди».

Кундалик давомида у шундай деб ёзади: «Петрографада катта, балки ҳал қилувчи кучни ишчилар ва паст увонли амалдорлар вакиллари Совети эгаллаб олганлиги вазифани янада мураккаблаштиради. Янги ҳукумат организми танасидаги бу ўсимталарнинг хавфли акс-садоси бизга ҳам етиб келди. Тошкентда ўзидан Ижроия комитетни ажратган Ишчилар совети ташкил топишга улгурди. Кўшин вакиллари кенгаши ҳам ташкил топди... ҳозирча ҳеч қандай чиқишилардан дарак йўқ, бироқ ҳамма нарсани кутиш мумкин. Раҳбар шахсларга тинимсиз таъсир ўтказяпман, аскарлар билан гаплашяпман, уларни ҳар хил тартибсизликлардан тийиб турибман. Агар Петрографадаги ишчилар Совети янги ҳукуматнинг дастуридан қониқмай, ҳалқ устидан бошқаришга ўтишни истагудек бўлса, бу умумий таназзул ва фронтда мағлубият билан тугаши мумкин. Мазкур талаб дарҳол Туркистон ўлкасига етиб келади ва тартибсизликларни келтириб чиқаради. Янги ҳокимиятнинг ҳукмисиз мен бу ҳокимият дастурини ўзgartiriшга йўл қўймайман».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> «Красный архив», №1 (20), 1927, 59-бет.

Шундай қилиб, Куропаткин янги ҳокимият билан «келишиш» ва унинг ҳукмини бажаришни маъқул топди. Үз навбатида, Мувакқат ҳукумат Куропаткинни ўзининг Туркистондаги вакили сифатида тан олди. 1917 йил 8 марта ҳарбий вазир А.И.Гучков Куропаткинга телеграф орқали шундай деди: «Ишончим комилки, ўлкани яхши билишингиз, обру-эътиборингиз, тажрибангиз зарур пайтда сизга тұғри йўл кўрсатади».<sup>1</sup>

Собиқ генерал-губернатор Вақтли ҳукуматнинг бош комиссари қилиб тайинланди. Бир ой давомида у 1886 йил «Низоми»га мувофик, унинг модда ва параграфларига расман таянган ҳолда ўлкани бошқарди. У буйруқлар бериб ва Туркистон халқларига ақл ўргатиб, «уларнинг номидан» Петроградга шундай деб хабар беради: «Тошкент шаҳар маҳаллий аҳолиси вакиллари, - ишончим комилки, уларнинг фикрига Туркистон ўлкасининг кўп миллионли туб аҳолиси ҳам қўшилади, - Сизга телеграф орқали уларнинг тўлиқ тартибни сақлашга тайёрликларини маълум қилишимни сўрадилар. Мен уларга янги бошқарув тузуми уларнинг турмушини яхшилашини, бироқ улар ўзларига тортиқ қилинган эркинликларни Петрограддаги олий ҳокимият вакиллари чиқарган буйруқларга тўлиқ бўйсуниш билан оқлашлари лозимлигини уқтиридим».<sup>2</sup>

Жойларга юборилувчи буйруқ ва фармойишлар губернаторлар ва уезд бошлиқларининг «маҳаллий ва қишлоқдаги рус аҳолиси устидан» ҳукмонлигини сақлашни талаб қиласарди. Фақат «аҳоли нафратига сабаб бўлган» ларнигина алмаштириш,

<sup>1</sup> Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915-1917 гг. и ее проявления в Туркестане. Т., 1971, 221-бет.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. И-1 жамгарма, 31-рўйхат, 1191-иш, 39-варак,

бироқ уларнинг ўрнига «қатъий тартиб ўрнатишга қодир» шахсларни сайлаш таклиф қилинди.<sup>1</sup>

Рўй бераётган воқеалар таъсири ва халқ оммасининг тазиикى остида Қуропаткин ва жойлардаги «Ижроия комитетлари» айрим демократик қадамларни ҳам қўйишга мажбур бўлдилар.

Жумладан, адлия вазири А.Ф.Керенский Тошкент судлов палатаси ва округ судлари прокурорларига шундай фармойиш беради: «Барча тоифадаги сиёсий жиноятлар бўйича ҳукм қилинган барча маҳбуслар ва тергов остидагилар, шунингдек, худди шу жиноятлар бўйича қўриқлов тартибida ҳибсга олингандарнинг барчаси озод қилинсин».<sup>2</sup>

Ўлка турмаларида ўша даврда турли сиёсий партиялар вакиллари, иш ташлаш ҳаракатида қатнашган ишчилар, каторга ишлари, ахлоқ тузиши арестантлик бўлимлари, Россиянинг марказий турмаларига жўнатишларини кутиб ётган 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати қатнашчилари азоб тортардилар.

Маҳаллий маъмурлар дастлабки даврда амнистия тўғрисидаги 6 март Фармонидан маҳаллий аҳолини ўлдириш ва хўрлашда айбор бўлган турли жаллод ва талончиларни озод қилиш учун фойдаланди. Бироқ тез орада меҳнаткаш омма талаби билан барча жойларда чор турмаларидан сиёсий маҳбуслар ва миллий-озодлик ҳаракати қатнашчилари озод қилина бошланди.

8 марта Туркистон район қўриқлов бўлими фаолиятини тўхтатиш тўғрисида буйруқ эълон қилинди. Охранканинг полковник Волков ва унинг

<sup>1</sup> Ўша жойда, 1176-иш, 15-варак

<sup>2</sup> УзР МДА. И-150 жамгарма, Прокурор Новомаргеланского окружного суда, 1-рўйхат, 738-иш, 6-варак.

ёрдамчиси Розалион-Сомальский бошчилигидаги барча ходимлари қамоққа ташланди.<sup>1</sup>

Бирок чор губернаторлари, уезд бошлиқлари, участка приставлари ва бошқалар ҳамон ўз жойларида қолиб, Куропаткиннинг буйругига кўра «қизғин иш олиб борардилар». Генерал Куропаткиннинг ўзи туб аҳолини уруш ортидаги ишларга олиш сиёсатини утказишда давом этди ва 1917 йил июнида қўшимча равишида 80 минг кишини жўнатиши мўлжаллади. Гўёки русларга қарши ҳужумлар тайёрланаётгани тўғрисида мишишлар тарқатиб, Куропаткин ва унинг малайлари Тошкент арсеналидан ўзига тўқ рус аҳолисига кўп микдорда милтиқ ва ўқ-дори беришни буюрди. 1917 йил 18 январдаёқ Куропаткин рус поселкаларини ҳар 10 ҳовлига 1 тадан милтиқ бериш ҳисобига қуроллантириш режасини зудлик билан ишлаб чиқишини буюрган эди. Ушбу режани амалга ошириш йўлида 8700 та берданка тарқатилди. Бу ҳолат фош бўлгач, Куропаткин уни шунчаки муқаддам армия эҳтиёжи учун тортиб олинган куроляроф - 18465 та винтовканинг қайтарилиши билан изоҳлади ва ушбу «табиий тадбир» охирига етказилмаганини маълум қилди.<sup>2</sup>

Шу билан бирга оғир инфляция ва иқтисодий инқирозни жиловлаш бўйича ҳеч қандай жиддий чоралар кўрилмади. Қенг ҳалқ оммасининг аҳволи оғирлашди, миллий зулм сақланиб қолди. Буларнинг барчаси эски ҳокимиятни алмаштириш, генерал Куропаткин ва унинг мулоzимларини ўлкани бошқариш ишидан четлатишга қаратилган ҳалқ

<sup>1</sup> ЎзР МДА И-270 жамгарма, Сырдаръинский областной попечительный комитет о тюрьмах, 2-рўйхат, 77-иш, 1-5-вараклар.

<sup>2</sup> Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915-1917 гг. и ее проявления в Туркестане. Т., 1971, 240-бет.

ҳаракатини кучайтириди. 1917 йил 30 марта Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети, мусулмон депутатлари Совети, дәжқонлар иттифоқи вакиллари ҳамда Ижроия комитетининг умумий мажлиси қарори билан Куропаткин лавозимидан четлатилиб, уй қамогига ҳукм қилинди. 4 апрелда Куропаткин, унинг ёрдамчиси Ерофеев ва округ шабининг бошлиғи генерал Сиверсга Туркистон ҳудудидан чиқиб кетишларига рухсат берилди.

Куропаткиндан сұнг Россия резидентининг Бухорадаги вакиллари Миллер ва Шульга чакириб олинди.

1917 йил 7 апрелда Мувакқат ҳукумат қарори билан «Туркистон үлкасида Мувакқат ҳукумат 1917 йил 6 марта бутун халққа эълон қилган асосларда мустаҳкам тартиб ўрнатиш мақсадида ва үлкани бошқариш юзасидан жойларда туғилган масалаларни ҳал қилиш учун...» Мувакқат ҳукуматининг Туркистон комитети тузилди.<sup>1</sup>

Турккомитет «Туркистон үлкаси, Бухоро ва Хива ҳудудидаги бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. У большевиклар партиясидан ташқари, турли партияларнинг вакилларидан ташкил топди. Турккомитет раиси этиб Петрограддан юборилган кадет Н.П.Шчепкин, Комитет аъзолигига 2-чақириқ Давлат думаси аъзоси М.Тинишипаев, 1-чақириқ Давлат думаси аъзоси, қозоқ буржуазияси етакчиларидан бири А.Букейханов, 3-чақириқ Давлат думаси аъзоси, татар буржуазияси етакчиларидан бири С.Максутов, кадетлар партияси аъзоси генерал-майор А.Давлетшин, эсер О.Шкапский, кадет В.Елпатьевский, қайси партияга тааллуқли-

<sup>10</sup> Сборник узаконений и распоряжений правительства, отдел 1-й, №79, 1917 й. 13 апрель, 673-бет.

лиги номаълум Г.Преображенский ва А.Липовскийлар тайинланди».<sup>1</sup>

Турккомитет чор маъмурияти ва ағдарилган генерал-губернатор Куропаткин ўрнига келган давлат ҳокимиятининг олий бошқарув ва назорат масалалари бўйича олий органига айланди. Турккомитет дастури 1917 йил 12 апрелда ижроия комитетларининг ўлка қурултойида Н.П.Шчепкин маърузасида баён этилди.

Ушбу дастурга мувофиқ Туркистонда бошқарув қуидагича ташкил қилинарди: Турккомитет «ўзини ҳукумат вазирлиги шаклида ташкил қилали», унинг ҳузурида маҳаллий аҳоли вакилларидан кенгащув органи тузилади; давлат ҳокимияти функциялари вилоятларда Турккомитет Мувакқат ҳукумат билан келишувга кўра тайинловчи вилоят комиссарларига берилади; жойларда уларга бўйсунувчи ва «ишchan алоқа» билан ўзаро боғланган уезд, бўлис, овул ва участка бошқарувлари тузилади. Нутқининг охирида Шчепкин бошқарувни ташкил қилиш борасида Туркистон охир натижада «Россия дурдонаси»га айланишига ишонч билдириди.<sup>2</sup>

Амалда эса, таъсис этила бошланган янги муасаса ва мансабдор шахслар — комитетлар, комиссарлар ва бошқалар билан бир қаторда, кўпгина эски суд, молия, маъмурий-хўжалик ва ҳарбий аппарат органлари ҳам фаолият кўрсатишда давом этди. Мувакқат ҳукумат маҳаллий органларининг ҳуқукий мавқенини белгиловчи низом ишлаб чиқилмаган эди. Шчепкин таклиф қилган мужмал дастурда туб аҳоли манфаатларини

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-1044, Туркестанский Комитет Временного правительства, 1-рўйхат, 1-иш, 1-2-вараклар.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. И-1044 жамғарма, 1-рўйхат, 37-иш, 36-варак.

«Турккомитет қошидаги» қандайдир кенгашув органи ҳимоя қилиши лозим эди. Қуриб тургани миздек, демократик үзгаришларни амалга оширишга ахд қилган янги ҳокимият келажак жамиятга Туркистан халқларини teng асосларда киритиш ниятида эмасди. Туркистаннинг кўп миллионли аҳолиси бошқарувнинг мустамлака мөхиятини ўзгартириш ниятида бўлмаган Мувакқат ҳукумат комиссарлари ҳокимияти тасарруфига утқазилди.

Бу орада Туркистан жамияти қатламларида чоризм томонидан ўрнатилган тузумнинг оқибатларини чуқур англаған миллый-сиёсий кучлар етишиб чиқди. XIX аср охирида ёқ мамлакат ижтимоий ва маданий ҳаётини янгилаш учун кураш ҳаракати бошланган эди. Ушбу ҳаракатда миллый зиёлилар вакиллари, энг аввало, жадидлар муҳим роль уйнади. Улар маорифни ислоҳ қилиш, таълимдан эскилиқ сарқитларини чиқариб ташлаш, янги имлони жорий қилиш, тараққий этган дунёнинг етук ва ижтимоий қадриятларини ўзлаштириш дастури билан чиқдилар.

Маҳаллий жамиятнинг маънавий-маърифий ҳаётига кўшни Шарқ мамлакатларида содир бўлаётган воқеалар - Туркиядаги 1908 йил инқилюби, Хиндистондаги мустамлакачиликка қарши 1905-1908 йил ҳаракати, Эрондаги 1905-1911 йил конституциявий ҳаракати таъсир кўрсатди.

Табиийки, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг Россия империясига қарашли мусулмон районлари билан яқин алоқалари сақланиб қолди. У ердан Туркистонга матбуот нашрлари - Бох-часаройдан «Таржимон», Қозондан «Вақт» ва «Юлдуз», Астрахандан «Идил», Бокудан «Тараққий» ва «Иттифоқ» газеталари, Оренбургдан «Шуро» ва «Чукуч», Тифлисдан «Мулла Насриддин» журнал-

лари келиб турарди.

Ушбу нашрлардаги материалларда мусулмон дунёсидаги сиёсат, иқтисод ва маданият түгрисидаги маълумотлардан ташқари, уларда бир вақтлар қудратли бўлган Шарқ мамлакатларининг гарб давлатлари томонидан мустамлака қилиниши масалалари кўтарила, халқ таълимини модернизация қилиш, Россиянинг барча мусулмон мактабларида таълимни ягона адабий тилга ўтказиш, ўз она тилининг обрўсини кўтариш, ўз маънавий қадриятларини саклаш ва бойитишга чакириларди.

Буларнинг барчаси Туркистонда жадидчиликнинг юзага келиши ва ривожланишига кучли туртки бўлиб хизмат қилди. Жадидлар нафақат миллий маорифни ислоҳ қилиш, балки XX аср бошларида Туркистонда мустамлакачиликка қарши миллий-озодлик ҳаракатининг кучайишида ҳам муҳим роль ўйнадилар.

Жадидчиликнинг Туркистондаги таниқли вакиллари орасида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдулла Авлоний, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Карим Норбеков, Тўлаган Хўжаумаров (Тавалло), Шокиржон Раҳимий, Абдулрауф Музтаффарзода, Муҳаммад Пошшахўжаев ва бошқалар бор эди.

Халқни маърифатли қилиш, ёш авлодни саводли қилиб тарбиялашгина миллий озодлик ва миллий уйғониш сари йўл очишини чукур англаган жадидлар замон талабига жавоб бермаган эски мактабни ислоҳ қилиш ташаббуси билан чиқдилар. Улар XIX аср охирларидан бошлаб янги усулдаги «усули жадид» мактабларининг кенг тармогини ташкил қилдилар. Бу мактабларда диний фанлардан ташқари арифметика, геометрия, мантиқ, та-

рих ва география ўқитилар, шунингдек, рус, араб ва форс тиллари ўргатиларди.

Агар бу мактабларда дастлаб татар ва озарбайжон маърифатчиларининг дарслик ва қўлланмалари ўқитилган бўлса, маорифни ислоҳ қилиш ҳаракати ривожланиши билан жадидлар ўз дарслик ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш ишини йўлга қўйдилар. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий «Алифбои мактаби исломия», «Мадҳали жугрофия умрони», «Китоб ул-Атфал» дарсликлари, Туркистон, Бухоро ва Хива хариталарини тузди.<sup>1</sup>

А.Шокирий Фирдавсийдан Криловгача бўлган жаҳон адабиёти классикларининг қисқа, бироқ ибратли ҳикояларидан тузилган «Раҳномаи Сават» (Болаларга насиҳатлар), «Ҳавоижи диния» (Диний билимлар), «Жамул ҳикоят» (Ҳикоялар тўплами) китобларини яратди.<sup>2</sup>

Туркистон жадидларининг ёрқин вакилларидан бири Абдулла Авлоний ёзган «Адабиёт» ва «Биринчи муаллим» дарсликлари 1917 йилгача 4-5 марта қайта нашр қилинди.<sup>3</sup>

Жадидларнинг бевосита раҳбарлигида Тошкентда «Тараққий», «Шуҳрат», «Хуршид», «Садои Туркистон», Самарқандда «Самарқанд», «Ойина», Бухорода «Турон», «Бухорои Шариф», Қўқонда «Садои Фарғона» каби ўнлаб газета ва журналлар нашр этила бошланди.

Туркистон матбуоти фақат дунёда рўй берадиган воқеалар ҳақида маълумот бериб қолмай, уларга ўз муносабатини ҳам билдирадар (жумладан,

<sup>1</sup> Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX-нач. XX вв). Автореф... канд. ист. наук. Т., 1995, 22-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 21-22-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 22-бет.

1905-1907 йил воқеалари, Давлат думаси ва ундағы Туркистан вакиллари фаолиятига), маҳаллий жамият ҳаётидаги эски ва заарарли урф-одатларни танқид қилас, ёш авлодни үқиб-ургатиш ва тарбиялаш масалаларига ҳам күп әътибор қаратган эди.

Бундан ташқари, тарихий мавзуу, халқнинг миллий ўзлигини сақлаш ва ўстириш, ўзбек тили масалаларига доир мақолаларга ҳам кенг үрин берилди. Жумладан, Туркистан жадидларининг етакчиси Махмудхўжа Беҳбудийнинг «Мұхтарам ёшларга мурожаат», «Туркистан тарихи керак», «Икки эмас, түрт тил лозим», «Тил масаласи», «Сарт» сўзи мажҳулдир», «Сарт» сўзи маълум бўлмади», «Дума ва Туркистан мусулмонлари» каби мақолаларида халқ маорифи ва миллий уйғонишга доир долзарб масалалар кутарилиб, она тилининг аҳамияти ва араб, форс ва рус тилларини ўрганиш зарурлиги, «Туркистан тарихи»ни яратиш пайти келгани, барча тараққийпарвар кучларни миллий уйғониш учун кураш ва миллий давлатчиликни тиклаш учун шароит яратиш учун бирлаштириш лозимлиги уқтирилади.

Жадидларнинг тараққийпарвар қаноти ташаббуси билан «Тарбияи атфол», «Умид», «Нашри Маориф», «Баракат», «Файрат», «Тараққийпарвар» каби дастлабки ижтимоий-сиёсий ташкилотлари тузилди<sup>1</sup> ва улар Туркистондаги сиёсий ҳаётнинг фаоллашиши, мустамлакачилик ва чоризм ҳукуматига қарши кайфиятларнинг кучайишига имкон яратдилар. Бу, айниқса, биринчи жаҳон уруши ва туб аҳоли вакиллари уруш ортидаги ишларга сафарбар қилинган йилларда ёрқин нағоён бўлди.

<sup>1</sup> Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 гг. Автореф... дисс. доктора ист. наук. Т., 1998, 27-бет.

Р.М.Абдуллаев қайд этиб ўтганидек, бу дастлабки ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, тажрибасизлигига қарамай, қаршилик ҳаракатини мавжуд тарихий воқелик ва миллий манфаатларга жавоб берувчи миқёсга күтаришта интилдилар.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Туркистонни бошқариш ишидаги буюк давлатчилик тенденциялари Туркистон жадидлари илгари сурган интеллектуал, маданий ва маънавий характердаги тенденцияларга тұқнаш келди. Жадидлар чоризм тузуми шароитидаги анъанавий таълим, ижтимоий-сиёсий турмуш меёrlарига ва ушбу тузумнинг қонунийлигига шубха билдирилар. Жадидлар, билимдон Туркистон руҳонийлари, савдогар ва зиёлиларининг анъанавий эскилилкка қаршилик күрсатишига, шарқ ва гарб цивилизациясининг янги тоғы ва услубиятларини тушунишига қодир янги авлоди эди ҳамда улар мавжуд моддий ва ижтимоий оламни ўзgartириш, Туркистон халқларининг туганмас маънавий манбаларини озодлик, миллий уйғониш ва миллий давлатчиликни тиклаш учун сафарбар қилишига интилдилар.

1917 йил март ойида Тошкентда чақирилган биринчи мусулмонлар қурултойида умумий миллий марказ «Шурои Ислом» ташкил қилинди ва унга миллий-либерал, прогрессив ҳаракат - жадидлар ҳамда руҳонийларнинг «Жумхурияти Уламо» ташкилоти вакиллари киритилди. Маълумки, жадидлар ва уламоларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари турлича эди, бирок бунда синфий манфаатлар ҳеч қандай роль ўйнамаган. Уламолар ўзларининг консерватив қарашларини күриб чиқиши ва голиб чиққан февраль инқилоби эълон қилған

---

<sup>1</sup> Ўша жойда, 54-бет.

озодлик ва эркинлик имкониятидан фойдаланишга тайёр эканликларини билдирилар. Қарашлари турлича булишига қарамай, уларни мустамлака тузумига нисбатан чукур нафрат туйғуси, миллий маданиятнинг анъанавий пойдевори саналган умумий маънавий қадриятлар бирлаштириди.

1917 йилдаги октябрь воқеалари натижасида ҳокимият тепасига чиқиб олган Туркистон большевиклари ҳам үлка ва маҳаллий давлат аппаратининг янги ҳокимиятга хизмат қилиши керак бўлган тоталитар-мустамлака тизимини вужудга келтира бошладилар.

Ўша йилларга оид кўплаб ҳужжатлар шундан далолат берадики, ишчи ва деҳқонлар орасида тайёр кадрларнинг деярли йўқлиги сабабли, Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ҳамда унинг тармоқ тузилмаларига собиқ чор мустамлакачи маъмуриятининг амалдорлар табақаси вакилларидан ҳам фойдаланилган. Улар эса аввалги тузумда бўлганидек, туб аҳолининг талаб-эҳтиёжларига панжа орасидан қараганлар.

Октябрь тұнтарапидан кейинги дастлабки йилларда Туркистондаги тоталитар давлат тузуми идора ходимлари мустамлакачиликка хос хусусиятда бўлганлигини марказий расмий матбуот ҳам эътироф этган. Жумладан, РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг органи бўлган «Жизнь национальностей» газетаси 1920 йилнинг ёзида «Туркистон муаммолари» сарлавҳали мақоласида шундай деб ёзган эди: «Кучириб келтирилган, мустамлакачилик оғуси билан заҳарланган руслар ва рус ишчилари турмушни ташкил этувчилардир, маҳаллий меҳнаткашлар оммаси эса деярли четда турибди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Жизнь национальностей», 1920, 18 июль

Партиявилик-синфийлик тамойили асосида «европалик» ахолидан шакллантирилган янги ҳоқимият органлари туб ахолининг кенг қатламлари орасида обруга эга эмасди. Шу сабабли совет Туркистони раҳбарияти давлат аппаратини вужудга келтиришда куч ишлатадиган тузилмаларни - үз қуролли кучларини, жазоловчи органлар, ҳуқуқ органлари ва бошқа шу кабиларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратди. Қуролли кучлар дастлаб кўнгилли асосда қизил гвардия отрядлари ва қизил армия қисмлари кўринишида тузилди. 1917 йил 28 ноябрда Туркистон Халқ Комиссарлари Совети узининг дастлабки давлат ҳужжатларидан бири сифатида Қизил гвардияни тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. 1918 йил 16 январда эса ўлкада Ишчи-дехқон қизил армиясини ташкил этиш тўғрисидаги қарор чиқди. 1918 йилнинг кузида тоталитар тузумнинг қуролли кучлари салкам 20 минг пиёда ва отлиқ аскарга эга бўлиб, бундан 11 минги қизил гвардия отрядларида ва 8 мингдан зиёди қизил армия тузилмаларида эди. Эътиборли томони, Совет Туркистонининг қуролли кучлари асосан туб жойли бўлмаган шахслардан ташкил топган<sup>1</sup>.

Хуллас, рус ишчилари, кучириб келтирилган дехқонлар, собиқ ҳарбий асиirlардан тузилган қизил гвардия отрядлари ва қизил армия қисмлари, шунингдек, бу ердаги тузумни қўллаб-куватлаш учун марказдан йўлланган Туркистон фронти қўшинлари Туркистондаги совет тузумининг асосий қуролли таянчи бўлган. Айни паллада, унга қарши турган қуролли мухолифат, аввало истиқлолчи-

<sup>1</sup> Нурулин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. Т., Фан, 1965, С.80, 93.

лар, ўз таркибига кўра миллий эди. Буларга қарши совет тузумини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамма жойда 1918 йилнинг ёз ойларидан бошлаб «хукумат» партиялари ва советларнинг аъзоларидан «партия дружиналари» тузила бошлади. 1919 йилнинг кўкламига келиб, уларнинг сафида бир неча минг киши бор эди.

Кўплаб ҳужжатлар шундан далолат берадики, мустабид тузумнинг қуролли тузилмалари кўпинча тинч аҳолини талон-тарож қилиш билан шуғулланган. Масалан, Фарғона вилоят советлари ижрия комитетлари раислари ва аъзоларининг 1919 йил 29 - 31 марта бўлиб ўтган фавқулодда съезди мажлисининг баённомасини олиб кўрайлик. Унда қайд этиб ўтилишича, «Холхўжа томонидан қуршаб олинган эски шаҳарни, Ўшга келган Петренко ва Тимофеев отрядлари тўплардан ўққа тутганлар ва у ерга бостириб кириб ўтакетган даражада бебошлик қилганлар. Кўплаб тинч аҳоли қилич билан чопиб ўлдирилган, улар орасида ҳатто гўдак болалар бўлган, аёлларнинг номусига тегилган, бутун шаҳар талангандан унинг бир қисми ёқиб юборилган»<sup>1</sup>.

Советлар ҳокимииятни ўз қўлида сақлаб қолиш учун ўз қуролли кучларини шакллантиришдан ташқари кўчириб келтирилган рус дехқонларини ҳам қуроллантиришга киришди. Улар эса Фарғона водийсининг тинч аҳолисини ваҳшнийларча қирғин қилдилар. Айниқса, Никольское қишлоғидан келган қуролли дехқонлар 23 кун мобайнида Сўзок қишлоғи аҳолисини талон-тарож қилиш ва ўлдириш билан шуғулланган<sup>2</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўри-

<sup>1</sup> ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 18-25 вараглар

<sup>2</sup> Ўша манба, 89-иш, 3-24 вараглар

ниб турибдики, большевиклар тузумининг қуролли кучлари истиқлолчилар ҳаракати ва «оқлар армияси» тузилмаларидан иборат қуролли мухолифаттагина эмас, балки тинч ахолига қарши ҳам жанг қилган, талаган, зуғумини ўтказган ва уни доимо даҳшатда, қўрқувда ва итоаткорликда тутиб туришга ҳаракат қилган. Бундай тузилмалар эса янада кўпроқ тузила бошлади.

Бутунrossия фавқулодда комиссияси(ВЧК) раиси Ф.Э.Дзержинскийнинг советлар ҳузурида контреволюцияга қарши кураш бўлимларини тузиш юзасидан кўрсатмаси асосида 1918 йилнинг биринчи ярми мобайнида ҳамма жойда ЧК органлари ҳамда инқилобий трибуналлар тузилиб, уларга ўлимга ҳукм қилишга қадар - чекланмаган ҳуқуқлар берилди<sup>1</sup>.

Большевиклар тартиботнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари орасида истиқлолчиларни уёки бу даражада қўллаб-қувватлаган ёки шундай гумон қилинган қишлоқларнинг тинч ахолисидан ваҳшийларча уч олишини алоҳида айтиб ўтиш лозим. 1922 йил 18 июлдаги ТуркМИКнинг 4-пленумида раис К.Отабоев қайд этиб утганидек, «шунчалик кўп одам гаровга олинганки, уларни қамаб қўйиш учун бутун Фарғонада жой топилмаган»<sup>2</sup>. Гаровда ушлаб туриш амалиёти шунчалик оммавий тус олдики, 1920 йилда тоталитар тартибот биринчилардан бўлиб, концентрацион лагерларни ташкил эта бошлади. 1920 йил 9 сентябрда Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети «Концентрацион лагерларни ташкил этиш тўғрисидаги Низом»ни<sup>3</sup> тасдиқлади. Бу қанчадан-қанча

<sup>1</sup> «Советский Туркестан», 1918, 10 ва 22 сентябрь.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, ф-17, 1-рўйхат, 89-иш, 3-24 вараклар.

<sup>3</sup> Ўша жойда, ф-25, 1-рўйхат, 244-иш, 54-варак.

инсонларни, шу жумладан, мутлақо айбсиз кишиларни суд ва тергов қилмасдан қамаб қўйиш учун кенг йўл очилганидан, бундан буён бу тартибот ўлкада давлат сиёсати даражасига кутарилганидан далолат берарди.

Мустабид тузум тартиботининг асосий зарбаси эса миллий сиёсий ташкилотларга, хусусан ўша пайтда туб аҳоли қўллаб-қувватлаган ва totалитар тартибот учун энг катта хавф тугдирган «Шурои Уламо» ва «Шурои Ислом»га қаратилди. Уларга қарши кураш аввал бошданоқ кескин маъмурий тус олди. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети 1917 йил охири - 1918 йилнинг биринчи ярмида «Советларга қарши миллатчилик фаолияти учун» бир қатор декретлар қабул қилиб «Шурои Ислом»нинг Самарқанддаги, Хўжанддаги ва «Шурои Уламо»нинг Тошкентдаги ҳамда бошқа бир қанча жойлардаги ташкилотларини тарқатиб юборди. Шунингдек, уларнинг «Изоҳ», «Изҳор-ул ҳақ» каби матбуот органлари ёпиб қўйилди<sup>1</sup>. «Улуғ Туркистон» газетаси Ташқи ишлар халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди<sup>2</sup>. Тузумга нисбатан мухолифатда бўлган барча рус газеталари, шу жумладан «Туркестанский курер» ҳам «Ишчи-дехқон ҳукуматига ошкора қаршилик кўрсатишга ва уни ағдариб ташлаш»га чақиргани учун ёпиб қўйилди<sup>3</sup>. Уларнинг ўрнида эса янги ҳокимиятга бажонидил хизмат қиласидан ҳукумат матбуот органлари вужудга келтирилди.

Туб аҳолининг нисбатан оз сонли ва сиёсий жиҳатдан энг етук илфор қисми ўлкада большевиклар томонидан советлар шаклида ўрнатилаётган «про-

<sup>1</sup> Ўша жойда, ф-36, 1-рўйхат, 12-иш, 87, 216-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда, ф-27, 1-рўйхат, 6-иш, 15-варақ.

<sup>3</sup> Ўша жойда, ф-25, 1-рўйхат, 6-иш, 27-варақ.

летар диктатураси» Туркистон халқларига қан-чалик хавф туғдиришини аввал бошданоқ англаңетиб, одамларни огох булишга чакырди. Үлка халқларини ўз миллий давлатчилигини барпо әтиш учун қатъий курашга даъват қилиб, большевиклар тузумига очиқдан-очиқ мутлақо қарши чиқдилар. Ана шундай илғор фикрли кишилар жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан энг фаол қисмини ўзлари кўтариб чиққан шиор остида жипслаштиришга муяссар бўлдилар. Советларнинг III Үлка съезди (19107 й. 15-22 ноябрь) ўз ишини тугатганидан кейин, кўп ўтмай, Кўкон шаҳрида Туркистон Мухторияти эълон қилиниши билан боғлиқ бўлган воқеалар бунинг яққол далили бўлди. «Пролетар мусулмон ташкилотларига» келсак, улар озчилик бўлиб, большевиклар тушунчасида «синфий событқада» эмас, туб аҳоли ўртасида ҳам обру ва таъсирга эга бўлмаган. Маълумки, уларнинг раҳбарлари асосан сабиқ «фронт орти ишчилари» (марди-корлар) бўлиб, талай қисми люмпен-пролетарлардан иборат эди. Фронт ортида хизмат қилганларга ва уларнинг ташкилотларига нафақат аҳоли, балки ўша даврда туб аҳоли орасидан чиққан бир қатор ижтимоий-сиёсий арбоблар ҳам анча танқидий муносабатда бўлганлар. Масалан, Иномжон Хидоралиев уларни шундай таърифлаган эди: «Бу табака жамиятнинг энг бузук ва ярамас унсурларидан таркиб топган, чунки аҳоли фронт орти ишларига боришни хоҳламаган ва ёллаш усулини қўллаган: барча фронт орти ишчилари, қўпол қилиб айтганда, катта пулга сотиб олинганлар. У ёққа энг ярамас, бузук унсурлар, аллақандай ўғрилар, талончилар, ичқиликбозлар ва ҳоказолар кетганлар... Ана шундай ишчилардан «муссовдеплар» тузилган». Шу сабабли шаҳар думаларига сайловлар

пайтида эски шаҳарларнинг аҳолиси «муссовдеп-лар»<sup>1</sup> ва иттифоқлар («тұртнчилар»)га әргаш-мади, «Шурои Уламо» ва «Шурои Ислом» номзод-ларини ёқлаб овоз берди. Маълумки, баъзи жой-ларда сайлов кампанияси ҳатто фожиали оқибат-ларга олиб келди. Масалан, Құқон Жомеъ масжи-дига тұпланған аҳоли маҳаллий Мусулмон меңнат-кашлар иттифоқининг беш нафар ташвиқотчиси-ни роса калтаклади.

Большевиклар ва максималистларнинг буюк давлатчилик - шовинистик декларацияси советларнинг III Үлка съезді томонидан Туркистан Халқ Комиссарлари Советини тузишда бутунича амалға оширилди. Унинг таркибига үлканинг күп миллионли аҳолисидан битта ҳам вакил киритил-мади. Сеъздда сайланған 15 халқ комиссарининг барчаси «европалик» аҳоли вакиллари булиб, пар-тияйи мансублигига күра большевиклар ва сұл эсерлар, ижтимоий келиб чиқишига күра эса ишчилар, солдатлар ва хизматчилар әди.

Ишчи, солдат ва деңқон депутатлари советла-рининг III Үлка съездіда үрнатылған тузум аввал-бошданоқ на миллий, на демократик, балки юзага келадиган барча оқибатлари билан биргаликда тоталитар әди. У ҳаётдан ва Туркистан халқла-рининг миллий манфаатларидан йирөқ әди. Бу ху-кумат моҳиятан синфий, «ишчи-деңқон ҳукумати» булиб, аслида күп бұлмаган ишчилар табақаси темир йүлчилар ва марказнинг манфаатларига хизмат қылған. Янги ҳокимиятнинг барча жазолов-чи органлари бошқача фикрлаш, әрқинлик ва демократияни янчыб ташлашнинг энг муҳим воси-тасига айланди.

---

<sup>1</sup> ҰзР МДА ф-17, 1-рүйхат, 336-иш, 224-240 варажлар

Шундай қилиб, совет тузумининг дастлабки ийларидаёқ жазо функцияларининг кенгайтирилиши ва мустаҳкамланиши, фавқулодда қуриқлов чоралари, ҳарбий, ҳарбий-дала ва «максус» судлар, “сиёсий қидирув” органларининг ташкил этилиши, Туркистон халқлари устидан совет назоратининг янги институтлари жорий қилинаётганидан дарак берарди.

### III БОБ.

## МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ШАХСИЙ ТАРКИБИ ТАВСИФИ

### 1. Туркистон олий бюрократияси.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Туркистонда мустамлака ҳокимият тузумининг шаклланиши XIX асрнинг 60—80-йиллари ўрталарида чоризм босқинчилик истилолари жараёнида рўй берди. Бошқарув ўзак тамойиллари Россия империяси сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига асосланар ҳамда бу вақтга келиб бошқа миллий минтақаларда тўпланган мустамлакачилик тажрибаларга таянар эди. Чоризмнинг асосий вазифалари ҳам ана шуларга мувофиқ тарзда белгиланди: Туркистон халқларининг истилочи тузумга қаршилик қўрсатишининг барча шаклларини аёвсиз бостириш, хонлар, беклар, маҳаллий зодагонлар бошчилигидаги илгариги ҳокимият механизмини бузуб ташлаш, Россия давлатчилиги асосларини зўравонлик билан сингдириш ҳамда ўлканинг бой моддий ва инсоний ресурсларини эксплуатация қилишнинг арzon ва самарали тизимини барпо этиш.

Айтиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш ҳарбий, ноҳарбий ва суд ҳокимиятини қўл остида бирлаштирган ҳамда бошқарув тизимининг барча ҳал қилувчи бўғинларини эгаллаб олган ҳарбийлаштирилган бюрократиянинг ишига айланди. Фақат волост ва қишлоқ даражасидагина ҳокимиятни ташкил қилиш шунчаки маҳаллий жамоат ихтиёрига бериб қўйилган эди. Бошқарувни «мустамлак», аммо чоризм амалдорлари назорати

остида амалга ошириши лозим бўлган маъаллий маъмурият ва судлов органларини шакллантиришнинг «сайлаб қўйилувчи тизими» эълон қилинган эди.

Туркистон жамиятидаги ишлар аҳволи тўғрисидаги бутун ахборотларни ўз қўл остига жамлаган, тўла-тўкис сиёсий ҳокимиятга эга бўлган ҳамда жамият иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини тартибга солишга эришган генерал-губернаторлар ва ҳарбий губернаторлар бу маъмуриятнинг олий бўғини эди.

Кўйида Туркистон олий бюрократияси таркибини, хизмати давомийлиги, унинг миқдори, пул таъминоти, табақавий мансублиги ва саводхонлик даражаси масалаларини кўриб чиқамиз.

1867 йилдан то 1917 йилга қадар Туркистонда подшоҳ томонидан тайинланган 12 нафар генерал-губернатор алмашди, жумладан: К.П.Кауфман (1867-1882 йиллар), М.Г.Черняев (1882-1884 йиллар), Н.О.Розенбах (1884-1888 йиллар), А.Б.Вревский (1889-1898 йиллар), С.М.Духовский (1898-1901 йиллар), Н.А.Иванов (1901-1904 йиллар), Н.Н.Тевяшов (1904-1905 йиллар), Д.И.Суботич (1906 йил), Н.И.Гродеков (1907-1908 йиллар), П.И.Мищенко (1909 йил), А.Б.Самсонов (1909-1913 йиллар), А.Н.Куропаткин (1916 йил 22 июль - 1917 йил 31 март).

1914-1916 йиллар давомида ўлқада уч «мувакқат» - алалоқибатда подшоҳ томонидан ана шу лавозимга тасдиқланмаган генераллар Флуг, Мартсон ва Ерофеев ҳукмдорлик қилишди.

Генерал-губернатор лавозимини икки йилгacha - олти киши, уч йилгacha - икки киши, беш йилгacha - икки киши, сakkiz йилгacha - бир киши, ўн тўрт йилгacha бир киши эгаллаб турган.

Шундай қилиб, генерал-губернаторлардан тенг ярми ўз хизматида икки йилдан кўп бўлмаган. Фақат Биринчи жаҳон уруши даврида 4 киши алмашди, генерал-губернаторлардан охиргиси А.Н.Куропаткин атиги 8 ой ўлкада ҳукмронлик килди. Туркистон генерал-губернаторларининг тез-тез алмашинишини деярли уларнинг барчаси ёки, ҳеч бўлмаганда, салмоқли қисми ўлкани маъмурий бошқариш масалаларида қобилияти етарли бўлмаганлиги, кўпинча эгаллаб турган мансаб улар зиммасига юклайдиган ролга муносиб эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Генерал-губернаторларнинг рўйхати уларнинг барчаси Россиядаги энг имтиёзли дворянлар та-бақасига мансуб эканлигидан далолат беради. 10 киши олий ҳарбий таълим олган, Бош штаб академиясини битириб чиқсан, икки нафари ўрта ҳарбий таълим кўрган - Михайловский Артиллерия билим юртини ва Гвардия прaporщиклари ва юнкерлар мактабини битирган эди. Куйидаги амал ва унвонларга эга бўлишган: биттаси — генерал, еттитаси — генерал-лейтенант, учтаси — генерал-адъютант, биттаси эса кавалерия генерали.

Туркистон генерал-губернаторлари бир йилда ўртacha 30-35 минг рубл маош олар эдики, бу кўрсаткич Россия ички губернияларидағи губернаторлар маошидан 4 баравар кўп эди. И.А.Рубакин маълумотларига қараганда, Россияда губернаторлар бир йилда ўртacha 8 минг рубль маош олишган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, ўлкадаги пул сарфиёти тафтишларидан шу нарса маълумки, Туркистон генерал-губернаторлари уйлари ва далалари

<sup>1</sup> Рубакин И.А. Россия в цифрах. Спб., 113-бет.

таъминотига йилига 12 минг рублгача маблағ сарфланган<sup>1</sup>.

Ҳарбий губернаторлар, қоида тариқасида, Ўрта Осиё бўйлаб ҳарбий юришларда ўзини кўрсатган, Туркистоннинг тинч шаҳар ва қишлоқларини ишғол қилишда «алоҳида маҳорат» намойиш этган офицерлардан тайинланар эди. Ана шундан 5—6 йиллик хизмат давомида поручик ва штабс-капитанлар генерал-майор ёки генерал-лейтенантга айланишарди. Уларнинг маоши бир йилда 12 мингдан 15 минг рублгачани ташкил этар, бу эса Марказий Россиядаги губернаторларнидан 2 баравар кўп эди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон ва Россия архив материаллари мустамлакачиликнинг 50 йил мобайнида ҳарбий губернаторлар хизмати давомийлигини кўздан ке-чиришга имкон беради. У қўйидагича бўлган: Сирдарё вилоятида ҳар бири ўртacha 7 йилдан хизмат қилиб, 7 киши алмашган, булар - Н.Н.Головачёв, В.Н.Троцкий, Н.И.Гродеков, Н.И.Корольков, И.И.Федотов, М.Я.Романов, А.С.Галкин; Фарғона вилоятида 1876 йилдан бошлаб ўртacha 4 йилдан хизмат қилган 10 киши алмашган, булар - М.Д.Скобелев, А.К.Абрамов, Н.А.Иванов, Н.И.Корольков, Повало-Швийковский, Чайковский, Г.А.Арендаренко, Сусанин, В.И.Покотило, А.И.Гиппиус; Самарқанд вилоятида ҳам 1887 йилдан бошлаб ўртacha 3 йилдан кўп хизмат қилган 8 та ҳарбий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, И-1-фонд, 564-йифма жилд, 317-вараг

<sup>2</sup> Масалан, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори 1862 илии Туркистонга подпоручик унвонида келган, 6 йил давомида барча ҳарбий экспедицияларда иштирок этган, 1868 йилга келиб эса генерал-майор унвонини олган эди. Ў ёки Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори В.Н.Троцкий 1866 илии ўлкага полковник унвонида келган, 1870 йилда генерал-майорга айланган эди.



Туркистон улкасининг биринчи генерал-  
губернатори ва Туркистон ҳарбий округи  
қўмандони  
**К.П.фон Кауфман**  
(1867-1881)

губернатор алмашган, булар — А.М.Яфимович, Н.Я.Ростовцев, М.П.Федоров, В.Ю.Мединский, Гескет, А.С.Галкин, Григорьев, Н.С.Ликошин<sup>1</sup>.

Харбий губернаторлар, энг аввало, ўлка генерал-губернатори амр ва фармойишларини кечиктирмасдан бажарувчи итоаткор амалдорлар эди. Айни маҳалда улар маълум даражада мустақилликка ҳам эга бўлишган. Петербург олисда эканлигидан келиб чиқсан вилоят ҳокимияти вакиллари зўравонлик ва қонунсизликларга йўл қўйишарди.

Энди Туркистон генерал-губернаторлари ва улар муҳитининг қисқача шахсий тавсифига кучамиз. 1867-1917 йилларда Туркистонда ҳокимиият тепасида бўлган бу одамлар қандай кишилар эди, уларнинг хатти-ҳаракатлари мотивлари, ўзаро, бошқа кишилар билан бўлган муносабатлари қанақа бўлган - бу масалалар, бизнингча, мустамлақа ҳокимиияти тизимини тавсифлаб, Россия самодержавиеси ички сиёсатининг ялпи манзарасини янада тўлдирди.

Биринчи генерал-губернатор К.П.Кауфман империянинг бошқа чекка ўлкаларида катта маъмурӣ ва ҳарбий хизмат тажрибасига эга бўлган ҳолда Туркистонга келганди. У 40-50-йилларда Кавказда; 60-йилларда Польшада хизмат қилган, 1865 иили Шимоли-ғарбий губерния генерал-губернатори ва Вилен ҳарбий округи қўшинлари қўмондони этиб тайинланган эди<sup>2</sup>.

Шимолий-ғарбий губернияда бир йил хизмат

<sup>1</sup> Ўз Р МДА, И-1-фонд, 33-рўйхат, 323-йигма жилд ва 305-йигма жилд; 35-рўйхат, 10- йигма жилд, 223- йигма жилд, 440-йигма жилд, 88- йигма жилд, 334- йигма жилд, 319- йигма жилд, 203- йигма жилд, 296- йигма жилд, 308- йигма жилд; И-17-фонд, 1-рўйхат, 36871- йигма жилд; И-18-фонд, 1-рўйхат, 2085- йигма жилд.

<sup>2</sup> Кауфманский сборник. М., 1910, 3-бет.

қилган Кауфман «исён» билан курашиб, ўлка демократик зиёлиларининг халқ орасида ватан-парварлик ва эркесварлик ғояларини ёйишга барча уринишларини чиппакка чиқарди. Бироқ тез орада Россия жандармерияси бошлиғи граф П.А.Шувалов билан урталарида можаро рўй берди. Ўша давр эсдалиknавислигининг гувоҳлик беришича, Кауфман 1863 йилги Польша қўзғолони иштирокчиси И.Огризкони судга тортади. И.Огризкога Шуваловнинг миллати поляк бўлмиш рафиқаси ҳомийлик қиласарди. Оқибатда 1866 йил 9 октябрда фармони олий чиқарилиб, унга кўра Кауфман «эгаллаб турган лавозимидан генерал-адъютант унвонини қолдирган ҳолда бушатиши» асносида 11 ойлик таътилга чиқарилди. 1867 йилда эса Туркистанга юборилди.

Туркистандаги хизмати давомида Кауфман узини шафқатсиз истилочи, айни маҳалда истеъоддли ва сергайрат маъмур сифатида намоён этди. У узига номаълум ўлканинг мураккаб шароитига мослаша билди ва Туркистон генерал-губернатори лавозимида ишлаш бобида узига хос рекордни забт этди.

Кауфман анча оқил ва саводли маъмур эди, аммо Россия генералитетининг типик вакили сифатида либерализмга мойил эмасди ва босиб олинган ўлкада самодержавие сиёсатини қаттиқўллик билан юргизди. 15 йил мобайнида Кауфман ўлка ва чор армияси бошида турди, чоризмнинг янги Мустамлакадаги манфаатларини ўзиники ўрнида қуриб «подшоҳ ва ватанга» садоқат ва эътиқод билан хизмат қилди.

Кауфман чоризмнинг бу даврдаги барча босқинчилик юришларига раҳбарлик қилди. Рус қўшинларининг Самарқандни босиб олишини тасвирла-

ган, Л.Костенко шундай ёзади: «Қаттиқ қаршилик кўрсатишдан ғазаб отига минган фон Кауфман асир олмаслик тўғрисида буйруқ берди. Буйруқ аниқ-расо бажарилди. Ярадорлар ваҳшийларча калтакланди»<sup>1</sup>. Унинг буйругига кўра Самарқанд шаҳри талон-торож этилди ва ёндирилди. Ана шу юришда чор қўшинларига ҳамроҳлик қилган рус рассоми В.Верешагин Кауфманни шундай тавсиф-лайди: «... энди эса ҳовлимизда турли одамларни суд қилаётган ва жазолаётган генерал Кауфманни кўриб турибман. Офицерлар қуршаб олган юмшоқкўнгил Константин Петрович юриш стулида ўлтирас ва папирос чекканича, мутлақо қизишимасдан: отилсин, отилсин, отилсин,» деб, буйруқ берарди<sup>2</sup>. Туркистон халқларининг фожиаси чор генераллари тантанасига айланди, жумладан, Кауфман Самарқанд, Қўқонни олгани, Ливия ва бошқа юришларда иштироки учун шон-шараф ва унвонларга бурканди. 1874 йилда у тўла генерал унвонига сазовор бўлди ва унинг исми шарифи Петербургдаги Муҳандислик билим юрти тахтасига «Самарқанд-1868» ёзуви билан олтин ҳарфлар билан битилишига фармойиш берди.

Кауфман ҳар хил давраларга мослашувчан амалдор сифатида ҳам кўзга ташланди. 60-йилларнинг бошларида Ҳарбий вазирлик девонида унинг директори бўлиб ишлаш тажрибаси, Д.А.Милютин раҳбарлигига ҳарбий ислоҳотларни тайёрлаш маҳсус қўмитасида иштироки, шубҳасиз, Туркистонда Кауфманга қўл келди.

Кауфман маъмуриятнинг ўлкани бошқариш

<sup>1</sup> Костенко Л. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. СПб., 1871, 161—бет.

<sup>2</sup> Верешагин В.В. Самарканд в 1868 году. «Русская старина». 1889, № 9, 617—649-бетлар.

борасидаги чора-тадбирларини етарлича эҳтиёт-корона ва маҳаллий одатлар ва анъаналарга нисбатан мажбуран ён берувчи дея тавсифлаш мумкин. Улкани иқтисодий ўзлаштириш борасида олдинда турган вазифаларни яхши тушунган Кауфман, ўзининг ворисларидан фарқли ӯлароқ, минтақадаги ички сиёсатда кўпгина ташабbusлар ижодкори бўлган эди. Маълумки, унинг даврида Туркистондаги рус мулкларида, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига қуллик қонун йули билан тақиқланган эди. Туркистон ҳудудига гиёҳванд моддалар олиб келиниши қатъиян тақиқланиб, улар «ташима савдо тўғрисидаги Муваққат қоидалар»га мувофиқ қўлга туширилган тақдирда мусодара этилар эди. Унинг маъмурияти маҳаллий аҳолининг диний ҳайтига, анъаналари ва урф-одатларига аралашмаслик принципига риоя этди. Эски мусулмон институтлари деярли ўзгаришсиз қолди. Маҳаллий аҳоли учун, масалан, Волгабўйида бўлгани каби, мусулмонликдан воз кечган ва христианликка ўтганларга пул нафақаси белгиланган бўлса-да, аҳоли христианликни қабул қилишга мажбур этилмади. Кауфман фаолиятининг ана шу жиҳатини Туркистонни бошқариш бўйича тадбирларни илк маротаба ёритган Европа публицистлари ҳатто «доҳиёна» деб таърифлаган эдилар. Уларнинг тахмин қилишича, ана шу тадбирлар туфайли Россия минтақада йирик сиёсий ларзаларга дучор бўлмади ва вазиятни барқарорлаштиришга эришди<sup>1</sup>.

Гап, албатта, Кауфманнинг “доҳийлигига” эмас, балки унинг эҳтиёткорлиги ва вазиятни хуҷёр баҳолай олиш лаёқатидадир. Ҳарбий вазир

<sup>1</sup> Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края. М., 1980, 34-бет.

Милютинга ўзи ёзишича: «мусулмонлар бу қадар совуқ вазминлик, бу қадар лоқайдлик, ҳатто олий ҳокимиият вакиллариға ҳурматсизлик намойиш этишмоқдаки, қандайдир шиор мавжудлигини тахмин қилиш мумкин. Мен шу нарсага амин бұлдимки, одамларнинг кайфияти рисоладагидек эмас, рус ҳокимиятияга итоат этмаслик ва қулай вазиятда ундан озод булиш учун фойдаланишга шайлик дарҳақықат мавжуд» бұлган мамлакатда узокни күра олмасликка йүл құя олмасдик<sup>1</sup>.

«Рус ҳокимиятияга итоат этмаслик», «ундан озод булишга шайлик» — Кауфманнинг босиб олинган ерлардаги мажбурий мослашувчан хатти-харакатларининг асосий важидир. Кауфман ўз аъёнларига «уларнинг ўз табааларига нисбатан янги мавқеи» да эканлигини, улар «қурол билан ҳам, қонун ҳужжатлари билан ҳам» улар «үлкани маънавий затта олмаслик»ларини, Туркистон халқларининг «эскирган сиёсий ва ижтимоий ҳаёти шаклларини» «фуқароликнинг янги нормалари билан» алмаштириш зарурлитини сингдиришга уринди<sup>2</sup>.

Бу «фуқаролик нормалари» эса, маълумки, очиқдан-очиқ мустамлакачилик ва улуғдавлатчилик-шовинистик характерида зди.

Кауфман томонидан тайёрланған Туркистанни бошқариш буйича лойихалар уларни «сиёсий нұқтати назардан заарли», Кауфманнинг ер-солиқ масалаларига аралашувини «бемаҳал ва ўринсиз» деб ҳисоблаган Россия вазирліклари томонидан иккимаротаба рад этилди. Кауфманни «бюрократик радикализм» да, яъни муҳим давлат масалаларини ҳал этишга волюнтаристик ёндашувда айблаш

<sup>1</sup> Уша жойда, 29-бет.

<sup>2</sup> Чижов В. Культурные преобразования К.П.Кауфмана в Туркестане. Одесса, 1915, 16-бет.

учун лойиҳалар етарлича тұлиқ ишлаб чиқылмадынан тұғрисидаги мұлоҳазалар баҳона бүлди. Аддия вазирлиги «туземларнинг руслар сингари барча ҳуқуқлари санаб үтилиши»ни ортиқча деб ҳисоблады ва «қишлоқ ва шаҳар аҳлининг қонун билан белгиланған ҳуқуқлари» туб аҳолига берилиши билан чекланишин тавсия этди<sup>1</sup>. «Үз турмуш шароити билан күпроқ империянинг эң қуий табақаларига тұғри келувчи» қишлоқ аҳолиси ҳуқуқлари борасида уларни кенгайтиришдан тийилиш тавсия этилген ва у «алоҳида ҳуқуқларга эга рус бүлган фуқаролар оммасига қиёсан олганда ҳеч қандай» ҳуқуқлардан фойдаланмаслиги уқтириб үтилган эди<sup>2</sup>.

Үз навбатида, Ички ишлар вазирлиги Кауфманнинг «шаҳар аҳли ҳуқуқий ҳолати»ни Туркистондаги барча шаҳарлар аҳолисига бериш ниятини танқид қилади ва бундай ҳуқуқларға фақат Туркестоннинг тарихан шаклланған йирик савдо марказлари - Тошкент, Құқон, Наманган ва Самарқанд шаҳарлари аҳолисига эга бўлиши мумкинлигига ишора қилган эди. Қолганлар борасида эса руслар кўчиб келган, рус савдоси шаклланған аҳоли манзиллари аҳолисига берилиши мўлжалланған эди. Чимкент, Авлиёта, Каттакўргон ва Туркестон ана шундай аҳоли манзиллари жумласига киритилган эди<sup>3</sup>.

Туркестон ўлкасида ер тузилиши масалалари Молия вазирлигига кўпгина эътиrozлар туғдирди. 1873 йилги Лойиҳага мувофиқ амлок ерларини аслида уларга ишлов берган дәхқонларга фойдаланиш учун бериш ҳамда бу тартибни кейинчалик вакф ва мулк ерларига жорий этиш режалаш-

<sup>1</sup> Үз Р МДА, И-1-фонд, 25-рүйхат, 15-йифма жилд, 40-варақ.

<sup>2</sup> Үша жойда.

Үша жойда, 42-варақ.

тирилганди, Молия вазирлиги эса бу каби ер тузилишининг асосий ташаббуслари Россияда амалга оширилган ва амалга оширилаётган бутун ер ислохотларининг умумий табиатига тўғридан-тўғри зид келишини, лойиҳанинг 204-моддаси эса «ер эгаси унда етиширилган бутун маҳсулотга, унинг сарҳадида бўлган сувга мулкдорлик ҳуқуқи тўғрисидаги (Қонунлар мажмуи, X жилд, 1, 4 боб, 404-модда) асосий қонунлардан бирига» зиддир; сугориш каналлари, дарёлар ва сойларга давлат мулкдорлиги, Кауфман тахмин қилаётганидек, сувдан фойдаланиш белгиланган одат бўйича амалга оширилган тақдирда ҳам «тамомила қалбаки» бўлиб чиқиши таъкидланган эди<sup>1</sup>. Кейин эса 1873 йилги лойиҳада режалаштирилганидек «давлат фойдаланиши ҳуқуқида» мулкка эгаликда бўлган ерларга мулкдорлик ҳуқуқи лойиҳан мазкур бўлимининг Россиядаги ер тузилиши асосларига мувофиқ келтирилишига ёки «империянинг туб қонунларини ўзгартириш»га олиб келиши таъкидланади<sup>2</sup>.

Хукмрон тузилмаларнинг бунчалик жиддий мулоҳазалари ва огоҳлантиришларига қарамасдан, ўзига берилган «ўлка бошқарувини маҳаллий шароитга мувофиқ ўзгартириш» ҳуқуқидан фойдаланган Кауфман ер-сув масаласи бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширди, шу жумладан,

<sup>1</sup> 204-модда куйидагини уқтирган: «Ўлка ариқлари, каналлари, дарёлари ва кўлларида сув давлат мулкини ташкил этади, аммо ундан фойдаланиш ҳуқуқи жорий одат бўйича ўлка маҳаллий аҳолиси ихтиёрида қолдирилади, сувдан фойдаланиш ва ариқлар ва бошқа ишшоотларни қуриш тартиби эса генерал-губернатор томонидан тасдиқланган қоидалар билан белгиланади».

<sup>2</sup> Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане. Т., 1969, 47-бет.

унинг кўрсатмаларига мувофиқ мулк ерлари давлат ҳисобига тортиб олинган ва мулкдорларнинг имтиёзлари бекор қилинган; уларнинг ерлари ҳам амлок ерлари баробарида солиқса тортилган; ер борасида даъволашувлар юзага келган тақдирда даъволашув пайтида «амалдаги ерга эгалик»ни мажбурий ҳисобга олиш заруратига ишора қилинган ва бу омилнинг халқ судларида энг мураккаб ишларни кўраётганда ҳал қилувчи ролини инобатга олиш таъкидланган эди<sup>1</sup>.

Кауфманнинг бундай «ўзбошимчалиги» тафтиши чи Гирсга кейинчалик ўлкани бошқариш учун подшоҳ томонидан унга берилган ҳукуқлардан анчамунча четга чиққанлиги ва Ўрта Осиё чекка ўлкасини бошқариш учун 1867 йилда кўрсатилган энг асосий қоидаларни кўп ҳолларда ўзгартирган деб айтишга баҳона бўлган эди<sup>2</sup>.

Туркистонни бошқариш юзасидан амалдорларнинг ёзишмалари анча жўшқин бўлган ва 10 йилдан кўпроқ давом этган. Кауфман, ўлка иқтисодий ҳаётидаги ислоҳотларни уларнинг чўзуб юборилиши, нафақат «давлат фазнасига, шунингдек Россиянинг Туркистондаги сиёсий мавқеига ҳам зарар етказади» деб ҳисоблаб, тезроқ ўtkазилишини уқтирган эди. Кауфман ўзининг Марказдаги муҳо-лифларига жумладан шундай ёzádi: «Агар биз ўлкани шу тариқа бошқарсак, аҳоли истиқболда ҳам бизни ўзининг ҳукмдори эмас, балки адолатли тарзда ҳар эҳтимолга қарши тасарруфида қудратли ҳарбий куч бўлган полиция агентлари деб ҳисоблайди. Биз уни тартибининг зоҳирий шаклла-

<sup>1</sup> Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению, в 2-частях. Ч. Администрация Управления краем, 4-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

рига риоя этишга ўргатамиз, аммо ҳаётнинг ўзига жиддий таъсир ўтказа олмаймиз. Бундай хатти-харакатлар бағоят ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин»<sup>1</sup>.

80-йилларнинг бошларига келиб «ҳарбий-халқ» бошқаруви (унга хос ҳарбий-маъмурий зўравонлик характери билан), яъни моҳиятн феодал бошқарув тизими метрополия савдо-саноати доиралари ва маҳаллий тадбиркорлар манфаатлари билан боғлиқ бўлган янгича муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётгани ойдинлашди. Ҳукмрон доиралар томонидан баъзан анча таҳдидкор жаранглаган, ҳатто самодержавие «пойдевори»ни барбод қиласи, деб ҳисоблаган мустамлака маъмуриятини танқид аслида «ўзбери»дан чиққан эди. Лекин бу доиралар танқидга учраган 1871 ва 1873 йилги лойиҳаларни энг катта ва аҳоли зич яшовчи Фарғона вилоятида синовдан ўtkазиш борасида Кауфманга халақит беришмади. Подшоҳлик маъмурий тизимининг иккала — марказий ва маҳаллий тармоги Туркистон халқлари манфаатлари ва эҳтиёжлари хусусида фақат ҳўжакўрсинга ғамхўрлик қилдилар, амалда эса чоризм учун ута муҳим бўлган вазифалардан бирини - ўлкани мустамлакага айлантиришни тезлаштириш ва мустамлака тартиботини мустаҳкамлаш вазифасини ҳал қилдилар.

Аммо, Кауфман сиёсати билан шартланган Ўрта Осиёни «ўзлаштириш» суръатлари Россия ҳукмрон доираларини ҳам, буржуазияни ҳам қаноатлантирумасди. Бунинг оқибатида Туркистон маъмурияти ҳар иккала томон танқиди ўтига дучор бўлди. Марказий рус матбуоти Кауфман ва унинг маъмуриятига қарши ўзига хос “уруш” олиб

<sup>1</sup> Ўз Р МДА, И-1-фонд, 27-рўйхат, 841-йигма жилд, 12-варақ.

борди, устига устак бу нарса Россия губерниялари ҳокимияти сингари Туркистон ҳокимиятига ҳам қонунсизлик, давлат мулкини талон-торож қилиш, порахұрлық, ёлғон ва бошқа нұқсанлар бегона әмаслиги туфайли анча осонлашган әди. Россия-ликлар Туркистондаги бу хилдаги «цивилизация-чилар»ға «жаноб тошкентликлар» дея лақаб ҳам беришган әди. Улар мустамлакаларда йүл құяёттан суистеъмоллар ҳақидағи далиллар вакти-вақти билан газеталар томонидан турли йүсінларда ёритилар ва жамоатчилик фикри күз олдида Кауфман маъмурияти обрусига путур етказарди<sup>1</sup>. Кауфман маъмурияти теварагидаги газеталар уруши «Русский мир» газетасыда 1873 йил март-ноябрь ойларида Туркистонга ташриф буюрган америкалиқ дипломат Евгений Скайлер депешаси таржима ва чоп этилганида авж нұқтасигача юксалди.

Россиянинг Үрта Осиё сиёсатини, хусусан, мустамлака маъмуриятининг тамомила диний муросага келиши ва мусулмон рухонийлари ишларига аралашмасликка асосланған диний сиёсатини, йүллар ва құприкларни қуриш ва таъмирлаш юзасидан тадбирларини, ирригация соҳасидаги ишларини, санитария-гигиена чора-тадбирларини ижобий баҳолаган Е.Скайлер унинг кескин жиҳатларига тил тегизолмасдан үтольмайди. У саноат сиёсати буткул барбод бұлганини, савдо сиёсати кифоя қылгулик даражада фаол әмаслигини қайд этади ҳамда үзининг рус замондошлари изидан бориб янги мустамлаканинг Россия учун заарли эканлиги ҳақида ёзади, Туркистон маъмурияти-

<sup>1</sup> Дмитриев Г.Л. Депеша Е.Скайлера и проблемы Средне-азиатской политики царизма 70-х годов XIX в. Сборник научных трудов Ташгу, № 817, Т., 1976, 33-бет.

нинг ишчанлик фазилатларини тавсифловчи мисоллар келтиради, дипломат адолатли тарзда унинг сафларида мўмай пул излаган ёки кредиторлар ва судлов таъқибидан қочиб паноҳ излаган кимсалар борлигини тўла асосли таъкидлайди; Перовский, Авлиёота ва Қурама уездларидағи порахўрлик ва давлат мулкини талон-торож этишга оид мисоллар келтиради; Ҳўжанд, Верний, Копал, Перовск ва бошқа жойлардаги ҳокимииятларнинг маъмурий зўравонлигидан мисоллар келтиради. Депешада мансабга доир жиноятларга Кауфман томонидан етарлича чора кўрилмагани алоҳида таъкидланади<sup>1</sup>.

Е.Скайлер депешаси теварагидаги курашга Москва ва Петербургнинг деярли барча нуфузли нашрлари: «Петербургские ведомости», «Неделя», «Новое время», «Сын Отечества», «Московские ведомости», «Голос» ва бошқа нашрлар қўшилдилар, устига-устак янги, ҳар ҳолда Туркистон маъмурияти фойдасига гувоҳлик берувчи далиллар маълум бўлди. Янгидан-янги айбловлар ижтимоий-сиёсий тизим сифатида чоризмнинг ўзига кўланка солиши равшанлаша бошлади. Ана шунда цензура муассасаси, матбуот ишлари бошқармаси аралашди ва «Русский мир» газетаси нашр этилишини уч ойга тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қилинди, рус матбуотида Е.Скайлер депешасини муҳокама қилишга тақиқлов жорий этилди, Туркистон маъмурияти шаънига танқидий мулоҳазалар билдириш расман ман этилди.

Кауфман Туркистонда таълимни ривожлантиришни, рус миллати ва маҳаллий халқлар фарзандлари бирга таълим олиши назарда тутилган

---

<sup>1</sup> Ўша жойда.

«рус-тузем» мактаблари ташкил қилишни ёқловчи сифатида иш кўрди. Ўз директиваларида у тарбия асосида «диний тафовут эмас, балки ҳам православ, ҳам мусулмон фарзандларини Россиянинг бир-бирига үхаш фуқаролари қилишга ёрдам бергувчи бир хил ва айнан қоидалар» туриши лозимлигини тушунтириди<sup>1</sup>. Рус-тузем мактабларига ўқитувчи кадрларни тайёрлаш учун 1879 йилда маҳсус Үқитувчилар семинарияси ташкил қилинди. Аммо мактабларнинг аҳволи узок вақт ачинарли аҳволда қолди ва фақат 80—90-йилларда, маъмурий тузилмалар ва давлат муассасаларининг бюрократик таъминотнинг тилмочлар, майда хизматчилар ва хизматлар эҳтиёжи кескин ортган кезларда «эшакўлди» нуқтадан силжиди.

Шунинг баробарида, ӯзининг баъзи ворисларидан фарқли ularoқ Кауфман маъмурият амалиёти жараёнида Туркистонга унинг тарихи, этнографияси, археологияси, маданияти, табиий бойликларини тадқиқ этиш мақсадида келган Россия жамоатчилиги вакилларига кўмак беришга ултурди. Гарчи унинг олимлар, рассомлар, ёзувчилар ва шунчаки саёҳатчиларга ҳомийлигида, албатта, рус маъмуриятининг «цивилазациялаштирувчи миссияси»ни таъкидлаш, аксарият россияликлар наздида экзотик бўлган бу йироқ заминда «Россия улуғворлиги»ни таъкидлаш истаги ҳам балқиб тургани сир эмас.

1882 йили Кауфманинг ўрнига генерал-губернатор лавозимига 1865 йили ташкил этилган Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори, ваколатларини суистеъмол қилганлиги ва Петербург директиваларини ижро этмаганлиги учун 1866 йилда

<sup>1</sup> Граменицкий О. Очерки о развитии народного образования в Туркестанском крае. Т., 1896, 3-бет.

бу лавозимдан олиб ташланган М.Г.Черняев ўтириди. 17 йилдан кейин у Туркистон маъмуриятига биринчи шахс сифатида раҳбарлик қила бошлади. Аммо маъмурий фаолиятга ёмон тайёргарлик кўрган генерал бу ерда қўпол зўравон сифатида донг таратди, унинг салафларига эса «зулуслар» (қонхурлар) лақаби берилди.

А.И.Добромислов Черняев ҳукмронлиги даври ҳақида шундай ёзади: «Аҳмоқ сифатида оти чиккан, уртамиёна ва заиф амалдорлар унчалик азият чекмадилар; касалманд ва инжик қария тартиботининг бутун мушкулоти иш билармон ва у ёки бу даражада уқувли кишилар гарданига тушди»<sup>1</sup>. Кўпгина маданий ташабbusларга зиён-заҳмат етказилди: Туркистон халқ кутубхонаси тарқатиб юборилди, бир талай қимматли китоблар ва шарқ қўлёзмалари ёниб кетди, Тошкент кимё лабораторияси тарқатиб юборилди, ипакчилик мактаби ёпилди. 1884 йилда у шошилинч тартибда Петербургга чақириб олинди.

Черняевнинг Туркистондан тез орада чақириб олинишига унинг ташқи фаолиятидаги қусурлари сабаб бўлди. Гап шундаки, 1882—1884 йилларда Англия Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб, Ўрта Осиёда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга янгидан уринади. Ана шу, ниҳоятда кескин вазиятда Черняев ҳукумат олдига Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини тугатиш ва уларни Россияга қўшиб олиш режасини қўяди. Унинг ушбу масала юзасидан расмий хати Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Ўрта Осиё масалалари бўйича мажлисида муҳокама қилинади, унда вазир Н.Ф.Гирс, молия вазири Н.Х.Бунге, Бош штаб бошлиги

<sup>1</sup> Добромуслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем.. Ташкент, 1912, 258-бет.



Полковник М.Г.Черняев

Н.П.Обручев, Россиянинг Эрондаги элчиси И.А.Зиновьев ва бошқа нуфузли шахслар иштирок этдилар.

Черняев 1883 йили афғон феодаллари босиб олган Помирдаги Шуғнон, Рушон ва Ваҳон бекликлари тожик ва қирғизларининг рус табаалигини қабул қилиши тұғрисидаги масалани ҳал қилишга уринди, аммо бу Петербург томонидан қатъий тақиқланди. Илгари ҳам үзбошимчаликка йүл қўйган Черняевни, олдинги ҳарбий-сиёсий шошқалоқлиги инобатга олиниб, Туркистондан шошилинч чақириб олишга қарор қилинди<sup>1</sup>.

Юқорида айтиб үтилган ташқи сиёсий масалалар билан Петербург ҳарбий округи гвардия штабининг собиқ бошлиғи янги ҳарбий генерал-губернатор Н.О.Розенбах катта куч-ғайрат билан шуғулдана бошлади. Унинг Россия ва Англия уртасидаги чегара масалаларини тартибга солиш тұғрисидаги Петербургга юборган билдиришномалари лаёқатидан ва бу даврда вужудга келган вазиятни анча ҳушёр баҳолашидан далолат беради.

Н.О.Розенбах 1886 йилги Туркистон «Низоми»-нинг узил-кесил вариантини ишлаб чиқиши буйича граф Игнатьев комиссияси ишида самарали иштирок этди. Унинг құллаб-қувватлаши билан янги давлат муассасалари: генерал-губернатор ҳузуридаги Кенгаш, Самарқанд вилоят бошқаруви, почтателеграф округи бошқармаси, Сирдарё вилоят статистика бошқармаси ташкил этилди.

Бревский ўлкани 8 йил бошқарди, генерал-гу-

<sup>1</sup> Черняевнинг 1876 йили Сербиядаги үзбошимча ҳаракатлари назарда тутиляпти. Үшанды Болқон масаласини дипломатия йүли билан ҳал қилишга интилган Россия ҳужуматининг хоҳиширодасига қарши үлароқ у Сербия армиясига Туркияга қарши урушда қўмондонлик қилган ва мағлубиятта учраган эди.

бернатор лавозимини әгаллаб туриш давомийлиги борасида факат К.П.Кауфман ундан кўп фаолият курсатган, холос. У ҳукмронлик қилган йиллар (1889—1898) кўп сонли ҳалқ ғалаёнлари, жумладан, жазо отрядлари томонидан шафқатсизларча бостирилган Тошкентдаги 1892 йилги «вабо» исёни, камбағалларнинг Фаргона вилояти волостлари ва уездларидағи 1893, 1895, 1896, 1897 йилги чиқишлиари билан тарихга кирди. «Туземларнинг жиловдан чиқиб кетиши» (яъни ҳалқ ғалаёнлари — Ф.Э.) сабабларини у ҳар томонлама кучайтиришга интилган маҳаллий маъмурият нуфузининг заифлашуви деб ҳисоблаган эди.

1894 йилда у томонидан махфий маслаҳатчи Т.С.Кебеко раҳбарлиги остида комиссия тузилиб, турли вазирликлар ва маҳаллий маъмуриятлар вакиллари унинг таркибиға кирган эдилар. Уезд ер-солиқ иштироки тўғрисидаги солиқларга тортиш тартибини ўзgartирган янги низом қабул қилинганди. Якка тартибда солиққа тортиш ўрнига волостлар ва уездлар бўйича тақсимот жорий этилди, бу нарса қишлоқ аҳолиси аҳволини янада оғирлаштириб юборди, зотан, ҳовлилар бўйича солиқ тақсимоти теварагида одатда кураш авж олиб кетарди.

Вревский маҳаллий суд тузилишини ҳам қайта ташкил этишга уриниб кўрганди, жумладан, 1892 йилда у томондан янги «Ҳалқ судьяларига йўрикнома» тартиб берилиб, унинг моҳияти қозилар ва бийлар лавозимларини ўриндошлиқ асосида олиб борганда сайлаб қўйиш асосларини бекор қилишдан иборат эди<sup>1</sup>. Амалиётда у барибир қўлланмади.

Тошкентда амал қилган «Шаҳар Низоми»ни

<sup>1</sup> Ўз Р МДА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 737-йиғма жилд, 129-варақ

Вревский «сиёсий жиҳатдан» хавфли деб ҳисобланган ва бу масала юзасидан Бош штабга жўнатган кўп сонли тақдимномалари туб аҳолидан вакилларни аввалгидек 3/1 нисбатда эмас, балки умумий таркибда 5/1 нисбатда бўлишига эришган. «Бундай тартибни, - дея ҳисоблаганди у, - туземларнинг руслашган авлодлари самодержавие неъматларини идрок этиш борасида юксакликка эришмагунига қадар номуайян истиқболда сақлаб туриш зарур»<sup>1</sup>.

Вревскийнинг тор миллий сиёсати, табиийки, характерли жиҳати бошлиқ ҳоҳиш-амрини сўзсиз бажариш бўлган амалдорлар аппаратининг барча бўғинларида акс садо берди. 1895-1898 йилларда Туркистонда ер-солик комиссияларининг аъзоси бўлган князь Г.Мансиров томонидан келтирилган бю-рократик бошқарув иерархиясида қўйироқда ту-рувчи амалдорларнинг характеристикаси дик-қатта сазовордир. Жўмладан, у шундай ёзади: «Амалдорлар ўрнида ўз-ўзига маҳдудлашиб кетган, ўз-ўзини бостирувчи ва ўз-ўзидан мамнун, ўзига ўлкадаги чинакам ва ягона хўжайин сифатида қаровчи, ўлка уларнинг қаршисида титраб туриши ва иззат-хурмат кўрсатиши ва ҳақ тўлаш керак бўлган амалдорларни кўрдим»<sup>2</sup>. Туркистон амалдорлари аксариятининг паст маънавий даражаси, шуҳратпарастлиги, фаразгўйлиги князни «ўлкада маъмурларнинг бутун аҳоли устидан крепостной ҳуқуқи натурал тарзда амалга оширилмоқдадир», дея хулоса чиқаришга мажбур қилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Давлат Думаси ІҮ чақирик Ў сессияси 17-йигилиши стенографик ҳисоботи, 1916 й. 15 декабрь

<sup>2</sup> Уша жойда.

<sup>3</sup> Уша жойда.

Туркистон жамиятидаги кескин аҳвол Вревский маъмуриятининг иш усуллари, жумладан, ийғимлар ва солиқлар миқдорини ва маҳаллий аҳолининг ерга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл эканлигини белгиловчи ер-солиқ комиссиялари амалдорларининг иш усулларини янада муракаблаштирган эди. Бу амалдорларнинг аксарияти «факат жарима ёзиб бериш ҳадисини олган» ва үтказилаётган тадбирлар тӯрисида аниқ тасаввурга эга эмасдилар. Вақф ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатларни текшираётганда маҳаллий имлони билмаганликлари сабабли уларни осонгина қалбаки деб тан олардилар, бу билан Туркистонда «ғайридинга (яъни русларга) яширин қаршилик кўрсатишга қўзгани» таъминлаган бўлар эдилар<sup>1</sup>.

Вревскийнинг буйруқлари маҳаллий аҳоли гарданига оқ подшоҳ маъмуриятининг барча вакилларига «таъзим ва иззат-икром» билан муносабатда булиш мажбуриятини юклади. Бу «таъзим»га қандай эришилгани хусусида тасаввурга эга бўлиш учун Г.Мансировнинг бозорлардан бирига ташриф буюрган пайтдаги фикр-мулоҳазаларини келтирамиз. «Бозорга етишимизга бир неча ўн сажен қолганида тўсатдан бир тўда нотаниш одамлар (афтидан, бозор маъмурияти вакиллари - Ф.Э.) бозорга қараб ёпирилдилар, ана шу бозордаги минг-минглаб оломонга ёпишдилар ва у ерда ҳозир бўлган сотувчилар ва харидорларни қамчи зарбалари кимга тегишини ўйлаб ўтирмасдан қамчи ошата бошладилар. Чамаси бу нарса одатга айланиб қолган шекилли. Маҳаллий амалдорлар энг зўр иззат-икромни сингдириш мақсадида тузем аҳоли-

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

нинг Россия ҳокимияти вакиллари билан ана шунга ўхшаш қаршилови амалга татбиқ этилган»<sup>2</sup>. Куппа-кундузи бу каби зуравонлик мавжуд тузумга хос хусусият эди.

1882 йили Туркистанда «кучайтирилган қуриқлов» низоми амалга киритилиши ҳам маъмурий зуравонликни янада оширди. Унга биноан ҳокимиятнинг репрессия чоралари күпинча ҳалқ галаёнлари ва қўзғолонларини бостириш учун ҳарбий экспедициялар қўринишида амалга ошириларди. Бироқ бунда ҳам аниқ-тиник қонуният кўзга ташланади, яъни мустамлакачилар томонидан қонунсизлик ва зуравонлик қанчалик кўп бўлса, улар ўзларини ҳалққа нисбатан қанчалик тийиксиз тутсалар, курашнинг энг кескин шакллари ҳам шунчалик тез етилиб борди.

Ҳукумат қўшинлари билан қуролли олишувга айланиб кетган 1898 йили Андижонда рўй берган ҳалқ қўзғолони айнан шундай курашга мисол бўлади. Қўзғолончиларнинг зулм ва таҳқирлашдан озод бўлишга интилиши уларнинг ҳаракатларига куч бағишлигар эди. Қўзғолон иштирокчилари устидан қонли таъзир раҳбари, қишлоқлар ва маҳаллаларнинг минг-минглаб аҳолиси устидан террор ташкилотчиси Вревскийнинг ўрнига Приамурьедан келган, ҳисоб бўйича бешинчи генерал-губернатор С.М.Духовский бўлди<sup>1</sup>.

У ўз фаолиятини Фарғона вилояти маҳаллий маъмуриятини тозалашдан бошлади: ҳарбий губернатор Повало-Швийковский лавозимидан олиб ташланди, волост ва қишлоқ маъмуриятининг 53 нафар вакили ишдан четлатилди. Ҳалқ судлари устидан кучайтирилган назорат ўрнатиш, улар-

<sup>1</sup> Ўз Р МДА, И-1-фонд, 35-рўйхат, 34-йигма жилд, 52-варақ, 89-варақ.

нинг ишлари мұхокамасида қатнашип топшириғи олинган эди. Аммо Духовскийнинг ана шу тадбирларининг барчаси унчалик мұваффақият қозонмади. Маҳаллий тилни билмаган ва саводхон тилмочларга эга бүлмаган рус маъмурияти, Туркистан үлкасини тафтиш қылған граф К.К.Пален гувоҳлик беришича, «ниҳоятда ёрдамга муҳтож бир аҳволда эди»<sup>1</sup>.

Ўз салафларидан фарқли үлароқ Духовский мусулмонлар масаласини кенг күламда үрганиш ташаббускори сифатида иш күришга улгурди. Унинг томонидан «Туркистонда ислом» деган «умумтабаавий» маъруза тузилған эди. Унда «христианларни мусулмонлар билан яқинлаштириш» бўйича чора-тадбир сифатида қуидагилар тахмин қилинганди: үлкадаги барча хизматчилик мусулмонлар турмуши билан муфассал танишиб чиқиши, барча муассасалар кутубхоналари ва маҳкамалари рус тилида ислом ҳақидаги энг асосий маълумотномалар ва дастуриламал асарларга эга бўлиши. Лекин, «Ислом бўйича материаллар тўплами»ни мунтазам нашр этиш; барча мусулмон нашрларига цензура жорий этиш<sup>2</sup> бу таклифларнинг барчаси қофзода қолиб кетди. 1900 йил ноябрیدа Духовский Туркистондан чақириб олинди.

Унинг ўрнига чоризмнинг 60—70-йиллардаги ҳарбий юришларида генераллар Черняев ва Кауфманларнинг сафдоши бўлган Я.И.Иванов келди. У

<sup>1</sup> Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором, гофмейстером, графом К.К.Паленом. Вып. 1—18. Уездные управление, т.10, Краевое управление, т.10, СПб, 1910, 61—62-бетлар.

<sup>2</sup> Ўз Р МДА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 1832-йигма жилд, «а», 8-варақ.

Черняев отрядидаги отлиқ-артиллерия батареяси хорунжийидан 1883 йилга қадар генерал унвонига хизмат қилди ва уезд бошлиги мартабасидан то генерал-губернатор мартабасигача эришди. У ўзини чинакам «туркистонлик» деб ҳисоблар эди. Ўлкани бошқариш тизими мукаммал эмаслиги 35 йиллик иш стажига эга Ивановга ёт эмасди, шунинг учун ҳам у ўзини қонунлар яратиш борасида синаб кўрди. Унинг топшириғига кўра генерал-губернатор маҳкамасининг бошқарувчи Нестеровский кўп сонли комиссияларни йигди, ўлкани бошқариш бўйича янги қонун ҳужжатлари қоидалари бўйича таклифлар ва тавсияларни таҳлил қилди. Бу ишларнинг барчаси уч ярим йил, яъни 1903 йил сентябрга қадар давом этса-да, ҳеч бир жиддий натижа бермади. Нестеровский лойиҳасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маъмурий масалалар бўйича ҳуқуқий ва маъмурий қарорлар худди илгаригидек Туркистон жамиятининг бирор-бир иштирокисиз бюрократияга мўлжалланган эди. Айнан ана шу сабабга кўра лойиҳа пешонасига, фақат, Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси архивини тўлдириш ёзилган экан.

Марказдан импорт қилинаётган социал-демократик, эсерча, анархияча ва бошқа фоялар тарқалиши билан, Ўрта Осиё ва Оренбург—Тошкент темир йўлларида авж олаётган ишчилар ҳаракати билан кураш Н.А.Ивановнинг алоҳида ташвишлари соҳасига айланди, шу боисдан у вилоятларда тез-тез сафарларда бўлар эди. У ўлкадаги вазият тўғрисида, кўпгина шаҳарларда «давлат жиноятчилари»нинг фаолияти тўғрисидаги юқори инстанцияларга билдиришномалар ёғдирди, «бу

<sup>1</sup> Ўз Р МДА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 212-йигма жилд, 7-варак.

нарса катта ёвузлик», шубҳасиз, нафақат заарали, қолаверса хатарли» эканлигига ишора қилди<sup>1</sup>. Ички ишлар вазири фон Плеве эътиборини «давлат жиноятчиларининг ўрта ўқув юртлари тарбияланувчилари орасида тарғиботчилик фаолиятини» тарқалишига қаратди ва «бундай кишиларни ўлкага сургун қилишни бутунлай тұхтатиш»да унга шахсан ёрдам беришини илтимос қилди<sup>1</sup>. Вазирнинг эса Туркистон масаласига қули тегмасди. Бу вактта келиб тузум империя марказида жон бергүлік ҳолатта келган ва бу агониядан сақланиш мақсадида Плеве ҳам Япония билан «кичкина музafferона уруш»ни тайёрлаётганлар орасида эди.

Бундан бүёғига, маълумки, биринчи рус инқиlobи бошланади. 1904 йил майда Иванов вафот этади, 1905 йили Туркистонда сиёсий иш ташлаш авж олган бир паллада Туркистонга навбатдаги генерал-губернатори Н.Н.Тевяшов келади ва у 1906 йилда тұsatдан вафот этади. Мустамлака тузуми тарихида илк маротаба янги генерал-губернатор Д.И.Суботич «ұлқадаги инқилобий кайфияттарга ҳамдардлик» қылгани учун мансабидан четлаштирилади<sup>2</sup>. Суботичга қадар ва ундан кейинги Туркистоннинг губерния маъмуриятлари орасида либерализмда айбланганлар бұлмаган. Барча генерал-губернаторлар энг жүшкін содиқ табаалик саъй-ҳаракатларларини намоён этишган, подшоҳ томонидан әркаланган, күп сонли мукофотлар ва имтиёзлар билан сийланған әдилар. Суботич черносотенчи бұлиб чиқмади, Николай II уни тайинлашда ҳаммасини ҳисобға олмаган экан. Афтидан, у қандайдир буржуа партияси қарашларини баҳам күрган. Бу

<sup>1</sup> Үша жойда, 8-варақ.

<sup>2</sup> Үз Р МДА, И-1-фонд, 35-рўйхат, 40-йифма жилд, 414-варақ.

ҳақда унинг лавозимни эгаллаётгандаги дарҳақиқат «мустамлака хўжайини» оғзидан чиққан «исёнкорона» нутқи ҳам далолат беради. «Россия давлати фуқаросининг қандай бўлишидан қатъи назар ўз сиёсий эътиқодидан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этаман. Мен ҳар кимнинг ўз қарашларини тарғиб қилиш ҳуқуқини тан оламан. Бу ўз қарашларимдан келиб чиқади. Нега ўз доктринаси фойдасига ақл билан, мантиқ билан, асосларнинг ишонарлиги билан курашилмаслиги керак»<sup>1</sup>.

Сенатор К.К.Пален Суботични ўлкада рўй бергаётган «сиёсий воқеаларни тан олмаслик»да айблайди. Бундай айбловнинг асосли эканлигини фактлар ҳам тасдиқлайди: 1906 йилнинг баҳори ва ёзи қатағоннинг сусайтирилиши, турли сиёсий ташкилотлар фаолиятининг жонланиши, жумладан, 1906 йили февраль ва сентябрда РСДРПнинг иккита Туркистон конференцияси ўтказилиши, 1906 йил июлда Туркистон темир йўллари делегатларининг съезди ўтказилиши, касаба уюшмаларининг анча кенг тармоғи тузилиши, «Русский Туркестан» ва «Самарканд» газеталарининг Тошкент ва Самарқанддаги социал-демократик гурухлар ошкора матбуот органига айлантирилиши қайд этилган. Устига устак, Петербургдан келган «ҳеч иккиланмасдан, аяб ўтирумасдан қатъий иш кўрилсин» деган кўрсатмаларга зид ўлароқ, Суботич Туркистон ҳарбий округи қўшинларида жиддий галаёнларга йўл қўяди, хусусан Тошкент, Ашхобод ва Красноводск гарнizonларида таҳдидлilarи бўлиб ўтади (1906 йил ёзида).

Машҳур реакционер ва жазокор генерал-адъютант Максимович Суботичга мададга юборилади, у аксилинқилобий фаолияти етарли эмас деб тан

<sup>1</sup> «Асхабад» газетаси, 1906 йил 29 январ.

олинганларни, ҳатто бу соҳада ўрнак бўлгулик бўлиб чиқсан генераллар Сахаров, Мациевский, Малихин ва кўплаб бошқаларини лавозимидан олиб ташлайди. Инқилобий воқеалар қатнашчила-рини таъқиб қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича янги қадамлар қўйилади.

Генерал-губернатор лавозимига Суботич ўрнига келган, 1892 йилги Тошкент қўзғолонининг энг шафқатсиз бостирувчилардан бири Н.И.Гродеков бу борада тўла ҳажмда ишлар қилишга улгурди<sup>1</sup>. Унинг ҳаракатлари шаклланган жазо «анъаналяри»га зид эмасди. Бошқариш тактикаси ва услу-биёти ҳам ўзгарди - «исён кўтарган чекка ўлка» «тартиб» ўрнатиш учун кўпдан-кўп куч-гайрат талаб қиласди. Қишлоқлар ва шаҳарларда янги полиция пунктлари, отлиқ-полиция қоровуллар катта миқдорини ёллаш, сиёсий қидирув органла-рини, Туркистон бўлимини ташкил қилиш, қамоқ-хоналар ва авахталар тармогини кенгайтириш та-лаб этиларди. Маҳкумларнинг асосий оммаси «бошқарув тартибига қарши қилмишлари», «тар-тиб ва осойишталикни бузганлик», «мансадбор шахслар шаънини таҳқирлаш ва унга қарши таҳ-дид» ва ҳоказолар учун унда жазоланар эди. 65 яшар генерал кўп куч-гайрат билан меҳнат қиласди ва Суботич билан боғлик «тариҳ»дан кейин отахон-подшоҳ кўз олдида Туркистон маъмуриятининг «яхши номи»ни тиклайди.

Туркистон халқлари учун бу йиллар даҳшатли

---

<sup>1</sup> 1864 йили Польша миллий-озодлик ҳаракатини бостиришда иштирок этган. 60-80-йилларда чоризмнинг Ўрта Осиёдаги ҳар-бий юришларида қатнашган. 1883-1893 йилларда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори бўлиб ишлаган. Тошкентдаги «вабо» исёни шафқатсизларча бостирилганидан сунг Приамурьега утказилган ва 1907 йили яна қайтарилган.

террор ва аёвсиз қатағонлар, оғир синов саналари бүлди.

Гродековдан кейин 1909 йилда Міщенко тұққыз ой ҳукмронлик қилди, К.К.Паленниң сұзларига қараганда, у «қандайдир йирик тадбир үтказишга улгурмади»<sup>1</sup>. 1909-1914 йилларда генерал-губернатор лавозимини генерал А.В.Самсонов әгаллади<sup>2</sup>.

Унинг Туркестон генерал-губернатори лавозимидағи фаолияти үз салафларининг ички сиёсатидан фарқ қылмади. У аяңчли хизмат шароитига ва офицерлар таркибининг ғайрииинсоний мұомаласыға қарши құзғолон учун Тошкент яқинидаги Троицк лагерларига ташланған 14 нафар рус аскарини иккиланыб үтирумай дорға торттириди ва 228 кишини Сибирга каторгага жүнатди. Айни пайтда Штабға совуққонлик билан юборған билдиришномасыда: «Харбий давр қонунлари бүйіча суд қилинған қуролли құзғолон ташвиқчилари ва иштирокчилари муносиб жазога мустаҳқиқ бұлдилар»<sup>3</sup> деб ёзған эди. Самсонов «максимал қон тұқиши» тарафдори эканлигини яшириб үтирумади, факат угина «бундай чиқишлиар мақсадсизлиги ва давлат ҳокимияти күчини» жамиятта намойиш этади деб ҳисоблаган<sup>4</sup>.

У 1912 йилда құзғолон күтарған сапёрлардан

<sup>1</sup> Пален К.К. Отчет... 85-бет.

<sup>2</sup> Туркестонға үтказилғунига қадар Уссурийск отлиқ бригадасыға ва 1904-1905 йиллардаги рус-япон урушида Сибирь казаклар дивизиясыға құмандонлик қылған. 1907 йилда Дон қүшинлари атамани. 1909-1914 йилларда Туркестон генерал-губернатори. 1914 йилда Шарқий-Пруссия операцияларыда иштирок этган Шимоли-ғарбий фронт армиясыға құмандонлик қылған. Фронт құмандони генерал Я.Г.Жилинский ва армия құмандони генерал П.К.Ренненкампфнинг айби билан 1914 йил 30 августда Сольдау останасыда қуршовга тушиб қолған. Үз-үзини үлдирған.

<sup>3</sup> Гернет М.Н. История царской тюрьмы. Т.5. М., 1956, 143-бет.

<sup>4</sup> Үша жойда.

қасос олишда ўз куч-ғайратида чек-чегарани билмади. Бинобарин, маҳкум аскар А.Федоров ўз ротасида бўлган бошқа бир А.Федоров ҳақида гапирган Потоцкий кўрсатмаларига асосланиб уни каторгага ҳукм қилинганини, уни эса ҳатто билмаслигини таъкидлаб ариза берган эди. Бу ариза билан танишиб чиқсан ва фамилияси ҳақиқатан ҳам ўхшашлигига ишонч ҳосил қилган Самсонов айбсиз одамни каторгага жўнатади ҳамда «Ўқидим» деб bemalol ёзиб ҳам қўйтган эди<sup>1</sup>.

Самсонов ўз салафларининг Туркистондаги турли сиёсий ташкилотларга нисбатан анъаналарини ҳам тўла ҳажмда қўллаб-қувватлайди. «Патронлар аялмасин» буйруфининг муаллифи Самсонов эсерлар, анархистлар ва социал-демократлар иши бўйича бир неча даҳшатли-тантанавор процессларни уюштирди, ўзи подшоҳга билдирганидек, ўлкани инқилобий бошбошдоқликдан халос қилишга ҳаракат қиласди. Процессларга атайин кенг ошкоралик тузи берилган, материаллар матбуотда эълон қилиб борилган, Петербургдан адвокат - тошкентлик А.Ф.Керенский таклиф этилган эди. Кўрамизки, у 1864 йилги демократик судлов уставлари руҳига мос иш кўрган, аммо бунда ўзининг асосий аъмоли яширмайди ва Петербургдаги бошлиқларга «битта айборни оқлагандан кўра ўнта айбсизни жазолаш яхшироқ деб ҳисоблайман» дея очиқдан-очиқ ёзади<sup>2</sup>.

Самсоновнинг маъмурий фаолияти жадал саноат қурилиши даврига тўғри келди ва у бу йуналишда чор ҳукумати манфаатлари борасида бир

<sup>1</sup> Овирский О.Я. Революционные движения в царской армии в Туркестане. Т., 1960, 82-бет.

<sup>2</sup> Тутунджан Т. Пятьдесят лет восстания туркестанских саперов. Тошкент, 1962, 32-бет.

қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Туркистон-Сибирь темир йули қурилиши масалалари билан узоқ шуғулланди, 1912 йилда бу ишни амалта оширишга рухсат олди; бүш ётган ерларни сугориш лойиҳасини тайёрлади ва сув қонунлари асосида хусусий тадбиркорларга сугориш ишлари бўйича тадқиқот-қидирув ишларига рухсат бериш қоидаларини ишлаб чиқди; Сирдарё вилоятининг сугорма пахтачилик зонасида туб аҳоли ерларини экспроприация қилишга қонуний тус берди; кўчириб келтирилган поселкалари жадал қурилишига ёрдам берди. 1914 йилда подшонинг буйрифига кўра ҳаракатдаги армияга чакирилди.

1914 йил июлидан то 1917 йил феврали давомида Туркистонда тағин бошлиқлар алмашди: уч нафар муваққат генераллар Флуг, Ерофеев, Мартсон ва тўртинчиси «қонуний» А.Н.Куропаткин<sup>1</sup>. Муваққатлар орасида Ерофеев алоҳида ажralиб туради. Унинг бир ярим ойлик маъмурий ижодининг гултожи 1916 йил 21 июлдаги буйруқдир, жумладан унда шундай дейилган: «Тузем аҳолининг рус ҳокимиияти олдида таъзим бажо келтириши белгиси сифатида туземларнинг ҳаммаси барча муассасалар офицерлари ва амалдорларига таъзим қилиб иззат-икром билан салом берсинлар»<sup>2</sup>. Маҳаллий аҳоли от ва аравада шош-

---

<sup>1</sup> А.Н.Куропаткин Туркистонда тўрут маротаба бўлган: 1866—1871 ва 1875—1877 йилларда Туркистон ҳарбий округида хизмат қилган, истилочилик юришларида иштирок этган; 1879—1883 йилларда Туркистон ўқчи дивизияси командири бўлган, туркманлар ерларини босиб олишда иштирок этган; 1890—1898 йилларда Закаспийск вилояти бошлиги; 1916 йил июлидан то 1917 йил февралида Туркистон генерал-губернатори, 1917 йил марта-да эса Муваққат ҳукуматнинг Туркистондаги комиссари бўлган.

<sup>2</sup> Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915—1917 г.г. и её проявления в Туркестане. Тошкент, 1971, 120-бет.

масдан юришлари, дүконлардан чиқишилари, қаршидан келаётган мустамлака маъмурияти амалдорига тұхтаб таъзим қилишлари керак эди. Жонсол-мас амалдорлар жойларда руслар борадиган ва сайр қыладиган жамоат жойларига маҳаллий аҳоли киришини ман қилингандар ҳоллар ҳам учрайди. Ерофеевнинг «мажбурий хушмуомалалик» тұғрисидаги бу буйруғи Россия бўйлаб кенг машхур бўлди. IV Давлат Думасининг сессияларидан биринда депутат Жаъфаров буни «рус ҳокимиютини балчиққа қориб ташлаш» тариқасида баҳолаган эди.

Генерал-губернатор лавозимиға янги, анча мослашувчан, унча дағал бўлмаган номзодни шошишилинч излашга тұғри келди ва танлов бунинг учун харакатдаги армиядан чақирилган А.Н.Куропаткин чекига тушди. Таниқли тарихчи М.Н.Покровский унинг Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланишини шундай талқин қиласы: «1917 йилга келиб жаноб Куропаткин саҳнадан, подшоҳ Россиясининг энг масъул мансабларидан аллақачон тушиб қолган эди. У бошқа сиёsat юритмауди. Стратег сифатида у ҳақда ҳеч ким сўз юритмасди. Фронтлардан бирига қўмондонлик қилишга уриниши ҳам туссиз кечди ҳамда уруш ва империя ниҳоясида кекса генерал учун бутунлай оддий Куропаткин фронтдан минглаб верст йироқда «Туркистон генерал-губернатори» мақоми билан қаноатланиши лозим эди. Бу ерда унинг вазифаси фронтдагига қараганда полицияга хос эди, сартлар ва қирғизлар билан жанг қилиш немислар билан урушишдан кура осонроқ эди, бир неча кишини дорга тортиб, орзулари амалга ошмаган микадоғолиби 1916 йилги Ўрта Осиё инқилобини ажойиб бир тарзда тор-мор этди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ж. «Красный восток», т.1, 1927, 56-бет.

Дарҳақиқат, Туркистондаги 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатини бостиришга Куропаткин 1916 йил ёзидан то 1917 йил давомида ҳаракатда бўлган йирик ҳарбий кучлардан фойдаланди. Расмий маълумотларга қараганда, 14 батальон, 33 сотня, 42 ускуна, 69 пулемёт ишга солинган эди. Уч мингдан ортиқ одам судга тортилганди.

Шу билан бирга, борган сайин чуқурлашаётган сиёсий ва иқтисодий таназзул шароитида Куропаткин мустамлака маъмуриятининг маҳаллий аҳоли зодагонлари билан «сулҳ тузиши» кампаниясини бошлаб юборишга уриниб кўрганки, бу нарса унинг бир қанча фармонларида ўз аксини топган. Масалан, миллий буржуазия вакиллари фронторти ишларига ахолининг баъзи қатламларини ёллашдан озод қилиш бўйича «синалмаган» вилоят, уезд ва шаҳар қўмиталари таркибига жалб этилганди. Улар орасида руҳонийлар вакиллари, фахрий ва шахсан обрули кишилар, давлат муассасалари амалдорлари ва хизматлари бўлган. Ишчиларни рўйхатга олиш жойи бўйича ёллаш амалиёти маъқулланган эди. Ва ниҳоят, маҳаллий ахолини фронторти ишларига сафарбар этишини 1916 йил 15 сентябрга қадар кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Бундан ташқари, Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги янги Низомни ишлаб чиқишига навбатдаги дафъа киришилган эди. Бироқ бу чора-тадбирларнинг барчаси туб аҳоли яшовчи вилоятлардаги норозилик алангасини вақтинча учирди, холос, унинг қозок, қирғиз, туркман ерларига тарқалишини тўхтатиб қола олмади.

1917 йил марта Куропаткин Муваққат ҳукумат Бош комиссари лавозимига кўтарилди, аммо ҳарбий-фронторти ишларига сафарбар этиш эски

сиёсатини давом эттирди ва 1917 йил июнига қадар қўшимча 80 минг одам жўнатишга ваъда берди. Гўёки русларга ҳужум қилишга тайёргарлик кетаётгани ҳақида мишиши тарқатган Куропаткин ва унинг ёрдамчилари Тошкентдаги қурол-аслаҳа арсеналидан бадавлат рус аҳолига катта миқдорда винтовкалар ва ўқ-дорилар бериш тўғрисида фармойиш беришди. Ана шу операция устида қўлга тушгач, Куропаткин буни муқаддам армия эҳтиёжлари учун тортиб олинган 18465 винтовка-нинг шунчаки қайтариб берилиши деб изоҳлади ва бу табиий операция охирига етказилмади, деб баёнот берди.

Шунинг баробарида, шафқатсиз инфляция ва иқтисодий таназзулни жиловлаш буйича тадбирлар кўрилмади. Халқнинг аҳволи оғирлашиб борди, миллий зулм сақланиб қолди. Жойларда эса подшоҳнинг аввалги маъмурлари қолишган ва ишлаётган эдилар. Буларнинг барчаси эски ҳокимиятни алмаштириш учун халқ ҳаракатининг ўсишини келтириб чиқарди. 1917 йил 30 марта Куропаткин лавозимиidan четлатилди ва уй қамоғига маҳкум этилди. 4 апрелда эса унга, унинг ёрдамчиси Ерофеевга ва округ штабининг бошлиғи Иswerсга Туркестон сарҳадидан чиқиб кетишга руҳсат берилди.

Куропаткин ўз хизмат парвозини Совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилиш асносида якунлади. «Красная газета»нинг 1926 йил 26 июлдаги сонида ушбу масала юзасидан «Куропаткинни Совет Ресмиаси учун ҳалол ишлаган чор амалдорлари гурухига киритиш лозим, деб ўйлаймиз», деган хабар босилган эди<sup>1</sup>. Куропаткин Псков губернияси Шешурино қишлоғида кутубхоначи лавозимида ишлар эди.

<sup>1</sup> «Красная газета». № 176, 26 июля 1923 г.

## 2. Үлка ва вилоят амалдорлари

Мустамлака ҳокимият тизимининг олий поғоналари шунингдек Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси ва вилоят бошқарувчи амалдорларидан ҳам иборат эди.

Маҳкама штати босқичма-босқич бутланиб борди: 1868 йилда унда атиги 18 киши, 1875 йилда 46, 1917 йилда эса 56 киши бўлган. Унинг таркибига бошқарувчи, унинг ёрдамчиси, катта ва кичик иш ютирувчилар, хизмат пиллапоясининг энг қуий поғонасида турган ва асосан «техник роль» ўйнаган майдада амалдорлардан иборат бўлган. Бу тоифа амалдорлар орасида маҳкама бошқарувчиси истисно тариқасидаги мақомга эга эди. Қоида тариқасида, булар Россия мансаблар табелида V клас сдан паст бўлмаган амални эгаллаган чор генераллари ёки полковниклари булишган.

Уларнинг фаолияти аслида ҳеч қандай назоратга тортилмас ва тез орада ижро этувчи амалдордан фармойиш берувчи амалдорга айланишарди. Барча ишларни шахсан кўриб чиқиш имкониятига эга бўлмаган генерал-губернатор улар ҳақида билдирув беришни бошқарувчига топширар ва кўпинча ё ёки бу ишнинг ҳал этилиши бошқарувчи у ҳақда қандай билдирув берганлигига боғлиқ бўлар эди. Кауфман хукмронлиги даврида 8 йил мобайнида А.И.Гомзин бошқарувчи бўлган, замондошлари уни «маъмурият фаолияти билан кам таниш, ўз мажбуриятларидан бир йилдан кейинок кўнгли совуган киши» сифатида тавсифлайдилар<sup>1</sup>.

Хизмат мавқеини суистеъмол қилгани учун судга берилган, бир неча ой қамоқхонада ўтириб

<sup>1</sup> Федоров Г.П. Моя служба в Туркестане. «Исторический вестник». Сентябрь-октябрь 1913.

чиқиши билан қутулиб қолган маҳкама бошқарувчиси П.П.Каблуковнинг иши Россия матбуотида кенг салбий ошкора этилди. Замондошларининг сўзларига қараганда, «тўғридан-тўғри хизмати соҳасида маҳоратта ҳам, алоҳида хизматларга ҳам эга бўлмаган» Г.П.Фёдоров Россияда жуда юқори саналган маҳфий маслаҳатчи лавозимигача хизмат қилди<sup>1</sup>.

Маҳкама амалдорларининг табақавий ва саводхонлик даражаси тўғрисидаги 1870, 1902 ва 1916 йиллардаги қиёсий маълумотлар қуйидаги куришида эди:

<b>Келиб чиқиши</b>	<b>1870</b>	<b>1902</b>	<b>1916</b>
	йил	йил	йил
Дворянлар	16	20	24
Обер офицерлар ва рухонийлар фарзандлари	7	6	2
Ҳар хил амалдорлар	17	18	23
Табақавий мансублиги аниқланмаган шахслар	-	-	-

Табақавий даражажа таҳлили маҳкама амалдорларининг кўпчилиги дворянлардан иборат бўлганлигини, аммо борган сайин уларнинг солиштирманисбати пасайгани ва ҳар хил амалдорларники оргтанини кўрсатади. Кўпинча ҳеч қандай классли амалга эга бўлмаган, турли йиғим табақалари вакиллари, чаласавод ва лаёқатсиз кишиларни ҳам ишга қабул қилинган ҳоллар ҳам учрайди.

Саводхонлик даражасига тўхталадиган бўлсак, амалдорлар саводхонлик бобида уч разрядга бўлинган: олий маълумотли шахслар, ўрта маълумотли шахслар, ўрта маълумотли шахслар, ўрта маълумотли шахслар,

<sup>1</sup> Добромуслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Т., 1912, 448—551-бетлар.

мотли шахслар ва энг қуи таълим муассасалари ни битириб чиқсан ёки уйда таълим олган шахслар, уй таълими эса грамматика ва арифметика-нинг тўрт амални билишдан иборат бўларди, холос<sup>1</sup>. Бунда биз айтиб ўтилган йилларда қуида-гиларни кўрамиз:

<b>Маълумот</b>	<b>1870 йил</b>	<b>1902 йил</b>	<b>1916 йил</b>
Олий	8	7	12
Ўрта	12	8	30
Энг қуи	10	14	8
Уйда олинган	4	4	6
Маълумоти йўқ	-	1	-

Маҳкама бошқарувчисига бир йилда 5 мингдан 7 минг рублгача маош тайинланган, Ички ишлар маълумотларига қараганда айни маҳалда Марказий Россиядаги 54 нафар бошқарувчининг ҳар бирига йилига 600 рублдан маош тўланган<sup>2</sup>. Бу нарса Ф.К.Гирс тафтиш комиссияси томонидан 1883 йилда қайд этилганди ва ана шу мисол асосида Туркистон амалдорлари белгиланганидан устамани файриқонуний йўл билан олишда айбланган эди<sup>3</sup>.

Бошқарув тузилмаларига нисбатан ижтимоий соҳада чор ҳукумати томонидан амалдорлар чуқур томир отиши ва Туркистонни тарқ этмаслиги учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилиди. Ҳукумат фармойишига кура барча рус амалдорларига хизматнинг биринчи беш йили учун асосий маошнинг 20%ини, иккинчиси учун 40%ини, учинчиси учун 75%ини ташкил этувчи

<sup>1</sup> Зайончковский П.А. Правительственный аппарат самодержавной России в XIX в. Москва, 1978, 25-бет

<sup>2</sup> Ҳз Р МДА, И-1-фонд, 28-рўйхат, 423-йигма жилд, 10-варак,

<sup>3</sup> Гирс Ф. Курсатилган ҳисобот... 19-бет.

кушилиб борувчи маош ҳам тайинланган эди. Ўлкада 20 йил хизмат қилганлар эса маошнинг тенг ярмида, 25 йил хизмат қилганлар эса бутун маош миқдорида пенсия олишган. Ҳар йили 28 кун, бир ярим йилда бир маротаба - 2 ой ва уч йил мобайнида бир марта 4 ой, фақат ватанига ёки хорижта жұнаб кетганида таътил берилар эди<sup>1</sup>.

Юқори амалдорлар доираси қишилик ва ёзлик хона, иситиш, ёритиш воситалари ва хизматкор билан таъминланар, Туркистанда 10 йил давомида узлуксиз хизмат қилганлар эса темир йўл бўйлаб текин йўл босиш хуқуқига эга бўлардилар. Бу каби ижтимоий имтиёзлар Туркистонга турли одамлар эътиборини жалб этарди. Бирорлар хизмат бўйича осонгина тезроқ кўтарилиш ва шу жумладан, уруш ва талон-торож эвазига бойиб кетишини мўлжаллардилар. Бошқалар эса хизмат ёки шахсий тартибдаги у ёки бу вазиятлар таъсирида ўлкага келишарди. Шунинг баробарида, маҳкама амалдорлари орасида 1868-1892 йилларда таникли географ ва этнограф П.А.Глаев, библиограф, Туркистон халқ кутубхонаси ноёб каталоги тузувчиси Н.И.Дмитровский каби олимлар ҳам ишлашган. Амалдорлар П.И.Хомутов, Ш.М.Ибрагимов, М.Бродовский ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаёт масалаларига реал қарашлари билан ажрабиб туришган.

Умуман, маҳкама ва вилоят бошқарувлари аппарат тизимиning порахўрлик, давлат хазинасини талон-торож қилиш, хизмат мавқеидан разли мақсадларда безбетларча фойдаланиш авж

<sup>1</sup> Уз Р МДА, И-1-фонд, 33-рўйхат, 212-йигма жилд, 10-варак; 77-йигма жилд, 16-варак; 240-варак; 28-рўйхат, 1113-йигма жилд, 20-варак;

олган бир бүгини эди. Амалдорлар орасидан аппаратдаги коррупция борасида мансабга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилганлар салмоғига қараб хulosа чиқариш мумкин. Мисоллар жуда күп ва улар турли йилларга тааллуқлидир. Маҳкама ёрдамчиси Савенков, Сирдарё вилюяти Қурама уезді бошлиғи Гуюс ишлари жамоатчилик орасида, айниқса, қаттиқ акс-садо бердики, ана шу вилоят ҳарбий губернатори Головачёв, Тошкент бошлиғи Мединский, ҳатто Кауфманнинг ўзи ҳам бу ишга қўшилиб қолган эди. Бу иш нафакат давлат газнасини талон-торож қилиш, балки маҳаллий аҳолининг ерларига зўравонлик ва ғайриқонуний, ноҳақ солиқлар солиш билан ажralиб турган эди.

Бағоят консерватив, аммо қонунга итоаткор генерал М.А.Терентьев ўз асарида юқорида айтиб ўтилган амалдорлар ҳаракати «технология»сини қўйидагича тасвирлайди: кўпприклар ё йўллар қуриш ёки таъмирлаш ёхуд қандайдир иншоотни барпо этиш баҳонаси билан низоли ер участкалари ахтариб топиларди, уларга қалбаки ҳужжатлар, қоида тариқасида, соҳта шахсларга ғайриқонуний йўл билан расмийлаштирилади, туб аҳоли бу ерлардан ҳайдаб юборилар ва шундан сўнг ер участкаларини катта пулга сотиш устида савдо бошланарди. Келес дарёси бўйлаб 539 десятина, Тошкентдан 5 верст наридаги Қозиқўргонда 2256 десятина, Чияқўлда 2171 десятина ва Жұнариқда 24536 десятина ва бошқа жойларда ерлар шутарзда тортиб олинган эди<sup>1</sup>.

1877 йилда тергов комиссияси Савенков, Тошкент шаҳри бошлиғи Мединский, Головачёв, Гуюс,

<sup>1</sup> Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т.3, СПб, 1906, 274-279, 280-285-бетлар.

Колзаков ва турли даражадаги 10 нафар хұжалик юритувчиларни судга тортиш тұғрисида қарор қабул қылган эди. Суд ҳукмігә күра фақат Савенков ва Гуюс Сибирга сурғун қилинған эди. 10 нафар хұжалик юритувчилар эса Сенат томонидан бундан кейин маъмуриятда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, афв этилганди.

Харбий губернатор Головачёв унга Кауфман тавсиянома бергани боис жазодан қутулишга мушарраф бўлди. Ўзининг яқин хизматдошини панохига олишга интилган Кауфман ўзининг оқ подшоҳга ва ҳарбий вазирга йўллаган мурожаатида «Кавказдаги ва Туркистондаги узоқ вақт хизматлари учун» Головачёвга раҳм-шафқат қилишларини ўтинади, Головачёвнинг суиистеъмоллардаги иштирокини «парвойи фалаклик» ва қайга бош сукканини «тушунмаслик» ва беихтиёр иштирокчига айланганлиги билан изоҳлайди<sup>1</sup>. «Вилоят бошлигини файриқонуний ҳаракатда айблашнинг ошкора этилиши ўлкада ёмон таъсир уйғотиши туфайли» оқ подшоҳ Кауфманнинг илтимосини қаноатлантиради<sup>2</sup>. Жамоатчилик кўз олдида рус маъмуриятининг «оппоқлиги» оқ подшоҳ учун ниҳоятда муҳим эди.

Головачёвни судга тортмаслик ҳақидаги «фармони олий»га ҳавола қылган ҳолда Кауфман Қурама уездининг собиқ уезд бошлиғи Колзаковни ҳам жазодан озод қиласи ва бу ҳақида шундай дейди: «Камина Қурама уезди аҳолисининг бунчалик узоқ давом этаётган кескинлигига йўл қўя олмайман, улардан кўплаб шахслар сўроқ қилишга чақирилиши ва қамоқча олиниши лозим; утган даврдаги терговларга чек қўйиш керак. Аҳоли сўроқ ва тер-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 286-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 287-бет.

говнинг адогини кўрмайтирил, айбдорлар эса ҳали ҳам қонун талаб қилганидек жазо олганлари йўқ. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, тергов комиссиясига полковник Гуюснинг уездни вақтинча бошқариши билан кифояланишга фармойиш бераман<sup>1</sup>. Шу тариқа 1867 йилги «Низом»га кўра ўлка судлов тизимининг бошлиғи бўлган Кауфман ўз хоҳиш-иродасини ўтказган.

Айни пайтда унинг Қурара уезди аҳолисининг ташвишли аҳволи хусусидаги аргументлари тамомила ўзини оқлар ва ҳакиқатга мос эди. Аҳолининг чор амалдорларининг талон-торожи ва ноҳақ соликларидан норозилиги бу вақтга келиб охирги чегарасига етганди.

Жойлардан ҳар йили юзлаб шикоятлар генерал-губернатор номига ноҳақ соликлар, йиғимлар нормаларини ғайриқонуний ошириш, хусусий обьектларни қуришда фойдаланиш ва пул тўла-маслик, қорамолларни ҳайдаб кетиш, ер билан боғлиқ қаллобликлар ва ҳоказолар хусусида келиб тушарди. Бунга ўхшаш ҳаракатларда у ёки бу тарзда айбдор бўлган амалдорларнинг аксарияти ҳарбий губернаторлар ёки генерал-губернаторнинг ўзи тарафдорлиги шарофатидан қўпинча хизматдан бўшатиб юбориш билан қутулиб қолар эдилар.

Бу жараён олий амалдорларнинг расмий ҳисоботларида ўз аксини топмасди. Уларда, фақат пашмалоқ амалдорларга дахлдор маълумотлар бўларди ва маъмурият олий бўғини қилмишларини деярли акс эттирмас эди. Самодержавие учун моҳиятан ва нуфуз нуқтаи назаридан оғриқли, Россия амалдорлари орасидаги коррупция масаласи, гарчи улар бир қанча яшириб бўлмайдиган

<sup>1</sup> Ўша жойда.

фактларни тұлалигича рад этмасалар-да, сенаторлар Ф.К.Гирс (1882-1883 йиллар) ва К.К.Пален (1908-1909 йиллар) бу фактларни үзларининг тафтиш хисоботларида ниҳоятда камтарона акс эттирғанлар. Масалан, Пален «хизмат этикасини мутлақо тушунмаслик ва аҳоли әхтиёжларини шубхасиз назарга илмаслик шароитида маъмуриятлар амалдорлари истисно тариқасидаги үз мақсадларини: хизматда күтарилиш ва шу йүл билн моддий манфаат орттиришни күзлаганини» тан олади<sup>1</sup>. У вилоят бошқарувлари амалдорларининг күпчилиги энг қуи ва үрта маълумотта эга эканлигига, айникса Фарғона ва Самарқанд вилоятлари бошқаруви амалдорлари орасида «олий юридик маълумот олган биронта ҳам амалдор йўқ» лигига эътиборни қаратади<sup>2</sup>.

Вилоят бошқарувларининг чаласавод амалдорлари кенг доирадаги масалалар билан шуғуллансада, уларни үз вақтида ва зарур даражада ҳал этишга қодир эмаслиги маълум бўлди. Ана шу муассасаларда ўtkазилган тафтиш материаллари уларда иш юритиш рисоладагидек эмаслигини, катта узилишлар билан олиб борилганини кўрсатади. Ишлар зарур даражада муҳокама қилинмасдан ойлаб ва ҳатто йиллаб ётар эди. Масалан, Сирдарё вилояти бошқарувининг тақсимот бўлимида 1905 йилда 1415 та, 1906 йилда 1702 та, 1907 йилда эса 1788 та якунламаган иш бўлган. Худди шу бошқарувнинг хўжалик бўлимида 1905-1907 йилларда 10737 та иш рўйхатга олинган<sup>3</sup>. Судлов бўлимларида амалдорларнинг бамайлихотирлиги ва лаёқатсизлиги маъмурий тартибдаги ўзбошим-

<sup>1</sup> ЎзРМДА, И-1-фонд, 4-рўйхат, 1289-йигма жилд, 156-варак

<sup>2</sup> Пален К.К. Отчет... Областное управление. СПб., 1910, 72-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 9-17-бетлар.

ча қарорлар билан «қопланар» эди. Мансабга оид жиноятлар тұғрисидаги ишлар ҳам күпинча шу тарзда ҳал этиларди.

### 3. Уезд ва волост ҳукмдорлари

Уезд амалдорлари уездларда кундалик турмушни маъмурий жиҳатдан ташкиллаштиришда муҳим роль үйнаши лозим эди. Уларнинг вазифалари ва хусусан, полициячилик ва жазолаш ҳуқуқлари мунатазам ва офишмай кенгайиб борди. Амалдорларнинг ана шу ҳуқуқлари хусусидаги бу каби «ғамхўрлик» қўйидагича асосланган эди: «Бошқарув жорий этилаётганида Туркистон ўлкасида Россияга қўшиб олингунинг қадар мавжуд бўлган шафқатсиз жазо чораларига ўрганиб кетган туземлар бевосита айборларни, айни унинг буйруқларига итоат этмаганлик учун жазолаш ҳуқуқи билан таъминлай олмаган ҳокимиятни тасаввур эта олмас бир аҳволда эканлиги асосий важбулди»<sup>1</sup>.

Кауфманнинг кутилганидан ҳам очиқ-ойдин эътирофи бўйича асосий эътибор бошқарув ишлари билан шуғулланувчи амалдорларнинг профессионализмига, ҳаттоқи нисбатан ихтисослашувига эмас, балки зўравонликка ва аҳолини қўрқитишга қаратилганидан далолат беради. Хўш, маҳаллий аҳолининг асосий оммаси кун кечириб келаётган чекка жойларда кимлар ҳукмфармонлик қилишган?

Бу кишилар чор армиясининг штабс-капитанидан то полковниги унвонига эга бўлган офицерлари бўлишган. Уезд бошлиқлари Россиянинг - Санкт-Петербург, Москва, Минск, Екатеринослав, Сама-

<sup>1</sup> ЎЗРМДА, И-1-фонд, 20-рўйхат, 8884-йигма жилд, 8-варак.

ра, Пенза ва бошқа ички губернияларидаги дворян табақаларига мансуб кишилар эди. Улар орасида олий ва ўрта ҳарбий маълумотга эга бўлган, Михайловский артиллерия билим юрти, Варшава пехота-юнкерлар билим юрти, Константиновский, Павловский гимназиялари ва прогимназияларини, Александровский, Оренбург билим юртларини ва ҳоказоларни битириб чиққан ҳарбийлар бор эди. Университетларда олий таълим олганлар ҳақидаги маълумотга дуч келмадик<sup>1</sup>.

Уезд бошликларининг ёрдамчилари ва участка приставлари ҳар хил - дворян, мешкан, руҳонийлар табақаларидан чиққан эдилар. Улар орасида ўқув юртларида тўлиқ курсни тутатмаган, аммо, одатда, Туркистон ҳарбий округи ҳузурида офицерликка ўтказишда имтиҳонларни омон-эсон топширган кишилар ҳам учрайди<sup>2</sup>.

Лавозим рўйхатларининг аксариятида мулкий аҳволи ёки ер мулки тўғрисидаги маълумотлар қайд этилмаган. Факат уезд бошқаруви амалдорларининг йиллик оклади келтирилган, холос. Улардан уезд бошлиғи Туркистонда бир йилда ўртacha 4 минг рубл олган, бу нарса эса Россия ички губернияларидаги худди шундай мансабдор шахсларни кидан 10 баравар кўп эди. Бошлиқ ёрдамчиларининг таъминоти бир йилда 2-2,5 минг рубл, участка

---

<sup>1</sup> ЎзРМДА, И-18-фонд, 1-рўйхат, 3252-йигма жилд, 34, 52, 63, 253-вараклар; 3669-йигма жилд, 245-варак; 3660-йигма жилд, 3, 4-варак; И-19-фонд, 1-рўйхат, 3259-йигма жилд, 50, 51-варак; 5645-йигма жилд, 7, 9-варак; 3259-йигма жилд, 50-варак; 9092-йигма жилд, 48-49-вараклар; 4817-йигма жилд, 68-варак ва бошқалар.

<sup>2</sup> ЎзРМДА, И-19-фонд, 7617-йигма жилд, 4-варак; 9037-йигма жилд, 38-варак; 4817-йигма жилд, 46, 52-варак.

приставлариники эса 1,5 дан 2,0 минг рублгача бўлган<sup>1</sup>.

Уезд бошқаруви амалдорларининг фаолияти амалдорлар сони, хизмат пиллапоялари бўйлаб мансабга кутарилишлари, иши судда ва терговда бўлганлар ва ҳоказолар тўғрисидаги муфассал иловаларга эга ҳисботларда ўз аксини топган. Бу нарса, шунингдек, вилоятлар ҳарбий губернаторлари, ҳамда сенаторлар Гирс ва Пален томонидан режали тартибда амалга оширилган маҳаллий тафтиш ҳисботларида ҳам акс эттирилган. Улардан бошқарувнинг барча қисмлари ва даражалари орасидан уезд маъмурияти аввалбошданоқ ниҳоятда қониқарсиз иш юритганлигини аниқлаш мумкин. Бунинг сабаблари орасида тафтишчилар уездларнинг катталигини, амалдорлар маҳаллий тилларни билмаслигини ва маҳаллий аҳоли билан муомала қилишга «нафақат ҳар доим ҳам ишни моҳиятган тўғри ва ҳалол охирига етказмайдиган қолаверса, рус ҳокимияти ва аҳоли ўртасида ахолини ўз манфаатлари йўлида эксплуатация қилувчи воситачи бўлган» тилмочларни жалб этишини ҳам кўрсатиб ўтишган<sup>2</sup>.

Суд, назорат ва газна палатаси органлари томонидан ҳам уезд бошликлари шаънига уларнинг сўровларини инобатга олмасликка ва иш юритиш ёмон ташкиллаштирилганига ишора этувчи кўплаб эътиrozлар бўлган. Бинобарин, 1895 йили Фарона вилоятининг беш уезди тафтиши буйича ҳисботларда «иш юритиш қонун талаб қилувчи тартибда эмас» лигига, бошқарув, хусусан пул муомаласи бошқаруви «катта тартибсизликда»

<sup>1</sup> ЎЗРМДА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 7617-йигма жилд, 4-варақ; 9037-йигма жилд, 37-варақ.

<sup>2</sup> Гирс Ф.К. Отчет... 80-бет.

эканлиги кўрсатилган. 1908 йили Наманган уезд бошқарувида ҳали 1882 йилдаёқ үтказилган Назорат палатаси суд чегирмаларининг 47 таси ижро этилмагани<sup>1</sup>, бир вақтлар турли муассасаларга жўнатилмаган кўплаб бошқа маълумотлар аниқланган.

Сенаторларнинг тафтиш хисоботлари ҳам шунга ишора қиласди. Гирс шундай ёзади: «Жавоб тариқасидаги қоғозларни тўлдириш билан чекланувчи уезд бошлиқлари жиддий мазмундаги ишлар юзасидан фармойишлар тўғрисида бошлиқларга ахборот етказиб турмайдилар»<sup>2</sup>. Наманган уезди бошлигининг фаолияти юзасидан Фаргона вилояти ҳарбий губернатори ҳам уни такрорлайди: «Кўп ҳолларда солик йиғувчиларга, волост бошқарувчиларига ва бошқа хизматчиларга нисбатан мансаб борасидаги турли хил суиистеъмолларга қарши таъқиб қўзғатган уезд бошлиқлари ҳатто бундай шахслар қамоқقا олинган ҳолларда ҳам менга ахборот бермайдилар»<sup>3</sup>.

Ижро этмаслик ва ишёқмаслик учун уезд маъмуриятини танқид қилас, бошлиқлар уларни халққа яқинроқ бўлишга, у билан бевосита алоқада бўлишга даъват этади. Аммо уезд бошлиқлари бу борада унчалик жон куйдириб ўтиришмасди.

Ҳар хил қонунга хилоф даромадлар олиш нуқтаи назаридан у катта имкониятларга эга эди: аҳолини солиққа тортишнинг барча турлари, йиғимлар ва жон солифи, волост ва қишлоқ бошқарувчиларини тасдиқлаш, уларни ишдан олиб ташлаш ва тайинлаш ва бошқалар унинг қўлида бўлган.

<sup>1</sup> ЎзРМДА, И-23-фонд, 1-рўйхат, 1209-йигма жилд, 142-варак.

<sup>2</sup> Гирс Ф. Отчет... 61-бет.

<sup>3</sup> ЎзРМДА, И-1-фонд, 25-рўйхат, 26-йигма жилд, 15-варак.

Архив манбаларининг далолат беришича, буларнинг барчаси амалдорлар «даромади»га жиддий қўшимча бўлган. Масалан, Хўжанд уездининг бошлифи барон Нольде ҳар бир ҳовлига узига хос «норма» - 2 рубль 50 копейка қўшимча солиқ белгилаган эди, бунинг натижасида у, 90 минг олтин рубль даромад олган. Ана шу иш юзасидан судга тортилган Нольде безбетларча: «Биз ҳам нон еймиз», деб айтган эди<sup>1</sup>. Ёки, Марғилон уезди бошлифи Домбровский 1903 йили сулҳона пулли солиқ баҳонаси билан бланкалар ва хизмат дафтарлари тўловига ўз эҳтиёжлари учун 7 минг рубль йифдирган. Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин, куппа-кундузи амалга оширилган барча талон-торожлар ҳеч қандай юридик оқибатларга олиб келмасди. Масалан, худди ўша Домбровский шу ишдан сўнг Приморье вилояти уездларидан бири бошлиги лавозимига ўтказилган ва бундан кейинги ўзбошимчалик ва давлат газнасини талон-торож қилиш йўли унинг учун яна очилган эди. Ёхуд товламачиликда ва волост бошқарувчилари мансабларини пуллашда, вакф ерлари билан боғлик қаллобликларда жиноят устида қўлга туширилган уезд бошлиги Алексеев газнага уч минг рубль тўлаш билан жазодан қутулиб қолган ва бундан бўёғига ҳам хизматни давом эттириш учун қолдирилган эди<sup>2</sup>. Андижон уезди бошлиги Рейслинг, Фарғонаники - Брянов, Самарқандники - Бржезицкий, Хўжандники - Глушановский, Пржевальский уезди бошлиги полковник Иванов ва кўплаб бошқа ишлар ҳам тахминан шунга ўхшаш якун топган эди.

Уездлар бошлиқлари волост бошқарувчилари-

<sup>1</sup> ЎзРМДА, И-17-фонд, 1-рўйхат, 36876- йигма жилд, 9-варак

<sup>2</sup> ЎзРМДА, И-1-фонд, 4-рўйхат, 128- йигма жилд, 1-4, 27-варак

ни тайинлаш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқидан кенг фойдаланишган. Фарғона вилояти волост бошқарувчилари рўйхатларининг 1903 йил 1 сентябрдаги маълумотларига қараганда, Андижон уездидаги 20 волост бошқарувчисидан 15 нафари, Марғилон уездига 19 тадан 14 нафари, Кўқон уездига 23 тадан 12 нафари, Наманган уездига 31 тадан 17 нафари тайинловга кўра ишлаган, Ўш уездига эса 12 уезд бошлиғидан 10 нафари ҳеч қандай сайловсиз тайинланган эди. Шундай қилиб, Фарғона вилоятидаги 105 уезд бошлиғидан тайинловга кўра 68 киши ёки умумий миқдордан 64,7% ишлаган эди. Кўрамизки, уезд амалдорлари маҳаллий маъмуриятни «сайлаб қўйиш асослари»ни тўла сохталаштириб, ҳар бир масалани ўзлари истаган дарражада ҳал қилган эдилар. К.К.Пален «ҳаракат ваколатлари доираси ва ўлканинг маҳаллий ва рус аҳолисига нисбатан жазолаш ҳуқуқларининг кенглиги маҳаллий маъмурият орасида коррупция ва сунистеъмол қилиш ҳолларининг кучайишига катта йўл очиб берди», дея тан олишга мажбур бўлган эди<sup>1</sup>.

Волост бошқарувчиси лавозими савдоси одатдаги ҳодисага айланди. Жамоатчилик кўз олдида рус маъмурияти «юз»ини сақлашга уринган Пален ҳисоботда Закаспий вилояти буйича маълумотларни келтиради, бу вилоятда волост бошқарувчиси лавозими учун 200 дан 2000 рублгача тариф белгиланган эди. Паленнинг бу масаладаги «ҳийласи» олий бюрократиянинг, умуман, бутун тизимга хос бўлган ана шу ижтимоий иллатнинг олдини олиш учун қандайдир жиддий чора-тадбирлар кўришга қодир эмаслигидан далолат беради.

<sup>1</sup> Пален К.К. Отчет... Всеподданнейшая записка, содержащая главные выводы отчета. СПб., 1910, 7-бет.

Уезд бошлиқларининг ёрдамчилари ва участка приставлари ҳам уз хатти-ҳаракатлари билан уларга ўхшаб кетарди. Бордию шундай бўлмаган тақдирда ҳам иш жараёнида бунга анча тез мослашиб кетардилар. Участка бошқаруви мустамлака ҳокимияти пирамидасининг асосини ташкил этар, улар энг қуи бўғин амалдорлари сифатида кундалик «қора» ишларни бажарап әдилар. Ўз участкаларида улар солиқлар ва йигимлар тушуми устидан, маҳаллий аҳоли учун қатъий тақиқлар тизими бажарилиши устидан назоратни амалга оширап, суриштирув ўтказар ва суд қиласар әдилар. Уларнинг бевосита иштироки ва ёрдамида файриқонуний пудратлар имзоланаар, аҳолидан натурал ва пулли йигимлар амалга оширилар эди.

Мустамлака ҳокимияти теппасида ва унинг асосида, кўрамизки, ўзига хос идрокка, тамойилга, одатга, алоҳида ҳуқуқقا ва имтиёзга эга бўлган амалдорларнинг анчагина ташкиллаштирилган корпорацияси иш юритар экан. Аслида, бу корпорация ўзининг маҳаллий тилларни билишини, ва муайян амалий кўникмаларни ўзлаштиришни талаб этувчи хизматини машаққатли эканлигини курсатишга уринар эди. Аввалбошданоқ Туркистон халқлари устидан ўз ҳокимиятининг чекланмаганилигига мўлжал олган бу корпорация, ҳокимиятнинг энг шармандали хусусиятларини - қонунсизлик, зўравонлик ва зўрликни муваффақиятли ўзлаштирган эди. Айнан ана шу жиҳатлар барча дарожаларда шунчаки бошқарувнинг бирдан-бир универсал воситасига айланган эди.

Шундай қилиб, чоризм томонидан яратилган мустамлака ҳокимияти тизимида етакчи мавқе ҳарбий ва ҳарбий бўлмаган амалдорларга тегишли эди. Ҳарбий ва ноҳарбий вазифаларни биргаликда

амалга оширган амалдорлар аппарати кўпроқ ҳарбий тусда эди ва «солдатим етиб борган жойда менинг чегарам ниҳоясига етади» деган ўзига анча яқин ва тушунарли феодал принцип асосида иш кўрар эди. Туркистон туб халқларининг манфаатлари амалдорларнинг режаларига кирмас ва сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий тусдаги барча чора-тадбирлар, энг аввало, самодержавие «устунларининг бузилмаслиги»ни ҳимоя қилишга ва ўлкани мустамлакага айлантириш бўйича кенг вазифалар мажмуини ҳал этишга қаратилган эди.

Ана шу тадбирларни мафкуравий жиҳатдан асослаш Осиё жамиятида «фуқаролик асосларини яратиш», унга «европача асослар»ни киритиш ва «ёт халқларни цивилизациялаштириш» сингари формуласалар ниқоби остида ўзининг ҳақиқий мақсадларини астойдил яширган марказий ҳукумат тмонидан амалга ошириларди. Айнан унинг ўзи амалдорлар аппаратининг хатти-ҳаракатларидаги қўп сонли салбий жиҳатларни жамиятдан яшириб уни муҳофаза этарди, ана шундай ёлғон ва мунофиқлик натижасида Туркистон халқлари қолоқлик ва қашшоқликка маҳкум этилди.

Бошқарув аппаратининг шахсий таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, Туркистонда тарихан - ўзининг келиб чиқиши, саводхонлик даражаси, тўпланган ҳаётий тажрибаси билан - юқорида айтиб ўтилган сиёсий йўлни амалга оширишга маҳсус тайёрланган раҳбарлар туркуми ҳокимият теппасида турган.

Бошқарувнинг бутун тузилмаси ва «технологияси»да чоризмнинг чекка миллий ўлжалардаги улуғ давлатчилик-гегемончилик анъаналари тула ҳажмда қайта яратилди. Чор маъмурияти пирамидасининг асоси қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг

Энг оддий нормаларини оёкости қилган ва зуравонлик билан иш күрган, маҳаллий халқ хонлар замонидан сүнг «жазолаш хуқуқига эга бўлмаган ҳокимиятни тасаввур эта олмайди» дея тахмин қилган генераллар, полковниклар ва офицерлардан бутланган эди.

Қўпол ҳарбий кучга ва аҳолини қўрқитишга таяниб иш кўриш, наинки ижтимоий-сиёсий, қолаверса, хўжалик ҳаётининг, шу жумладан, миллий даромадни чоризм ва нуфузли ижтимоий гуруҳлар фойдасига қайта тақсимлаш сингари кўпдан-кўп масалаларни маъмурий жиҳатдан тартибга солиб туриш амалдорлар зўравонлигига кенг майдон яратиб берди. Унинг барча даражала-рида газнани талон-торож қилиш, коррупция, порахўрлик ва ҳоказо иллатлар одатий тусга айланган эди.

## ХУЛОСА

Туркистонда ташкил қилинган мустамлакачилик тизимининг моҳияти чоризмнинг босқинчилик сиёсати, мустабидчилик, марказ ва ҳудуд орасидаги муносабатларнинг эгоцентристик иллатлари, шунингдек Россия тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусияти, унинг бошқа тарихий даврларда тўплаган мустамлакачилик анъаналари ва тажрибаси билан белгиланади. Шунга кўра ўлкада ҳарбий зўравонликка, ташқи ва ички иқтисодий зўрлаш услубларига, илгариги миллий давлатчилик механизмларини парчалаш ва миллий асосдаги ҳудуд табиий тадрижининг имкониятларини бузишга, Россия давлатилиги асосларини ўрнатишга йўналтирилган тизим ташкил қилина бошлади. Капитализм ва буржуа ислоҳотларининг эркин ривожланишига таянган негиз моделининг сифат ўзгаришлари метрополиянинг ўзида мазкур жараёнларнинг ижтимоий қолоқлиги сабабли илк даврларда Туркистонда салбий роль ўйнади.

Хукумат мустамлакачилик тизимини ташкил этиш жараёнининг негизида қўйидаги асосий йўналишлар мавжудлигини кўрсатиш мумкин:

- Урта Осиё ҳонликлари ва бевосита Россияга қўшиб олинган ҳудудларнинг Россия намунаси ҳамда юрисдикцияси буйича бирхиллаштирилиши;

- тизимнинг барча муҳим мажмуаларини эгаллаган ва назорат қилган Россия бюрократияси ҳарбий, фуқаролик ҳамда суд хукуматининг марказлаштирилиши;

- разна учун арzon ва самарали бўлган ўлканинг табиий, моддий ҳамда инсон манбаларидан фойдаланиш тизимини тезда жорий этиш мақсадида

девоннинг институционализация ва рационализация қилиниши.

Шу билан бирга маҳаллий жамият учун чоризмнинг мустамлакачилик вазифаларини амалга оширишда, жойларда ижтимоий таянч ва «айғоқчи» кадрлар заҳирасини яратишга хизмат қилган баъзи анъанавий, ижтимоий-хуқуқий ва маъмурий институтлар ҳамда меъёрлардан фойдаланишга асосланган воситали таянчи мавжуд эди. Туб аҳолининг чор тузумига содик бўлган кам сонли вакилларидан «сайлов асосида» тузилган мазкур институтлари ҳарбийлаштирилган рус бюрократиясидан ташкил этилган ўлка, вилоят ва уезд тизимлари ҳамда давлат идоралари билан мувофикалашуви ва уйғунилашуви жуда қийин кечди. Ҳатто, юқори даражали марказлаштириш ва чор амалдорларининг «хушёр» раҳнамолигига қарамай, улар «оқилона» ташкиллаштирилмай қолаверди. Бу ҳол ҳарбий-маъмурий тизимга жуда мос келар эди. «Юқорида» тахмин қилинганига қарамай, улар янги ҳукумат учун кенг ва ишончли ижтимоий негиз яратишга имкон туғдирди. Лекин, уларнинг фаолияти Туркистон туб аҳолисининг норозилигини уйғотди ҳамда ҳукумат билан ўткирсиёсий ва ижтимоий низолар келтириб чиқарди.

Туркистондаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни умумий тартибда йўлга солинишига доимий равишда бошқарув тизими, маъмурий, миршаб ва жазо воситаларининг кенгайтирилиши, мустаҳкамланиши ҳамда фавқулодда ва ҳарбий хусусиятдаги чоралар орқали эришилган. Мустамлакачилик босими остида қолган маҳаллий аҳоли эса ўз foяларини ўзгартирмади ва ўзининг табиий ривожланиш бағрига қайтиш ҳамда миллий давлатчилигини тиклаш йўлини излади. Аммо, бу ўз-

ўзидан бўлмасди. Чунки, барча муаммоларни ечишда зўравонликка асосланиш XIX аср охири XX асрнинг бошларида чор тизимиға хос хусусиятлардан бири эди.

Ҳарбий-маъмурий, расмий-бюрократик тизимнинг устунларини мустаҳкамловчи ва Туркистон жамиятининг барча ҳаётий муҳим соҳаларида Россия амалдорлари аппаратининг ҳукмронлигини тасдиқловчи фармонлар, қарорлар ва кўрсатмаларнинг турли вазирликлар ҳамда идоралар томонидан таҳрир қилинган 1886 йилги қонун ҳужжатлари асосида бошқарувнинг империяга оид андозаларининг кенгайтирилиши ва мустаҳкамланиси бу сиёсий йўналишнинг амалий кўриниши эди.

Шу билан бирга метрополия ва мустамлакачиликнинг турли маданиятли асослари, хўжалик даражасининг оширилиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштирилиши ҳамда ҳудуд иқтисодиётининг экспорт-хомашёга таянишини рағбатлантириш зарурияти ўз маблағларини сарфлашга ва сотувнинг янги бозорларини кенгайтиришга эришмоқчи бўлган, анча куч йиғиб олган Россия буржуазияси манфаатини кўзлаб, умумий бозор тизимиға хизмат кўрсатувчи соҳаларда ҳукуматнинг назоратчилик вазифаларини қисман чекланишига олиб келди. Мазкур вазифа ва ваколатларнинг ихтисослаштирилган вазирликлар, идоралар ҳамда уларнинг Туркистондаги филиалларига топширилиши ҳақиқий мустамлакачилик сиёсатини бошқариш механизмини янада мослаштириш имконини берди. Бироқ иқтисодиётни оқилона бошқариш томон ҳеч қандай силжиш бўлмади.

Ҳукумат мустамлакачилик тизимининг тадрижи маъмурий ва суд вазифаларининг бўлинишида, империянинг янги буржуазияга хос суд низомла-

рига мослаштирилган суд терговчилари, прокурор назорати, адвокатура ҳамда оқловчилар институтининг яратилишида кўринди. Улар ҳарбий-маъмурӣ тизимда ўзига хос посанги бўлиб хизмат қилди, айни пайтда уларнинг фаолияти чекланган эди. Шу боис, улар ҳудуддаги рус аҳолисининг юқори ва ўрта қатламларигагина ўз таъсирини ўтказаолди. Эркинлаштирилган низомлар асосидаги янгича ўз ҳуқуқини таниш ва мулк дахлсизлиги ҳуқуқи илгаригидек бутунлай чор амалдорлари томонидан назорат қилинди, «халқ» судлари хизматидан фойдаланувчи туб аҳолининг кўпчилигига эса мутлақо дахл қилмади.

Туркистон халқи манфаатлари ҳамда диктаторлик тартиби орасидаги чоҳ тобора кенгайиб бормоқда эди. Миллий бойликни талон-торож этаётган ва туб аҳолининг миллий онгини шикастлаётган амалдорлар устидан шикоятлардан тортиб, то ҳукуматга қарши очиқ чиқишлиар ҳамда миллий-озодлик ҳаракатигача бўлган мазкур ҳаракатга қарши кураш шакллари оқилона ташкиллаштирилди. Жамиятдаги бекарорлик ва ўткир ижтимоий зиддиятлар мустамлакачилик тизими ижтимоий захираси унинг ислоҳот қилиниши ҳисбига кенгайтирилиши, рус аппаратига волост ва қишлоқ тузилмаларининг тўлиқ тобелиги, ҳатто туб вилоятларнинг сугориладиган ҳудудларигача кўчишга оид ҳаракатнинг рағбатлантирилиши, ҳукумат жазоловчи вазифаларининг мукаммалашуви каби масалаларни кун тартибига кўйди. Мазкур тизим ҳарбий-дала ҳамда маҳсус судлар учун судлов олиб бориш чегараларини кенгайтирас, миршаб назоратининг ва сиёсий қидирудвнинг янги органларини жорий қиласарди, бутун маъмуриятнинг миршаблик ваколатларини пастдан юқоригача

кенгайтирар, доимий равища аксфикрловчи ва мустамлакачилик тартибидан норозиларга қарши тинтувлар, сургуналар ҳамда қамашларни қўллар эди. Империянинг қарапарни билан чегараланган, ҳукмронлик ва шовинизм билан тўлиқ суфорилган тизим туб ислоҳатларга бўйин эгмади ҳамда Февраль воқеалари босими остида кулади.

Маҳаллий ижро аппаратининг шахсий таркиби кўчар ва кўчмас мулк эгалари, катта заминдорлар, туб аҳолининг чор тартибига содик бўлган қисмидан, маълумоти даражасига ҳеч қандай талаб қўйилмаган ҳолда шакллантирилди.

Мазкур аппаратга маъмурлар танлаш кўзбўя-мачилик ва қалбакичиликка асосланган эди. Зеро, сайдовни бекор қилиш, ўзига маъқул бўлган янги волост амалдорларини ва судьяларини тайинлаш, режимга хуш келмаганларни ўзгартириш ҳуқуқларидан кенг фойдаланиш уезд бошлиқлари фаолиятига хос асосий хусусият эди. Маҳаллий аппарат таъминотига бюджетдан маблаг ажратилмас эди. Иш ҳақи қишлоқ йиғинининг қарорига кўра белгиланиб, аҳолининг зиммасига тушар эди. Ҳукумат тартибни сақлаш масаласини ўсиб бораётган, бир-бирига зид кучларга тўғридан-тўғри тобе қилиб қўйган эди.

Туркистонда мустамлакачилик тизими XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари давомида, жамиятнинг ижтимоий-маданий қатламларига жиддий зарар етказди, янги даврда унинг зўрлаб советлашувига замин ясади, ўлка халқларини миллий давлатчиликдан маҳрум қилди.

Мустақиллик туфайли сиртдан қараганда бир-бирига қарама-қаршидек туюлган, аслида эса мөхиятан бир бўлган - чоризм ва совет бошқарув тизимларининг ўрнатилиши ҳамда мустаҳкамла-

ниши билан боғлиқ жараёнларнинг ўхшашлигини илмий жиҳатдан англаш, уларнинг мақсади ва вазифаларининг узаро боғлиқлиги ҳамда амалга ошириш усуллари ва йуналишларининг бир эканлиги ҳақида аниқ хуросаларга келиш имконини берди:

Туркистанда чоризм бошқарувининг ҳарбий-маъмурий тизими қандай ўрнатилган бўлса, большевиклар «пролетар диктатураси» шаклидаги бошқарув тизими ҳам худди шундай ташкил қилинди. Ҳар икки тарихий босқичда ҳам бошқарув усули Туркистанни Россия давлатчилигининг «ажралмас ва таркибий қисми» сифатида қаралди. Лекин бу принцип совет тузуми даврида баландпарвоз «қонун» ва шиорлар билан никбланди.

1917 йилги Октябрь тұнтарапидан сүнг Туркистанда ҳокимият ахолининг европа қисмiga мансуб қуролланган аскар ва ишчилар қулига үтди. Миллий-ҳудудий эмас, балки маъмурий-ҳудудий бўлган Туркистан автономияси эълон қилиниши ҳамда 1920 йилда Туркистан халқларини суверенитет ва эркинликдан тұлық маҳрум қилинишини тасдиқловчи ТАССР Конституциясининг қабул қилиниши билан большевистик ҳукумат ўзининг чоризм юритган сиёсатта бўлган ихлосини яққол намойиш қилди. Россия Федерацияси автоном республикларни (кейинчалик иттифоқдош республикалар каби) «ягона ва бўлинмас Россия» маъмурий қисмлари даражасигача тушириб, совет давлатчилигининг унитар, тоталитар хусусиятини белгилаб берди. Туркистанга бўлган муносабатнинг моҳияти ўзгармади, фоявий ва сиёсий никоби ўзгарди. холос.

Чор ва большевистик ҳукумат орасидаги изчиллик Туркистан бошқарувининг услуб ва шакл-

ларида ҳам кўринади. Империянинг миллий ҳудудларида чоризмнинг раҳбарлигини таъминловчи сиёсий ва иқтисодий модел доимий армия ва зўравонлик хусусиятига эга бўлган ҳарбий-маъмурӣ тизим томонидан қўллаб-қувватланар эди. 1886 йил Низомига ва кейинги йиллар қонун ҳужжатларига кўра қонунлаштирилган чор маъмурятиянинг жазо ваколатлари Туркистон ҳарбий-маъмурӣ тизимида бошибошдоклиқ, қатағон воситасига айланди. Большевиклар томонидан Туркистонга мажбуран қабул қилдирилган «совет модели»даги ҳукумат, аввалимбор, Россия ҳарбий кучлари томонидан муваффакиятли ўрнатилган эди. Шунинг учун ҳам Туркистондаги «инқилобий» ҳокимият дастлабки кунларданоқ армияга таянган эди. Туркистонда совет ҳокимиятини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун бу ҳарбий бирлашмалар доимий равишда тўлдириб турилди. Бу эса Туркистонда янги босқинчилик тартиботининг ўрнатилганлигидан далолат берар эди.

Фарғона водийсидаги истиқлолчилар ҳаракатига қарши қураш усуллари ва услублари: йирик қишлоқлар аҳолисининг ваҳшийларча қириб ташланиши, вилоятга ҳарбий бригадаларнинг жойлаштирилиши, гаровга олиш, гаровдагиларни бутун гуруҳи билан отиб ташланиши, большевикларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан қилган зўравонликлари, уларга қарши жазолаш экспедицияларини ташланиши, талон-тарожлари ва ҳ.к., совет ҳарбий кучлари ҳам чоризм аскарлари «фалиятидан» унчалик фарқ қилмаслигини кўрсатади.

Чоризм томонидан белгиланган ўлкани маъмурӣ бошқаришининг мустамлакачилик тизими, шунингдек Туркистонда Совет ҳокимиятининг никобланган мустамлакачилиги туб аҳоли томонидан

ватанини оёқости қилаётган чет эл босқинчилиги сифатида қабул қилинди ва шу сабабли ундан халос бўлиш истаги кучли эди. Ўрганилаётган даврдаги миллий-озодлик ҳаракатлари ўлка ижтимоий ҳаётининг доимий равишда амал этувчи омилига айланди. Унинг барча босқичларида: маҳаллий чиқишилар, чоризм давридаги 1885, 1832, 1898 ва 1916 йилги халқ қўзғолонлари, XX аср биринчи ўн йиллигининг охиридаги мухториятчилик ҳаракати ва унинг биринчи миллий демократик давлатчилик намунаси бўлган - «Туркистон мухторияти»ни ташкил қилиш тажрибаси, Туркистон халқларининг большевиклар режимига қарши сал кам йигирма йил давом этган умумхалқ куролланган қаршилик ҳаракатидан тортиб, то Туркистондаги миллий-коммунистик мухолифатгача бўлган курашларнинг асосий шиорлари мустамлакачилик тизимини қулатмоқ, эркинликни қўлга киритиш, шарқ цивилизациясининг миллий қадриятларини қайта тиклаш асосида миллий давлатчиликни яратиш ва шу кабилар эди.

Мамлакатнинг миллий-ватанпарвар кучлари ташвиш солувчи фурсатга мослашиб, давлат механизми, умуман, сиёсий ва ижтимоий тизим асосларининг мақбуллиги ва уларни демократлаштириш йўллари тўғрисидаги саволга жавоб топишга ҳаракат қилишарди. Мазкур ижтимоий тузумда улар Туркистон халқларининг жадал ривожланиш йўлига ўтишининг белгиловчи омилларини куришарди. XX асрнинг бошида Туркистон Бухоро ва Хоразм тараққийпарварлари томонидан ишлаб чиқилган миллий давлатчиликни ислоҳ қилиш дастури умуминсоний қадриятлар ҳамда замонавийлик талабларининг миллий ўзига хослик билан туташиб кетишининг умумлаштирувчи маслагини намоён этган эди.

Бугунги мустақил Узбекистонда юз бераётган жараёнлар миллий ватанпарвар кучларнинг озодлик-мустақиллик учун олиб борган курашларининг ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга эканлигидан даалолат беради. Жамиятнинг демократлашуви, давлат органларининг ваколатини ҳамда шахснинг ҳуқуқий мақомини шакллантириш ва белгилаш тартиби асослари, жамият қурилишининг турли соҳаларида бугунги мустақил Узбекистонда рӯёбга чиқарилаётган ишларда ўз аксини топмоқда. Мустақил давлатимиз фаолиятининг асосий йўналишлари нафақат ўн йилликлар оша ўтган тарихий эҳтиёжнинг, балки ватанимиз тараққийпарвар кучларининг демократия, ўз халқини жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми дебтан олиш томон салкам асрий интилишининг натижасидир. Бу Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гарови»<sup>1</sup> эканлигига бўлган ишончи аждодларимиз орзу-умидларининг рӯёбга чиққанлигини яна бир бор тасдиқлайди.

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.,1997,151-бет.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон» 1977, 140-б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. «Ўзбекистон», 1998.
3. О совершенствовании деятельности Института истории А.Н. Республики Узбекистан. Постановление Кабинет Министров Республики Узбекистан от 27 июля 1998г. Народное слово, 1998, 29 июля.
4. «Петербургские ведомости», «Дело», «Русский мир», «Биржевые ведомости», «Новое время», «Голос», «Отечественные записки», «Московские ведомости» ва бошқа кўплаб нашрларда.
5. Г.Л.Дмитриев. Депеша Е.Скайлера и проблемы Среднеазиатской политики царизма 70-х гг XIX в. Материалы по истории, историографии и археологии. Сб.науч.тр. №517. Т.,1976.
6. Романовский Д.И.Заметки по Среднеазиатскому вопросу. Спб.,1868;
7. Костенко А.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. Спб.,1871;
8. Григорьев В.В. Русская политика в отношении Средней Азии. Спб.,1874;
9. Иванов А. Русская колонизация в Туркестанском крае. Спб.,1890;
10. Абаза К.К. Завоевание Туркестана. Спб.,1902; Кологриев Ю.В. Русские владения в Средней Азии. Спб., 1898.
11. Крафт Н.И. Судебная система в Туркестанском крае и степных областях. Оренбург, 1898;
12. Каплун В.Н. Положение об управлении Туркестанского края. Т., 1903;

13. Трегубов С.Н. Прокурорский надзор в народном суде Туркестанского края. Журнал Министерства юстиции №11-12. Спб., 1903;
14. Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах Средней Азии. Суды казиев. Т., 1910;
15. Вощинин В. Очерки нового Туркестана. Свет и тени колонизации. Спб., 1914;
16. Гессен В. О судебной власти. Сб.Судебная реформа. Т.1.М., 1915.
17. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т.І-ІІІ. Спб.,1906.
18. Добромуслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912.
19. Алексеенков П. Кокандская автономия. Кн.: Революция в Средней Азии.Т.,1928.
20. Галузо П.Г. Туркестан - колония. М., 1929.
21. Галузо П.Г. Троцкистско-колонизаторская концепция истории российского господства в Средней Азии. Революция в Средней Азии. Сб.3. Т., 1932;
22. Гуревич А.О. Положение на историческом фронте Средней Азии. Революция и культура в Средней Азии. Сб.1. Т., 1934.
23. Мустафа Чокаев. Туркестан под властью Советов. Оксфорд, 1986.
24. К изучению истории. Сб.статей. М.,1937;
25. Якунин А.В. О применении понятия «наименьшее зло» в оценке присоединения к России нерусских народностей. Вопросы истории. 1951, №11;
26. М.В.Нечкина. К вопросу о формуле «наименьшее зло». Вопросы истории. 1951, №4;
27. Материалы объединённой научной сессии, посвящённой истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. Т., 1955.

28. Материалы объединённой научной сессии, посвященной прогрессивному значению присоединения Средней Азии к России. Т., 1959;
29. Раджабов С.Р. Роль великого русского народа в исторических судьбах народов Средней Азии. Т., 1955;
30. Гапуров М.Г., Росляков А.А., Аннанепесов М. Братство навеки. К 100- летию добровольного вхождения Туркменистана в состав России. Ашхабад, 1983;
31. Коцбергенов Р. Прогрессивное значение присоединения Каракалпакии к России. Нукус, 1973;
32. Навеки вместе. К 250-летию добровольного присоединения Казахстана к России. М., 1982.
33. Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии Т., 1959;
34. Азадаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в. Очерки социально-экономической и политической истории. Т., 1965;
35. Зияев Х.З. Средняя Азия и Поволжье. Т., 1965;
36. Тухтаметов Т.Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX- нач. XX в.в. Т., 1966;
37. Садыков А.С. Экономические связи Хивы с Россией во второй половине XIX- нач. XX вв. Т., 1965;
38. Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане Т., 1969;
39. Ҳидоятов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. Т, 1969;
40. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии. М., 1974.
41. Межрегиональное совещание по проблемам национально-освободительных движений в Средней Азии и Казахстана. Т., 23 декабря 1987;
42. Военная экспансия и колониальная политика царизма в Средней Азии. Т., май 1990.

43. История и историография национально-освободительных движений второй половины XIX-нач. XX вв. В Средней Азии и Казахстане. Т., Фан, 1989;
44. Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Т., Фан, 1991;
45. Зияев Х.З. Национально-освободительное движение 1916 г. Общественные науки в Узбекистане. 1991, №7;
46. Абдуллаев Р.М. Из истории национального движения в Туркестане после Февраля 1917 г. Общественные науки в Узбекистане. 1993, №4;
47. Садыков Х.Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за независимость в начале XX века. Автореф.дис...докт.ист.наук. Т., 1994;
48. Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии. История и историография колониальной политики царизма в Туркестане. Т., 1995;
49. Алимова Д.А. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Т., Фан, 1996;
50. Тұплам: Файзулла Хұжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Т., Фан, 1997;
51. Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане. (1867-1917) Т., Фан, 1997;
52. Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918гг.;
53. Зиёев Х.З. Туркистанда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., 1998.
54. Абдурахимова Н.А. Мустамлакальная система власти в Туркестане. Автореф. дис... доктора ист.наук. Т., 1994;
55. Тилавов А.Т. Становление и развитие советской политической системы (1917-1924). Автореф. дис...доктора ист. наук. Т., 1992,

56. Становление и развитие политической системы в советском Туркестане: опыт и уроки. Т.,1992;
57. Ташкулов Д. Основные направления политico-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX-нач.XX вв. Автореф. дис... доктора юрид.наук. Т., 1995;
58. Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти . Т., Фан, 1996.
59. Туркистон Мухторияти: борьба за освобождение и независимость (1917-1918 гг.) Автореф.дис.. докт. ист. наук. Т.,1996;
60. Хайдаров М.М. Централизаторская политика советской власти в Туркестане и ее последствия (1917-1924) Автореф.дис...канд.ист.наук. Т., 1998.
61. «Кенгаш» (1917), «Улуг Туркистон» (1917); «Наша газета» (1917, 1918); «Туркестанский курьер» (1917); «Туркестанский вестник» (1917).
62. Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Т.,1992;
63. Мунаввар Кори. Хотираларим Турон тарихи. 1992-1994, №1-3;
64. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бури ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан. Хотиралар. Т., 1997.
65. Собрание узаконений и распоряжений, издаваемое при Правительствующем Сенате. Спб. Пг., 1863-1917, 1865 й.
66. ЎзР МДА. И-336-450 жамғарма. Управляющий местным населением центра области.
67. Романовский Д.И. Заметки по Среднеазиатскому вопросу. Спб., 1968.
68. А.Юнусов. Башкерия. Ислам в контексте Российской истории. Азия и Африка сегодня, 1998 №3, С.63.
69. «Москва» газетаси, №53, 1867 йил 8 март.

70. «Биржевые ведомости» газетаси, 1867 йил 28 июль.
71. Киняпина Н.С. Административная политика царизма в Средней Азии в XIX веке. Вопросы истории, 1983. №4.
72. ЎзР МДА, И-1 жамгарма.
73. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П.Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 1885.
74. «Русский вестник», 1868, №5. X. Зиёевнинг «Завоевание Бухарского эмирата и Хивинского ханства царизмом» мақоласи. Общественные науки в Узбекистане. 1990, №8.
75. Свод законов Российской империи. Спб., 1892.
76. Гирс Ф.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Спб., 1888.
77. Проект положения об управлении в Семиреченской и Сырдарьинской областях. Спб., 1867.
78. Обзор Сырдарьинской области за 1885г. Т., 1886.
79. ЎзР МДА. И-17 жамгарма.
80. ЎзР МДА И-36 жамгарма.
81. Бродский Л. К 35-летию Ташкентского городского общественного самоуправления. Т., 1912.
82. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором графом К.К.Паленом. Сельское управление: русское и туземное. Спб., 1910.
83. ЎзР МДА. И-88 жамгарма. Туркестанская контрольная палата.
84. Вексельман М.И. Ўрта Осиёда Россиянинг монополистик ва хорижий сармояси. XIX аср охири - XX аср боши. Т., 1987.
85. ЎзР МДА. И-270 жамгарма.

86. ЎзР МДА. И-19 жамгарма.
87. Сборник циркуляров, изданный по Главному тюремному управлению в 1879-1910 гг. Спб., 1911.
88. Сирдарё комитети 1979 й., Фаргона комитети 1882 й., Самарқанд хайрия комитети 1888 й. ташкил қилинди.
89. ЦГИАЛ, 1343-жамгарма.
90. Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане. Т., 199.
91. Кривошеин А.В. Записки главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. Спб., 1912.
92. Положение об управлении Туркестанским краем. Спб., 1886.
93. Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Краевое управление. Спб., 1910.
94. Стенографический отчет Государственной Думы, созыв IV, сессия V, заседание 17, 15 декабря 1916 г.
95. ЎзР МДА И-7 жамгарма.
96. Статический обзор Ферганской области за 1914 г. Скобелев, 1917.
97. Гинзбург А.И. Русские в Туркестане. М., 1991.
98. Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства, хлопкоторговли и хлопковой промышленности Туркестана. М., 1929.
99. Юнусходжаева М.Ю. Из истории землевладения в дореволюционном Туркестане. Т., 1970.
100. Восстание 1916 года в Средней Азии. Сб. документов. Госиздат УзССР. Т., 1932.
101. Полный свод законов, З собрание, т.1, №350.
102. ЎзР МДА И-81 жамгарма.
103. ЦГВИА, 400-жамгарма.
104. За кулисами охранного отделения. Берлин, 1910.
105. Падение царского режима. 1925.

106. «Голос минувшего» журнали, 1917, №9-10.
107. Самарқанд вилояти бўйича 1906, 1907, 1908, 1910 йилги статистик ҳисоботларга кўра тузилди.
108. Урта Осиё ва Қозогистондаги 1916 йил қўзголони. Ҳужжатлар туплами (рус тилида) М., 1960.
109. Сапаргалиев Г.С. Карательная политика царизма в Казахстане. Алма-ата, 1966.
110. Абдураҳимова Н.А., Садыков А.С., Шамамбетов Б.Ш. Политические процессы в Туркестане, 1905-1917 гг. Нукус, 1988; Зияев Х.З. Национально-освободительное движение 1916 г. «Общественные науки в Узбекистане», 1991.
111. «Туркестанский голос» газетаси, 1916, №70.
112. Турсунов Х.Т. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Т., 1962.
113. «Туркестанский курьер», №151, 1917 йил 4 март.
114. «Красный архив», №1, 1927.
115. Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915-1917 гг. и ее проявления в Туркестане. Т., 1971.
116. ЎзР МДА. И-150 жамғарма.
117. Сборник узаконений и распоряжений правительства, №79, 1917.
118. ЎзР МДА. И-1044 жамғарма.
119. Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана. Автореф... канд. ист. наук. Т., 1995.
120. Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 гг. Автореф... док. ист. наук. Т., 1998.
121. Рубакин И.А. Россия в цифрах. Спб., 113-бет.
122. ЎзР МДА, И-1-фонд.
123. Кауфманский сборник. Москва, 1910.
124. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т.3, Спб, 1906.

125. Верещагин В.В. Самарканд в 1868 году. «Русская старина». 1889.
126. Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края. М., 1980.
127. Чижов В. Культурные преобразования К.П. Кауфмана в Туркестане. Одесса, 1915. Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане. Т., 1969.
128. Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению, в 2-х частях.
129. Дмитриев Г.Л. Депеша Е. Скайлера и проблемы Среднеазиатской политики царизма 70-х годов XIX в. Сборник научных трудов ТашГУ, №817, Т., 1976.
130. Граменицкий О. Очерки о развитии народного образования в Туркестанском крае. Т., 1896.
131. Давлат Думаси IV чакириқ V сессияси 17-йилиши стенографик ҳисоботи, 1916 й. 15 декабрь.
132. «Асхабад» газетаси, 1906 йил 29 январь.
133. Гернет М.Н. История царской тюрьмы. Т.5. М., 1956.
134. Овирский О.Я. Революционные движения в царской армии в Туркестане. Т., 1960.
135. Тутунджан Т. Пятьдесят лет восстания Туркестанских саперов. Т., 1962.
136. Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915-1917 г.г. и её проявления в Туркестане. Т., 1971.
137. Ж.«Красный восток», т.1, 1927.
138. «Красная газета». №176, 26 июля 1923 г.
139. Фёдоров Г.П. Моя служба в Туркестане. «Исторический вестник». Сентябрь-октябрь 1913.
140. Зайончковский П.А. Правительственный аппарат самодержавной России в XIX в. Москва, 1978.
141. УзР МДА, И-18-19-фонд.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ</b>	
<b>XIX асрнинг 60-йиллари - 80-йилларнинг ўрталарида Туркистонда Россия мустамлака тузумининг қарор топиши.....</b>	<b>29</b>
1. Туркистон вилоятида ҳарбий-маъмурий ҳокимият тизимининг юзага келиши.....	29
2. Туркистон генерал-губернаторлигига ҳокимият тузилиши ва унинг функциялари.....	41
<b>II БОБ</b>	
<b>Туркистонда мустамлака тузумининг мустаҳкамланиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари.....</b>	<b>86</b>
1. Мустамлака бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши. Чоризмнинг кӯчириш сиёсати.....	86
2. Ҳокимият, полиция ва суд органлари: уларнинг жазолаш функцияларини кентгайиши.....	123
3. 1917 – 1920 йилларда Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият.....	148
<b>III БОБ</b>	
<b>Мустамлака маъмуриятининг шахсий таркиби тавсифи.....</b>	<b>169</b>
1. Туркистон олий бюрократияси.....	169
2. Ўлка ва вилоят амалдорлари.....	204
3. Уезд ва волост ҳукмдорлари.....	212
<b>Хулоса.....</b>	<b>221</b>
<b>Адабиётлар.....</b>	<b>230</b>
	239

**Н.А.АБДУРАХИМОВА, Ф.Р.ЭРГАШЕВ**

**ТУРКИСТОНДА ЧОР МУСТАМЛАКА  
ТИЗИМИ**

“Академия” нашриёти  
Тошкент, 2002 й

*Мухаррир Б.Рустамов  
Мусаҳҳиҳ Т. Соатова  
Рассом Р.Султонов  
Техник мухаррир, компьютерчи Л.Фахрутдинова,  
Нашр учун масъул Д.Кобулова*

Теришга берилди 03.04.2002 й. Босишига рухсат этилди  
19.12.2001 й. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли босма  
табоги 15,0. Нашриёт хисоб табоги 14,0 Адади 2000. Баҳоси  
шартнома асосида. Буюртма № 3839.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компаниясининг босмахонаси.  
700083, Тошкент, Буюк Турон кӯчаси, 41-уй.